

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОГЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИНИНГ ЎҚУВ-ДАВОЛАШ-ИЛМИЙ  
МАЖМУИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ БИРИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ПАТОЛОГИК  
ФИЗИОЛОГИЯДАН АМАЛИЙ  
МАШГУЛОТЛАР БҮЙИЧА  
ҚҰЛЛАНМА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрга  
махсус таълим вазирлиги тиббиёт олий  
ўқув юртлари талабалари учун ўқув  
құлланмаси сифатида тасдиқдаган*

Тошкент - 1994

Кўлланма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув-метод хонаси, тиббиёт институтлари Ректорлари Кенгаши хузуридаги патологик физиология бўйича ягона мавзудаги комиссия, Тошкент Давлат 1- ва 2- тиббиёт институтларининг Илмий Кенгашлари ҳамда Республика патологик физиология илмий жамиятининг таклифига биноан тиббиёт ҳамда фармацевтика (жумладан патология курсидан бошқа) институтларининг патофизиология (шунингдек умумий патология) кафедраларида ўтказиладиган амалий машгулотлар учун мўлжаллаб тузилди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўrsatган фан арбоби, тиббиёт фанлари ректори, проф. Н.Х. Абдуллаев, проф. Х.Ё. Каримовлар таҳрири остида.

**Тузувчилар:**

*профессорлар - Н.Х.Абдуллаев, Х.Ё.Каримов.*

*доцентлар - Расулов Ш.И., Эргашев М.К., Азимов Р.Қ.,  
Қодирова М.М., Шаҳбутдинов З.С.,*

*кагта ўқитувчилар - Ҳамидов И.Х., Шарипова П.А.,*

*ассистентлар - Миртурсунов О.Р., Шафиева М.Ф.,  
Хасанова Х.М., Бекжонова Г.М.*

## **СЎЗ БОШИ**

---

---

Ушбу қўлланма Тошкент Давлат тиббиёт институти патологик физиология кафедрасида (кейинчалик Тошкент і педиатрия тиббиёт институтида ҳам) йиллар давомида амал қилинган ўкув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар асосида, барча олий ўкув юртларида олиб борилаётган ва ҳанузгача мавқенини йўқотмаган анъанавий машғулотлар заминида тузилган. Шуни ҳам айтиш ўринники, Тошкент Давлат 1- ва 2-тиббиёт институтлари ва жумхўриятдаги бошқа тиббий олий ўкув юртларида муттасил жорий этиб борилган замонавий фан ютуқлари, айниқса методик имкониятлар соҳасида эришилган ютуқларни хисобга олган ҳолда, кафедра ходимлари томонидан қатор машғулотларга ўзгариш ва янгиликлар киритиб борилган. Республикаизининг мустақиллика эришиши туфайли ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши, олий маълумотли мутахассислар тайёрглашнинг янги асослари, янгича ўқитув воситаси ва усуслари (компьютерлардан фойдаланиш, тест синовлари, рейтинг тизимиға ўтиш ва ҳ.к.)ни кенг жорий этиши ҳақидаги кўрсатмалар, белгиланган қонун ва қарорлар эндиликада тиббиётнинг заминий фанларидан бўлмиш патологик физиология соҳасида ҳам муҳим назарий - усулий янгиликларни назарга олган ҳолда ўкув машғулотларини қайта ишлаб чиқишини тақозо этмоқда.

Булар мазкур қўлланмада маълум даражада ўз аксини топган. Патологик физиология фани бўйича ўзбек тилида чоп этилган дарсликларнинг деярли (таржима қилинганидан ташқари) йўқлиги, шу билан бирга бу фаннинг ўзига хослиги, атама ва ибораларининг мазмун-маъносига кўра мураккаблиги, кўплигини назарда тутиб, қўлланмада ҳар бир мавзуга доир қисқача назарий ахборот беришини, шунингдек, атамаларнинг ўзбекча муқобилларини тушунчалари билан келтиришини лозим топдик.

Бироқ бундай ёндошиш ҳам унбўю қўлланмани камчилик ва нуқсонлардан ҳоли этмайди, албатта.

Шунинг учун қўлланмадаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар учун олдиндан ўз миннатдорчилигимизни изхор этамиз.

**Кўлланманинг умумий тузилиши, машғулотларни  
ташкил этиши ва олиб бориш ҳақида қисқача изоҳ**

Кўлланма патофизиология фанининг типик патологик жараёнлар ва хусусий қисмига оид (одатда III курсдан бошлаб ўтишга мўлжалланган) амалий

## СҮЗ БОШИ

машгулотларларнинг мавзуига тааллуқли қисқача замонавий ахборотларни ўз ичига олади. Ҳар бир дарс мавзуи, мазмунига кўра назарий-амалий қисмдан иборат бўлиб, моддий-техника қуроллари билан таъминланиши шарт. Аммо мавжуд имкониятларга кўра, дарсни турлича ташкил этиш ҳам мумкин. Мас., анъанавий "савол-жавоб" тартибида, тушунча бериш, назорат остида бажариш шаклида, маҳсус лаборатория ва ўқув хоналарида намойиш этиш ёки мустақил машгулот, мунозара-бахс тарзида ўтказилиши мумкин. Олинаётган билимни талаба томонидан ўзлаштирилишини назорат этиш, яъни талабада таҳдилий-синтетик фикр-мулоҳаза юрита билиш қобилиятини шакллантириш ҳамда уни ривожлантириши мақсадида анъанавий савол-жавоб, ёзма иш - реферат ва х.з. дан ташқари, тест-синов усулини кўллашва бунда моддий-техника воситалари, асбоб-ускуналардан (мас., комп’ютерлардан) кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқидir.

Аммо машгулот қай тарзда ўтказилмасин, маълум мантикий тартибдаги мавзу, мазмун, шакл асосида ташкил этилиши шарт. Фикримизча, машгулотларни умуман кўйидаги тавсиялар асосида ташкил этиш ва амалга ошириш анча самаралироқдир.

1. Ҳар бир бўлим бўйича машгулотлар мавзуи, мазмуни, мақсади ва шаклини аниқ белгилаш.

2. Биология, анатомия, гистология, кимё, физик кимё, биофизика биокимё ва физиология фанларидан олинган маълумотлар асосида ҳар бир машгулотда талабанинг мавзуга доир билим доирасини ва даражасини аниқлаш, уларни тартибга келтириш, камчиликларни тўлдириш мақсадида ўтказиладиган савол-жавобларни олдиндан аниқлаб олиш.

3. Машгулотларнинг асосий мазмуни, мақсади ва вазифаларига қўра қандай натижаларга эришиш мумкинлигини, талабанинг аниқ амалий қўнин-маларни ўзлаштириши ҳамда уларни татбиқ эта олиши масалаларини аниқлаш.

4. Зарурий ўқув қуроллари, кўргазма-жадваллар ҳамда лаборатория учун керакли моддий-техника анжомлари, реактивлар, лаборатория ҳайвонларини олдиндан тайёрлаш.

5. Амалий қисм эксперимент - тажриба, лаборатория текцируви ва х.к.га оид усулларни бажаришнинг йўл-йўриклигини аниқ ишлаб чиқиш, баённома (протоколи)ни тузиш ҳақида тушунчалар бериш.

6. Мавзу ва мақсадга кўра аниқ вазифалар ҳамда амалий қисмни бажариш жараёнига оид масалаларни ҳам олдиндан ҳал этиб якун ясаш, навбатдаги машгулот мавзуига оид вазифаларни, тавсия этиладиган адабиётни белгилаш.

Машгулотнинг ҳар бир қайд этилган банди ҳар бир факультеттинг албатта ўз ўқув дастури ва режаси асосида ўз мазмуни, ҳажми, шаклига эга бўлиши, айниқса амалий қисмини ўтказиш вақтлари олдиндан аниқ белгиланиши ҳамда тақсимланиши лозим.

**КИРИШ МАШГУЛОТИ**

**Мавзу.** Патологик физиология фани, унинг назарий - амалий жиҳатдан биологик тиббий фанлар орасида туттган ўрни, вазифалари ва ўзига хос (метод) усуллари ҳақида қисқача тушунча.

**Мақсад.** Патологик физиологиянинг фундаментал (заминий) фан эканлиги, унинг мақсади, вазифалари, бошқа тиббий биологик фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, унинг тиббиёт таълимоти тизимида, назарий ҳамда амалий билим соҳасида туттган ўрни, аҳамияти ҳақидаги тушунчалар билан танишиш.

***Машгулотнинг ташкилий тартиби***

1. Кафедра (унинг тарихи, асосчилари, илмий - амалий йўналишлари ва эришган ютуқлари, ҳозирги кундаги таркиби, ўқув-лаборатория хоналари, кўргазмалари); амалий машгулотларнинг ташкилий шакли бўйича турлари, уларни ўтишдаги асосий талаблар ва талабалар билимини назорат этиш ҳамда баҳолаш усуллари (кундалик ўзлаштириш, маъruzалар ва амалий машгулотларга қатнашиш, тест-вазифалар, комп’ютер хонасида машгулотлар орқали "ўз-ўзини баҳолаш" ва умуман фанни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, назорат этишга қаратилган рейтинг системасига тааллукли масалалар) билан қисқача таништириш.\*

2. Ҳар бир гурухнинг, қолаверса, ҳар бир талабанинг билим доирасини назарга олган ҳолда машгулотларни ўтказиш ўзига яраша педагогик тактика - иш юритишини, мулокотда бўлишни, тахминий бўлсада дастлабки асосларини белгилаб олиши мақсадида аввалги курсларда ўтилган фанлар - анатомия, биология, гистология, кимё, биофизика, биокимё, физиология ва ҳ.к. га тегишли айрим, муҳим йирик масалалар ҳамда тушунчалари ҳақидаги билимини савол-жавоб усулида тёксизиши. Саволлар қўйидаги масалаларни ўз ичига олиши мумкин: мас., ҳужайра ва тўқималарнинг турлари, уларнинг ультратруктур кўринишлари, органеллаларнинг асосий вазифалари; ҳужайра мембрана системасининг роли, ўтказувчалиги ва структураси билан функциясининг ўзаро муносабати, интеграл даражалари; гомеостаз, адаптация (мослашув), компенсация (қисман ёки тўла ўрнини қоплаш); энергетик ва умуман модда алмашинуви ҳамда унинг турлари; Кребс циклининг можияти, идора этувчи системалар ва ҳ.к. ҳақидаги маълумотларни аниқлаш.

3. Мавзу, унинг мақседи ва вазифаларига мувофиқ бевосита машгулот ўтказиши.

4. Тавсия этиладиган асосий дарсликлар, қўшимча адабиётлар ҳақида ахборот бериш ва навбатдаги машгулот вазифаларини белгилаш.

\* Одатда биринчи амалий машгулот маъruzадан аввал бўлиши мумкин, шунга кўра ушбу мавзуда назарий масалалар, тушунчалар ҳақида қисқача ахборот беришга тўғри келади. Шу боисдан биринчи амалий машгулот тузилишга кўра бошқаларидан фарқлиdir.

### **Машгулоттинг қисқача мазмуни**

Тиббий ва биологик фанлар бўйича қадимдан, яъни илмий тиббиёттинг асосчиси Гиппократ давридан бошлаб то шу кунгача гоят кўп, ранг-баранг маълумот ҳамда ахборотлар тўплланган. Сўнгги йилларда эса илмий техника-нинг ривожланиши заминидаги янгича текширув усулларининг қўлланиши туфайли улар янада кўпайиб бормоқда. Шу сабабдан ҳозирги даврда биологик ва айниқса тиббий фанларда дефференциация (яъни фаннинг кичик соҳаларга ажралиши) тобора кўпроқ юз бермоқда. Айни вактда ушибу бўлиннишнинг ўзи тўплланган ва олинаётган маълумот ҳамда ахборотларни маълум бир тартибга - системага келтиришни, уларни саралаб умумлаштиришни ва айниқса, уларнинг асосий қонуниятларини белгилашни талаб қылмоқда. Бундай зарурият эса организмнинг яхлит бирбутунлигини, унинг тузилиши ҳамда функцияларининг бирлиги, унда ҳаёт фаолиятини умумлашган ҳолда идора этувчи системаларининг мавжудлиги ва ниҳоят, организмнинг муттасил ўзгариб турувчи ташки мухит билан динамик мувозанатни муносабатда бўлишга, мослашувга ҳаракат қилиши каби хусусиятларидан келиб чиқади.

Албаттa, бундай вазифаларни фақатгина аҳли вактда ҳам биология, ҳам тиббиёт ҳамда тиббиётшуносликнинг барча соҳалари билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни интеграция қилиш (бир-бирини ўйнунлаштириб боғлаш) хусусияти ва имкониятларига эга фанларгина амалга ошириши мумкин. Ана шундай фундаментал (заминий) фанлардан бири - патологик физиологиядир.

**Патологик физиология** - патологик жараёнлар ҳамда касалликларни юзага келиши, ривожланиши, кечиши ва ғибратларида рўй берадиган функционал бузилишларнинг умумий заминий қонуниятларини ўрганувчи фан. Қисқача қилиб айтганда, у касал организмнинг функционал ҳолати ҳақидағи фанлар.

Патологик физиологиянинг интегратив тиббий биологик фан сифатидаги хусусиятлари унинг текшириш объекти, манбалари, вазифалари, тиббий биологик фанлар ўртасида, тиббий таълимот тизимида тутган ўрни, назарий ва амалий тиббиётдаги маҳияти билан белгиланади.

Патофизиологик текширишлар обьекти - патологик жараёнлар ҳамда касалликлардир. Асосий мақсади эса, уларни пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф этиш механизмларининг заминий қонуниятларини аниклаш ва ўрганишдир. У айрим патологик жараённи патофизиологик нұқтаи назардан таҳлил (анализ) этиш, функционал ўзгаришларнинг биологик аҳамиятини, ўзаро боғлиқлигини, сабаб-ғибратлар муносабатини ва уларни амалга ошишидаги давр, босқичларни (стадия, фазаларини) белгилайди. Касалликнинг патофизиологиях таҳлили органдарининг турли структур-функционал даражаларида ҳар хил түқимла ва аъзоларда ривожланадиган турли кўринишдаги жараёнларни ўзичига олади. Ўзбў жараёнларининг амалга ошиши қонуниятлари ва механизмлари ҳақидағи тасаввурлар системаси патологик жараёни ёки касалликнинг динамик-патогенетик структураси (тузилиши) моделини аввало эксперимент (тажриба) орқали яратади. Ана шу моделини яратиш патофизио-

логиянинг интегратив тиббий биологик фан сифатида асосий вазифаларидан биридир. Бундай моделлардан турли соҳадаги шифокор мутахассислар ўз амалиётида кенг фойдаланадиларки, бу касалликни аниқлаш диагностикаси (ташхисоти), уни даволаш, асоратларининг олдини олиш ва умуман, тибиётнинг ҳар бир зарурий соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда муҳим гаровдир.

Моделлашнинг бир неча турлари, чунончи: биологик, яъни ҳайвонларда олиб бориладиган, тасвирий ёки сўз орқали баён этиб мулоҳаза қилинадиган ва ниҳоят, математик деб аталувчи турлари фарқланади.

Эксперимент (тажриба) - патологик физиологиянинг асосий методларидан бўлиб, бундан физиология, фармакология ва ҳ.к. фанлар ҳам кенг фойдаланади. Аммо патологик физиология экспериментар методларининг бошқа фанларнидан фарқи шуки, бунда одамда учрайдиган ҳар хил патологик жараён ва касалликларни турли лаборатория ҳайвонларида ҳосил қилинб, шу тариқа уларниң сабаблари, юзага келтирувчи шароитлар ва унда ташки мухит омилларининг роли, яъни касалликнинг этиологияси (келиб чиқиши), ривожланиш механизmlари-патогенези, кечиши ва оқибатлари ўрганилади. Олинган натижалар асосида ўйғарниш, бузилишларни бартараф этиш чора-тадбирлари, даволаш воситалари, усуллари ишлаб чиқилади.

Эксперимент (тажриба)нинг моҳияти шуки, у ҳар хил омилларнинг қай бири касаллик сабабчиси эканлигини синиаб кўришга, патологик жараёнининг бошидан-охирига қадар ушбу жараёнида организминг турли интегратларидан (хужайра, тўқима, аъзо, система ва яхлит организм) тузилиши ва фаолиятида юз берадиган ўзгаришларни, уларни бартараф этиш тадбир-чоралари, қайси доривор моддаларни қўллашини аниқлаш ҳамда тикланиш-согайиш механизмларини ўрганишга имконият беради. Ниҳоят, экспериментал шароитда лаборатория ҳайвонларида касаллик ҳосил қилиш билан бирга кучли заҳарловчи, шикастловчи ва ҳ.к. омилларнинг организмга таъсирини ҳам ўрганиш мумкин. Бу эса тиббиёт масалаларига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошилдири. Албатта, ҳар қандай шарт-шароитга амал қилинса ҳам, ҳайвонларда олинган натижаларни одамга бевосита татбиқ қилиб бўлмайди. Аммо ақл-ицроқ, чукур фикр-мулоҳаза ҳамда илмий тадқиқотлар асосида инсон билан ҳайвон ўртасида кўп жиҳатдан, яъни биологик, анатомик, физиологик ўхшашлик борлигини билиши аммо руҳий, ижтимоий фарқларни ҳисобга олган ҳолда олинган натижалардан оқилюна фойдаланиш, тиббиётга, айниқса клиник амалиётга бебаҳо фойда келтирган ва келтирмоқда. Шу сабабли илмий тиббиётнинг равишни экспериментал тиббиёт билан белгиланади, деб таъкидлаш жоиздир.

Экспериментлар мақсадига кўра икки - ўтқир (кескин) ва сурункали (хроник) гурухга бўлинади. Уларни амалга оширишда қўйидаги асосий усуллардан фойдаланилади:

1. "Ўчириб" қўйиш (олиб ташлаш, тўхтатиш, узиб қўйиш) усули. У ёки бу аъзони, тўқима фаолиятини жарроҳлик усуллари ёхуд бошқа таъсиrlар (мас., музлагини, фармакологик моддалар юборини ва ҳ.к.) орқали сўнидириши:

## **СҮЗ БОШИ**

---

2. Қитиқлаш, құзгатиши суули (мас., иервларға ҳар хил йүллар ва воситалар орқали таъсир этиш).

3. Қүшиш суули. Бунда аъзо фәолиятини күчайтириш учун турли усуллардан фойдаланиш мүмкін. Мас., организмга гормонлар, ферментларни юбориш ёки уларнинг фәолиятини күчайтирувчи ёхуд пасайтирувчи, яъни стимуляторлар ва ингибиторлар, антиген (зиддиген) ларни юбориш ва ҳ.к. ёрдамида таъсир этиш.

4. Аъзоларни яккалаш, ажратиб қўйиш ва тўқима кулътураларини олиш суули (мас., иммунологик ўзгаришларни, чунончи анафилаксияни, ўсмалар ва бошгча муаммоларни ўрганишда кенг қўлланиладиган усуллар).

5. Ангиостомия суули. Бунда қон томирлари ёки каналчалар, чиқарув йўлларига канюлалар (найчалар) киргизилади ва улар ёрдамида қон, безлар фәолияти, маҳсулотининг турли таъсирларга қарши берадиган жавоблари, ўзгаришлари изчил кузатиб борилади.

Бундай илмий тадқиқотларнинг натижалари эса тиббиёт амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилгандардан ташқари яна бир неча усуллар ҳам мавжудки, уларни маълум мақсадга кўра турли тарзда қўллаш орқали патологик жараён ёки касаллик модели ҳосил қилинган ҳайвон организмида барча функционал ўзгаришларни, тадқиқотларни интеграл даражада олиб бориш мүмкін.

## I КИСМ

# УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

### 1 БОБ ЭТИОЛОГИЯ ВА ПАТОГЕНЕЗ (қисқача назарий ахборот)

**ЭТИОЛОГИЯ** - касалликни келтириб чиқарувчи турли сабабчи омиллар (факторлар) ва шарт-шароитларнинг организм билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи таълимот.

Касаллик қўзгатиши мумкин омиллар гоят хилма-хил бўлиб, улар кенг тарқалгаңдир. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам касалликка бевосита сабабчи бўлавермайди. Касаллик пайдо қилувчи -патоген омил қуидаги хусусиятларга эга бўлиши, яъни:

- 1) объектив (маълум ва аниқ бор) бўлиши;
- 2) касалликка ўзига хос тус берса олиши;
- 3) организмда даволашга хос жавоб реакцияларини хосил қила олиши керак.

Касалликнинг келиб чиқишида турли шарт-шароитлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Касалликнинг шарт-шароити деганда, унинг пайдо бўлишига имкон берувчи ёки аксинча, унга тўсқинлик қилувчи турли ички - ташқи вазиятлар мажмунини тушунилади. \*

Шарт-шароитнинг этиологик омиллардан фарқи шуки, улар касалликнинг келиб чиқишида ҳал қилувчи, сифатий хосликни белгиловчи эмас, балки ёрдамчи ролни бажаради.

Демак, аксарият касалликлар шарт-шароитсиз ҳам юзага келиши мумкин.

Шундай кўра этиологик омиллар қуидагиларга ажратилади:

1. Маълум шароитдагина касаллик қўзгатувчи (шартли патоген омиллар).
2. Шарт-шароитдан ётғи не ёр (шартсиз патоген), яъни деярли ҳамма вақт касаллик қўзгатувчи.
3. Идиопатент - холис омиллар. Одатда улар бе зарар хисобланувчи

\* Мазкур бўлим бўйича З ачалий мантулог режалантирилган ва уларнинг мазмунини бир-бирига узни боргина даггини кўздалтиб тегинили назарий ахборотларни бириничи манигулодга келтириши макъсади а мўвофиқдир.

## **I ҚИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

омиллар (мас., турли овқат мөддалари, дори - дармонлар)дир, лекин бәзі организмлар уларға нисбатан касалликнинг ривожланиши билан жавоб беради (мас., турли аллергик реакциялар ва ҳ.к.).

Этиологик омиллар ташқи - экзоген, ички - эндоген омилларга ажратылади.

**Ташқи - экзоген омилларға:** 1) механик; 2) физик; 3) химический; 4) биологик; 5) алиментар (овқатланишга алоқадор); 6) рухий - хис-хаяжон (эмоционал) омиллар киради.

**Ички - эндоген омиллар:** 1) турли ирсий нүқсонлар; 2) конституцион хусусияттар; 3) организмда турли сабаблар оқибатида юз берадиган ўзгаришлар, мас., қон айланишининг маңаллый бузилишлари, тромбоз ва эмболия, модда алмашинуванинг бузилиши, тұқымаларнинг ялғылданыши, емирилиши ва ҳ.к.дир.

Айрим эндоген омиллар айни вақтда ҳам шарт-шароит, ҳам сабабчи ролини үйнаши мүмкін.

Шарт-шароит омиллар ҳам иккى - экзоген ва эндоген гурухларга ажратылади.

Экзоген шарт-шароит бу иқлим шароитлари, ҳайвонот ва үсимлик дүнёси, овқатланиш тарзи, меңнат шароитларидир. Буларни умуман ижтимой - экологик шарт-шароит (омиллар) деб айтиш мүмкін. Эндоген шарт-шароитлар деганда, одамнинг ёши, жинси ва конституциясига болгылук хусусиятлари, ниҳоят орган ҳамда системаларнинг структур - функционал қолаты (мас., тугма ўзгариш, нүқсон ва ҳ.к.) тушунилади.

Шуну айтиш керакки, у ёки бу омил маңлым вақтда касалликнинг келиб чиқишида шароит ролини үйнаса, боңқа вақт унинг сабабчиси бўлиши мүмкін. Мас., юқори даражадаги иссиқ ҳарорат турли касаллклар (чунончи, ичак касаллклари)нинг келиб чиқишида шароит бўлса, боңқа вақтларда (мисол учун, гипертремия - иссиқланишда) касаллик кўзгатувчи (сабаб) бўлади.

Шарт-шароит омиллар ўз таъсирини этиологик омилларга ҳам, организмга ҳам кўрсатади. Бундай таъсирлар организм учун ижобий ёки салбий аҳамиятга эга бўлиш" мүмкін.

Касаллик этиологиясини билиш уларни тұғри, мақсадға мувофиқ даволаш (этиотроп) чораларини қўллаш, уларнинг олдини олиш (профилактика) ва бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишида катта аҳамиятга эга.

**Патогенез** - бу касалликнинг келиб чиқиши, шаклланиши, кечиги.. ва якунланиш механизмларини ўрганишdir.


Патогенез касаллик кўзгатувчи омилларнинг шикастловчи таъсирлари ҳамда организмда юз берадиган ўзгаришларни ва организмнинг жавоб реакцияларини ўз ичине олади.

Касаллик патогенези биринчидан, этиологик омилларнинг табиати, кучи, таъсир қилиши жойи, муддати ва организмда ўзгарувчанлиги ҳам тарқалиш йўйлари ва ҳ.к.га болглиқ; иккинчидан, патогенез организмнинг хусусиятларига боғлиқдир. Мас., затылжам (пневмопия) касаллинини пайдо қилувчи омиллар

организмга нафас олиш йўллари орқали кирганда, ич терлама касаллигини қўзгатувчи омиллар эса ингичка ичакка ўтганда касаллик қўзгатади. Бошқа тўқималарга эса улар шикастловчи таъсир кўрсата олмайди. Организм ҳар хил ва аксинча, бир хил жавоб реакциясини бериши мумкини, бу ушбу омилнинг бирламчи таъсир қилган жойига боғлиқдир. Пирамидон ва камфора турли гурухларга оид ва турлича таъсирга эга дори препараторларидир, аммо уларни қорин бўшлигига юборилса, талвасага тушиш ҳамда томир тортишишлар, мушакларнинг тарангланишиб қисқариши каби (бир хил натижали) жавоб реакциясини пайдо қиласди. Яна бир мисол, кальций хлорид эритмаси қон томирига юборилса, организм ундан шифо олади, агар тери остига юборилса, у тўқималарни емиради. Касаллик сабабчисининг тарқалиш йўллари ҳар хил ва уларни билиш гоят катта аҳамиятга эга. Айрим касаллик тарқатувчиларнинг ўзига хос тарқалиш йўллари мавжуд, улар умуман қон (гематоген), лимфа йўллари (лимфоген), нервлар (нейроген) орқали, шунингдек турли бошқа йўллар (мас., ҳаво йўллари, сийдик ажратиш йўллари, каналлар, найчалар ва ҳ.к.) орқали ҳам тарқалади. Касалликнинг тарқалишида энг қисқа йўл бу нерв - рефлектор йўл ҳисобланади.

Хар бир касалликнинг патогенез гоят мураккаб ва кўп қирралидир, чунки бунда сабаб-оқибат (натижажа) муносабатлари деган муаммо юзага келади. Бу эса касаллик патогенезида жуда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, баъзи касалликлarda этиологик омил факат касалликнинг бошланишидагина ўз таъсирини қисқа муддат кўрсатади холос (мас., механик, юқори ҳароратли омиллар). Бироқ касаллик давом этибгина қолмай, балки ривожланаверади. Этиологик омил таъсирида юзага келган ўзгариш, ёки оқибат энди ўз навбатида кейинги ўзгаришларнинг сабабчисига айланиб, иккинчи оқибатга, у эса навбатдагилари ва ҳ.к. га олиб келади. Демак, ҳосил бўлган биринчى оқибат иккинчى сабабга айланиб, учинчى оқибатга олиб келади ва ҳ.к., яъни касалликда узлусиз патологик занжир юзага келиб, у давом этаверади. Мас., травматик шок мисолида буни яқъол кўриш мумкин.



## **I ҚИСМ. ҮМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

Бундай ҳолатларда патогенездаги асосий ва иккиламчи ҳалқалар - погоналарни аниқлад, уларнинг олдини олиш, бартараф этишга қаратилган тадбир-чораларни күллаш зарур.

Айрим ҳолларда сабаб - оқибатлар ўртасида ўрин алмашуви рўй бериши мумкин. Бунда организм патологик гирдобга тушиб қолади. Мас., МНС нинг тормоззланиши оқибатида гипоксия юзага келиб, у ўз навбатида бош мияда ҳам кислород этишмаслигига сабаб бўлади. Бунинг натижасида эса тормоззланиш жараёни янада кучаяди. Касаллик патогенези организмнинг этиологик омил таъсири қўлган вақтидағи ҳолатига boglik, mas., нерв системасининг функционал ҳолати, яъни тормозланган ёки қўзгалган бўлишига қараб касалликлар ҳар хил кечиши мумкин.

### **Электр токи ва унинг таъсири ҳақида ҳисбача ахборот**

Маълумки, электр токи қуйидаги ҳусусиятлари билан таърифланади:

а) куч билан, яъни Ом қонунига кўра токнинг кучи (I) унинг V қуввати

(V) ва қаршиликка (R) boglik ( $I = \frac{V}{R}$ ). Қаршилик қанча кам R бўлса, элекстр токининг кучи, демак таъсири, шунчалик оғир бўлади. Агар 5-8mA кучга эга бўлган ток салғина сезилари оғриқ бериб томирларнинг бир озгина тортишишига сабаб бўлса, токнинг кучи 13-17mA бўлганда эса гоят кучли оғриқ ва томир тортишиши содир бўладики, бунда ҳатто қўлни элекстр манбаидан тортиб олиш имконияти йўқолади;

б) токнинг қуввати. Қуввати 16-20V га тенг элекстр токи одатда сог одам учун хавфли ҳисобланмайди, аммо у заифлашгац, мадорсизланган, элекстр токига нисбатан терисининг қаршилиги камайгая (мас., бадан териси нам) бўлса, шундай қувватли ток ҳам хаётта хавф солиши мумкин;

в) элекстр токи - доимий ёки ўзгарувчан ток. Паст частотали ток хавфли ҳисобланади, юқори частотали ток эса (мас., УВЧ) юқори қувватли бўлсада хавфсиз, шунинг учун тиббиётда ундан беморларни даволаща фойдаланилади. Бунда тўқималар исиб, моздалар алмашинуви, фагоцитоз, иммуногенез маълум даражада кучаяди, яъни изжобий натижалар кузатилади;

г) токнинг таъсири этиш муддати (экспозицияси) таъсири этган жойи ва ўйналишининг турлича бўлишига кўра ҳар хил оқибатларга олиб келади. Чунончи, агар элекстр токи ўтаётган йўлида ҳаёт учун энг зарур аъзолар (мас., бош мия, юрак) жойлашган ва ток узоқваqt таъсири этган бўлса, электротравма (электрдан шикастланиш) дигир оқибатларга - ўлимга олиб келиши мүқаррар.

Элекстр токининг шикастловчи таъсири ва унинг оқибатлари организмининг қуйидаги ҳусусиятлари ва ҳолатларига:

а) қаршилик кўрсатилишига. Одатда таркибида сув кам тўқималарнинг токка нисбатан қаршилиги юқори бўлади;

б) организмнинг элекстр токи таъсири қўлган вақтда қандай функционал ҳолатда бўлишинга, айниқса марказий нерв системасининг тормозланган (мас., наркоз таъсирида) ёки қўзгалган ҳолатда эканлигига boglik.

Элекстр токининг организмга таъсири маҳаллий ва үмумий бўлиши

мумкин.

**Маҳаллий таъсири:** 1. Электротравма вақтида электр энергияси иссиқлик энергиясига айланса, токнинг кираётган ва чиқаётган жойларида куйиш содир бўлади. 2. Электрокимёвий таъсир. Токнинг ионланиши ва қутбланиши натижасида тўқималарнинг физик - колloid ҳолатлари ўзгариб, турли таркибий - функционал ўзгаришларга олиб келади. 3. Электромеханик таъсир. Агар электр энергиясидан механик энергия ҳосил бўлса, унинг натижасида турли жароҳатлар -мас., суяқ синиши, пай узилиши каби оқибатлар юзага келиши мумкин.

**Умумий таъсири.** Электр токининг умумий таъсири, аввало, унинг таъсир қилган жойи ва йўналишига боғлиқдир. Бунда барча системаларнинг, аввал нерв ва мушак системаларининг шикастланиши кузатилади. У рефлектор фаолиятнинг сусайиши, силлиқ ва кўндаланг-тарғил мушакларнинг кескин қисқариши, шунингдек нафас мушакларининг кескин қисқариши туфайли нафас тўхташинга (нафаснинг тўхташи электр токининг нафас марказига бевосита шикастловчи таъсирига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин) сабаб бўлади ва натижада ўлим рўй берishi мумкин.

Айrim ҳайвонларда ўлим юрак фаолиятининг тўхташи натижасида юз беради.

## АМАЛИЙ КИСМ

### 1 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Этиологик омилларнинг тавсифи ва организмга таъсири.\

**Мақсад.** Этиологияга оид баъзи бир масалалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва эксперимент - тажрибада физик омиллардан бирй - электр токининг организмга таъсири мисолида токнинг тури, кучи, таъсир этиш жойи, муддати, йўналиши ва организмнинг ҳолатига кўра юз берадиган ўзгаришларни, уларнинг оқибатларини ўрганиш.

**1-вазифа.** Электр токининг сичқон организмiga таъсирини кузатиш. Сичқонни тажриба учун мослаштирилған штативларга ўрнатилади. Аввал унинг ҳар дақиқадаги нафас мароми саналиб, кейин унга 1,3,5...8 сек давомида 12 V ли электр токи билан таъсир қилинади. Бунда ҳайвоннинг нафас олиши ва умум ҳатти -ҳаракатининг ўзгаришларига эътибор берилади. Кейин штативлар орқали бир неча марта 220V ли электр токи ўtkазилади. Энди ҳайвонда нафаснинг тўхтаб тикланиши, яъни ҳар гал нафаснинг қанча вақт (дақиқа)дан сўнг тикланишига дикқат берилади. Агар ҳайвон ўлса, дарҳол унинг кўкрак қафасини очиб, юрак қисқаришлари ҳали сакланганлигини кўриш мумкин.

**2-вазифа.** Электр токининг таъсир қилган жойи ва йўналишига қараб бақа юраги фаолиятига ток таъсирини кузатиш.

## **I ҚИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

Орқа мияси механик йўл билан емирилган бақани Конгейм тахтасига ўрнатиб, унинг кўкрак қафасини очиб қўйилади. Юрагининг уриц тезлиги аниқлангандан сўнг 1-2 сек давомида 12V ли электр токи билан таъсир қилинади. Бунда электродлар аввал бақанинг кейнинг оёқлари (панжалари)га, кейин олдинги оёқларига тегизилади, сўнг юрак фаолиятининг ўзгаришлари кузатиб борилади.

**З-вазифа.** Аввал атропин юбориб ишланган бақа юрагига электр токи таъсирини кузатиш.

Кўкрак қафаси очиб қўйилган бақанинг юрагига аввал атропиннинг 0,1% ли эритмасидан 2 томчи томизилади, бир оздан сўнг электр токи билан унинг олдинги оёқларига таъсир қилиниб, юрагининг фаолияти кузатилади. Электротравма вақтида юрак фаолияти тўхтамайди. Бу ҳол электр токи таъсирида адашган нервнинг кўзғалишига боғлиқ деб тушунтирилади. Чунки атропин парасимпатик нерв медиатори бўлиб, ацетилхолинни парчаловчи фермент - ацетилхолинэстераза фаолингини оширади. Тажриба бу фикрни тасдиқлайди.

Тажрибадан олинган натижалар баённомага ёзилиб, хулоса чиқарилади.

## **2 МАШГУЛОТ**

---

**Мавзу.** Касалликнинг ривожланишинда ташқи шароитларнинг аҳамияти.

**Мақсад.** Ҳар хил ташқи шароитларда организмнинг матъум бир этиологик омилга қарши жавобларини кузатиш, уларни баҳолаш ва изоҳлаш.

**Вазифа.** Ташқи муҳит ҳарорати ҳар хил бўлган шароитларда сичқон организмда гипоксиянинг ривожланишиний кузатиш.

Тажриба учун иккита оқсичқонни ҳажми бир хил - 250 см ли (зич ёпилувчи) шинса банкаларга алоҳида-алоҳида жойлаштирилади. Биринчи банкани ҳарорати +40°C сувли, иккинчисини эса ҳарорати +5°C даги совук сувли идишларга ботирилади. Ҳар иккала идиш (стакан)лардаги сув ҳароратини ўша даражада (керак бўлса биринчисига исенқ сув, иккинчисига муз солиб) сақлаб турилади. Кейин ҳайвонларда гипоксиянинг ривожланишини кузатилади. Тажриба давомида ҳайвонларнинг умумий ташқи қиёфалари, хатти -ҳаракатлари ва айниқса, нафас маромининг ўзгаришларига эътибор берилиб, яшай олиш муддати аниқланади.

Кузатилишни натижалар баённомада акс эттирилиб, ҳайвонларнинг мунтазам сенаб борилган нафас маромининг эрги чизиги тузилади.

Одатда аср-мұхит ҳарорати +40°C бўлган шароитдаги сичқон ўртача хисобда 20 дақика, +5 °C дагиси эса 50 дақика яшиади.

Агар тажриба вақтида сичқонлар ўтирилан банкалардаги газлар таркиби таҳлил (анализ) этилеа, кунига берилиган жадидларни натижаларни кўрини мумкин.

**Герметик (зич ёпилган) банкалардан  
олинган җаво таҳлили натижалари**

Вақти (дақықа)	Газ таркиби, %, 40°C	Газ таркиби, %, 5°C
20	O <sub>2</sub> - 8,3 CO <sub>2</sub> - 9,6	O <sub>2</sub> - 10,5 CO <sub>2</sub> - 8,0
50	-	O <sub>2</sub> - 3,7 CO <sub>2</sub> - 14,3

Олинган натижалардан қўйидаги хulosага келиш мумкин:

1. Тажрибада ҳайвонларнинг ўлимига сабаб - гипоксия.

2. Иссик (+40°C) шароитда бўлган сичқон совук (+5°C) ҳароратдагига нисбатан тез ҳалок бўлади. Сабаби, иссиқ шароитдаги ҳайвон тажриба вақтида доимо тез-тез ҳаракатланиб, безовта бўлади (баённомага қаранг).

3. Жадвалдан қўриниб турнибдики, сичқонларнинг ўлим шароити бир хил бўлмаган. Иссиқ шароитдаги сичқон банкадаги кислород миқдори 8,3% га тушгандай ўлган. Совук шароитдагисининг ҳаёти ҳали давом этиб, кислород миқдори 3,7% гача камайгандагина ўлган. Демак, ҳайвонларда кислород тақчиллигига сезгирилик ёки чидамлилик бир хил бўлмаган.

Совук шароитдаги сичқоннинг нисбатан чидамлилiği унда совук таъсирида аввало МНС нинг тормозланишига (унинг баённомада акс эттирилган хатти - ҳаракатига эътибор қилинг) боғлиқ бўлиши аниқдир. Бу фикрни кейинги тажрибада ҳам тасдиқлаш мумкин.

### **3 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Касалликнинг көлиб чиқишида организм ички шароитининг тутган ўрни.

**Мақсад.** Ички шароити ҳар хил бўлганда организмнинг маълум бир этиологик омилига қарши жавобини кузатиш, уни баҳолаш ва изоҳлаш.

**Вазифа.** МНС фаолияти ҳар хил ҳолатда бўлган сичқонларда гипоксиянинг ривожланишини кузатиш.

Тажриба учун иккита оқ сичқон олинади. Биттасида наркоз ҳолати ҳосил қилинади - бунинг учун унинг териси остига тексеналнинг 0,5% эритмасидан (ҳайвоннинг ҳар 100 г оғирлигига 2,0 мл ҳисобида) юборилади. Одатда 3-5 дақиқа орасида сичқон наркотик уйкуга кетади. Кейин наркотик ҳолатдаги сичқонни иккинчи, хушёр - нормал ҳолатдаги сичқон билан биргаликда герметик ёпиладиган банкага жойлантириб, хона ҳарорати шароитида уларда гипоксиянинг (илгариги машгулодагицек) ривожланиши кузагилади.

## **I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

Бутажрибада сичқонлардан биттаси ўлиши билан банка дарҳол очилиши керак. Одатда хүшёр - нормал сичқон наркотик уйқудагидан өлдин, яъни тез ҳалок бўлади, чунки наркоз вақтида организмда кислородга талаб камайиб, ҳайвонда кислород озайишига сезувчанлик ҳам камайиши сабабли яшаш муддати узаяди.

Агар натижা айтилгандек бўлса, аввалги тажрибадан чиқарилган хулосанинг яққол исботи ҳам бўлади.

### **МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР**

1. Патологик физиология фани, унинг вазифалари ва тиббиётдаги аҳамияти.
2. Патологик физиологиянинг усувлари.
3. Касаллик ҳақида таълимот. Касаллик ҳақидаги тушунчани аниқ таърифлаб беринг.
4. Касалликнинг ривожланишини бошқарувчи механизmlарни айтинг.
5. Касаллик даврлари.
6. Патологик реакция, патологик жараён, патологик ҳолат ва "касаллик олди" ҳақида тушунча беринг.
7. Этиология, касалликнинг этиологик омиллари нима?
8. Касалликнинг келиб чиқишида шароитларнинг қандай аҳамияти бор?
9. Касаллик қўзгатувчи омилларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва таъсир қилиш механизmlарини айтинг.
10. Этиологиянинг амалий тиббиётдаги аҳамияти.
11. Патогенез. Патогенезни ўрганишининг аҳамияти.
12. Касалликнинг ривожланишида этиологик омил кучининг ҳамда унинг таъсири қилиш жойининг аҳамияти.
13. Этиологик омил таъсири муддатининг аҳамияти.
14. Касалликнинг организмда тарқалиш йўллари.
15. Патогенезда сабаб - оқибат муносабатлари нима?
16. Касалликни ривожланиши ("порочные круги")да хавфли занжирсизон муносабатларни тушунтиринг.
17. Гомеостаз масалалари. Организмни бошқариш даражалари.

## **2 БОБ**

### **ШИКАСТЛАНИШ ВА ҲУЖАЙРА ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ**

#### **ШИКАСТЛАНИШ**

##### **Тушунчა, сабаблари, кўришишлари, турлари**

Тўқима, аъзо ёки системада юзага келадиган ҳар қандай касаллик аввал ҳужайра тарқибий тутилниши ҳамда фасолятининг бузилиши-шикастланнишидан ва айни замонга таънодиган юз берган нафтидан оқ организмдаги барча тўқим-азарнинг жойи жилиши туғандан улағ таъмонидан ривожланаувчи ҳимоявий -

мослашув реакциялари билан бошланади. Демак шикастланиш деганда, ҳужайранинг ҳар хил интеграл (молекуляр, органеллалар, мембранные, яхлит ҳужайра, ҳужайралараро муносабатлар ва ҳ.к.) даражадаги тузилиши ҳамда фаолиятининг бузилиши тушунилади.

Шикастловчи омиллар ўзининг табиати, таъсир этиш механизмлари, белгилари, шунингдек, ҳужайраларнинг қайси тўқимага мансублиги ва ҳ.к. га кўра икки асосий-ўзига хос (специфик) ва умумий, яъни хос бўлмаган (носпецифик) турга ажралади. Ундан ташқари содир бўлган ўзгаришлар оқибатига кўра унинг яна тикланадиган ва тикланмайдиган иккти тури ҳам фарқланади.

Муаллифлар томонидан ушбу бўлим ва мавзуга оид маҳсус методик қўлланма чоп этилган. Ундан фойдаланиш тавсия этилади.

1. Ўзига хос (специфик) шикастланиш ва унинг кўринишлари, биринчи навбатда таъсир этадиган омилларнинг табиатига боғлиқдир. Мас., кимёвий омиллар ферментлар фаолиятини тормозлайди, физик омиллар эса (мас., термик, механик) тури ва ҳ.к.га кўра ҳар хил ўзгаришларни, жумладан коагуляцион, радиацион чуқур таъсиirlар-эркин радикалларнинг кўплаб ҳосил этилиши орқали чуқур ўзгаришларни содир этади. Натижада ҳужайра ва уни таркибий қисмларнинг ўзига хос тузилиши бузилади. Специфик шикастланиш, айниқса, биологияк омиллар (микроб, бактерия, вирус ва ҳ.к.) таъсир этганда намоён бўлади.

2. Хос бўлмаган (носпецифик) шикастланиши ва унинг кўринишлари-ҳужайра ичди ацидоз, шиши ундан  $K^+$  ионларининг чиқиши,  $K^+$  ва  $Na^+$  мувозанати (насос) нинг бузилиши ва б. шу каби умумий ўзгаришлар билан ифодаланади.

Шикастланишда, аввало, ҳужайра ва унинг тузилмалари ўргасида меъёрдағи нотенглик йўқолиб, тузилишида, фаолиятида тенглик-бефарқлик пайдо бўлади. Умумий патология нуқтаи назаридан қараганда, оқсил табиатли молекулаларнинг хос бўлмаган бузилиши унинг денатурациясидир. Бундай шикастланишга дастлаб ҳужайра мембранные (ҳам ташқи, ҳам ички) тузилишининг бузилиши, яъни улар ўтказувчанигининг ортиши ҳосидир ва у асосий ўрин тутади. Юқори ва қўйидаги баён этилган ўзгаришлар ана шунга боғлиқдир. Ундан ташқари, ҳужайра рецепторлари, аденилциклаза тузилмаси фаолияти ва бу орқали ҳужайраларнинг ўзаро алоқалари ҳамда муносабатларининг бузилиши (мас., ўсмаларда ана шу сабабли ҳужайра тузилиши ва фаолиятини идора этишга қаратилган сигналлар-хабарларнинг қабул қилинмаслиги) кузатилади. Мембрана системасининг бузилиши, айниқса унинг ўтказувчанигининг ортиши шикастланишда ва касалликнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Ҳужайра ичидаги тузилмалар-митохондриялар, эндоплазматик тўр (ретикулум), Гольжи апарати, микросомалар, лизосомалар, ядро ва ҳ.к.нинг бузилиши натижасида аввало модда алмашинувининг бузилиши кучаяди. Ана шу сабабли ҳужайра ичди ацидоз, шиши, оқсиллар денатурацияси, литик (эритувчи) ферментлар фаолиятининг кучайиши кузатилади. Ҳужайранинг нафас олиши, оксидганиш-тикланиши ва фосфорланиши каби жараёнлар ҳамда реакцияларнинг издан чиқиши, энергия тақчиллиги ва шу каби чуқур ўзгариш

## I ҚИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

лар руй беради. Шикастланишда, уни пайдо қилған омилларнинг дастлабки таъсиридаёқ (яъни бирламчидан таъсири жараённида) "шикастловчи медиаторлар" деб аталадиган биологик фаол мөддалар ҳосил бўлади. Улар ўз навбатида қон ва лимфа орқали иккиламчи маҳаллий (мас., яллиғланицидаги "иккиламчи дистрофия") ҳамда гоят оғир, умумий тус олади ан (мас., шок каби) қатор ўзгаришилар, ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундай медиаторларга гистамин, серотонин, адреналин, ацетилхолин, турли хил кининлар ва б. киради.

Хужайраларо муносабатга тарнинг ўзгариши натижасида уларнинг бир-бирига мослашиб, айни вақтда маълум реакция-вазифа-ишларни бажаришдаги синхронли (вақт жиҳатидан бир-бирига мос ҳолдаги) хусусият йўқолади, жараёнлар пасайиб, парчаланиш кучаяди, протоплазманинг коллоид дисперслиги камайиб, ёнишқоқлиги ортади, оксилларнинг сорбцион-сўриб олиш хусусиятлари эса кучаяди. Оқибатда тўқима, аъзо, системаларнинг тузилиши ҳамда фаолияти бузилади ва ниҳоят, касаллик ривожланади.

**Химоявий-адаптация (мослашув) реакцияларнинг кўринишлари**

Юқорида айтилганидек, шикастланиш билан бирга айни вақтда унга қарши, унинг кучини сусайтирувчи, бартараф этувчи ёки хужайрани юзага келган ушбу шароитга мослаштириш, фаолиятини саклаш, пировардида унинг тузилиши ҳамда бирмунча тиклакларни таъминлашга қаратилган талайгана реакциялар ривожланади.

Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Хужайра ва унинг ички тузилмалари фаолиятининг ошини.
2. Гликолиз (хам аэроб, ҳам анаэроб)нинг фаоллашуви ва полифермент тизимларини ҳам жалб этилиб ишга тушиши, субстратларда электронларни алмаштиришнинг осонлашуви.
3. Шикастланишни бартараф этишига қаратилган фермент тизимларнинг фаоллашуви (мас., тромбокиназа-протромбин-тромбин-фибриноген-фибрин ва ниҳоят, тромб-тиқин ҳосил бўлиб, қон кетишининг тўхтаси).
4. Литик-эритивчи таъсири этадиган ферментларнинг фаоллашуви ва бунинг натижасида шикастловчи омил, унинг маҳсулотлари ҳамда талафотга учраган тўқима, хужайралар ва уларнинг қолдиқлари парчаланиб, организмга безарар ҳолда (ахлат, асосан сийдик билан) чиқарилиб юборнишга тайёрланиши.
5. Химоявий ва барьер (яъни тўсиқлик қилувчи) омилларнинг хужайра ҳамда гуморал механизмларининг фаоллашуви. Бунга шикастланишда фагоцитознинг кучайиниши, лизоцим ва бошқа биологик фаол мөддаларнинг кўпроқ ҳосил бўлиши оддий мисолдир. Антителолар-антитаналар (зиддитанал:  $r^1$ ) ва бошқа гуморал ҳамда хужайранинг ижобий реакциялари, асосан, химоя этиши, мослашиш ва тикланишга қаратилгандир.

## АМАЛИЙ ҚИСМ

**Мавзу. Хужайранинг шикастланиши.**

**Мақсад. Шикастланиш патофизиологияси, унинг патологияда туттган ўр-**

ни ва моҳияти ҳақида тушиучи хосил қилиш. Турли экзоген (ташки) омиллар таъсирида ҳужайра шикастланишининг умумий ривожланиши механизmlари, кўринишлари ва оқибатлари, яъни умумий патофизиологиясига оид масалалар билан танишиши.

#### **4 МАШГУДОТ**

**1-вазифа.** Кимёвий, физик ва биологик шикастловчи омилларнинг содда ҳайвонлар (инфузорияларга) таъсирини, ўрганини.

Буниинг учун 4 та ботиқ ойнасимон ишишага аввалдан тайёрлаб қўйилган инфузориялар культурасини бир томчидан томизилади. Биринчи шишаҷадаги культурага колхицинининг 1:1000 нисбатдаги эритмасидан 1 томчи, иккинчисига панкреатинининг 1% ли эритмасидан 1 томчи қўшилади. Кейин уни 1,2 ва 15 дақиқа давомида симоб-кварц ламиаси ёрдамида 20 см масофадан нурлантирилади.

Микроскооп остида (конденсатори туширилган ҳолда) ҳар бир шиша ойнаҷадаги (тайёрлама - препаратларда) инфузориялар ҳаракати кузатилади.

**2-вазифа.** Гистамин ва термик (юқори ҳароратли) омилларнинг бақа териси ўтказувчалигига таъсирини ўрганини.

Бунда иккита ҳаракатсизлантирилган бақанинг орқа оёқлари териси "пайпоқ" шаклида шилиниб, улардан 4 та "қопча" тайёрланади ва бигтасининг териси тескарисига ("астарига") ағдарилади. Ҳамма қопчалар ишиша найчаларга уланади ва метилен кўки бўёғининг 1% ли эритмаси билан бир хил даражада тўлдирилиб, штатия-осмаларга ўрнатилади. Ағдарилган ва ағдаришмаган тери қончалари остига NaCl ининг изотоник эритмаси қўйилади. Учинчи қопча тубига 50°C ли суи, тўртнинчининг тубига эса 1% (0,89 моль/л) гистамин эритмаси қўйилади. Ҳамма қончалар бараварига тегишли моддалар эритмаси қўйилган стаканчаларга туширилади. Бунда бақа териси (унинг ҳужайра мемброналарининг ўтказувчалигини ўзгаришига кўра) ҳамда суюкликлар ранигининг бўянини теззиги, даражаси баҳоланади. Одатда кузатиш 30-40 дақиқа давом этади.

**3-вазифа.** Юрак миокарди ҳужайралари-кардиомиоцитлар шикастланганда уларнинг мемброна системасида ионлар алманишувининг бузилиш жараёни ва оқибатларини кузагини ва ўрганиши.

Тажриба учун 3 та бақа ҳаракатсизлантириллади. Кўкрак қафаси очилади, юрак пардаси-перкирд жуда эктиётлик билан ажратилади. Ҳар учала бақада уч асосий усул орқали ЭКГ ёзиб олинади. Ундан кейин биринчи бақа юрагига строфантин эритмасида намланган тампон-тиқим қўйилади. Бу модда Na, K га боргли АТФазани танлаб (блокада) қамрайди. Учинчи бақа юрагига тетраэтиламмоний эритмасида намланган тиқим қўйилади. Бу модда кардиомиоцит сарколекмасидаги калий каналларини танлаб қамрайди. Ҳамма бақаларнинг 1-2 дақиқа давомида (20-30 секунд орхатиш) ЭКГ си ёзиб борилади ва ундан ўтаринида ҳамда оқибатлар кузатилиб, сўнг мухокама қилинади.

## **I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

### **МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР**

1. Шикастланиш, хужайра патофизиологияси.
2. Шикастланишнинг умумий ва ўзига хос (специфик) кўринишларини айтинг.
3. Хужайранинг шикастланишида мембраналар ўтказувчанлиги бузилишларининг механизмлари ва оқибатларини тушунтиринг.
4. Хужайра шикастланганда энергия ҳосил қилишнинг бузилишини, бўлиши мумкин меҳанизмларини айтаб беринг.
5. Шикастланиш медиаторларининг аҳамияти ва тутган ўрни.
6. Эркин радикалларнинг хужайрага нисбатан шикастловчи таъсирини олдини олишга қаратилган система(тизим)ларни айтинг.
7. Этиологик жараён турига қараб хужайранинг шикастланиш хусусиятларини изохланг.
8. Хужайрада химоя-мослашув ёки адаптация масалаларини айтинг.
9. Шикастланишнинг структур-функционал кўринишлари ва химоя-мослашув реакцияларнинг бирлиги тўғрисида тушунча беринг.

### **3 ВОБ**

### **КОН АЙЛАНИШИНГ МАҲАЛЛИЙ БУЗИЛИШЛАРИ**

#### **АРТЕРИАЛ ГИПЕРЕМИЯ**

Артериал гиперемия - кўпқонлик (тўлақонлик) - у ёки бу сабабларга қўра қоннинг артериялар орқали бирор аъзо, тўқимага ортиқча оқиб келиши туфайли юзага келадиган ҳолатdir.

##### **Сабаблари:**

Аъзо (орган) ёхуд тўқиманинг бирор қисмига нисбатан ташқи мухитдаги турли (жумладан физик, кимёвий ва биологик) омиллар таъсирининг ортиши, руҳий таъсирот ва б.

1. Булардан бир қисми, яъни оддий физиологик таъсиротлар (мас., юкламанинг (нагрузка) ортиши, руҳий ҳис-ҳаяжон) тифайли юзага келадиган артериал гиперемия ишчи (ёки физиологик, функционал) гиперемия деб аталади. Лекин бу турдаги физиологик таъсиротлар ҳам узоқ вақт давом этса, патологик артериал гиперемияни вужудга келтиради. Чунончи, иштаҳани очиш (мурч, гармдори, сирка, саримсоқ ва ҳ.к.) ни ёхуд спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилинганда, турли фармакологик, физик даволаш воситаларини меъёридан ортиқ кўлланганда ҳам ана шундай ҳолат пайдо бўлади.

2. Патологик артериал гиперемия яллигланиш, куйиш, механик омиллар таъсирида шикастланишида ва бошқаларда ҳосил бўладиган гайритабиий қитиқловчилар, яъни кимёвий моддалар, заҳарлар, бузилган модда алмашину-

вииштинг маҳсулотлари таъсирида юзага келади.

3. Айрим шахсларда хатто оддий қитиқловчи таъсирловчиларга нисбатан томирлар сезувчанлигининг ошиши (мас., аллергияда) сабабли артериялар унга ўта кенгайиш билан жавоб беради ва шу тариқа гиперемия юз беради.

4. Күпчилик юқумли қасалликлар (мас., қизамиқ, қызилча, тошмали терлама ва ҳ.к.) да тошма тошиши, юзининг қизарини, мәйлум нерв чигаллари шикастланганда, невралгияларда құл-оёқ ёки тананинг бошқа қисмларида терининг қизарыш артериал гиперемиянинг клиник мисолларидир.

Патогенезига күра артериал гиперемиянинг нейроген ва маҳаллий, кимёвий (метаболик) омиллар күзгатадиган иккى тури фарқланади.

Аммо ўз-ўзидан мәйлумки, артериал күпқонликнинг келиб чиқиши сабаблари турлича бұлса ҳам, механизмлари асосан нерв системасининг таъсири ва ўзғаришларига bogлиқdir. Томирларнинг кенгайиши ёки торайиши экстра- ва интерорецепторларнинг қитиқланиши туфайли рефлектор маҳаллий нервлар орқали аксон рефлекс равищда қон томирларни бевосита кенгайтирувчи периферик (четки) толаларнинг күзгалиши ёки идора этувчи марказларнинг таъсири натижасыда амалга оширилади.

Шулардан асосан нейроген артериал гиперемиянинг нейротомик ва нейропаралитик каби иккى турини тафовут этиш мүмкін. Уңдан ташқари, давомли эзилиш ёки ҳадеб банкалар күйиш туфайли юзага келган маҳаллий қамқонлик - ишемия, шу билан биргә коллатерал артерияларнинг бирдан кенгайиб кетиши оқибатида пайдо бўладиган артериал гиперемия ҳам фарқланади.

Нейропаралитик күпқонлик - қон томирларини қисқарттирувчи вазомотор нерв механизмлари шикастланганда, уларнинг импульсини ўtkазиш йўллари бирор таъсирот ёки фармакологик моддалар билан тўсиб, узуб ёхуд кесиб қўйилганда кузатиласди.

### **Белгилари:**

1. Тўқиманинг тарқоқ қизариши, майда артериялар, артериолалар, капилляр томирларнинг кенгайиши, уларнинг кислородга бой қонга тўлиши.

2. Майда томирлар пульсацияси-зарби. Бу қон келтирувчи артериал томирларнинг фаол очилиши, қон оқимининг тезлашуви, қон томири уриши (тўлқини) нинг кенгайган қон ўзани орқали тарқалиши натижасыда рўй беради.

3. Гиперемия чегарасидаги томирларда босимнинг ошиши. У оқиб келаётган ва ушбу қисмдан ўтиб кетаётган қон миқдорининг кўпайиши натижасидир.

4. Артериал гиперемия доирасида тўқима (аъзо) хажмининг катталиши. У томирларнинг кенгайиши, лимфанинг кўп ҳосил бўлиши, тўқима суюқлигининг метъеридан кўп бўлишига bogлиқdir.

## **І КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

5. Ташқанинг юза қатламларига артериал қонининг кўп келиши натижасида гавда ҳароратининг ошиши, иссиклик ажратиш (терморегуляция) ва ташқарига чиқаришининг кучайиниши.

6. Артериал гиперемия юз берган аъзо на тўқима фаолияти, модда алмашинуви, озиқланишининг ҳади ташқари кучайиниши билан ифодаланади.

Бу ўзинавбатида албатта уларга салбий таъсир кўрсатади. Мас., натологик артериал кўнқонлик қон кўйилшишага олиб келади, бу эса ҳаётга хавф тутдирувчи оқибатларга сабаб бўлади. Артериал кўнқонлик айниқса МНС учун хавфлиидир - бош айчаниши, туввиллаши, оғриги, сезувчаникиниг ўзгариши, баъзи вактларда қон куйилган жойининг катта-кичичлиги ва моҳиятига кўра гоят оғир оқибатларга олиб келниши мумкини.

### **ВЕНА ГИПЕРЕМИЯСИ - ВЕНА КЎНҚОНЛИГИ**

Вена гиперемияси деб, у ёки бу сабабларга кўра веналардан қон оқиб кетишанинг кийинлашуви туфайли тўқима ёки аъзога қон тўлишигага айтилади. Бунда тўқима ёки аъзода қон тўйиниб, ундан оқиб кетаётган қон миқдори камайди.

Вена гиперемиясини наядо қўйувчи ёки унга олиб келувчи сабаблари турлича бўлиб, уларга куйидагилар кирада:

1. Вена томирларининг у ёки бу сабабга кўра жароҳатланиши, эзилиши, сикилиб колини. Мас., лимфатика солинида, ўсма, ҳомила, тўқима чандиги билан эзизб кўйилшиши.

2. Физик ёки кимёвий таъсир оқибатида тўқима озиқланишининг бузилиши, шунга кўра вена томирлари деворларининг бўшашиб кетиши.

3. Веналарда тромб ёки эмбол ҳосни бўлиб, қонининг оқиб ўтишига тўс-қинлик килиши.

4. Юрек фаолияти сусайганда (айниқса ўнг қоринча етишмовчилигига) вена қон томирларида қон димланиб қолини.

5. Ўнка фаолияти, айниқса унинг эластиклиги заифлашганда, кўкрак қафасининг сўриб олиши хусусини сусайнини натижасида катта қон айланими доирасининг вена томирларидаги димланиши.

6. Бембр узоқ вақт ётоқ ҳолатда бўлиб, айниқса танасининг тўшакка, тегиб турган касмида қон айланининг сусайнини туфайли қон димланиши.

7. Вена қон томирларининг язвигланниши, деворларининг қалинилашуви.

#### **Белгилар:**

а) вена гиперемияси юз берган тўқима ёки аъзанинг карбоксигемоглобини миқдори ошино кетини туфайли кўкимтир-қизғини (ишапот) тутга кириши;

б) қон тўйланни туфайли тўқима ёки аъзо дахмининг каттадануви ва

модда алмашинуви секинлашиб, гавда ҳароратининг пасайиши;

в) веналарининг түсікдан кейинги жойларида қон босимининг ҳадудан зиёд ошиб кетиши ва унинг натижасыда қонни юракка қайтишишинг қийинлашуви;

г) түқима, аъзо фаолиятининг сусайиши. Бунинг асосий механизми гипоксиянинг ривожланиши ва модда алмашинувининг бўзилишидир.

Вена гиперемиясининг асоратлари жуда хилма-хил ва ҳаёт учун хавфлидир: улардан энг асосийлари қуидагилар:

1. Кислород таңқислиги авж олиб, түқима озиқланишининг гояи ёмонлашувинатижасида некробиотик ҳамда некротик ўзғаришларининг гюзага келиши.

2. Узоқ давом этган вена қўпқонлигига паренхиматоз ҳужайраларининг ҳалок бўлишига ва уларнинг ўрлини (гипоксия рўй берган ва қонининг тўпланиб, секин оқадиган шароитида нисбатан ўсиб кетадиган) бириттирувчи түқима билан қопланишига олиб келиши.

3. Веналарда қон тўпланиб, гидродинамик босимининг ошиб кетиши натижасида шиши пайдо бўлиши. Бунда суюқликнинг тўқимадан веналарга қайта сўрилишининг қўйинлашуви уибу жойда чала парчалангандан моддаларининг тўпланиб, осмотик ҳамда коллоид бирикмаларини сувга ўчишгининг қуҷайиши (яъни онкотик ва осмотик босимининг ортиши), тўплангансуюқликнинг босими остида қон оқицишининг янада секинлашуви, ва б. ўзғаришлар асосий роль ўйнайди.

## **ИШЕМИЯ - МАҲАЛЛИЙ КАМҚОНЛИК**

---

Организм тўқимаси, аъзосининг бирор қисмига артериялардан қон келишишининг кескин камайиши ёки бутунлай тўхтаб қолиши катижасида унинг қон билан таъминланмаслиги, яъни маҳаллий камқонликни **ишемия** дейилади.

Келиб чиқиши сабабига кўра ишемиянинг бир неча турлари фарқланади:

1. Тўқима, аъзо ёки унинг айрим қисмига қон келтирувчи артериянинг босилиши, эзилиши (мас., артерияни боғлагич-жигут билан қисиб боғланганда ёки ёт жисем билан босиб қўйилганда, ёхуд ҳажми катталашиб қолган бирор аъзонинг сиқиб қўйиши) - компрессион ишемия.

2. Қон келтирувчи артерия кавагининг тромб ёки эмбол билан тиқилиб қолиши, томир деворининг патологик ўзғаришлари (мас., оралигининг битиб кетиши) оқибатида юзага келадиган обтурацион ишемия.

3. Артериал қон томирлари деворларини қисқартирувчи -торайтирувчи нерв тузилмаларининг бевосига қисқариши ёки томирлар ҳаракатини идора этивчи марказнинг қўзғалиши орқали, шунингдек, айрим сабаблар (мас., наст ҳарорат, оғир жароҳатланиши, турли заҳарлар доривор моддалар) таъсирида иннервациянини бузилиши оқибатида пайдо бўладиган пейротоник ёки спастик ишемия.

## **4 КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**4. Организмнинг бирор тўқимаси, аъзоси ҳамда қисмига у ёки бу сабабга кўра қоннинг ҳаддан зиёд кўп оқиб келиши туфайли, айни вақтда бошқа тўқима ва аъзоларда юз берадиган камқонлик + коллатерал ишемия.**

### **Белгилари:**

а) артериал қон томирларининг торайиши, эзилиши, сиқилиши ва ниҳоят, тиқилиб-беркилиб қолиши сабабли қоннинг кам оқиб келиши натижасида тўқиманинг ўзига хос рангини йўкотиб, дастлаб оқариб, сўнг бошқа тусга кириши;

б) қон оқиб келишининг камайиши ва модда алмашинувининг сусайиши туфайли ўша жой ҳароратининг пасайиши ва ўнда аста-секин дистрофия, кейинчалик некротик ўзгаришларининг ривожланиши;

в) ишемияга учраган тўқима, аъзо, қисм ҳажмининг кичрайиши;

г) тўқима, аъзо, кейинчалик эса системалар ва деярли бутун организм фаолиятининг бузилиши (айниқса МНС ишемиясида бундай ўзгаришлар гоят тез ва кучли бўлиб, жиддий тус олади, парез ва фіалаж юз беради).

Модда алмашинувининг бузилиши натижасида чала оксидланган оралиқ моддаларнинг тўпланиши экстра- ва интравенозларнинг бетартгиб ва кучли қўзғалининг олиб келадики, бў ўз наъбатида - "увишиб қолиш", "эт жимирилаши", "санчикли оғриқ" қаби турли нохуш ҳиссиятларга сабаб бўлади.

### **Оқибатлари**

Ишемиянинг оқибатлари, асосан, артериал қон томирларининг торайиб ёки беркилиб қолиши организмнинг қаерида содир бўлгани (айниқса ўша жойда коллатералларининг ривожланиши даражаси ҳамда аъзо, тўқиманинг кислород билан таъминланниш тақчиллиига қаичалик чидамили эканлиги)га багли.

Табиийки, коллатераллар қанча кўп ва яхши ҳамда тез ривожланиш имкониятига эга бўлса, тўқима, аъзонинг тузилиши ва фаолиятининг талофат хавфи ҳам шунчалик кам бўлади. Мас., бош мия, юрак ва буйрак артерия томирларининг ишемияси уларда коллатераллар етарли бўлмаслиги сабабли ҳаёт учун ўта хавфлинидир.

Шуниси эътиборлики, ишемия натижасида тўқима ва ҳужайраларда гипоксия ривожланиши заминида заарли токсик, чала оксидланган оралиқ моддалар ҳосил бўлиши билан бирга, қон томирларини ва коллатерал имконостарни кенгайтирувчи, шу туфайли қон айланишини ростланига қандайдир мослашини а, х.тто ишемия оқибатларини бартараф этишга қаратилган омииллар юзага келади. Бундан компенсатор-адаптив реакциялар аввало яхлит организм, унинг системалари, аъзо, тўқима ва ҳужайралари даражасида ҳам умумий, ҳам маҳаллий ийрои уморал (биринчи наъбатда биологик фаол моддалар) идора этувчи омииллар орқали амалга ошиди.

Ишемиянинг келиб чиқиши ҳамда ривожланиш механизмлари ва унинг ҳаёт учун гоят хавфли оқибати бўлмиш инфарктнинг патогенези, пайдо бўлиш жойи, ташқи кўринишларига кўра уч тури тафовут этилади.

1. Тўқима ёки аъзонинг қон айланиси томирлари жуда кам ривожланган жойида ишемия рўй берса, атрофдаги тўқима томирларининг рефлектор қисқариши ва қон томири анастомозлари орқали қоннинг сиқиб чиқарилиши туфайли оқ инфаркт юзага келади.

2. Инфаркт натижасида некрозга учраган жойга қон қўйилиши -геморрагия сабабли қизил инфаркт пайдо бўлади.

Бундай инфаркт кўпинча ўпкада юз беради. Сабаби, аргериялар "ёпилиб" қолганда уларда босим пасайиши оқибатида аксинча капилляр қон томирлари қонга тўлиб кетишидир. Албатта бу қон айланисини тиклай олмайди ва оқибатда стаз - қон оқими мутлақ тўхташи мумкин. Қон томирлар девори озиқланишининг бузилиши -дистрофик ўзгаришлари натижасида уларнинг ўтказувчанилиги ортади, бу ўз навбатида эритроцитларни ташқарига чиқиши -диапедезга сабаб бўлади.

3. Ниҳоят юқорида қайд этилган ҳар икки инфарктнинг айни вақтда ёки кетма-кет юзбериши оқибатида пайдо бўладиган аралаш инфаркт фарқланади.

## **ТРОМБОЗ**

**Тромбоз** - бу тирик организмда томир ичида қон таркибий қисмлари (элементлари)дан ташкил топган қон лахтаси-тромбидир.

Қон лахтаси томир ички деворига (унда томир ичи қисман тораяди) ва томир кавагига (томирни бутунлай беркитиб қўйиши ҳам мумкин) ўрнашиб қолади. Қайси элементлардан (яъни тромбоцит, лейкоцит ва плазма оқсилларидан) таркиб топганига қараб тромбнинг оқ, (фибрин толалари билан биринккан эритроцитлардан иборат бўлса) қизил, (оқ ва қизил қаватларнинг қат-қат жойлашувидан эса) аралаш турлари фарқланади.

Тромбозни юзага келтирувчи ўзига ҳос сабаблари, аста-секин ривожланиши ва оқибатларига бевосита тааллуқли омиллари ва мураккаб механизмлари, яъни унинг этиология вә патогенезига оид масалалар бир-бирига шу қадар уйғуллашиб кетганки, кўп ҳолларда унинг аниқ сабаби, шарт-шароити ва ривожланиш механизмини фарқлаб олиш жуда мураккаб.

Тромбоз (қисман эмболия ҳам) ҳар хил сабабларга кўра кўпинча турли касалликларнинг бир белгиси, оқибати ёки асорати сифатида вужудга келади. Аммо бунинг учун маълум шарт-шароитлар ҳам мавжуд бўлиши керак. Шу туфайли тромбознинг сабаблари, шарт-шароитлари, оқибати қон томири тўқимасининг тузилиши ҳамда ҳолати, қон таркиби (шаклини элементлари)нинг физик-кимёвий, реологик ҳусусиятлари (айниқса "суюқ-қуюқ", агрегат,

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

---

адгезив ҳолатлари ва ҳ.к.) ҳам миқдорий ҳам сифатий узгаришларига бевоситағынандағы болгаралардың күп қырралы ва мураккаб жараёнлигидан далолат беради.

Тромбоз этиологиясында қон томирлари деворининг шикастланиши, патологик жараёнлар ҳамда касаллуктар үрин тутади. Уларга биринчи навбатда яллигланиш заминнанда кечадиган, мас., ревматизм, тошмали тсрлама, қораоқсоқ-брүцелләз, захм ва бошқа шу каби хасталиклар, шунингдек, бошқа табиатли, мас., атеросклероз, юракнинг ишемик касаллиги, гипертония, аллергик касаллуктар киради.

Тромбоз патогенезида асосан уч хил ("Вирхов триадасы" - учлиги) үзгаришларнинг гоят катта аҳамиятта эга эканлығы үтгандай асардағы аниқланган.

1. Қон томир деворининг физик (мас., механик, травматик, электр токи), кимёвий (мас., NaCl, FeCl<sub>3</sub>, HCl, AgNO<sub>3</sub> ва ҳ.к. тузлар) ва биологик (мас., микроорганизмлар эндотоксини) омиллар таъсирида шикастланиши, озиқ моддалар билан таъминланиши ва умуман, метаболизмнинг бузилиши тромбоз патогенезида мұхим роль йүнайды. Девор олди тромби даставвал қон томирин деворининг шикастланған жойыда өзага келади. Бундан бир томондан шикастланған томир интимасидан қон ивишини таъминловчы вә тромб ҳосил бўлишини фаоллаштирувчи маълум омилларнинг, иккинчи томондан эса - фибринолизин ажралishi ва эндотелийда тромбоцитларга антиагрегацион таъсир кўрсатувчи простациклиннинг ҳосил бўлиши мисолида тушунтириш мумкин,

2. Тромб ҳосил бўлишининг иккинчи мұхим шарти - бу қон таркиби ёки қон томирин деворидаги қон ивиши ва унга қаршилик кўрсатувчи система ҳамда омиллар фаолиятининг бузилишилар. Чунонча, қон ивишини кучайтирувчи прокоагулянтлар (мас., фаол тромботрастин ҳосил бўлишининг кучайиши) ва айни вақтда унга тўқсинглик қилувчи системалар фаолиятининг сусайиши (мас., қонда антикоагулянтлар миқдори камайиб, уларни ингибиция қилувчилар фаолиятининг ортиши) одатда тромб ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай үзгаришлар к'иникада оқибат сифатида қайд қилинади холос. Уларнинг моҳияти, механизмлари ва умуман, жараённинг ривожланишини эса факат лаборатория ҳайвонларида ўтказиладиган тажрибалар орқали батафсил аниқлаша ва ўрганиш мумкин.

3. Тромб ҳосил бўлишининг учинчи (Вирхов учлигига кўра) мұхим сипати - қон оқимининг секинлашуви ва бузилиши (мас., вена гиперемиясида, аневризма соҳасида гирдоб пайдо бўлиши). Бу омилнинг моҳияти камроқ бўлишига қарамай уни эътиборга олиш баъзи масалаларни аниқлашда аҳамиятта молик. Мас., нима учун веналарда артерияларга иисбатан, айниқса организмнинг пастки қисмидаги веналарда юқори қисмдагига қараганда тромб кўпроқ учрашини, бемор узоқ вақт (кўрпа-тўшак қилиб) ҳаракатсиз ётганда, қон айланнини декомпенсациясида ва ҳ.к.да тромбиннинг гоят кўп ҳосил бўлишини

тушунтириш мумкин.

Тромб ҳосил бўлишини шартли равишда икки-хужайравий (тромбоцитлар адгезияси, агрегация ва агглютинациясидан иборат) ва коагуляция (ивишнинг плазматик) босқичларига бўлиш мумкин.

Хужайравий (бирламчи гемостаз) босқич физик-кимёвий мазмуни жиҳатидан қон томирлари деворида тромбоцитлар электронотгенциалининг, бошқа хужайралар зарядининг ўзгариши, тромбоцитларнинг адгезив - агрегацион ҳолати кучайиб, томирлар иңтимасининг шикастланиши туфайли "ёт" бўлиб қолган юзасига чўкиши (адгезия) ва бир-бирига ёпишиши (агрегацияси)дан иборатdir. Ушбу ўзгаришлар аста-секин кучайиб ҳамда чукурлашиб боради ва ниҳоят, тромбоцитлар томонидан тиклаб бўлмайдиган бузилишлар содир бўладики, бундай дезинтеграция ўз навбатида бошқа турли ўзгаришларга туртки беради ва остики тузилмаларга ҳам тарқалишига олиб келади. Бунга аутолитик ферментлар фаблияти ва томирлар ўтказувчанилигининг ортиши ҳамда плазматик мембраналарнинг эришини мисол қилишимиз мумкин.

Тромбоцитлар парчаланиб, улардан қон ивитувчи омилиларнинг теварак-атрофга чиқишидан сўнг тромбознинг навбатдаги -коагуляция (ивишнинг плазматик) босқичи бошланади. Ушбу босқичининг физик-кимёвий ва биокимёвий моҳияти проэнзим тоифасида кетма-кет кечувчи бир неча ўзгаришлардан иборатdir. Ушбу босқичнинг уч даври тафовут этилади.

Дастлабки даврда тўқималар ва қондаги пассив протромбопластин фаол шаклга-тромбопластинга айланади. Иккинчи даврида фаол тромбин ҳосил бўлади ва ниҳоят, учинчи даврида тромбин таъсирида фибриногеннинг фибринга айланаб, қон қуйқасининг ҳосил бўлиши қузатилади. Қон ивишининг ишорвардида бузилмаган - интакт ("соглом") тромбоцитлардан ажralиб чиқувчи тромбостатин (эски номи ретрактозим) таъсирида (электрон микроскоп ёрдамида аникланишича) фибрин толаларнинг худди актомиозинга ўхшаб қисқариши юз беради, унинг натижасида ҳосил бўлган қон қуйқаси сиқилади (ретракцияяга учрайди) ва тромб зичлашади. Ретракция жуда мавҳум жараён, чунки турли (симоб, кобальт, мис, фтор тузлари, эфир, иссиқлик на ҳ.к.) өмиллар таъсир этиб уни бузиши мумкин.

Тромбознинг оқибатлари турлича бўлиши мумкин. Айниқса кўн қон йўқотиши билан кечадиган оғир шикастлашларда тромбиннинг қон кетишини тўхтатувчи энг кучли механизм сифатидаги моҳиятини умумий биологик нуқтаи назардан мослашувнинг кўринишларидан бири деб қараш асослидир.

Айни вақтда тромбнинг турли касалликлар (атеросклероз, облитерация-ловчи, яъни томир кавагини беркитиб қўювчи эндартериит, қандин диабет ва ҳ.к.) жараёнида ҳосил бўлиши у билан тиқилиб, битовланган қон томирлари атрофида ўтга оғир ва хавфли оқибатларига сабаб бўлади. Mac., артериялар

## **І ҚИСМ. ҰМУМІЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

тромбозида -ишемия, веналар тромбозида - вена гиперемияси, қон турғунынги, айни вактда. силлиқ мүшіларнинг рефлектор спастик қисқариши шикастланған тромбоцитлар маҳсулотлари - серотонин, адреналин каби мөдделар таъсирида күчли қисқариши юз беради. Бунда ажралиб-узилиб чиққан тромб ёки үннің бұлаклари тромбоэмболияга ёхуд юпқа деворли веналар ташқарысадағы транссудатдан эзилиши туфайлы қон айланишининг кескін бузилишлары каби оғир оқибаттарға олиб келиши мүмкін.

Тромб ҳосил бұлған, айниңса, коллатерал томирлар кам соҳаларда некрозлар (инфарктлар)нинг ривожланиши тромбоз жараёнининг ниҳоясидир.

Миокард инфаркти рўй беришида тромбознинг роли жуда катта. Атеросклероз, облитерацияловчи эндартерит, қанды диабеттә трофиқ бузилишлар, кейинчалик эса күл-оёқ гангренаси-қорасонининг ривожланиши асосан артериялар тромбозига бөглиқдир. Баъзи бир тромбоген назарияга кўра атеросклерознинг ривожланиши қон томири девори ёки үннің ичида даставал қон ивиши, кейинчалик қайта таркиб топиши пластик жараёнларнинг юз бериши билан тушунтирилади. Үндан ташқари, тромбоз оқибатида асентик (ферментатив, аутолитик) эриш, қайта тикланиши (сүрилиб, бирютирувчи тўқима билан қопланиши), қайта каналланиши (реканализация) ва ниҳогт, (йиринглаб) ириб тарқалиши мүмкін. Булардан сўнгтиси гоят хавфлицир, чунки у турли аъзоларда кўплаб абсцесс ва септикопиемияларнинг ривожланишга сабаб бўлади.

## **ЭМБОЛИЯ**

---

Эмболия - томирларга қон ёки лимфа орқали келған турли таналар (эмболлар) нинг тиқилиб қолиши.

Эмболлар келиб чиқишига кўра ташқи - экзоген (мас., ҳаволи, газли, ёт таналар, бактериал ва паразитар) ва ички - эндоген (мас., ёғ, турли тўқима, хужайра ҳамда уларчинг парчаланиш маҳсулотлари, қогоноқ суви ва х.к.) бўлади.

Эмболнинг жойлашиши (локализацияси) га кўра катта, кичик ва қопқа (портал) вена қон айланиш доиралари эмболияси каби турлари фарқланади. Ушбу ҳолларнинг барчасида эмболларнинг ҳаракати қоннинг табиий с.ч.ми бўйича, яъни олдинга силжинлига мувофиқлашган.

Бундан холоса шуки, катта қон айланиш доирасининг эмболия маинбай ўтика веналари, юрак чап бўлимни бўциликлари ва катта доира артерияларидаги патологик жараёнлардир. Кичик қон айланиш доирасининг эмболияси эса катта қон айланиш доирасининг веналари ва юракнин ўйғармидаги патологик ўзгарышларга бөглиқдир.

Қопқа (портал) венаси хавзасидаги патологик ўзгарышлар үннің эмболи-

ясиға сабаб бўлади.

Ретрограф деб аталувчи эмболия юқоридагилардан ўз ҳаракатининг қонунларига эмас, балки эмболнинг солиштирма оғирлигига боғлиқ қонуниятларга бўйсунган ҳолда вужудга келиши билан фарқланади. Одатда бундай эмболия йирик веналар ўзанларида қон айланиши секинлашганда, ҳамда кўкрак қафасининг сўриш қобилияти сусайганда пайдо бўлади.

Нихоят пародоксал (гайритабиий) эмболия ҳам тафовут этилади. У эмбрионал даврдаёт мавжуд бўлган юрак бўлмачалари ва қоринчалари ўртасидаги йўлларнинг кейинчалик лозим бўлган тўсиқлар билан беркилиб кетмаслиги оқибатида эмболларнинг катта қон айланиши доираси веналари ёки юракнинг ўнг ярмидан кичик қон айланиш доирасини четглаб бевосита чал ярмига ўтиши туфайли ҳосил бўлади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай эмболия тугма юрак порокларида кузатилиди.

## ЭКЗОГЕН ЭМБОЛИЯЛАР

**1. Ҳаво эмболияси** - кучсиз пучаядиган, бўщашибадиган, босимлари нолга яқин ва ҳатто манфий бўладиган йирик веналар (мас., бўйинтурук, ўмровости, мия қалин пардасининг синуслари ва ҳ.к.) шикастланган, айниқса, жароҳатланганда пайдо бўлади. Бунда кўпроқ нафас олиш тезлашганда ҳавонинг кучли сўрилиши туфайли қон айланишининг кичик доирасида эмболия юзага келади. Шунга ўхаш шарт-шароитлар ўнка жароҳати, унда у ёки бу сабабларга кўра деструктив жараёнлар содир бўлганда ёхуд пневмоторакс қўйилганда вужудга келади. Одамда порглаш ёки сув тўлқинларининг кучли зарби, чукурликдан гоят тезлик билан (мас., сув остидан) баландликка кўтарилганда, яъни кўтарувчи декомпрессия вақтида босимнинг бирданига ўзгариши туфайли ҳавонинг ўпкадан қонга кўплаб ва шиддатли ўтиши натижасида ҳам шундай оқибатларни кузатиш мумкин.

**2. Газли эмболия** - декомпрессия ҳолатининг, жумладан, кессон касаллигининг асосий натогенетик бўлими. Атмосфера босими юқори мухитдан нормал босимли мухитга (мас., кессон камераси ва сув остида ишловчиларнинг ўтишида) ёки аксинча, одам нормал босимли шароитдан босими кескин паст бўлган мухитга тушганда (мас., баландликка гоят тезлик билан кўтарилганда) ёки учув аппаратининг учиш вақтида зич беркилиши, яъни герметиклигнинг бузилиши - дегерметизациясида газлар (азот, карбонат ангириди, кислород)нинг тўқима ва қонда эрувчанинги камайиб, улар (аввало азотнинг) -қон томирлари, айниқса катта қон айланиши доирасининг капиллярлари тикилиб, беркилиб қолнишига олиб келади. Анаэроб (газли) гангренада ҳам газли эмболия ривожланishi мумкин.

## **ЭНДОГЕН ЭМБОЛИЯЛАР**

**1. Тромбоэмболия** - эмболия манбаси аксарият тромбнинг ажралган (узилган), бўлакчаларицир. Тромб узилишининг сабаби; асосан, унинг тўлаттўкис бўлмаслиги ва тромбнинг "касаллигидан" далолат беради. Тромбнинг асептик ёки иирингли яллигланиши оқибагида кўнчилик ҳолларда катта қон айланниш доираси веналарида, маҳ., оёқ веналари, чаноқ вено зойламлари, жигар веналарида тромбоэмболия ва ҳ.к. юз беради. Ўпка артерияси ва уч тавақали қонқоқларнинг яллигланиши заминида юзага келувчи тромбоэндо-кардит ўпка артериясининг тромбоэмболиясига сабаб бўлади.

**2. Ёғли эмболия** - ёғ томчиларининг қон оқимига эндоген (камдан-кам экзоген) йўл билан тушиши натижасида пайдо бўлади. Ёғ томчиларининг қон оқимига тушиб қолишига, кўпинча, сукъ ҳамда тери ости ёки чаноқ ёғ клетчаткаси, ёғ босгани бошقا аъзоларнинг шикастланиши сабаб бўлади. Ёғ эмболиясининг манбаси асосан катта қон айланниш доирасининг ҳавзасида жойлашганилиги учун кичик қон айланниш доирасининг қон томирларида намоён бўлади. Фақат кейинчалик (иккиччи даврда) ёғ томчилари ўпка капиллярлари (ёки кичик доира анастомозлари) орқали юракнинг чап ярмига, ундан кейин эса катта қон айланниш доирасининг артеријаларига ўтиши мумкин. Бўнга кичик доирада капиллярнинг мўллиги, уларнинг нисбатан кенгаючанилиги, ўпка артериолаларининг ритмик кенгайини, шунингдек юракнинг ритмик қисқариши кўмаклашади ва сабабчи бўлади.

**3. Тўқима эмболияси.** Шикастланишида қон айланнишининг кичик доира тизинига организмнинг айникеа сувга бой бўлган тўқима-аъзолари (сукъ кўмиги, мушаклар, бони мия) шинг бўлакчалари ва ҳатто ҳужайралари (маҳ., жигар трофобластлари) келиб тушиши мумкин. Артерия деворларидан патологик жараёнлар вақтида, маҳ., атеросклерозда бўтқасимон ёғ массалари - атеромалардан бўлакчалар узилиб чиқиб, қон оқимига тушиши ва катта қон айланниш доираси артеријаларининг эмболиясига сабаб бўлиши мумкин.

Қон томирларининг хавфли ўсма ҳужайраларидан ҳосил бўладиган эмболияси айникеа муҳим аҳамиятга эга, чунки бу метастаз юз беришининг асосий механизмида бўридиц.

**4. Қогоноқ сувли эмболия.** Туѓрукда йўлдош ажралган қисмда шикастланиши бачаидон томирларига қогоноқ сувларининг тушиб қолишидан пайдо бўлади. Ўнанинг артериола ва капиллярларида амиотик суюклиқнинг қаттиқ заррача-бўлакчалари (маҳ., меконий) тушиб қолиши каби кичик қон айланниш доирасининг эмболиясига ҳос клиник бечтилари билан намоён бўлади. Эмболиянинг бу түр тўқима эмболиясига қашни фибринолитик системаси эмоциональни кутказни (демак бачаидондан қон кетишнишан тўхтамаслиги)

билин фарқланади.

Эмболияларнинг клиник белгилари ва оқибатлари уларнинг жойлашган соҳасига (локализацияси), яъни, кичик ёки катта қон айланиш доирасида ёхуд қопқа пена системасида бўлса ўша қисмида коллатерал қон айланиши қанчалик ривожланганига, нейрогуморал идора этилишининг қай даражадалиги, эмболининг катта - кичиклиги, таркиби, қон оқимига тушиш тезлиги ва ниҳоят, организмнинг реактивлигига боғлиқдир. Шунга кўра эмболия белгиларининг даражаси, кечиши ва оқибатлари ҳам турлича бўлади.

## АМАЛИЙ КИСМИ

### **5 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Артериал гиперемия (артериал кўпқонлик)

**Мақсад.** Артериал гиперемиянинг турлари, сабаблари, ривожланиш механизmlари, белгилари ҳамда оқибатлари ҳақида тушунча олиш ва уларни тажрибалар ёрдамида ўзлаштириш.

**1-вазифа.** Қуён қулогида кўпқонликни ҳосил қилиш ва унинг ташқи белгиларини кузатиш.

Қуён қулогини ишқалаб ёки унга томир кенгайтирувчи бирор модда суркаб артериал кўпқонликни ҳосил қилиш мумкин. Сўнг унинг ташқи белгилари - маҳаллий ҳароратнинг ошиши, қон томирларининг кенгайиши, ҳатто майда қон томирларининг кенгайиб қонга тўлиши каби ўзгаришлар кузатилади.

**2-вазифа.** Бақа тилида артериал кўпқонликни ҳосил қилиш ва унинг белгиларини микроскоп остида кузатиш.

Тайёрланган бақа тили препаратига илиқ физиологик эритма томизиб артериал кўпқонликни пайдо қилиш.

Ушбу тажрибаларда турли таъсирларни бошлишдан аввал ҳам кейин ҳам томирларда (йирик ва майда томирларда) қоннинг оқиш тезлигини кузатиб, умуман фаол ишлаетган томирлар сонини аниқлаш, ҳароратини ўлчаш, ҳажмини олгилаш лозим.

### **6 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Вена гиперемияси - вена кўпқонлиги.

**Мақсад.** Маҳаллий қон айланиши бузилишларидан бирин бўлган вена кўпқонлиги, унинг сабаблари, турлари, ривожланиши механизmlари, белги ва оқибатлари ҳақида тушунча олиш, ҳамда уларни тажрибада мустақил равишида ҳосил қилиб, ўрганиши ва ўзлаштириши.

**1-вазифа.** Қуён қулогида вена кўпқонлигини ҳосил қилиш учун унинг веналари сиқиб қўйилади. Бунинг учун қуён қулогига кесилган тиқин (пробка) (arterияларни ҳоли қолдириш мақсадида) қўйилиб уни резина бояглич ёрдамида қисилади. 30-50 дақиқадан кейин вена кўпқонлигининг қонга тўлиб кетиши ва б.шу каби барча белгилари яқъол намоёи бўлади.

**2-вазифа.** Бақа тилида яқъол кўришиб турған ҳар икки веналарни бояглаш орқали веяна кўпқонлигини ҳосил қилини мумкин. Бунда аввал тил препаратини тайёрлаш, ҳали бузилмаган қон айланиний ўрганилгандан кейин, вена томирлари аввал бир томондан, сўнг иккинчи томондан бояланади. Шунда венага қон тўпланишини, қон оқимининг ўзгариши, қон томирларининг кенгайиши ва уларнинг қонга тўлиб кетиши, қон ҳаракатининг сустлашуви ва ниҳоят, тўхтаб қолинини кузатиш мумкин.

## 7 МАШГУЛОТ

**Мавзуу.** Ишемия - маҳаллий камқонлик.

**Мақсад.** Ишемия - маҳаллий камқонлик ва унинг сабаблари, ривожланиши механизмлари ҳамда оқибатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, уларни тажрибада мустақил равнишда ҳосил қилиш, ўрганиш ва ўзлаштириш.

**1-вазифа.** Қуён қулогида компрессион (эзилиш, босилиш) ишемия ҳосил қилиб, унинг ташки белгилари, коллатерал қон айланининг ривожланишини, у орқали қон билан таъминланишини ва ҳ.к.ни кузатиш, баҳолаш.

Қуён қулогига икки чети нов шаклида қирқилган (веналари ҳолидаш учун) тикин (пробка) қўйиб, артерияларни жут-бояглич билан сиқиб бояглаш натижасида қуён қулоги рангини, қон айланинини, ҳарорати ва бошқа шу каби ўзгаришиларни тегилмаган ("сог") қулокдаги белгилар билан қиёслаб кузатиш. Ушибу ҳолни бармоқлар билан артерияларни сиқиб қуён қулоги оқаринини, сўнг коллатераллар орқали унда қон тўпланишини ҳам кузатиш мумкин.

**2-вазифа.** Адреналин тахсирида бақа тилида гуморал спастик (торайиш) ишемиянинг ривожланишини, белгиларни ва умуман, юз берадиган ўзгаришларни кузатиш.

Конгейм тахтасини ёйилган бақа тили препаратида аввал (ҳали ўзгаришига учрамасдан олдин) қон айланинини мас., томирларининг қон билан тўзиши, қон оқимининг тезлигини, сўнг 1-2 томчи адреналин (1:1000) зритмасини томиглишиб, юзага келадиган ўзгаришларни кузатиш.

**3-вазифа.** Бақа тилига кучси злектр токини кисқа муддат таъсир этти-

риб, рефлектор нейротоник ишемиянинг юзага келиши ва ундаги ўзгаришларни кузатиш. Ҳудди шу усууда ёйилган бақа тилига электр токи билан бевосита таъсир этиб, унда рефлектор ишемия ҳосил қилиш ва юз берадиган ўзгаришларни кузатиш.

**4-вазифа.** Бақа тили артерияларини боғлаб қўйиш орқали компрессион ишемиянинг яна бир турини ҳосил қилиш, ўзгаришларни кузатиш.

Бақа тили артерияларини ип ўтказиб (лигатура қўйиб) боғлаб қўйилгач, содир бўладиган ўзгаришларни кузатиш.

Қўйидаги жадвалда кўрсатичган шакл ва тартибда тажрибалар жараёни ва натижаларини ёзма қайд этиш мақсадига мувофиқдир.

## 2-жадвал

### Ишемия, артериал ва вена гиперемияси белгиларининг қиёсий жадвали

Кўрсаткичлар	Ишемия	Артериал гиперемия	Вена гиперемияси
Қон оқиб келиши	Камаяди	Кўпаяди	Ўзгармайди (дастлаб)
Қон оқиб кетиши	Секинлашади	Тезлашади	Секинлашади
Қон босими	Камаяди	Ошади	Ошади
Қон оқиши тезлиги	Камаяди	Ошади	Камаяди
Тўқума ранги	Оқаради	Қизаради	Кўқимтириб бўлади
Тўқума ҳарорати	Пасаяди	Ошади	Пасаяди
Тўқума ҳажми	Камаяди	Ошади	Камаяди

## 8 МАШГУЛОТ

### Мавзу. Тромбоз ва эмболия

**Мақсад.** Қон айланишининг маҳаллий бузилишиаридан ҳаёт учун хавфли тромбоз ва эмболиялар, уларнинг келиб чиқни сабаблари

**1-вазифа.** Қорин бўшлигига очилгандан сўнг бақа ичактутқичининг махсус таҳтачага тортилиши жараёнида кўлланяладиган механик таъсирлар (шикастланиш)дан кейин бақа томирларида оқ тромбларнинг ҳосил бўлишини кузатиш ва таҳлия этиш. Конгейм таҳтачасига орқа мияси махсус иғна билан бузиб ҳаракат сизлантирилган бақани чалқанчасига ёғизиб, қорин бўшлигига очилади, эҳтиётлик билан ичактутқичини олиб таҳтачанинг ён тешигига (дарчасига) тортилади, кейин унинг қон айланишин микроскоп орқали ўрганилади. Бир оздан сўнг ичактутқич қон томирларининг у ёки бу қисмида оқ тромблар наайдо бўла бошлагач, ундаги ўзгаришлар кузатилади.

## **І КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**2-вазифа.** Қон томирларини шикастлаб (мас., механик, кимиёвий омилар таъсир эттириб) уларда қизил тромбларнинг ҳосил бўлишини кузатиб тавсифлаш.

Ҳаракатсизлантирилган бақанинг тахтагча тешикчасига тортилган ичактутқичи қон томирининг девори ёнинг пинцет ёрдамида ош тузининг кичик бўлакчаси қўйилиб, қизил тромбнинг ҳосил бўлиши кузатилади.

**3-вазифа.** Бақа юрагига бевосита ёғ томчилари юбориб, қон томирларида ёғли эмболия ҳосил қилиш ва унда рўй берадиган ўзгаришларни кузатиб таҳдил килиш.

Юқоридаги бақанинг кўкрак қафасини аста-секин очиб, юрагининг ташқи пардаси охратиб олингач, қоринчасига ширин орқали 0,2 мл ўсимлик мойи юборилади. Кейин ёғли эмболиянинг томир иҷидати ҳаракатини кузатиб, ўрганилади.

### **МАВЗУТА ОИД САБОЛЛАР**

1. Микроциркулятор оқим, унинг нормада ва патологиядаги аҳамияти.
2. Қон айланиши маҳаллий ўзгаришларининг турлари, сабаблари ва ривожланиш механизmlарини айтинг.
3. Артериал гиперемия. Унинг ҳосил бўлиш сабаблари ва механизмини айтинг.
4. Артериал гиперемиянинг бёлги ва асоратларини тушунтиринг.
5. Вена гиперемияси ва унинг сабаблари. Вена гиперемияси белгилари.
6. Вена гиперемиясиниг асоратлари.
7. Ишемия. Ишемиянинг пайдо бўлиш сабаблари ва турларини изоҳланг.
8. Ишемия асоратлари.
9. Инфаркт ва унинг ривожланиш механизми ҳақида тушунтиринг.
10. Тромбоз, тромб ҳосил бўлиш сабаблари ва механизми.
11. Тромбоз асоратлари.
12. Эмболия, унинг тарқалиш йўлларини айтинг.
13. Эмболия асоратлари.

### **4 БОБ**

#### **РЕАКТИВЛИК ВА УНИНГ ПАТОЛОГИЯДАГИ РОЛИ \***

Экспериментал ва клиник текширишлар ҳар бир касалликнинг юзага келиши, оғир ёки енгил кечиши, асоратлар бериши ёхуд асоратсиз ўтиши фақат қўзгатувчилари-сабабларигагина эмас, балки организм ўзининг уларга

\* Ушбу бўлим бўйича кафедра томонидан "Организм реактивлигининг патологиядаги роли" методик тавсияномаси чоп этилгани сабабли назарий қисмга оид ахборотларни батафсил берилмади.

нисбатан умумий қаршилик күрсата олиш кучи ва чидамлилiği каби хусусиятларига ҳам боғлиқ эканлигини исботлаб беради. Ана шу хусусиятларнинг жами *организмнинг реактивлиги* деб аталади.

Реактивлик лотинча жавоб маъносини англатади. У одатдаги ёки касаллик қўзгатиши мумкин бўлган тури омиллар таъсирига нисбатан организмнинг ўзига хос жавоб бера олиш реакциясидир. У ҳар бир организмнинг анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, уларнинг тузилиши ва фаолияти кўрсаткичидир.

Реактивлик, айниқса, одамда маълум эволюцион жараёнларда шаклланиб ва такомиллашиб борган. У организмнинг ташқи шароитга мослашувида, уни ҳимоя қилишда гоят мухим хусусиятдир. Реактивлик организмнинг ирсий, конституционал ва ҳаётда ортирилган хусусиятлари заминида вужудга келади.

Асосий омиллари, механизmlари ва айниқса, таъсири этувчи сабабларга қарши жавобига кўра реактивлик икки турга ажратилади:

1. *Хос бўлмаган (носпецифик, умумий) реактивлик* - организмнинг ҳар қандай таъсирига нисбатан ҳар бир интеграл даражаси (молекуладан то бутун организм даражасигача) иштироқида юз берадиган умумий ўзгаришлар орқали берадиган жавобидир.

2. *Ўзига хос (специфик) иммунологик реактивлик* - организмнинг антиген табиатли таъсирга нисбатан аввало унинг ихтисослашган системаси, яъни иммун системаси фаолияти туфайли юзага келадиган ўта мураккаб жавобидир.

Организм реактивлиги ҳимоя-мослашув механизми ва омиллар билан таъминланган. Реактивликнинг тавсифи ва даражаси ҳайвонларда эволюцион тараққиёт босқичларига қараб ҳар хил бўлади. Одамда эса улар юксак даражада, (айниқса иммун реактивлиги) ривожланиб, такомиллашгандир. Реактивликнинг ривожланиши ва намоён бўлишида ижтимоий омилларнинг ҳам роли каттадир. Организм реактивлиги ва уни таъминлашда қуйидаги умумий (хос бўлмаган) ҳимоя-мослашув механизmlари ва омиллари бевосита қатнашади.

1. Баръер - тўсик системаси: тери, шиллиқ пардалар, система хусусиятига эга гистогематик тўсик.

2. Хужайравий омиллар: ҳимоя-мослашув реакцияларини бажарувчи ҳар-катчан ва ҳаракатсиз хужайралар.

3. Гуморал омиллар: лизоцим, комплемент, пропердин система, лейкинлар, плакинлар, интерферон.

Бунда айниқса хужайравий омиллар катта аҳамиятига эгадир. Уларга энг аввало макро- ва микрофаглар киради. Илгари макрофаглар ретикуло-эндоцелнал системасига (РЭС) киритилиарди. 1969 йилдан уларни мононуклеар фагоцитар система (МНФС)га киритилган. Бу система номида ўзига хос эндодицитоз, морфологик, цитокинмёвий функционал ва ҳ.к. хусусиятлари бир хил

бўлган хужайралар жамлаштирилган.

Мононуклеар хужайралар деярли барча тўқималарда учрайди. Уларга бошқаларига ўхшаш ҳаракат қилиши-кўчиб юриш (циркуляцияланиш) ҳамда кучли фагоцитар хусусиятига эга бўлган макрофаглар деб номланган моноцитлар киради. Аслида қон ишлаб чиқарувчи тўқималарда ҳосил бўлган моноцитлар қонга тушгач, тўқималарга, тана бўшлиқларига ўтиб, уларда макрофагларга айланади. Тажрибалар шунуни кўрсатади, қон айланисида иштирок этаётган моноцитлар, ҳар ерда макрофагларга айланиси мумкин. Макрофагларнинг эркин - кўчиб юрувчиларидан ташқари, тўқималарга ёпишган (улар ҳам аслида гематоген келиб чиқишига эга) ва тўқимада аввалдан мавжуд бўлган гистиоген турлари ҳам бор. Макрофагларнинг жойлашувига кўра қўйидаги турлари ажратилади:

1. Гистиоцитлар - биринкитирувчи тўқима макрофаглари.
2. Жигар макрофаглари - Купфер хужайралари - юлдузсимон ретикулоэндотелиал табиатли макрофаглар.
3. Ўпка альвеоляр макрофаглари.
4. Шиллик бўшликлар (мас., перитониал, плеврал) макрофаглари.
5. Суяқ кўмиги ва лимфоид система макрофаглари.
6. Марказий нерв системаси макрофаглари - микроглиялар.
7. Макрофагларнинг остеокластлар деб аталувчи турлари.

Макрофаглар бир ҳужайрали фагоцитларнинг охирги маҳсулоти бўлгани сабабли митоз йули билан бўлинмайди, аммо сурункали яллигланиш бор жойдаги микрофаглар булардан истиснодири.

Мононуклеар макрофагли ҳужайралар қўйидаги хусусиятларга эга:

1. Дистрофияга, некробиозга учраган ва парчаланган ҳужайраларни тутиб ҳазм қиласди. Шунинг учун уларни тозаловчи -санитар ҳужайра деб ҳам атайдилар.
2. Организмга тушган (ёки унинг ўзида ҳосил булган) антиген -зиддиген табиатли моддаларни фаоллаштириб (презентациялаб), уларни Т- ва В-лимфоцитлар томонидан танлаб олиниш даражасига етказади, ишлов беради.
3. Гумо; ыл ҳимоявий моддалар - лизоцим, интерферон, лактоферин ва ҳ.к.ни ишлаб чиқаради.

**Иммунитет**- бу организмнинг генетик жиҳатдан ёт бўлган ташқи таъиирлардан ўзини-ўзи ҳимоя қилиши хусусиятидир. У тугма, ирсий ва ҳаётда орттирилган бўлади. Иммунитетни ҳосил қилишида (таъминлашда) организмнинг баръер - тўсиқ мосламалари, гуморал ва ҳужайра воситалари қатнашади. Гуморал ҳимоя воситалари хусусий ва хусусий бўлмаган турларга ажратилади.

Хусусий бўлмаган гуморал омиллар (компллемент, лизоцим, пропердин системаси, эритринлар, лейкинлар, плакинлар, интерферон ва б.) турли юкум-

ли агентларга нисбатан бактериоцид, бактериостатик ва шу каби қарши таъсир күрсатып, организмни табиий умумий резистентлігінің - барқарорлығы, чидам-лилигина хосил қылады. Иммунитеттің хос хусусиятлардан бири маҳсус антитаналар ишлаб чиқаришы дір. Улар организмге кирган зиддиген таъсирида ишлаб чиқарылады ва фәқат шу зиддиген биланғына реакцияға киришады. Ангитаналарни плазматик ұхжайралар ишлаб чиқарарады. Қон зардоби электрофорез қилингенде антитаналар оқсилларнинг  $\gamma$ -глобулинни фракциялары билан бирга юрады ва шунинг үчүн ҳам улар  $\gamma$ -глобулин синфыга кирады. Антитаналарни, иммуноглобулинлар деб аталады ва уни "Ig" билан белгиланады. Молекуляр оғирлигига қараб (мол.ог. 150000 дан 9000000 гача бўлган) иммуноглобулинлар 5 синфга бўлинади.

Бу синфлар бир-биридан физик, кимёвий, функционал ва молекуляр таркибиға кирадиган оғир полипептид занжирининг антигенлик-зиддигенлик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилинади. Антигенлик хусусияти иммуноглобулинларни антизардоб билан аниқлашы ассо қўлтоб олинган. Яна шунин эътиборга олиш керакки, маълум хусусиятли антитаналар ҳар хил синфга мансуб иммуноглобулинлар таркибида бўлади. Организм иммунланғандан кейин дастлаб IgM, кейин IgG пайдо бўлади. Худди шундай антитана хусусиятига эга бўлган IgA эса кейинчилик хосил бўлади. Қон зардобидаги иммуноглобулинлар қўйидаги нисбатда: IgG-70-80%, IgA-10-15%, IgM-5-10%, IgE ва D-0,2% бўлади. Иммунитеттің ұхжайра омилилари организмни фагоцитоз йўли билан химоя қылади.

**Фагоцитоз** - микробларни, парчаланған ұхжайра ва ёт жисмларни иммунологик системанинг маҳсус ұхжайралари томонида тутиб қамраб олиниши ва ютиб ҳазм қилиншишидир.

Фагоцитоз назариясини 1883 йилда И.И.Мечников яраттган. У фагоцитознинг даврлари ва фагоцитларнинг хусусиятларини айтиб ўтган.

Фагоцитларга қўйидагилар киради:

- микрофаглар - улар асосан нейтрофиллар бўлиб, ҳар хил микробларга нисбатан кучли фагоцитоз хусусиятига эга;
- макрофаглар ёки МНФС ұхжайралари. Улар микроблардан ташқари бошқа ұхжайра ва тўқима парчаларини ҳам фагоцитоз қилиш хусусиятига эгадир.

**Фагоцитоз 4 даврга бўлинади:**

1. **Яқинлашиш даври** - фагоцит объектта мусбат хемотоксис ҳодисаси орқали яқинлашади. Хемотаксис ҳосил қилиувчи модулалар, яъни хемоаттрактантлар бир неча гурухларга бўлинади:

- иммунологик реакция маҳсулотлари (комплмент С3a - C5a субкомпонентлари, комплекснин альтернатив - муқобили йўл билан фагоцитларни ҳосил бўлган С3-конвертаза, лимфокинлар, лимфоцитларни трансфер-омили,

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

(цитофил антитаналар);

- хужайра бўлмаган эндоген хемоаттрактантлар (хужайра шикастланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар, қаликреин, плазминоген активатори, гидролизланган IgG, коллаген, циклик АМФ ва б.);
- экзоген хемоаттрактантлар - микробларнинг организмда яшац даврида ҳосил бўладиган оқсили парчалари, линицлар ёки липопротеидлар.

Фагоцитларнинг устки кисмида хемоаттрактантлар учун маҳсус (хусусий) рецепторлар топилган. Хемоаттрактантлар хужайранинг қисқарувчи системасига таъсири қиласди.

Хемоаттрактантлар таъсирида фагоцитозниң фаоллашуви модда алмашинувининг кучайини (метаболитик портлаш), хужайралардан ферментларнинг чиқини ва б. ҳодисалар кузатилади. Бу ҳодисаларни бошқаришда циклик нуклеотидлар маълум роль ўйнайди: цАМФ - хемотаксисни пасайтиради, цГМФ эса кучайтиради.

2. *Ёнишиш даври*. Бу давр фагоцит ва фагоцитоз обьектининг ўзаро таъсири натижасида бўлади. Фагоцитларнинг микроб ва бошқа заррачаларни сезимида (таниб олиницида) қон зардобидаги маҳсус компонентлар - опсонинлар катта ўрин тутади. Улар микроб ва фагоцит ўртасида молекуляр воситачи вазифасини ўтаб, фагоцитозни кучайтиради.

Фагоцитлар фагоцитоз обьектига қўйидағи йўллар билан боғланади:

- хусусий боғланнишида антитаналар (IgG, IgM) ўзларига мос бактерияларнинг антиген - зиддигенлари билан боғланади ва рецепторлар орқали уларни фагоцитга боғлайди;
- нохусусий боғланниши-бу Ван-дер-Ваальс гидрофоб боғланниши. Опсонинлар обьектни фагоцитга ёниширибгина қолмай, уларни ва бошқа гуморал омилларни фаоллаштиради.

3. *Қамраб олиши даври* фагоцит рецепторларининг ёт заррача устига жойлашиган опсонинлар билан ўзаро таъсиридан бошланади ва ўзларини ўраб турган плазматик мембрана билан бирга фагоцит цитоплазмасига қамраб олиниб, фагосомани ҳосил қиласди. Шундан кейин мураккаб фагоцитоз реакцияси ишга тунади. Бу ерда асосий ролни қисқарувчи оқсилилар ўйнайди.

Қамраб олини жараёни фагоцит цитоплазмасининг ёт заррача томонга бўргиб чиқини, яъни "ёлғон оёқлар" цикаришидан бошланади. Цитоплазма желатина ҳолатида бўлганида актин ишчалари актинин бօғловчи оқсили билан бирнишиб, актин тўрни ҳосил қиласди ва цитоплазма гель ҳолатига ўтади. Кейинчалик миозин актин билан кесишган кўприкчалар ҳосил қилган гель қисқара бошлайди. Миозин ишчалар актинни ишчаларини - тўрни қаттироқ томонига торта бошлади. Бу ҳодиса узлукси 3 давом этади.

4. *Хужайра ичада ҳазм қилиши даври*

Қамраб олини давридан кейин ҳосил бўлган фагосома ва лизосомалар (фагоцитларнинг бир камчы ва иккичамчи тоначалари)нинг ўзаро таъсирида фаго-

лизосома ҳосил бўлади. Фагосомага лизосомадан кўп миқдорда гидролитик ферментлар қўйилади ва фагоцитлар нордон ҳам ишқор фосфатаза, катепсин, миелопероксидаза, лактоферрин ва б. ни ишлаб чиқаради.

Микроблар фагоцит ичига киргандан сўнг уларни ўлдирувчи (микробоцид) механизм ишга тушади. Микробга қарши иккита система мавжуд (ъзни икки хил антимикроб система бор).

**1. Кислород талаб антимикроб система икки хил бўлади:**

а) микроб, замбуруг, микоплазма ва вирусларга нисбатан фаол миелопероксидазанинг иштирокида борадиган система.

Бунда миелопероксидаза ва водород пероксидининг ўзаро таъсиридан бактериоцид ионлар: хлор, йод, хлорамин, нитратлар, бактериоцид альдегидлар, сульфат кислоталари ҳосил бўлади ва улар микробларнинг кўпгина фермент системаларини қамраб олади;

б) миелопероксидазага боғлиқ бўлмаган система.

Бунда микроблар учун заҳарли бўлган супероксид анион, водород пероксиди, гидроксил радикаллар ҳосил бўлади. Улар ичida водород пероксида ичада миелопероксидазага бўлмаган система.

**2. Кислородга боғлиқ бўлмаган антимикроб система.** Унга қўйидагилар киради: лизоцим-у айрим мусбат грамм бактериялар ҳужайра девори таркиби-даги полигликанларни дисахаридларгача парчалайди;

– лактаферрин - унинг темирга тўйинмаган шакли фагосомадаги кўпгина микробларнинг ўсиши учун зарур темирни ўзига биринкирб олиши орқали бактериостатик таъсир этади;

– ҳар хил катионли оқсиллар;

– мұхитнинг нордонлашуви (pH-6,5-3,75).

Бу антимикроб системалар бир-бири билан кооперация қилиб ишлайди.

Бу борада талабалар эътиборини иммунитетнинг ҳужайра ва гуморал омилларининг ўзаро боғликлигига қаратилади. Иммунланган организмда шу антиген-зиддигенга нисбатан фагоцитоз бир неча баравар фаол боришини уларга қайта таъкидлаб ўтиш керак. Ана шунга асосланган ҳолда онсон-фагоцитар реакциясини қўйилади ва ундан диагностикада фойдаланилади.

## **АМАЛИЙ ҚИСМ**

### **9 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Организм реактивлигига баръер (тўсиқ) система ҳужайра омилларининг аҳамияти.

**Мақсад.** Умумий - ҳос бўлмаган (носпецифик) ва ўзига ҳос (специфик-иммун) реактивликда мононуклеар фагоцитар (МФС) системаси ҳужайралари

## Т КИСМ. УМУЛӢ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

фаолиятини ўрганиш.

**Вазифа.** Бақа макрофагал ҳужайраларининг бевосита унинг қонига юборилган ёт моддаларни ютиб олиш реакциясини кузатиш.

Қабул килинган усулида маҳсус нина билан орқа миясини шикастлаб ҳаракатсизлантирилган бақани таҳтачага мустаҳкамланади. Кейин кўкрак бўшилигини аста-секин очилич, юрагига темирнинг бир ярим хлоридли эритмасидан 0,2-0,5 мг ўлчамда юборилади. Юракнинг очик қисми физиологик эритмада ҳўлланган дюка тиким билан ёниб қўйилади. 10-15 дақика ўтгач, юборилган эритма бақа юрагининг қисқаришларини камайтириши, секинлашибтириши ва тўхтатиб қўйиши мумкин. Аммо шунда ҳам унинг тажриба натижасига аҳамияти йўқ, чунки ушбу вақт ичиде эритма бақанинг таҳасига тарқалган бўлиб, юракнинг бир оз вақт қисқариб тўриши ҳам қиғоядир. Тажриба куйидагича давом эттирилади: 45-60 дақикадан сўнг бақанинг буйраги, талои и, ўпкаси, жигари, териси, мушаги ва бошқа аъзолари бирма-бир кесиб ажратиб олиниди ва Петри ликобчастига солиб, тоза сув билан ювилади. Сўнг аъзо ва тўқималар шинса таёқчалар ёрдамида хлорид кислотанинг 5% ли эритмаси қўйилган иккичи Петри ликобчастига -санниди, 2-3 дикқиқа ўтгач аъзо ва тўқималар сарик кон тузишини 5% ли эритмаси қўйилган учинчи Петри ликобчастига кўчирилади. Бу эритмада ҳам аъзо ва тўқималар бир неча дақика тоғизигач, уларни (суюқлиқни гамидириб олиш учун) ёқ фильтр (босма) қоғозга қўйилади.

Реакция натижасида мононуклеар фагоцитар ҳужайраларга бой аъзо ва тўқималар гусен ўзғариб, ҳаворани кўк туслага киради (тажриба вақтида бақанинг макрофаглари ютиб олган темир сарик кон тузи билан берлини кўки деб атальувчи жуфт биримка ҳосил қиласади – бу модда эса кўк ранги бўлади).

Аъзо ва тўқималар рангини тўқ ёки он ранги ға бўялниши улардаги макрофагларини кўп ёки камали иға болгандир.

Мис., макрофаглари бошқаларга иисбаган қўн бўлган жигар ва ўнка тўқималари тўқ ҳаво рангда, ушбу ҳужайралар гояят кам ҳосил бўлган мушак тўқимаси жуда кучсиз бўялади, яъни деярли бўялмайди.

Энг яхин бўяланган аъзолар З та мусбат (++), кучсиз бўялганлари бир мусбат (+) ва ушбу рангга мутлақо бўялмаганлари эса пуль (0) билан белгиланади ва баъзиномада қайд этилади.

### 10 МАШГУЛОТ

22-нчи Фагоцитотиниң умумий ва маҳсус - иммунологик реактивликда туттаг ўрини.

**Максад.** Фагоцитоз, унинг ёкинлари, таъсири этини механизми, иммунимаган ва иммунланган организмда тивожжанини, умумлиги, фарқлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиши ва ўришни.

**1-вазифа.** Фагоцитоз даврларини дengiz чүчқачасининг перитонеал суюклигидан тайёрланган суртмада ва "in vivo" - шароитида ўрганиш.

Тажриба дengиз чүчқачасида ўтказилади. Антиген-зиддиген сифатида күш эритроцитлари қўлланилади (улар ядроси борлиги билан фарқланади). Тажриба самарали чиқиши учун дengиз чүчқасида аввал экссудатли перитонит ҳосил қилинади. Бунинг учун тажрибадан 24-48 соат авваироқ ҳайвоннинг қорин бўшлигига 5-10% ли стерилланган (катронланган) пептон эритмаси юборилади. Шундан кейин қорин бўшлигига лейкоцитларга бой экссудат йигилади. Тажриба кунида эса ҳайвоннинг қорин бўшлигига 3-5 мл физиологик эритмадаги күш эритроцитларининг 5% ли эмульсияси юборилади. 30-60 дақиқа ўтгач, ҳайвон қориндан жуда кичик тешик очиб, Пастер найчаси ёрдамида экссудат олинади ва ундан суртма ҳамда "осма томчи" тайёрланади. Уларни бўяб (суртма Романовский усулида бўялади, "осма томчига" индикатор - нейтрал-ротг қўшилади), микроскопда күш эритроцитларининг дengиз чүчқаси лейкоцитлари томонидан фагоцитоз қилиниш жарабёни кузатилади (фагоцитоз яхши ривожланниш учун дengиз чүчқачасининг териси остига қуши эритроцитлари эмульсиясини бир неча марта юбориш-иммунлаш тавсия этилади).

### *Суртма тайёрлаш усули*

Экссудат томчиси предмет ойналасига томизилиб, ундан қирраси силликланган ойнача ёрдамида суртма тайёрланади. Суртма куригацдан сўнг устига Никифоров аралашмаси (этанол билан эфирир) куйилади, 5 дақиқадан кейин дистилланган сувда суюлтирилган (1 мл сувга 1-2 томчи бўёқ) азур-эозин куйиб 20 дақиқа бўялади. Сўнг суртмани ювиб куритиб, микроскоп остида кўрилади.

### *"Осма томчи" тайёрлаш усули*

Ойсимон ботиқ ойначанинг ботиқ сатҳи атрофига ҳалқасимон равишда вазелин суртилади. Ёпқич ойначанинг марказига нейтрал-рот индикаторининг 1% ли эритмасидан бир томчи томизилади ва унинг устига Пастер найчасида олинган экссудатдан бир томчи қўшилади. Ёпқич ойнача ойсимон ботиқ ойнача устига қопланади. Бунда томчи ботиқнинг марказига тўғри келиши, аммо унга тегиб турмаслиги керак. Кейин препаратли ёпқич ойначани пастга қаратиб тўйкарилади. Натижада экссудат томчиси ботиқ қозида осилиб туради ва уни микроскопда кўриц мумкин. Кичикроқ даражада катталаштирувчи объектив ва торайтирилган диафрагма ёрдамида "томчининг" чегараси изланади. Кўк-сариқ овал эритроцитлар орасида қизил тўпламмани тошиб, кўриш майдонининг марказига кўйилади ва уни юқори даражада катталаштирувчи объектив остида кўрилади. Бунда қизил тўпламмада овал эритроцитлар билан ўралган макрофаглар кўринади. Фагоцитознинг қайси даврдалигига қараб макрофаглар ичida бутун эритроцитлар ёки уларнинг ядролари, бўлакчалари ва ҳ.к.ни кўриш мумкин. Фагоцитоз даврида макрофагларнииг цитоплазмаси ҳамда ютиб олинган эритроцитлар пушти рангда бўлади. Бу ранг хужайра ичидағи ҳазм жараёнда муҳитнинг нордоң томонга сиљкини натижасида нейтрал-рот

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

индикатори рангининг ўзгаришидан ҳосил бўлади.

"Осма томчи" ҳамда суртмада қўйидагиларни англаш ва ўрганиш керак:

1. Экскусатдаги лейкоцитларнинг турини ва атрофига овал ядроли эритроцитлар тўпланган макрофагларни топиш, яъни яқинлашиш босқичини аниқлаш.

2. Ёт эритроцитларга жипс ёпишган макрофагларни топиш -фагоцитознинг ёпишиш босқичини аниқлаш.

3. Қуш эритроцитларини ютилган макрофагларни, яъни фагоцитознинг авж олган даврини аниқлаш.

4. Қамраб олинган қуш эритроцитларини фагоцитлар томонидан парчаланиши ва ҳазм бўлиш даврини белгилаш.

**2-вазифа.** Суртмани микроскоп остига қўйиб, 200 та (ундан кам бўлмаган) хужайрани кўриб, фагоцитознинг қўйидаги кўрсаткичлари аниқланади:

1. Фагоцитар индекс (**ФИ**) - бу умумий қўрилган хужайралар ичидаги фагоцитозга киришган хужайраларнинг фоиз миқдоридир.

2. Фагоцитар сон (**ФС**) - бу хужайралар ичидаги эритроцитлар (шунингдек бактериялар)нинг ўргача миқдори

$$\text{ФС} = \frac{\text{Ютилган эритроцитлар (микробларнинг) умумий сони}}{\text{Фагоцитозга киришган хужайралар сони}}$$

3. Бу кўрсаткичлар 30 дақиқа ва ундан кейин 90 дақиқа (ҳаммаси бўлиб 120 дақиқалик инкубация)дан кейин таъёрланган суртмаларда саналади, яъни - **ФИ-30, ФИ-120 ва ФС-30, ФС-120**.

4. Фагоцитар сон коэффициенти:

$$\text{ФСК} = \frac{\text{ФС 30}}{\text{ФС 120}}$$

5. Нейтрофиллар бактерицидлигининг индекси: - (**НБИ**)

$$\text{НБИ} = \frac{\text{СУ}}{\text{СЮ}} \times 100,$$

бунда СУ - фагоцитлар ичидаги ўлдирилган микроблар (эритроцитлар) сони.  
СЮ - фагоцитлар томонидан ютилган микроблар сони (эритроцитлар).

Одатда соглом одамда бу кўрсаткичлар В.В.Меньшиков (1987) бўйича месъёрда қўйидагиларга тенг:

$$\text{ФИ}_{30} = 94,18 \pm 1,55\%$$

$$\text{ФСК}_{30} = 11,29 \pm 1,0\%$$

$$\text{ФСК} = 1,16 \pm 0,04\%$$

$\text{НБИ} = 66,3 \pm 2,58\%$

$\Phi\text{И}_{120} = 92 \pm 2,52\%$

$\Phi\text{С}_{120} = 9,81 \pm 0,96\%$

**З-вазифа.** Опсоно-фагоцитар реакцияни қўйиши.

Пастер ойначасига озроқ микрорда беморга тегишли деб гумон қилинажётган микроб эмульсияси, донор лейкоцитлари ва текширилаётган шахснинг қон зардobi олиниб, соат ойначасида аралаштирилади ва яна шиша найчага тортиб олиниб, найча учлари кавшарланади. Уни 30 дақиқа  $37^{\circ}\text{C}$  ли термостатга қўйилади. Кейин найча ичидаги моддадан суртма тайёрлаб, Романовский усулида бўялади ва микроскоп остида фагоцитоз жараёни кузатилади. Шундай тажрибани айни вақтда текширилаётган микробларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган соглом одам қон зардobiда ҳам ўтказилади. Кейин қўйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

1. Касал ва соглом одам қон зардobi таъсири натижасида фагоцитар сон( $\Phi\text{С}$ )ни ҳисоблаш:

$$\Phi\text{С} = \frac{\text{Ютиб олинган микробларнинг умумий сони}}{\text{Кузатилган лейкоцитларнинг сони}}$$

2. Опсоно-фагоцитар индекс ( $\text{ОИ}$ )ни ҳисоблаш:

$$\text{ОИ} = \frac{\text{Касал одам зардobi таъсиридаги фагоцитар сон}}{\text{Сог одам зардobi таъсиридаги фагоцитар сон}}$$

Агар  $\text{ОИ}$  1 га тенг бўлса, реакция манфиј (-), 2 ва ўндан юқори бўлса, мусбат (+) ҳисобланади.

Реакцияларнинг бориц тарзини қўйидагича тасвирлаш мумкин: улар зардобда опсонинларнинг бор-йўқлиги ёки кам-кўплигидан ахборот беради.

Реакция схемаси:

1. Микроб эмульсияси+донор лейкоцити+беморнинг қон зардobi.
2. Микроб эмульсияси+донор лейкоцити+сог одамнинг қон зардobi.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Реактивлик ҳақида тушунча.
2. Умумий (носпецифик) реактивлик, унинг кўринишларини айтинг.
3. Хусусий (специфик)-иммунологик реактивлик, унинг кўринишларини тушунтириш.
4. Иммунитет ҳақида тушунча.
5. Иммунитетнинг турларини айтиб беринг.

## **I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

6. Барьер (түсик) системалар, уларнинг реактивликда туттган ўрни.
7. Иммунитетнинг гуморал омиллари нималардан иборат?
8. Иммунитетнинг хужайра омиллари нима?
9. Мононуклеар фагоцитлар системаси (МНФС)нинг реактивликдаги аҳамияти.
10. Фагоцитоз, унинг даврлари ва механизmlари.
11. Антиген-зидиген ва антигентаналар ҳақида тушунча.
12. Иммун система, унинг аъзо, хужайра ва молекуляр асослари нима?
13. Иммун жавоб, унинг кўринишлари.
14. Аллергия, унинг турлари ва механизmlари.
15. Анафилаксия, унинг давр(босқич)лари ва механизmlари.
16. Маҳаллий анафилаксия, унинг кўринишлари.
17. Десенсибилизация, унинг усуllibарини изохланг.
18. Пассив анафилаксия нима?
19. Аллергиянинг одамларда учрайдиган турлари.
20. Овқат моддаларига ва дори-дармонларга нисбатан аллергия ва унинг механизmlари.
21. Иммун танқис ҳолатлар, турлари, кўринишлари.
22. СПИД, унинг кўринишлари ва механизmlари.
23. Атоаллергик реакциялар ва касалликлар.
24. Атоаллергиянинг механизmlари.
25. Трансплантацион аллергия. Трансплантатнинг ажратиб ташланиши ва унинг олдини олиш усуllibарни.
26. Аллергия медиаторлари.

## **5 БОБ ЯЛЛИГЛАНИШ**

Яллигланиш - тўқималар шикастланганда қон ва лимфа томирлари (микроциркуляция ўзани), қон, нерв, бирюктирувчи тўқималарнинг деярли ҳамиша бир тарзда (стереотип) ривожлажадитая альтерация, экссудација ва пролиферация каби бузилишлари билан кечадиган типик патологик жараёндир.

Яллигланиш аввало шикастловчи агент таъсирига нисбатан маҳаллий жавоб бўлиб, нейинчалик унга бутун организмнинг у ёки бу даражада жалб этилиши билан кечади. Яллигланиш айни вактда шикастланиш, иккинчи томондан химоя-мослашув ва ўринини босиш каби тикланишга хос ўзгаришлар билан ифодаланади.

Яллигланиш кенг тарқалған патологик жаражылардан бўлиб, кўпчилик касалликларнинг асосини ташкил этади. Мас., клиник кўринишлари ҳар хил бўлган отит, конъюктивит, аппендицит, эндокардит, стоматит, гастрит, гепатит, нефрит ва ҳ.к. касалликлар барчасининг негизи яллигланишдир.

Яллигланишнинг сабаблари хўйма-хўй ва турли табиатли, кёлниб чиққишига кўра уларни шартли равишда иккӣ гуруҳга: ташқи-экзоген ва ички-эндогенга ажратилади.

Механик, физик, кимёвий, биологик ва ҳ.к. омиллар-ташқи (экзоген) сабаблар ҳисобланади. Ички (эндоген ёки аутоген) сабабларга эса организмнинг ўзида ҳосил бўладиган, мас., азот алмашинуви, ўсмаларнинг парчаланиш махсулотлари, бирор тўқима, аъзода ўрнашшиб қолувчи антиген (зиддиген) - антитело (зиддитана) - комплементдан ташкил топған иммун мажмуалар киради.

Ушбу бўлим бўйича 3-4 мавзуда амалий машгулот ўтказиши кўзда тутилганлигини, аммо "Яллигланиш муаммоси" ҳақида яхлит тўщунча ҳосил қилиш мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб, назарий ахборотни биринчи машгулот тафсилида келтиришни лозим тондик. Ҳар бир машгулотни ўтишда ундан (ўзига тегишли қисмидан) фойдаланиш тавсия этилади. Биринчи машгулотда умумий тушунчалардан сўнг асосий эътиборни альтерация ва микроциркуляция ўзанидаги ўзгаришларга, иккинчисида - экссудация ҳодисасига, учинчиси (ва ҳ.к.)да - физик-кимёвий ўзгаришлар ҳамда клиник кўриниш-белгилар патофизиологиясининг механизмларига жалб этиш керак.

Яллигланишиниң ғоят кўт ва мураккаб патогенетик омиллари ичда унинг бошланиши, ривожланиши ва оқибатларини ҳал этувчи энг аҳамиятлilarини ажратиш мүмкин.

Булар қўйидагилар: яллиглантiruvchi (флогоген) агент таъсиридан шикастланиши - модда алмашинувининг бузилиши (бирламчи дистрофия, альтерация); ҳужайраларнинг биологик фаол моддалар-яллигланиш медиаторларини ажратishi; лизосомал ферментларнинг ажрадилиши ва улар фаоллигининг кучайиши ҳамда уларнинг биологик макромолекулаларга таъсир этиши (иккиласмачи дистрофия, альтерация).

Микроциркуляциянинг бузилиши, томирлар девори ўтказувчанилигининг ортиши, қон суюқлигининг чиқиши (экссудация), лейкоцитларнинг яллигланиш ўчогига чиқиши (эмиграция), ҳужайраларнинг яллигланиши ўчогида кўпайиши (пролиферация) ва нуксоннинг бартараф этилиши.

Умуман яллигланишга ҳос ўзгаришларни табнати ва характерига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин, (З жадвалга каранг).

**Альтерация** - бу аслида тўқима дистрофияси, яъни шикастланган тўқиманинг озиқланиши, модда алмашинувининг бузилиши туфайли фаолиятиниң издан чиқишидир. Яллигланиш ўчогида рўй берадиган бирламчи дистрофик, физик-кимёвий, қон ва лимфа айланишларнинг бузилишлари ўз навбатида иккиласмачи дистрофик ўзгаришларга сабаб бўлади.

Ҳужайра шикастланиши дастлаб цитоплазма ва лизосома мембраннынг таркибига тааллуқлидир. Лизосомаларнинг шикастланиши эса уларнинг таркибига

## **I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОДОГИЯ**

кирадиган барча мөддәлар оқсиллар, нуклеин кислоталар, карбонсувлар, липидларни парчаловчи ферментлар-гидролазаларнинг ажралишига олиб келади. Кейин бу ферментлар этиологик омил бўлиш-бўлмаслигига қарамай альтерация ҳамда деструкция жараёнини давом эттиради ва натижада ҳар хил хислатли биологик фаол мөддәлар-яллигланиш медиаторлари ҳосил бўлади. Медиаторлар икки гурӯхга бўлинади:

1. Хужайрада ҳосил бўладиган медиаторлар (хужайра медиаторлари).
2. Организмнинг суюқ мухитида ҳосил бўладиган медиаторлар (плазматик ёки гуморал медиаторлар).

### **3-жадвал**

#### **Яллигланиш белгилари**

Морфо-функционал ўзгаришлар	Физик-кимёзий ўзгаришлар	Клиник ўзгаришлар (ташқи тўқималарда кўринадиган белгилар)
1. Альтерация	1. Гиперкалиемия	1. Қизариш (rubor)
2. Экссудация ва лейкоцитлар эмиграцияси (кўчиши)	2. Гипер-Н иония	2. Шиш (tumor)
3. Пролиферация	3. Гиперосмия (осмотик босимнинг ортиши) 4. Гиперонкия (онкотик босимнинг ортиши) 5. Яллигланиш медиаторларининг ҳосил бўлиши	3. Иссик чиқиши (calor) 4. Оғриқ (dolor) 5. Функциянинг бузилиши (functio laesae)

Таъсир этиши механизмига кўра уларни, асосан, томирлар деворининг ўтказувчалигини оширувчи ва лейкоцитлар эмиграциясини вужудга келтирувчи медиаторларга ажратиш мумкин.

Хужайрада ҳосил бўладиган медиаторларга: гистамин, серотонин, лизосомал ферментлар, катион оқемилар, лимфокинлар, простагландинлар, циклик нуклеотидлар; плазматик медиаторларга: каллекреин-кинин, комилемент бодомчи ва қон ивиши системалари ва мансуб мөддәлар киради.

Яллигланишини ташқи белгилари Целис-Галенининг машҳур пентадаси (бенинги)да таърифлаган. Булар - қизариш (rubor), қавариш-шиш (tumor), оғриқ (dolor), иссиқ чиқиши (calor) ва функциянинг бузилиши (functio laesae).

Ушбу белгилар мажмӯи, асосан, ўтқизиб яллигланиш содир бўладиган таъсирни сирткни ёки кўнга кўринадиган қисимида (тери ва шиллик нардаларда) кутилилади. Улар ўзига ҳос патогенеси да эга.

Яллигланиш доимо мөддә алмашинувининг кучайиши ("мөддә алмашинуви ёнгини") билан бошланиб, бунда чала оксидланиб тўла парчаланмаган алмашинув маҳсулотлари (полипептидлар, ёғ кислоталари, кетон танаачалари ва б.) ҳосил бўлади ва тўпланади. Натижада яллигланиш ўчогида артериал гиперемия, фаол капиллярлар сонининг ортиши, ички тўқима ва аъзолардан илик қоннинг кўп оқиб келиши, маҳаллий ҳароратнинг кўтарилишига олиб келади.

Тўқима оксидланишининг бузилиши ва унда чала оксидланган маҳсулотларнинг тўпланиши ацидозга сабаб бўлади, аммо у маълум вакттача буфер механизмлар ва омиллар билан бартараф қилиниб турилади. Бундай ҳолатга компенсацияланган ацидоз дейилди. Кейинчалик, имкониятлар тугагач, компенсацияланмаган ацидоз юзага келади ва яллигланиш ўчогида водород ионларининг концентрацияси (микдори) қанчалик юқори бўлса, яллигланиши ҳам шунчалик авж олади, оғир кечади. Шу билан бир қаторда, яллигланиш ўчогида осмотик босим ҳам кўтарилади. Бу катаболик-парчаланиш жараёнлари кучайишининг, яъни йирик молекулаларнинг майда заррачага, ўз таркибий қисмларига бўлиннишининг натижасидир.

Электролитлар (айниқса K, Na, Ca ионлари) микдори ҳам ортади. Ацидоз натижасида биритиравчи тўқима элементлари бўқади. Осмотик, онкотик босимнинг ортиши эса экссудация ва маҳаллий шини ҳосил бўлишини кучайтиради. Қон томирларининг кёнгайиши, тўқималарро бўшликларда экссудат ва лейкоцитлар тўпланиши ҳамда кейинчалик хужайра элементларининг ўсиб, кўпайиши яллигланган соҳанинг қаваришига (бўртишига) олиб келади.

Огрик сезувчи нерв учларини экссудат томонидан механик босилиши ҳамда мөддә алмашинувининг тўпланган заҳарли маҳсулотлари ва биологик маддаларнинг бевосита уларга таъсири яллигланган ўчоқда огрик туришига сабаб бўлади.

Яллигланган аъзо ёки тўқима фаобиятининг бузилиши, бевосита шикастланишига, озиқданишининг бузилишига, мөддә алмашинуви ва қон айланишининг бузилишига, огриқка ва x.k.ra. боғлиқдир.

Яллигланишнинг бошланиш даврида дистрофик ўзгаришлар билан бирга қон айланиши бузилишининг ривожланиши кузатиласиди.

Яллигланишда қон айланишининг бузилиши 4 босқичда ўтади:

- 1) артериал қон томирларининг қисқа торайиши (спазми);
- 2) артериал (фаол) гиперемия;
- 3) вена (суст) гиперемияси;
- 4) стаз-қон оқимининг бутунлай тўхтации.

Қон томирларининг қисқариши қон томири тонусини идора этиб турувчи вазомотор нервларга бевосита яллигланиш агенти, шунингдек катехоламинлар таъсирида юзага келади. Катехоламинларнинг ажралиши уларни парчалаб юборувчи фермент-моноаминооксидазани фаоллаштириши сабабли томирларнинг торайиши қисқа вакт давом этади ва унинг ўрнига артериал гиперемия юзага кела бошлайди. Гиперемиянинг келиб чиқишида яллигланиши пайдо қилувчи агент билан бирга медиаторлар (гистамин, кининлар, простагландинлар ва б.) ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунда артерия ва капиллярларда вактинча

## I КІСМ. ҰМУМНЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

қон оқими тезлашиб қон босимі күтарилади. Артериал қоннинг күп келиши, оксидланици-қайтарылыш (тикланиш) жарабнининг жадаллашуви иссиқлик ҳосил бўлишини кучайтиради. Томирларнинг кенгайишида водород ионлари миқдорининг ортиши, электролитлар нисбатининг ўзгариши, жумладан, калъ й ионларининг кўпайиши ва иссиқлик ҳосил бўлиши катта аҳамиятта эгадир.

Маълум вакт ўтгач қон оқими сескиналишиб, артериал гиперемия вена (димланиши) гиперемиясига ўтади. Артериал гиперемиянинг вена гиперемиясига ўтиши сабаблари қўйидағилардир:

- 1) томирлар, нерв-мушақ аппаратурининг фалажланиши;
- 2) томирлар девори ўтказувчанилигининг ошниши, томирлардан тўқима суюқлиги кўп чиқиши туфайли қоннинг куюқлашуви ва унинг ёпишқоқлигининг ортиши;

3) лейкоцитларнинг қон томир деворига ёнишиши ҳамда қон шаклли элементларининг бўкини натижасида томирларнинг ички деворида ҳосил бўлган гадир-будурларнинг қон оқимига тўқсийлик кўрсатиши;

4) тўқимада тўпланган экссудатни қон томирларига ва биринчи навбатда қаршилик кўрсатиш кучи сустроқ веналарга механик босим бериси;

5) тромблар ҳосил бўлиб, уларни томирга тиқилиб қолиши;

6) қоннинг артерия орқали оқиб келишига нисбатан вена орқали чиқиб кетишшини секинлашиши.

Яллигланишида қон оқими борган сайин секинлашади, вена гиперемияси айж олади ва иштакада қон оқици бутуслай тўхтаб, стаз юзага келади. Қон айланашининг ўзгаришлари яллигланиган тўқима озиқланишини янада бузади, иккиласми алиғораия ривожланади, парчаланишининг заҳарли маҳсулотлари тўпланиб, яллигланиши янада авж олади.

Яллигланиши ўчоқда лейкоцитларнинг томирлардан тўқимага ўтиши кузатилади. Бу ҳодиса - лейкоцитлар эмиграцияси деб аталади. Лейкоцитлар пролиферацияга боғлиқ кўнайётган бириткирувчи тўқима хужайралари билан бирга цинфильтрат ҳосил қилиб тўқиманинг бўргишига олиб келади.

Лейкоцитлар эмиграцияси қуйидаги сабаб ва омилларга кўра содир бўлади:

1) қон оқимининг секинлашиши, капиллярлар ўтказувчанилигининг ошиши;

2) яллигланиши найдо қиладиган ва яллигланиган тўқимада ҳосил бўлган мөддаларнинг лейкоцитларин ўзига тортиши, жалб этиш-хемотаксис ёки мусбат хемоатракцияни содир этиши қобилияти (И.И.Мечников таълимотига кўра).

3) электрокинетик ҳодисалар, яни яллигланиган тўқимада водород ионлари миқдорининг ошиши тўқима ва қон элементлари ўргасидаги потенциаллар физикини ошириб юборади. Лейкоцитлар манфий зарядга эга бўлиб, яллигланиши ўчига тўғъималарида ҳосил бўлган мусбат зарядди ионлар томонидан тортилади;

4) протоплаизмининг айрым қлемларини гелдан зол ҳолатига қайтарувчи энергетик жараёнилар ва х.к.

И.И.Мечников лейкоцитлар эмиграциясини яллигланиган тўқимада ҳосил бўлган мөддалар (тўқималар процеолизи маҳсулоти ва бошқалар)нинг томир

үзанидан яллигланиш ўчогига тортилиши - хемотаксис билан тушунтиради. Хемотаксис лейкоцитлар эмиграциясининг барча босқичларида ҳам аҳамиятга эга. В.Менкин (1948) яллигланишида кўплаб ҳосил бўладиган лейкотаксин деб аталувчи полицеентиднинг мусбат хемотаксис содир этиш ҳусусиятига эга эканлигини кашф этган.

Агар яллигланиш инфекцион агент таъсирида пайдо бўлса, бунда микроборганизмлар ҳаёт фоалийтида ҳосил бўлувчи моддаларниң хемотаксисда комплемент системаси (айниқса  $C_3$  ва  $C_5$  бўлакчалари фракцияси)га катта ёътибор берилади.

Лейкоцитлар эмиграцияси З босқичда боради.

1. Лейкоцитларнинг четлаб туриши, яъни лейкоцитлар қон томири деворининг яллигланган тўқима томонидаги девор олди плазматик қаватида гуё томир деворига ёнишгандек тўпланади.

2. Лейкоцитларнинг қон томир деворидан ташқарига чиқиши. Бунда улар сохта оёқчалари (псевдоподий) орқали томирлар деворидан (нейтрофиллар эндотелий ҳужайралари орасида, моноцитлар бўлса ҳужайрани тешиб) ташқарига чиқади.

3. Лейкоцитларнинг амёбасимон ҳаракатланиб яллигланиш ўчоги марказига, яъни мусбат хемотаксисга сабабчи омиллар томон сијжини.

Лейкоцитлар яллигланиш пайдо қилиган ёт зарраларни, тўқималар нарчалинишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар ва ҳ.к.ни қамраб олиб смиради ва ҳазм қилади.

Яллигланиш ўчогида қон айланишининг бузилиши ва лейкоцитлар эмиграцияси билан бир вақтда экссудация кузатилади. Экссудация – бу яллигланиш жараёнда қонни суюқ қисмининг шаклли элеменлари билан қон томиридан атроф-тўқимага чиқишидир. Тўқимага чиқиб унда тўпланадиган суюқлик экссудат деб аталади.

Экссудацияга қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Қон томирларида, яъни артерияларда босимнинг кўтарилиши фильтрацияни кучайтириб, веналардаги кўтарилиши эса тўқима суюқлигини қонга қайта сўрилишини қийинлаштиради.

2. Қон томирлари девори ўтказувчалигини ортиши, бунда томирдан тўқимага суюқлик билан бирга одатдагидан кўп оқсиллар ҳам ўтади ва улар тўқимада тўпланиб, онкотик босим ҳосил қилади.

3. Яллигланган тўқимада модда алмасинувининг бузилиши натижасида коллоид-осмотик босим кўтарилиб, бу бир томондан фильтрацияни осонлаштиурса, айни вақтда тўқимада суюқлигининг тўпланишига ҳам сабаб бўлади.

Экссудат ўз таркибида кўпроқ оқсил, қоннинг шаклли элеменларини ҳамда дистрофик ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган маҳаллий тўқима элементларини тутиши билан транссудатдан фарқланади.

Яллигланиш пайдо қилувчи омилларнинг табнати, яллигланувчи тўқима нинг ҳусусияти, организмнинг реактивлиги ҳамда яллигланишининг характеристига кўра экссудатларнинг - сероз, йирингли, геморрагик, фибриноз, чириган ва аралаш турлари фарқланади.

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

---

Сероз (қон зардобига ўхшаган) экссудат деярли тиниқ бўлиб, солиштирма оғирлиги паст (1015-1020), таркибида оқсиллар кам (3-5%), хужайра элементлари (асосан нейтрофиллар ва гистиоцитлар) кам. Сероз экссудат, кўпинча, сероз пардаларнинг яллигланишида (плеврит, перитонит, перикардит), куйишнинг 2-босқичида учрайди. Экссудатнинг бу тури тез ва одатда кўп микдорда тўйланади.

Йирингли экссудат таркибида кўплаб лейкоцитлар (уларнинг кислотали мұхитда ўлганлари - йиринг танжалари) бўлади. Йирингли экссудат оқсилга бой (6-8-10%) суюқлик бўлиб, унда кўп микдорда модда алмашинуви маҳсулотлари, ферментлар ва ҳ.к. учрайди. Йирингли экссудат, аксарият, ўтқир инфекция ҳосил қилувчи омиллар (мас., стрептококклар, стафилококклар ва б.) таъсирида пайдо бўладиган яллигланишида, яна турли кимёвий ва физик омиллар таъсиридан келиб чиқадиган яллигланишларда ҳам ҳосил бўлиши, тўпланиши мумкин.

Геморрагик экссудат таркибида эритроцитларнинг кўп бўлиши сабабли пушти қизил рангта бўялади. Бу экссудатнинг тўпланиши қон томир девори ўтказувчиллигини ниҳоятда кучайганилигидан далолат бериб, аксари сил этиологиясидағи яллигланиш жараённида (мас., плеврит), қорасон, куйдирги каби касалликларда ва айниқса, алергик яллигланишларда кузатиласи.

Фибриноз экссудат ўз таркибида кўп микдордаги фибрин ишчаларини тутиб, кўпинча нафас йўлларнинг шиллиқ пардалари яллигланишида учрайди. Фибрин толалари микробларни ушлаб қолади ва уларнинг кўпайиши ҳамда тарқалишига тўскىнлик қиласи.

Яллигланиш вақтида экссудатнинг аралаш турлари (мас., сероз-фибринли, йирингли-геморрагик ва б.) ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Экссудация организмнинг ҳимоя реакцияси ҳисобланади. Экссудат, аввало, яллигланиш ўчогидаги турли зарарли омилларни суюлтириб, концентрациясини пасайтиради ва шу тариқа уларнинг таъсири кучини камайтиради. Ҳимоя реакцияларин экссудат таркибидаги ферментлар ва эндоген бактерицид моддалар таъсирида ҳам амалга оширилади.

Яллигланиш ҳамма вақт дастлаб хужайранинг шикастланишдан ва кейин ҳалокатидан бошланади. Кейинроқ, маълум бир даврдан сўнг инфильтрация, йиринглаш ва уларга боғлиқ протеолиз, некроз каби жараёнлар аста-секин пасая бориб, унинг ўрнини тикланиш жараённи эгаллай бошлайди. Шунга кўра яллигланиш ўчогидаги инфильтратнинг таркиби ўзгара бошлайди - нейтрофиллар йўқола бориб, ўрнини моноцит ва лимфоцитлар эгаллайди. Монголитларнинг моҳияти шундаки, улар альтерация ва экссудация жараёнларида ҳалок бўлган хужайралардан ҳосил бўлган парчаланиш маҳсулотларини ютиб, ҳазм қилиб, яллигланиш ўчогини тозалайдилар. Лимфоцитлар эса антителолар (зидитиллар, антигапаналар) ишлаб чиқарувчи плазматик хужайралар - иммуноцитларнинг манбандир. Яллигланиш ўчогида борган сайин хужайраларнинг кўпайиши - пролиферация ривожланади.

Пролиферацияда қон хужайралари-моноцитлар ва лимфоцитлардан ташари, гистиоген-мезенхиманинг камбиял адвентициясининг эндотелиал

хужайралари ҳам бевосита қатнашади. Хужайраларнинг аста-секин ўсиши, такомиллашиши, фарқланиши (дифференциацияси) натижасида чандиқ тўқиманинг асосий таркибий қисми бўлмиш коллагенни синтезловчи фибробластлар ҳосил бўлади, яъни бирютирувчи тўқима хужайраларни тартибли равишда ривожланиши юз беради ва шикастланган жой тикланади. Пролиферация альтерация вақтида ўлган хужайралардан ажралиб чиқсан биологик стимуляторлар таъсирида бошланиши, кейинчалик унинг идора қилинishi етилган хужайраларда ҳосил бўладиган кейлонлар (сувда эрувчан, иссиқда ўзгарувчан, молекуляр оғирлиги 4000 бўлган гликопротеинлар) таъсирида якунланади. Улар ДНК нинг иккига бўлинишин учун зарур ферментлар фаоллигини йўқотиб, хужайраларнинг бўлинишини тормозлайди. Кичикроқ тарқоқ (диффуз) шикастланишлар (яралар) яллигланиш жараёнининг тўла тикланиши билан тугайди. Аммо тарқоқ шикастланишда кўплаб хужайралар ҳалок бўлса, ҳосил бўлган нуқсон (дефект) ўрнида бирютирувчи тўқима ўсиб, кейин чандиқланади.

Баъзан чандиқ тўқиманинг ҳаддан ташқари ўсиши аъзо шакли, тузилиши ва фаолиятининг бузилишига олиб келади. Бундай ҳоллар, айниқса, юрак қопқоклари (клапанлари) ва мия пардаларининг яллигланишида ўта хавфлидир.

Яллигланиш ва иммунологик реактивлик, қолаверса, ўнга хос аллергик яллигланиш масалалари жуда мураккаб ва турличадирки, буларни иммунологияга оид бўлимда маҳсус мұхокама этиш мақсаддига мувофиқ дир.

## АМАЛИЙ ҚИСМ

### 11 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Яллигланиш ўчогида альтерацийаниг ривожланиши ва қон айланишининг бузилиши.

**Мақсад.** Яллигланишда альтерация ва қон томири ўзгаришларининг босқичларини ўрганиш.

**1-вазиға.** Конгейм тажрибасида яллигланиш жараёнида қон томирлари реакцияси ва уларниг белгиларини ўрганиш.

Конгейм тахтасига ҳаракатсизлантирилган бақани қорнини пастга қаратиб ётқизилади. Кейин қорнининг ён томонидан тешникча орқали инцет билан ичактутқичини аста - секин чиқарилади ва тахтачанинг ён тешига устига тортилиб, мустаҳкамланади. Кузатиш микроскопи остида олиб борилади. Препарат тайёрлаш вақтидағы механик таъсиirlарнинг ўзиёқ ичак томирларида артериолалар гиперемиясини ва унга хос ўзгаришлар (қон оқимининг төмалашуви, фаол капилляrlар кўпайиб, уларнинг қонга тўла бориши ва ҳ.к.) ни юзага келтиради. Сўнг марказий қон оқими ва плазматик четки оқим қисмлари аниқланади. Вақт ўта бориши билан аста - секин фаол артериал гиперемиясиниг пасив-вена гиперемияси айланишини - кениайи қон томирларнда қон оқимининг секин таинини, қон шаклии элементларнинг марказий қон оқимида аж-

## **І ҚИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

ралиб чиқиши (яъни марказий қон оқимининг плазматик оқим билан ажралиб кетиши)ни, қоннинг тўхтаб-тўхтаб ва ҳатто маятниксимон (мокисимон, яъни бир олдинга, бир орқага қараб) харакатланишини, айрим жойларда эса қон харакатининг бутунлай тўхтай бошлаши ва б. ўзгаришларини аниқлаш ҳамда кузатиши мумкин.

Ушбу тажрибада вена гиперемиясида лейкоцитларнинг четроққа жойлашиши ва томир деворига ёпиша бориши, ҳатто уларнинг кўчиши-эмиграцияси каби ҳолатларга ҳам эътибор бериш керак.

**2-вазифа.** Бақа ти哩да яллигланиш ҳосил қилиб, альтерация ва қон томир ўзгаришларини ўрганиш.

Конгейм тахтасига харакатсизлантирилган бақани қоринини пастга қарабит жойлаштирилади, кейин пинцет билан аста-секин тилини чиқарилиб, тахтacha тешиги устиги тортиб маҳкамланади. Тил қон томирлари ва уларда қон айланишиний кузатиш эса микроскоп остида (объектив 8<sup>х</sup>) олиб борилади. Еир оздан сўнг тилнинг бир чеккасини кумуш нитрат билан куйдирилади. Кейни тайёрланган препарат яна микроскоп остига кўйилиб, кимёвий-токсик омил таъсирида ривожланувчи яллигланиш жараённида юзага келадиган альтератив ўзгаришларни кузатилади. Кумуш нитрат таъсир қилган жойда некробиотик ва некротик ўзгаришлар найдо бўлади. Уларни атрофида аста-секин қон оқими секинлашади, тромблар ҳосил бўлиб, стаз юзага келади. Некроздан четроқда эса қон оқимининг тезлашиши, томирларнинг кенгайиши, артериал ҳамда вена гиперемиясига хос кўринишларнинг вужудга келишини кузатиш мумкин.

## **12 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Яллигланишда экссудация. Экссудация турлари ва хусусиятлари.

**Мақсад.** Ҳар хил экссудатларнинг моҳияти, ҳосил бўлиш механизмлари ва хоссаларини ўрганиш.

**1-вазифа.** Пробиркаларга солинган ҳар хил экссудатларнинг ранги, хиди, куюқ-суюқлиги (консистенцияси)ни аниқлаш ҳамда уларнинг морфологик ва физик - кимёвий хусусиятларини мулоҳаза қилиш.

**2-вазифа.** Йирингли ва сероз экссудатларнинг pH ни аниқлаш. Бунинг учун 12 та тоза ҳамда қуритилган предмет ойначаларининг ҳар бирiga эчик pH ли (5,6; 5,8; 6,0; 6,2; 6,4; 6,6; 6,8; 7,0; 7,2; 7,4; 7,6; 7,8; 8,0) буфер эритмалардан алоҳида 2 томчидан томизилиб, уларнинг биринчи қаторига фенол-рот, иккинчи қатордагиларига бромкрезолпурпур индикаторларидан бир томчидан кўшилади. Бунда томчилар ҳар хил рангга бўялиб, қиёслаш учун керакли этalon ҳосил бўлади. Кейин яна бошқа иккита предмет ойначасини олиб, уларнинг бирига 2 томчи экссудат, иккинчисига эса 2 томчи транссудат томизилади, сўнгра уларга юқоридалги индикаторлардан бир томчидан кўшилади. Бўялган суюқликлар рангини этalon билан қиёслаб, уларнинг pH ни аниқланади.

**3-вазифа.** Ривалт синамаси (тажрибаси) ёрдамида экссудатни транссудатдан ажратиш.

Бунинг учун, цилиндрда сирка кислотасининг кучсиз (100 мл сувга 1 мл сирка кислотаси) эритмаси тайёрлаб ўнга бир төмчи синаб кўриш учун олинган суюқликдан томизилади. Агар синама суюқлик экссудат бўлса, чўкаётган томчи сирка кислотасининг эритмасида тамаки тутунига ўҳашаш из қолдиради. Агар суюқлик транссудат бўлса, сезиларли ўзгариш кузатилмайди. Тажрибанинг моҳияти шундаки, экссудат таркибидаги оқсиллар сирка кислотаси эритмасига тушгач кислота шароитида коагуляцияга учрайди.

**4-вазифа.** Йирингли экссудатда амилаза борлигини аниклаш. Бунинг учун 12 та пробиркага крахмал эритмасини солиб, уларга йирингли экссудатни астасекин бир томчидан мийдорини ёшира борган холда (яъни бир томчидан 12 томчигача) кўшилади. Сўнг пробиркалар 30 дечиқагача термостаттага ( $37^{\circ}\text{C}$ ) кўйилади. Кейин пробиркаларни термостатдан олиб, ҳар бирига 1-2 томчидан люгол эритмаси томизилади. Бунда суюқликлар ҳар хил рангга (контроль ва 1-пробирка кўк бинафша рангта, қолганлари қизиш, қизил, сарик ва ҳ.к. рангларга) бўялади. Охирги пробиркадаги суюқлик бутунлай бўялмаслиги мумкин. Крахмал люгол эритмасида кўк бинафша тус олади. Йиринг таркибидаги фермент амилаза крахмални парчаласа, суюқлик бўялиш хусусиятини йўқотади.

**5-вазифа.** Йирингли экссудатда протеаза борлигини аникдаш.

Бунда желатина ёки фотоплёнкага йиринг томизилиб, 30 дақика термостатта ( $37^{\circ}\text{C}$ ) жойлаштирилади. Агар томизилган йирингли экссудат таркибида протеаза ферменти бўлса, желатина (ёки фотопленка)нинг экссудат томизилган жойида чўқурча ҳосил бўлишини кўриш мумкин.

Машгулот сўнгидаги олинган натижаларга хўлоса ясаб, уларни баённома сифатидаги ифодаланади.

## 13 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Яллигланишнинг клиник белгилари ҳамда уларнинг патогенези. Яллигланиш ўчогида физик-кимёвий ўзгаришлар.

**Маъсад.** Лейкоцитларнинг қон томир девори орқали ташқарига чиқишида баъзи физик-кимёвий силжишларнинг аҳамиятини ўрганиш. Яллигланишнинг клиник белгилари ва уларнинг ривоҷланиш меҳанизмларини ўрганиш. Йирингли экссудатнинг морфологиясини ўрганиш.

**1-вазифа.** Данилевский модел тажрибаси мисолида лейкоцитлар эмиграциясини, уларнинг юза таранглиги ўзгаришининг аҳамиятини ўрганиши.

Петри липкочасига 1 томчи симоб олиб, унинг ёнига бихромат калий тузининг бир неча кристалларини сочилади. Сўнг азот кислотасининг 3-7% ли эритмасидан ликопчанинг бутун юзасини қоплагунча кўйилади. Бунда симоб амёбасимон ҳаракатга келади, чунки ликопчада бихромат калий тузининг кислота билан реакцияга кириншиши таъсирида симоб томчисининг юза таранглиги

## **1 КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

ўзгариб, натижада у ҳаракатта келади. Бў тажриба модель тажриба ҳисобланади, чунки симоб лейкоцит, кислота билан бихромат калий тузининг реакцияси яллигланиш ўчогида қон айланишининг ва модда алмашинувининг бузилиши натижасида ҳосил бўладиган лейкоцитларнинг юза таранглигини пасайтирувчи моддалар сифатида фараз қилинади.

**2-вазифа.** Скипишар юбориш орқали қуён организмида абсцесс (фасод) ҳосил қилиб, яллигланишининг клиник белгиларини аниқлаш ва уларни тавсифлаш.

Бунинг учун қуёнининг орқа ёғи мушагига ўсимлик мойи билан тенг барабар нисбатда аралаштирилган скринидардан 3-5 мл (қуён оғирлигининг ҳар бир кг га 1 мл ҳисобида) юборилади. Бунда яллигланишининг ҳамма белгилари яққол кўринадиган йирингли жараён-абсцесс найдо бўлади.

Кейин кузатилган белгиларниң патогенези ҳақида сўз юртилади ва тушунтирилади.

**3-вазифа.** Йирингли экссудатининг морфологиясини ўрганиш. Юқорида айтилган яллигланини ўчоги абсцессдан ширин ёрдамида экссудат олинниб, ундан суртма тайёрланади. Азур-эозин билан Романовский усулида бўялган суртманинг морфологияси микроскоп остида ўрганилади.

### **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Яллигланин тушуунчаси. Этиологияси.
2. Яллигланишининг клиник белгилари ва уларниң патогенези.
3. Яллигланинда альтерация ҳодисаларини тушунтиринг.
4. Яллигланини ўчогида қон айланиши ва микроциркуляциянинг бузилишларини айтияг.
5. Яллигланиндағи физик-кимёвий ўзгаришлар.
6. Биологик фаол моддалар ва яллигланини.
7. Яллигланинда лейкоцитлар эмиграцияси, И.И.Мечниковнинг биологик назарияси.
8. Экссудация. Сабаблари, механизмлари ва турларини изоҳланг.
9. Яллигланинда тўпланидиган турли экссудатларнинг патогенези қандай?
10. Йирингли экссудат, таржуби ва ҳоссаларини айтиб беринг.
11. Яллигланини ўчогида пролиферация жараёнлари.
12. Яллигланиндағы умумий ҳодисалар.
13. Яллигланини патогенеси ида нерва ва эндокрин системаларининг аҳамияти нимада?
14. Яллигланини - ҳимоя-мөсланув реакцияси.
15. Яллигланини даво чашининг умумий принциплари нималардан иборат?

## 6 БОБ МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИНИНГ ТИПИК БУЗИЛИШЛАРИ

### *Сув-электролит алмашунинг бузилишлари*

Деярли барча патологик жараёнлар ва касалликлар сув-электролитлар мувозанати (нисбати)нинг ўёки бу даражада ўзгариши, бузилиши билан кечади. Ўз навбатида сув ва минерал моддаларнинг бир-бирига нисбатан микдорий ва сифатий меъериининг кучли бузилиши эса гомеостазнинг чукур, кўпинча хавфли ҳолатларидан далолат берувчи кўрсаткич ҳисобланади. Чунки бунда хужайралар, тўқима, системалар ва ниҳоят, яхлит организм ўз фаолиятларини амалга оширолмайдиган аҳволга тушиб қолади.

Сув ва унда эриган электролитлар алмашинуви ўзаро бир-бирига узвий боғланганки, уларга таалукли масалаларни бирбутунликда кўриш мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама тўғриди.

Одам организми гавда массасининг ўртача ҳисобда 60% ини (бу албатта ёшга, жинсга, семиз-ориқликка ҳам bogлиқ, мас., ёш болаларда 70% ни) сув ташкил этади. Бу суюқлиқнинг 2/3 қисми эса хужайралар ичидаги жойлашган. Хужайралардан ташқаридаги -экстрацеллюляр суюқлиқ 15-25%ни, унинг 12-15%ини хужайра (тўқима)лараро ингертициал суюқлиқ. 5%ини томирлар ичидаги плазма такрибидаги суюқлиқ ва 1-3%ини хужайралар ўртасида ташиб юриладиган (мас., овқат ҳазм қилиш каналининг секрети -шираси, орқа мия суюқлиги (ликвор), сероз бўшликлар суюқлиги ва ҳ.к. таркибидаги) сув ташкил этади.

Сув алмашинувиининг ўзига хос гоят муҳим аҳамияти бор. Бошқа алмашинулардан фарқи шундаки, унинг бошлангич, оралик ва охириги маҳсулотлари ҳам бир модда, яъни сувдир.

Сув организмнинг ички муҳитини ташкил этади ва унинг ҳаёт учун аҳамияти жуда катта. Бинобарин, сув моддалар алмашинувида асосий эритивчи, моддаларнинг парчаланиши ва сўрилишини, фермёнтлар фаолияти ва таъсирини таъминловчи муҳитидir. Шу билан бирга, у организмдан турли шлак-чиқиндиларни ташқарига ташиб чиқариш орқали организмни тозаловчи ҳамда шу тарика барча тўқима, аъзоларни бир-бирига алоқадор этиб, улар фаолиятини бошқариб туришда ва ниҳоят, хужайра ҳамда тўқималарнинг доимий таркибий кисмини сақлаб туриш учун гоят зарур моддагина бўлиб қолмай, балки манба ҳамдир.

Одатда организмда сув мувозанати уни ўёки бу микдорда истеъмол қилиб ва ажратиб туришишга қарамай, "антидиуретик ва антикатрийуретик" деб аталувчи системалар орқали деярли ўзгаришсиз ва бир меъёрда таъминланади.

Катта ёцидаги одамларда қанча сув қабул қилинса, шунчак сув чиқарилади.

Номи келтирилгани ҳар иккى системанинг таъсири беносита иш бажарувчи, амалга оширувчи аъзолар ҳамда системалар, мағарубурлар, волюм ва осморецепторлар ва ҳ.к. га чамбарчас боғлиқ.

## I ҚИСМ. ҮМУМНИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

Сув мувозанатининг идора этилици, аввало, гуморал омиллар ва аъзолар-асосан буйраклар орқали амалга оширилади.

Сув алмашинуvida нерв-эндокрин системасининг ҳам аҳамияти гоят катта. Бунда гипоталамусининг антидиуретик гормони (АДГ) гипофиз орқа бўлагида тўпланиб, буйрак нефронининг каналчаларида сувни қайта сўрилишини таъминлайди ва диурезни камайтиради. Бу гормон этицимаганда қандсиз диабет деб аталувчи оғир касаллик ривожланади ва организм ўзида ушлаб туролмаслиги, қайта сўрилишини таъминлай олмаслиги туфайли сувни кўплаб йўқотади. Натижада оғир, хаёт учун хавфли ўзгаришлар рўй беради.

Минерал кортикоидлар, мас., альдостерон (буйрак усти бези қобигида ишлаб чиқарилади) буйрак каналчаларида натрий ионининг қайта сўрилишини ва шу орқали сувнинг суст, аммо сезилари даражада сўрилиши ҳамда ушланишини таъминлайди.

Инсулин сув алмашинувига, асосан, карбонсув алмашинувига таъсир этиши орқали таъсир кўрсатади ва у этицимаганда сувнинг сийдик орқали кўплаб ажралиши (полиурия), тез-тез ҷанқаш (полидипсия) ҳамда организмнинг сувсизланиши кузатилади.

Тироксин гормони (қалқонсимон без маҳсулоти) суюқликни тўқимадан кон томирига ўтишини кучайтиради ва шу орқали мувозанатга таъсир этади.

Сув алмашинуви ва уни идора этишининг бузилиши ё манфий ёки мусбат сув мувозанати сифатида намоён бўлади.

Манфий сув мувозанати-нисбати (баланси) – дегидратация, гипогидратация. Бунда организмдан чиқарилётган сув микдори унга қиритилаётган сув микдоридан кўп бўлади. Манфий сув мувозанати организмнга сув ҳам кирғанда (мас., мутлақ сув йўклигида, қизилунгач ва мөъданинг пилорик қисми торайганда) ёки организмдан сув кўп чиқиб кетганда (мас., ич кетганда, кетмакет кусганда, кучли терлаш-қўйин юз берганда, диабет ва б.ш.к. ҳолатларда) кузатилади. Манфий сув мувозанати организмнинг сувсизланиши-дегидратациясига олиб келади. Бу ҳолатда оксигенларнинг парчаланиши кучаяди, азот чиқиндиларини чиқариб юбориш, организмни улардан тозалаш қийинлашади ва натижада улар организмни заҳарлай бошлади. Унинг белгилари худди ўтқир юкумли касалликнинг оғир кечишидаги ҳолатга ўшшибиситмалаш, қайт қилиш, титтраш каби аломатлар билан кечади. Агар организм ўзидағи сувнинг 10 физиолада кўпроғини йўқотса, тиклаб бўлмас ўзгаришлар ва ниҳоят, ўлим юз беради.

Келиб чиқиши сабаблари ва механизmlарига кўра дегидратациянинг қўйицадаги турлари ажратилади:

1. Гипосомалярдегидратация - организм сувни, ундан ҳам кўпроқ микдорда электролитларни йўқотганда (мас., бетўхтов қайт қилиш, ич кетиш, ўта терланада, қанд диабети ва д.к.да) юз беради.

Томирларда, яъни хужайралардан ташқари мухитда осмотик босимнинг пасайини натижасида сув хужайраларга ўта бошлади. Бунда гиноволемия-қон ҳажмининг камайинши, унинг қуоқланиши ва кон айланишининг бузилиши гоят кучли содир бўлади.

**2. Гиперосмоляр дегидратация**, асосан, организм электролитларни, айниқса натрийни, лекин унга нисбатан ҳам күпроқ сувни йўқотганда рўй беради. Бунда осмотик босим нисбатан ошади ва ўта терлаш, гипервентиляция, полиурия, ич кетиши ва айни вақтда йўқотилган сув ўрнини қоплаб бўлмас ҳолатлар кузатилиб, сувнинг ҳужайралардан ташкарига чиқиши туфайли улар сувсизланади, яъни чин дегидратация деб аталувчи ҳолат рўй беради.

**Мусбат сув мувозанати-нисбати (баланси)** - гипергидратация, гипергидрия - бу организмда сув кўпайганда (сувни кўп қабул қилинганда ёки уни кўп юборилганда, буйракларнинг сийдик ҳосил қилиш ва ажратиш фаолияти бузилганда, сувнинг қон ҳамда тўқималар ўргасидаги алмашинуви ва ниҳоят, сув-электролит алмашинувининг идора этилиши бузилганда) кузатилади. Келиб чиқиши сабаблари ва патогенезига кўра мусбат сув мувозанатининг қўйидаги турлари фарқланади:

**1. Гипоосмоляр гипергидратация**, гипергидрия (сув билан заҳарланниш). Эксперимент-тажрибада уни турли йўллар (мас., организмга кўп микдорда сув билан бирга АДГ юбориш ёки сувни бевосита қонга, меъдага юбориш) билан ушибу ҳолатни ҳосил қилиш мумкин. Клиник шароитда эса бу ҳолатни рефлекс-тор олигурияда ва ўтқир буйрак стишмовчилигида кузатилиш мумкин.

**2. Гиперосмоляр гипергидрия** - бу электролитларга бой бўлган шўр (мас., минерал сувлар, денгиз суви) ичимликлар, шарбатлар кўп ичилганда келиб чиқади. Бунда сув ҳужайралардан чиқа бошлияди ва улар сувсизланади, атрофида эса сув тўпланиб, шиш пайдо бўлади. Шиш - сувнинг тўқималар ўргасида бевосига алмашинувининг ёки уни нерв-гуморал ва эндокрин бошқариш механизмларининг бузилишлари ва шутуфайли бошқа қатор ўзгаришларнинг юзага келишидан иборат ташки ҳамда ички белгилар билан ифодаланади. Тарқоқ ва ривожланган, оғир кечадиган қатта шишларда транссудация натижасида тўқималарда кўп суюқлик тўпландади. Улар, асосан ёки аввало организмнинг табиий бўшиликлари (мас., кўкрак ва қорин бўшиликлари) да тўпланиб, гидроторакс ва асцит каби ҳолатларга олиб келади.

Шиш тўқиманинг, айниқса тери ости қаватининг қавариши, тери рангининг ўзгариши, тўқима ҳароратининг насайиши ва бармоқ билан босганда дарров йўқолмайдиган чуқурчалар ҳосил бўлиши, айниқса, модда алмашинувининг бузилишлари ва шутуфайли бошқа қатор ўзгаришларнинг юзага келишидан иборат ташки ҳамда ички белгилар билан ифодаланади. Тарқоқ ва ривожланган, оғир кечадиган қатта шишларда транссудация натижасида тўқималарда кўп суюқлик тўпландади. Улар, асосан ёки аввало организмнинг табиий бўшиликлари (мас., кўкрак ва қорин бўшиликлари) да тўпланиб, гидроторакс ва асцит каби ҳолатларга олиб келади.

Шиш пайдо бўлишининг асосий патогенетик ошиллари

Старлинг-Крофтасвир ва чизмасига асосланган ҳолат тўқима билан қон томирларни ўргасида суюқлик-сув алмашинувининг бузичиши, яъни ташнига олиб келувчи патогенетик механизм ошилларни шартли равнида кунизи ича тасаввур қилинади:

## 1 ҚИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

**1. Гидростатик омил.** У ёки бу сабабга күра вена қон томирида босим ошганда (мас., вена гиперемиясида) қон босими билан коллоид-осмотик босим ўртасидаги фарқ камаяди. Шу туфайли сувнинг тўқималардан вена капиллярлари, венулаларга қайта сўрилиши механизмлари бузилади ва суюқлиқ тўқималарда тўплана бошлайди, яъни шиши пайдо бўлади. Демак, шининг ушбу йўсинда юзага келишидаги асосий патогенетик омили - бу веналарда қон босимининг ортиши, яъни механик ёки гидродинамик (аникроги гидростатик) омилдир.

**2. Коллоид - осмотик ёки оғ'ботик омил.** Турли, у ёки бу сабабларга кўра қонда оқсиллар, айниқса, альбуминлар микдорининг камайиб кетиши, яъни гипопротеинемия ва гипоальбуминемия юзберса, мъълумки, қон плазмасининг коллоид-осмотик босими (қоннинг сувни ушлаб туриси кучи) пасаяди. Натижада артериал ва вена қон томирларида гидростатик босим билан коллоид-осмотик босим ўртасидаги фарқ катталашиб ультрафильтрация рўй беради, аммо қоннинг коллоид-осмотик босими хисобига бажариладиган қайта сўрилиш жараёни сусайиб суюқлик тўқималарда тўплланаверади. Демак, бунда коллоид-осмотик босимининг пасайиши шишини юзага келишида асосий патогенетик омил хисобланади.

**3. Қон томирлари кимёвий ёки механик сабабларга кўра** (мас., вена гиперемиясида), томир эндотелий ининг ацидоz ёки биологик фаол моддалар (мас., гистамин, аденилат кислотаси, баъзи простагландинлар ва ҳ.к.) таъсири туфайли ўтказувчалиги ортганда ҳам шиши пайдо бўладики, бунда томирлар ўтказувчалигининг ортиши асосий патогенетик омил хисобланади.

**4. Турли сабабларга кўра моддалар алмашинувининг бузилиши,** организмда уларнинг чала оксидланган маҳсулотлари тўпланиши ва шу туфайли онкотик ҳамда осмотик босимларнинг ортиши, айниқса натрий, калий, кальций каби электролитлар, водород ионлари ва ҳ.к. кичик молекулали мојдалар (мас., аминокислоталар, глюкоза)нинг тўпланиши натижасидир. Тўқимада онкотик босимининг ошиши эса ундаги йирик дисперсли оқсилларнинг майдада бўлакчаларга бўлиниши, ацидоz муҳитининг юзага келиши туфайли тўқима, аникроги, унинг оқсилларини гидрофиллик-бўкиш ҳусусиятининг ошиши билан белгиланади. Бундай механизм орқали юзага келадиган шишида тўқиманинг ўзидаги ўзгаришлар, яъни тўқима патогенетик омили асосий роль ўйнайди.

Одатда шиши пайдо бўлишида бир эмас балки бир неча омиллар бирварамакай, деярли бирин-кётин юзага келиб, таъсир этади, аммо унинг қандай бўлишидан қатъи назар, ушбу қайд этилган омиллардан бири етакчи роль ўйнайди. Албатта шишининг ҳосил бўлиши механизмида ҳам маҳаллий, ҳам умумий омиллар иштирок этади ва биргаликда таъсир кўрсатади. Шишин келтириб чиқарувчи сабабларга, механизмларига, қайси аъзо ва система патологияси етакчи ўрин тутишига қараб, унинг бир неча турларини тафовут қилиш қабул этилган. Шундан бир нечасини мисол сифатида кўриб чиқиш мумкин.

**I. Юрак шини.** Бунда гидростатик ёки вена қон томирларида босимининг ошиши асосий патогенетик омил ролини ўйнайди. Вена қон томирларида босимининг ошиши (айниқса, вена қон томирларининг кенгайши), кейинчалик

эса бошка омиллар-ақидоз ҳамда биологияк фаол моддаларнинг юзага келиши оқибатида томир ўтказувчанилигининг ортиши, оқсилларни йўқота бориши туфайли тўқималарда электролитлар, оралик моддаларнинг түпланиб, тўқима гидрофиллигини кучайтириши каби ҳодисаларнинг бирин-кетин рўй бериши шишини ривожлантиради.

**II. Нефротик шишлар.** Бу хил шишларнинг юзага келишида қонда онкотик босимнинг (бемор сийдик орқали ўз оқсилларни йўқотишни-гипопротеинемия натижасида) пасайиб кетини асосий омил ҳисобланади.

**III. Нефритик шишлар.** Унда асосий омил қон томири ўтказувчанилигининг кучайини, моддалар, айниқса оқсиллар алмашинуви бузилиб, оқсил моддаларнинг қон томирига таъсири этиши туфайли тўқима омили юзага келиши, яъни тўқималарда сувнинг ушланиб қолишиди.

**IV. Жигар шишлари.** Жигарнинг токсик, ајментар ва юқумли касаликларида асосий омил онкотик босимнинг камайишиди, чунки оқсилларни ишлаб чиқарувчи асосий аъзо - жигар шикастланиши туфайли гипоальбуминемия ва гипопротеинемия содир бўлади. Жигар циррозидә шиш айниқса кучли бўлиб, хатто асцит каби оғир аҳвол рўй беради. Бунда қон онкотик босимнинг камайиши билан бирга, айни вактда қопқа вена системасида веноуз димланиш туфайли гидростатик босимнинг ортиши етакчи роль ўйнайди. Унга қўшимча омил сифатида қон томири, тўқима патогенетик омиллари юзага кела боради.

**V. Кахексия** (ҳаддан ташқари озиш, чўп-устихон бўлиш, бутунлай ҳолдан тойини) цинилари. Бунда асосий патогенетик омил қонда онкотик босимнинг пасайишиди. Чунки кахексия-ҳаддан ташқари орнекланти, айниқса оқсилларнинг қабул этилмаслиги ёхуд ўзлагитирмаслиги туфайли, синтез жараёнининг бузилиши билан белгилаанди. Бу ўз-ўзидан маълумки, гипопротеинемияни вужудга келтиради, оқибатда кенг тарқалган ва ривожланган илиш, хатто ана-сарка, яъни bemорининг сувли қопга - "мешига" ўхшаб қолини билан ифодалаади.

## **АМАЛИЙ ҚИСМ**

### **14 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Сув ва тузлар мувозанати - нисбати (баланси)нинг турли патологик жараёниларда бузилиши. Шишининг пайдо бўлиш сабаблари ва механизмлари.

**Мақсад.** Сув - электролитлар мувозанатининг организм учун аҳамияти, унинг идора этишини ва бундатурли система, аъзо-тўқималарнинг роли; турли сабабларга кўра сув-электролит мувозанати бузилишиларнинг асосий кўринишларидан бири - шишининг патогенетик омиллари, турлари ва х.к. ҳакида тушунчча ҳосил қилиб, уларнинг патофизиологиясига оид баъзи масалаларни тажриба ёрдамида ўрганиши.

## **I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**1-вазифа.** Оқ каламуш ўпкасида токсик шиш жараёнини пайдо қилиш ва унда ўпка коэффициентини аниқлаш.

Тарозида оғирлигига аниқланган оқ каламушнинг қорин бўшлигига, оғирлигининг ҳар 100 г га 0,7 мл ҳисобида аммоний хлориднинг 6% ли эритмасидан юборилади. Ҳайвон ҳолатининг ўзгариши кузатилиб, баённомада куйидагилар акс эттирилиши шарт.

1. Ҳайвон ҳолатининг вақт (яъни кузатиш) давомида ўзгариш жараёни.  
2. Ҳар 5 дакиқада нафас сонги ва унинг чуқур ёки юзакилиги, нафас олиши ёки нафас чиқаришининг қийинлашиши каби ўзгаришлари.

3. Тери ва шиллик қаватларнинг ўзгариб бориши.  
4. Таъваса ҳолати, ўлим юз бериси ва ушибу жараёндаги ўзгаришлари.

Ҳайвон ўлганидан сўнг уни ёриб очиб, ўпкаси ва юрагининг ҳолати кўздан кечирилади. Бунда, одатда, ўпка катталашган (шишган) бўлиб, қон оққан-кетган жойларда майда нукталар, кесганда эса қонга тўйинган ва унга ўхаша кўпиксимон суюкликининг ажralиб чиқиши кузатиласи. Ундан сўнг ўпкани ажратиб олиб, тарозида тортилади ва ўпка коэффициенти, яъни ўпка оғирлигининг тана оғирлигига бўлган нисбати аниқланади.

Соғ ҳайвонларда ўпка оғирлигининг ҳар 1 г ми кўпи билан (максимал) тана оғирлигининг ҳар 100 г га тўри келади.

Ўпка коэффициенти куйидагича ҳисбландади:

каламуш вазни – 135 г .

Ўпка оғирлиги – 1,7 г ,

135 — 1,7

100 — x

$$x = \frac{1.7 \times 100}{135} = 1,26.$$

Демак, ўпка коэффициенти 1,26 га тенг.

**2-вазифа.** Бақанинг орқа лимфатик қопчасига ош тузининг гипертоник эритмасини юбориб, шиншиннинг келиб чиқишида осмотик омилнинг патогенетик можиятини ўрганиши.

Бунинг учун тажрибага оғирлиги бир хил 2 та бақани олиш шарт. Биринчи бақанинг териси остига (лимфатик қопчасига) 20% ли ош тузи эритмасидан 1,5-2,0 ми юборилади. Иккинчи бақага қиёсий назорат учун 1,5-2,0 мл ўлчамда ош тузининг физиологик (0,85 % ли) эритмаси юборилади. Кейин уларги 100 мл дан сув солинган иккита идишга алоҳида жойлаштирилиб, машт улот давомида кузатиласи. Тахминан 1 соат вақт ўтгач, идишлардаги сув миқдори ўлчандади. Агар идишдаги сувнинг миқдори камайган бўлса, бу бақада шиш ҳосил бўлганидан далолат беради. Демак, сув миқдорининг камайишига қараб, осмотик босимнинг шиш пайдо бўлишидаги аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритиласи.

**3-вазифа.** Мак-Клюор-О’ффрич тажрібаси орқали тўқиманинг гидрофил-

лиги-сувга мойиллигини ва щишнинг келиб чиқишида тўқима омилларининг патогенетик моҳиятини ўрганиш.

Вақтни белгилаб, қуён териси остига 0,2 мл ўлчамда физиологик (0,85% ли) эритма юборилади ва ҳосил бўлган шишнинг қанча муддатдан сўнг сўрилиб-йўқолиб кетиши аниқланади. Меъёрда (нормада) бу 60-90 дақиқани ташкил этади. Агар тўқима гидрофиллиги ошган бўлса, юборилган физиологик эритма тез сўрилиб кетади.

### **Карбонсувлар алмашинувининг бузилишилари**

Маълумки, карбонсувлар миқдор жиҳатидан ташқи ва ички органик олам муҳитларини ҳамда истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларни, умуман, тириклик дунёсининг асосий қисмини ташкил этади. Катта ёшдаги кишиларнинг кундалик истеъмол қиласидиган озиқ-овқати (рациони) нинг тахминан 500-600 гини карбонсувлар ташкил қиласи. Улар инсоннинг кундалик энергияга бўлган эҳтиёжини (бу уйнинг жисмоний ҳаракати, касбига алоқадор меҳнати, ташқи муҳитнинг турли ўзгаришлари ва ҳ.к. ни ҳисобга олинмаган вактида) қондиради. Бунда тахминан 2000 ккал га яқин (янига ҳалқаро ҳисоб бўйича қарийб 8000 Дж, яъни 1 джоуль -  $2,39 \cdot 10^4$  ккал га тенг) энергия ҳосил бўлиб, организмнинг унга нисбатан бўлган талабининг 2/3 қисмини қондиради. Бундан ташқари, карбонсувларнинг ҳаёт учун энг зарурий аҳамияти уларнинг бошқа моддалар-оқсилилар, ёғлар, нуклеин кислоталар, коферментлар ва бошқалар билан реакцияга киришиб, организмга керакли янги моддалар (мас., глюкопротеидлар, мукополисахаридлар ва ҳ.к. каби мурakkab моддаларнинг) синтези учун сарфланади. Бу ўринда нуклеин кислоталар-ДНК, РНК ларнинг таркибий қисми бўлмиш рибоза ва дизоксирибозаларнинг ҳосил бўлишида карбонсувлар алмашинуви ҳамда маҳсулотларининг ролини ҳам эслаш кифоя. Демак, карбонсувлар осонлик билан оксидланадиган ва асосий энергия манбаи бўлибгина қолмай, балки турли биологик, физиологик ҳамда морфологик моҳиятга эга бўлган, яъни маълум вазифаларни бошқарувчи гўморал моддаларни, гормонларнинг ҳосил бўлиши, ҳужайраларнинг тузилиши ва ҳатто қон гўрухларининг фарқланиши, иммун жавоблар, системалар, аъзолар, тўқима ва ҳужайраларнинг морфологик, функционал ҳусусиятларини белгилашда гоят катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам улар алмашинувининг бузилиши, айниқса патофизиологияга онд масалалари амалиётда катта ўрин тутади.

Карбонсувлар алмашинувини асосан 2 босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси-карбонсувларнинг меъда-ичак йўлида гидролитик омиллар ёрдамида парчаланиб ҳазм қилиниши, сўрилиши, жигар томонидан ўзлаштирилиб, гли-коген сифатида қисман тўпланиши ва ҳар бир тўқима ҳужайраларига зарурятга кўра у ёки бу миқдорда қон орқали глюкоза сифатида етказилиши (ушбу жарәёнларнинг асосида моносахаридларни, чунончи, глюкозанинг фосфор кислотаси билан турли реакцияларга киришини марказий ўрин тутади) ва ҳ.к. ни ўз ичига олади. Иккинчиси эса ҳужайралар ичидаги ферментлар ёрдамида амалга ошидиган алмашинув бўлиб, карбонсувларнинг оралик жарайини (юқорида қайд қилинган турли моддалар ҳосил бўлади) ва ниҳоят,

## I ҚИСМ. ҮМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

Уларнинг сўнгги маҳсулотиарга (карбонат ангириди ва сув) ҳосил бўлишига қадар кетма-кет юз берувчи бир неча мураккаб реакцияларни ўз ичига олади. Ана шу босқичда ҳосил бўлган энергия турли синтетик жараёнлар ва ишлар учун сарфланishi, шунингдек ўзига хос (специфик) ўзгаришлар рўй бериши, иссиқлиққа айланishi ва ҳ.к. содир бўлади.

Карбонсувларнинг ана шу мураккаб ўзгаришлари (яъни парчаланиши, сўрилиш ва турли маҳсулотларга айланishi)да уларнинг фосфор кислотаси билан бирикib, глюкоза-6-фосфат каби карбонсувларнинг алмашинувида марказий ўринни тутувчи мoddанинг ҳосил бўлиши аҳамиятга моликдир. Одатда карбонсувлар алмашинуви ҳақида сўз юритилғанда, уларни глюкоза мисолида кўриб чиқилади. Ана шу глюкоза-6-фосфат гликоген синтези учун сарфланади, гликолитик оксидланишига (Кребс цикли орқали) учрайди, центоз-фосфат цикли орқали бевосита ёѓларнинг синтези учун ишлатилади. Буларнинг барчасида глюкоза-6-фосфатни маълум ферментлар таъсирида у - бу томонларга ўзгариши содир бўлади.

Карбонсувларнинг сўрилиши ва турли ўзгаришларга учраши жараёнларида жигарнинг аҳамияти жуда муҳимдир. Шунинг айтни керакки, сўрилиш жараёнида конқа венаси (portae) да бошка қон томирлари дагига иисбатан глюкоза миқдори бир неча баравар кўп бўлади. Жигарда юз берадиган юқоридаги ўзгаришлар туфайли, айниқса, жигарда гликогенинг ҳосил бўлиб энергия манбани жамгармаси сифатида тўпланиши ва унинг ҳамиша заруриятга қараб парчаланиб, хужайраларга глюкоза сифатида етказилиши ва шунга кўра қонда қанд миқдорини бир меъёрда сақлаб туриши организм учун гоят аҳамиятлидир.

Жигарда ўтга ҳисобда 150 г (яъни унинг оғизларининг 5%) игача гликоген бор. Унинг ҳосил бўлиш ва парчаланишининг идора этилиши бевосита турли ферментлар фаолиятига боғлиқ бўлиб, перв ва гормонал майбалар орқали амалга оширилади. Мас., у ёки бу сабабга кўра, симпатик нервнинг таъсириoti ортиб, адреналин кўпроқ ишлаб чиқарилса, фосфорилаза ферментининг фаолияти ошиб, гликогенинг парчаланиши кучаяди, қонда эса қанд миқдори кўпаяди. Бундан ташқари, айрим аминокислоталар дезаминирланган ( $\text{NH}_2$  грухини йўқоттаг) ироузум кислотасига айланади. Шунингдек сут кислотаси ҳам, ёѓларнинг парчаланиши жараёнда ҳосил бўлган ацетил қоэнзим-А ва ҳ.к., яъни аслида карбонсув бўлмаган бошқа мoddалар ҳам турли ферментатив ўзгаришлар орқали жигарда гликогенга айланади.

Демак, жигарда карбонсувлардан гликоген ҳосил бўлиб, уни - гликогенез; карбонсув бўлмаган мoddалардан ҳам ҳосил бўлиши - гликонеогенез (уни буйрак усти бези гормонлари - глюкокортикоидлар идора этади) ва ишҳоят, гликогенининг парчаланиб глюкозага айланishi - гликогенолиз деб аталади. Карбонсувларнинг ушбу алманингуви аслида анаэроб мухитда бошланиб (мас., ичакда гидролитик ферментлар таъсирида парчаланиши) сўнг аэроб, яъни кислород иштироқида юз беради ва ишҳоят, улар алмашинувининг сўнгти маҳсулотлари  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  ҳосия бўлади.

Бундан ҳолоса шуки, карбонсувлар алманингуви гоят мураккаб жараён бўлиб, унда турли нерв-эндохрин беъзларининг идора этили роли ва айниқса,

жигар фаолиятининг моҳияти каттаки, турли шикастланишлар оқибатида, ҳамда уларнинг касаллийкларида албатта карбонсувлар алмашинуви бузилади.

Карбонсувлар алмашинуви нейроген ҳамда эндокрин йўл ва омиллар орқали амалга ошиди. Клод Бернар 1855 йилда лаборатория ҳайвонлари миёсинг IV қоринчаси тубига игна санчганда гипергликемия ривожланишини кузатган. Кейинчалик маълум бўлишича, бундай китиқлаш натижасида найдо бўлган импульслар узунчоқ миядан симпатик системалар орқали буйрак усти безининг мия қатламига таъсири этиб, адреналин ажратилишини кучайтиради. Адреналин эса ўз навбатида гликогенолизни кучайтириб, қандаги қанд микдорини оширади. Ҳаяжонланганда ҳам қонда қанд микдори ана шу механизм билан кўпайди.

Шундай қилиб, гормонларнинг карбонсувлар алмашинувини идора этишдаги роли жуда муҳимdir, чунончи:

1. Меъда ости бези  $\beta$ -хужайраларнинг махсулоти-инсулин, организмда глюкокиназа ҳамда жигарда глюкоза-б-фосфат реакцияларини, глюкозанинг қондан хўжайраларга ўтишини, ўзининг бевосита иштироқи билан турли моддаларнинг оксидланиши ва фосфорланиши, оксиллар ва ёғ кислоталарининг хосил бўлишини амалга оширади.

2. Меъда ости  $\alpha$ -хужайраларининг гормони глюкагон жигарда гликогенни фосфорлитик парчаланишини тезлаштиради, гликонеогенез ферментлари фаолиятини кучайтириб, гипергликемияни найдо қиласи. Шу билан бирга худди инсулин каби глюкозанинг хужайраларга киришини тезлаштиради.

3. Глюкокортикоидлар буйрак усти бези қобигининг гормонлари бўлиб, улар гликогеннинг гликоплитик парчаланиши ва гликонеогенез жараёнини тезлаштиради ва шу тариқа инсулин таъсирига акс таъсирир кўрсатади.

4. Асосан буйрак усти бези мия қисмининг гормони адреналин гликогенолизни кучайтиради ва гликоген-фосфорилаза фаолиятини ошириб, гипергликемияни келтириб чиқаради. У ҳам инсулинга антагонист ҳисобланади.

5. Тироксин (калқонсими без гормони) жигарда гликогеннинг парчаланишини тезлаштиради, кислородга боғлиқ оксидланиш ва фосфорланиш жараёнини бузади, гипергликемияни найдо қиласи, улар глюкокортикоидларнинг синергисти-кўмакдоши ҳисобланади.

Демак, карбонсувлар алмашинуви аввало уларнинг турли бўгинларининг бузилиши натижасида қайд қилинган ички секреция патологиясида ҳар хил кўринишлар, ўзгаришлар (мас., қанд диабети, акромегалия, тиреотоксикоз, Иценко-Кушинг касалликларида рўй берадиган ўзгаришлар) намоён бўлади.

Организмда карбонсувлар алмашинувиning ҳолати ва уларни ўзлаштириб олиш қобилиятини карбонсувларга иксбатан толерантлик ("чидамлийк")ни текшириш орқали билиш мумкин. Бунинг учун "қанд юкламаси", яъни текширилаётган кишига қанд (100 г қандни 100-200 мл сув ёки чойдаги) эритмаси ичирилади ва айни вақтда матълум муддат (2-3 соат) кон ва сийдикдаги қанд микдори текшириб борилади. Карбонсувларга бўлган чидамлийк ҳақида, глюкозурияси兹 қабул қилиши мумкин бўлган максимал (энг юқори) қанд микдорига караб мулҳоза қилиши мумкин (мельдера қондаи и қанд микдори 170-

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

180 мг% (8-9 ммоль/л) га тенг ва у ўз навбатида буйракнинг қандга бўлган чегараси - "буйрак бўсагаси" ҳисобланади. Агар қонда қанд миқдори бундан ошиб кетса, қанд сийдик билан чиқа бошлади, яъни гликозурия кузатилади. Бу хил ўзгаришлар карбонсувлар алмашинувининг идора этилиши ва баъзи аъзолар-жигар, буйраклар, ички секреция безлари ва ҳ.к. фаолиятининг бузилишидан далолат беради.

Карбонсувлар алмашинувининг бузилиши аксарият, гипергликемия ва гликозурия сифатида ифодаланади, нисбатан осонлик билан аниqlанади. Сабаблари ва ривожланиш механизмларига кўра унинг бир неча тури фарқланади. Буларга алиментар, марказий-нейроген, симпато-адренал, гипофизар, панкреатик-диабетик ва ш.к. гипергликемия ҳамда гликозуриялар киради.

Шуни эса тутиш керакки, гликозуриянинг келиб чиқишида буйрак чегараси - "пороги" катта аҳамиятга эга. Бунга хатто гипергликемия кузатилмайдиган айрим ҳолларда ҳам, мас., буйрак патологиясида гликозуриянинг юзага келиши ёрқин мисол бўлади. Яна бир мисол, бу флородзин таъсирида келиб чиқадиган гликозуриядир. Флоридэйн таъсирида ичакда глюкоза сўрилиши сусайиб, қонда қанд миқдори камайиши мумкин.

Демак, қонда қанд миқдорининг купайиши-гипергликемия турли сабабларга кўра юзага келар экан. Унинг салбий моҳияти, аввало, қонининг физик-кимёвий, реологик ва ҳ.к. хусусиятлари, торак-томир системаси, айниқса буйраклар тузилиши ҳамда фаолиятининг чуқур бузилишига ва шунинг оқибатида ҳаётга хавф солниши мумкинлиги билан белгиланади.

Гипергликемия модда алмашинувининг турли бузилишлари билан бирга кечади. Оралик моддалар алмашуви жараёнининг маҳсулоти-сут, пироузум ва кетокислоталарнинг кўнайиши, ёглар ва оқениллар алмашинувининг бузилишлари анидоз каби ҳолатларни вужудга келишида асосий ўрин тутади. Шу билан бирга қўйидаги томонларини ҳам назарга олини зарур: гипергликемия баъзи ҳолларда (мас., инсулин етишимаганда) маълум даражада компенсатор омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қонда қанд концентрациясининг ортиши, унинг ҳужайраларидан юқори бўлиши туфайли маълум бир миқдорини қоидан ҳужайрага ўтишига олиб келади.

Қонда қанд миқдорининг камайиши - инсулин кўп ишлаб чиқарилганда (мас., инсулинома касаллигига) ёки инсулин ташқаридан ортиқча киритилганда, гипоталамусининг айрим ўсмаларида, жигарнинг шикастланишинида ва ишламай қоли анда, оғир жисмоний меҳнатдан сўнг, Аддисон касаллиги ва б.да рўй бериши мумкин.

Гипогликемияда қўйидаги ўзгаришлар: гипо-хатто аднамия, очлик хиссияти, тигтраш, қалтираш, нерв системаси фаолиятининг бузилишига яхокида (т.и. оломатлар ва ишҳоят, гипогликемик кома юзага келади. Агар қонда қанд миқдори 2 б.р.равар, яъни 1,66-2,55 ммоль/л (эски ҳисоб бўйича 50-40 мг%) кам бўса, кома (хуниси энж) келиб чиқади.

Эксперимент (тажриба) да инсулин стимулиларига хос қанд диабетининг ишусаси-моделини қўйидаги йўллар билан ҳосил қўниши мумкин:

1. Мегта ости бенини бутийай (экстериация) ёхуд унинг Йангертанс

эролчаларига тегишли қисмини (яъни ҳужайраларининг асосий жойлашған қисмини) кесиб ташлаш йўли билан.

2. Организмга аллоксан юбориш орқали. Бунда ҳужайраларда оксидланшига боғлик бўлган фосфорланиш жарабининг бузилиши туфайли шикастланиши юзага келади. Ундан ташқари, аллоксаннинг глютатиондаги сулфгидрил гурухларини боғлаб, уларга боғлик ферментлар фаолиятининг тормозланиши ва тўхтации натижасида инсулин синтези ва тўпланишининг бузилиши ҳақида маълумотлар бор.

3.  $\beta$ - ҳужайраларидаги инсулин цинк (рух) ни боғлаб олиш қобилиятига кўра бирималарни - полимерларни (гурухини ўзига бириттиради) ҳосил қиласди. Улар эса инсулиннинг жамгармаси ҳисбланиади. Дитизон каби юкори молекулали мөдда юборилса, диабетнинг ўзига хос тури пайдо бўлади. Инсулин, одатда, маълум микдорда рух билан биримка-комплекс ҳосил қилиб, гранула-дона шаклида жамгарма тарзида безнинг ўзида тўпланиади, дитизон эса ушбу жараёни бузади.

Инсулин стишмовчилиги (чунончи, қанддиабети) нинг белгилари хилмадидир:

1. Гипергликемия ва гликозуря.
2. Қон осмотик босимиятинг ошиши туфайли чаңқаш (полидипсия) ва кўп сийдик ажратиш (полиурия).
3. Энергия тақчилиги ва ҳужайралар "очлиги" туфайли иштаҳанинг ошиши, овқатга учлик (булемия, полифагия).
4. Ёѓлар алмашинувининг бузилиши ва гавда вазнининг ўзгариши, липемия, холестеринемия, қонтомирларида чуқур макро- ва микроангиопатиялар каби клиник белгилари, турли хил ўзгаришлари ва айниқса, уларнинг системаларда юзага келиши.
5. Модда алмашинувининг бузилиши сабабли оралиқ моддаларининг тўпланиб, метаболик ацидозга олиб келиши.
6. Глюконеогенез жараёнининг тезлашиши ва унинг аломатлари.
7. Азот мувозанатининг манфий бўлиши ва унинг оқибатлари. Оғир ҳолатларда ацидотик диабет комасининг юзага келиши ва б.

## АМАЛИЙ ҚИСМ.

### 15 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Карбонсувлар алмашинуви натофизиологияси.

Қанддиабетининг аллоксанли моделида карбонсувлар алмашинувининг унга хос баъзи ўзгаришларини ўрганиш.

**Мақсад.** Карбонсувлар алмашинуви бузилишининг асосий кўринишларигине гипергликемия, (глюкозуря), механизmlарини ва тажрибада аллоксан модели асосида ҳосия қилинган қанддиабетига хос ва тегишли кўреаткичларни аниқлашни.

## І КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

**1-вазифа.** Оқ каламушлар сийдигидаги қанд миқдорини нормада ва аллоксан юбориб диабет ҳосил қилингандан кейин аниқлаш.

**2-вазифа.** Үшібу каламушлар сийдигида ацетон танаачаларини аниқлаш.

Машыгүлтдан таҳминан 2-3 күн аввал, оқ каламушшыннің терисі остига (каламуш вазинининг ҳар 100 г га 15 мг ҳисобида) аллоксан (5% ли эритмаси) юборилади. 48 соатдан сүнг каламушда турғун гипергликемия юзага келади.

**Сийдикдаги қандны аниқлаш.** Бұнинг учун пробиркага 1 мл сийдик олиб, унға 3-4 томчи Ниляндр реактиви (2 г нордон азотли висмут билан 4 г сегнет түзининг 10% ли NaOH даги эритмаси) ни құшиб, 3-5 дақықадан сүнг қайнағунча иситилади. Агар сийдик таркибида глюкоза бұлса (реактив таркибидаги нордон азотли висмутдан ишқори шароитда глюкоза мавжуд бұлса, металл висмут ажралиб чынши түфайли), у түқ құнгир туsgа киради.

**Сийдикда ацетон танаачаларини аниқлаш.** Пробиркага 1 мл сийдик олиб, унға 50% ли сирка кислотасидан 0,5 мл, сүнг түйнинг натрий нитропруссид эритмасидан 0,25 мл құшиб аралаштырылади. Кейин пробиркани бир оз қиялатиб туриб деворига күчли аммиакни аста-секин томчилаб құшилади (аммиак аввалги суюқлыққа аралашиб кетмаслиги көрәк), натижада пробиркада 2 қатлам суюқлық ҳосил бўлади. Бунда сийдик таркибида ацетон танаачалари бўлса, суюқлыклар чагарасида бинафша рангли ҳалқа ҳосил бўлади.

### **Кислота - ишқор мувозанаты ва уннинг бузилишшлари**

Ички мухиттнинг донимийлиги-гомеостазининг бир мувозанатда сақланиши, айниқса юксак организмлар ҳаёті учун зарур бўлган шарт-шароитdir.

Биологик мухитларда ҳамиша водород ионий кўпроқ ҳосил бўлиб турishiغا қарамай, уларни нейтраллаш (бетарафлаш) ва водород гидроксил ионлари ўртасидаги нисбатни бир меъёрда сақлаш кислота-ишқор мувозанатини тамиллашга имкон беради.

Коннинг pH и тоят турғун ҳисбланади. Меъёрга у 7,35-7,45 атрофида бўлади ва уннинг у ёки бу томонга сезиларни ўзгариши организмнинг ҳар бир интеграл, яъни бир-бирига боғлиқлик даражасида чуқур ўзгаришларга олиб келади. Бунда, мас., ҳужайра фаолиятининг ўзгариши, гемоглобиннинг кислородни биринкитириш ва қайта бериш қобилиятынинг ўзгариши, барча моддалар, аввало сув-электролитлар алмашинуви, ҳужайра рецепторлари сензувчанлиги, мембраннылар ўтказувчанлиги, нерв-мушак системаси қўзгалувчанлиги ва импульс ўтказувчанлигиниң бузилиши қаби чуқур ўзгаришлар рўй беради. Агар pH 6,8 дан камайса ёки 7,7 дан ошиб кетса, организм ҳалок бўлиши мумкин.

Маълумки, организм ҳамиша овқат таркибида тўрли нордон-кислотали ва ишқори моддалар, тузлар, карбонсувлар, оқсиллар, ёғлар ва бопқаларни истемол қиласи. Моддалар алмашинуви кислоталарининг пайдо бўлиши ва бундай мухитда диссоциациянининг кучайиб, водород ионларинин концентрацияси ошиши билан давом этади. Аммо шунга қарамай, соглом организм ички мухитинин pH и кислотали тарафига сизжимайши. Бу эволюция жараённанда

организмлар, айниқса одамда мураккаб идора этиши тузилмалари, механизмлар ҳамда омилларни вужудга келгандыгынинг оқибатидирки, ана шулар фоалияты туфайли ички мұхиттің үз барқарорлығын таъминлаб туради. Бунда турли альзоларнинг фоалияты катта рөль йүнайды. Мәс., ўлка кислота табнатын карбонат аңгидридин мунгазам чиқарып туриши, агар зарур бўлса, қисқа муддат ушлаб туриш қобилиятига эга. Агар организмда  $H^+$  концентрацияси кўпайсан-гипервентиляция, камайса-гиповентиляция кучаяди.

Буйракнинг кислота-ишқорий мувозанатини таъминлаш ва бошқариш-даги роли гоят катта иа қўпинча ҳал қилуучи аҳамиятга эга. Буйрак каналчалари водород ва аммик ионларини ажратади, яъни секреция (ацидо- ва аминогенез сифатида) чиқаради, натрий ҳамда карбонат кислота тузи ионларини қайта сўриш қобилиятига эга.

Жигар эса нордон кислотали тузилмалар - радикалларни бoggрайди, айрим анорганик кислоталарни сувга ва карбонат аңгидридигача оксидлаб ўтказади. Аммиак ва аммоний хлориддан карбонат кислота тузилма ионларини тўплаб ташқариға ажратади, айрим нордон ва ишқорий моддаларни ўт таркибида ичакка ўтказади.

Меъда хлорид кислотасини, ичак эса натрий бикарбонатни стказиб берувчи асосий манбалар ҳисобланади ва улар ички мұхиттің ини бирине месъёрда сақлашда беъзита иштирок эгади.

Ушбу қисқа ахборотдан кўриниб турибдики, қайд этилган альзоларнинг уёки бу хилл патологиясида албатта кислота-ишқорий мувозанатининг кескин ўзгаришлари, яъни ацидоз ёки алкалоз ҳолатлари рўй беради.

Кислота-ишқорий мувозанатини таъминлаш ва уни идора этишида буфер системалари асосий ўринини эгалайди. Уларнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, бу жараёнда ортиқча водород ионлари ёхуд бoggрайниб нейтралланади, ҳиски организмдан ажратилиб, чиқарып юборилади.

Ҳар қандай буфер система - бу кўчизиз кислотанинг кучли ишқор билан ҳосил қилган тузининг аралашмасидан ташкил топган. Буфер системаларга гемоглобин, оқсил, бикарбоат ва фосфат буферлари киради.

Гемоглобиннинг оксидланган ҳолатдан қайта тикланган ҳолатга ўтишининг ўзиңек қонининг тўқималар билан бўлған муносабатида pH иянг кислотали тарафга силжишини олдини олади. Ўлка капиллярларидаги оксигемоглобиннинг ҳосил бўлиши эса эритроцитлардан карбонат аңгидрид ва хлорнинг чиқиши ҳамда бикарбонатларининг найдо бўлиши натижасида pH ии ишқорий тарафга силжишини олдини олади.

Бикарбонат буфери карбоат кислотаси ва калий ёки натрий тузларидан ташкил топган бикарбонатдан иборат. Қонда кўп миқдорда нордон моддалар тўплани анда водород ионлари карбонат кислота маҳсулоти ( $HCO_3$ ) билан бирекиб, кўчизиз карбонат кислотаси  $H_2CO_3$  ии ҳосил қиласади, у эса сув ва карбонат аңгидридига осони ина парчаланади. Карбонат ани илдиининг оргиқча миқдори эса ўлка орқали чиқарып юборилади. Агар қонда ишқорий габиатли моддалар кўпайса, улар асосан карбонат кислотаси билан бирлашиб, бикарбонат ионлари ва сув ҳосил қиласади.

## І КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

*Оқсил буфер системаси* (протеин-протенонат)-кислотали мұхитда  $H^+$  ионларини бөглайды ва натрий ҳамда калий катионларини ажратиб чиқаради. Ишқорий мұхитда эса унинг акси, яъни катионларни бөглаб, водород ионларини ажратиб чиқаради.

*Фосфат буфер системаси* - бир ва иккى алмашған  $NaH_2PO_4$  - күчсиз кислота ҳамда  $Na_2HPO_4$ -ишқорий хусусиятлы фосфатдан ташкил топған. Улар ұжайранинг асосий буфер системаси қысрабланади.

Буфер системалар үз вактида тезлик билан кислота-ишқорий ҳолат үзгаришларининг олдини олади, яъни улар тез компенсацияловчи (үринни босувчи, ростловчи) мұхим омиллар бўлса ҳам лекин узоқ вақтгача уни ростлаб тураломайдилар. Шунинг учун бу жараёнга энг кучли имкониятлар-физиологик системалар қўшилиб pH ни меъёрга келтиришга ҳаракат қиласди ва бу аксарият ҳолларда (агар ушбу аъзоларда патология бўлмаса) амалга ошади.

Кислота-ишқорий ҳолат ҳақида қўйидаги кўрсаткичларни аниқлаш мумкин:

1) актаул pH ёки қоннинг фаол реакциясини;

2)  $PCO_2$  ни (яъни  $CO_2$  нинг парциал-үзинги хос босими кислота-ишқорий ҳолатнинг нафас компоненти бўлгимини);

3) BB (Buffer base) - қоннинг буферлар асоси (қондаги барча буфер ионларининг жамгарма миқдори) - кислота-ишқорий ҳолатнинг метаболик компонентини;

4) BE (Base Excess) - буфер асосларининг алмашинолувчанилигини (у кислота-ишқорий ҳолатнинг метаболик таркибларини), яъни қондаги асосий буфер асосларининг меъёрга нисбатан үзгартувчанилик даражаси (кўрсаткичи меъёрда  $BE \pm 2,5$  ммоль/л тенг). У нийнг манфий томонға үзгариши қонда асослар камайганлиги ёки нордон моддаларнинг кўпайганлигидан, мусбат бўлиши эса асослар, ишқорий моддаларнинг кўпайганлиги ёки нордон моддаларнинг камайганлигидан далолат беради;

5) Standart Bikarbonat - бикарбонатларнинг стандарт -нусхавий, яъни  $37^\circ C$  да  $PCO_2$  симоб устуннининг 40 ммга тенг бўлган, қоянинг эса кислородга тўйинган ҳолатдаги концентрацияси кўрсаткичини;

6) АВ-бикарбонат  $HCO_3^-$  нинг қондаги ҳақиқий миқдорини;

7)  $TCO_2$  - (Total  $CO_2$ ) барча буферлар таркиби қисмида ва эритилган ҳолатдаги карбонат ангидридининг умумий миқдорини;

8) Ишқорий жамгарма (тежам, захира) - организмдаги бикарбонат ҳолати натрий кўринишидаги ва организмнинг ўзица хосил бўладиган кислота моддаларини нейтрааллаш-бетараф қилиш хусусиятига эга бўлган тўпламаси. Меъёрда у 50-60 V% ни ташкил этади, яъни ҳар 100 мл қон плазмасида кислота хоссасига эга бўлган карбонат ангидридининг 50-60 мл ни нейтрааллаш қобилиятига эга бўлган ишқор миқдорига тенг. Бу ишқорий жамгарма асоссан, маҳсус Аструп ускунасида ёки классик усул - Ван-Слайк анирати билан аниқланади.

### **Кислота - ишқор мувозанати бузилишининг асосий кўришинилари**

Кислота - ишқор мувозанати ўзгаришиларининг икки турн - яңидо зва алкалозлар фаркланади. Улар этиологик ва патогенетик нуқтани назардан бир неча турларга бўлинади.

1. *Респиратор* (ёки газли) ацидоз (организмда нафас этишмовчилиги, мас., ўпка касалликлари, МНС нинг ишқастланишилари, юрак иши этишмовчилиги ва х.к.) натижасида карбонат ангидридининг тўпланиши, чиқиб кетишенинг қийинлашуви ёхуд нафас олинаётган ҳаво таркибида унинг кўп бўлиши туфайли пайдо бўлади.

2. *Метаболик* (газсиз) ацидоз-организмда турли ҳолларда (мас., гипоксия, қанд диабети, кома ва х.к.) моддалар алмашинувининг бузилишилари туфайли кўп микдорда  $H^+$  иони маҳсулотларининг пайдо бўлиши ва тўпланиши оқибатида ривожланадиган кислотали нордон муҳит.

*Сабаби ва механизмларнинг кўра метаболик ацидозининг қуйидаги турларни тафовут қилинади:*

а) ишқорий муҳитни таъминловчиларни йўқотилиши туфайли организмда кислоталарнинг тўпланиб қолиши ёки асосларининг кўплаб чиқиб кетиши (камайиши) натижасида юз берадиган ҳолат. Бунда буйрак этишмовчилиги ёхуд давомли диспепсия ва б. катта роль ўйнайди;

б) экзоген, яъни организмга ташқаридан (айниқса; узоқ вақт мобайнида) кўп микдорда кислотали-нордон моддаларнинг мас., овқат, дори-дармонлар ва х.к. таркибида) киришидан келиб чиқадиган ҳолат;

в) ацидознинг комбинирлашган-аралаш түрга организмда кислоталарнинг кўплаб пайдо бўлиши ва ундан чиқиб кетишенинг қийинлашуви (мас., шок, колапс ҳолатларида) ёки нафас ва қон айланиши этишмовчилиги (респиратор ёхуд соматик касалликлар) оқибатида метаболик ацидозини рўй-рост ривожланиши бунга яққол мисол бўлади.

*Алкалоз* - водород ионларининг мутлақ ёки нисбий ўзгариши ҳамда pH нинг ортиши, яъни ишқорий томонга силжишини англатувчи ҳолат. Унинг бир неча турлари фаркланади:

1) *респиратор* (газли) алкалоз ўпка гипервентиляцияси натижасида карбонат ангидридини организмдан тўхтосиз кўплаб чиқарилиши туфайли юзага келадиган ҳолат;

2) *метаболик* (газсиз) алкалоз:

а) кислотали моддаларни кўплаб чиқарини ёки кўплаб йўқотиши натижасида организмда (мас., дам-бадам қайт қилини, меъда ярасининг тешシリчини-перфорацияяд) ишқорий моддаларнинг кўпайиб кетиши;

б) экзоген, яъни организмга ташқаридан кўп микдорда ишқорий муҳитни моддалар киригилгандага кузатиладиган ҳолат.

Айниқса ацидоз ва қисмий алкалоз ҳолатлари организмнинг барча интеграл даражаларида чукур ўзгаришиларига, ҳаёт учун хавфли ҳомяматларга олиб келадики, уларнинг бальзи турларига онд патофизиологик масалаларни алоҳида муҳокама қилини мақсаддага мувофиқидир.

## I ҚИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

**Респиратор (нафас) ацидоз.** Респиратор ацидозининг асосий сабаблари ва механизмларидан бири-бу нафас марказининг жароҳатланиши, яллигланиши, наркотик моддалар кўпроқ қабул қилинганда тормозланишидир. Нафас мушакларининг кучсизланиши, ўлка нафас олиш сатҳининг камайиши мас., пневмония, ателектаз, эмфизема, пневмоторакс, ўсмалар ва бошқаларда нафас йўлларининг тўсилини ёки ёт моддалар билан аспирация бўлиб қолиши, астматик ҳолат, овоз бойламлари спазми ва ҳ.к. да рўй беради.

Респиратор ацидоз янги туғилган чақалоқларда учраши мумкин. Респиратор ацидозда дисстресс синдром патогенетик омил сифатида асосий роль йўнайди.

**Газли ацидозда компенсация** реакциялари, етарли бўлмаса, турли патологик ҳолатларга олиб келади: чунончи, карбонат ангидридининг тўпланиши (кўпайниши) гиперкалияни а сабаб бўлади. Бунда мия қон томирлари кенгайиб, унда суюқлиқнинг ҳосил бўлиши тезлашади, бош мия ички босими ошади ва ҳ.к. юз беради. Маҳаллий-периферик артериялар сикилиб, қон босими ошади, буйрак контокчаларида эса сийдиккинг фильтрацияланиши камайади. Гемоглобининг кислородга инсбатан мойиллиги насаяди ва унинг диссоциация эгри чизиги ўнга қараб сурлади. Бронхисолаларнинг торайини ва шиллик пардаларнинг гиперскрециеси натижасида ўтказувчанинг бузилади, нафас стишмовчилиги чукурлашиди. Айни вақтда симпато-адренал система фаолияти ошиб, қонда катехоламинилар миқдори кўпаяди ва улар ўз навбатида периферик қон томирлари сиазмини янада кучайтиради.

Газли ацидозда кўреатиладиган асосий ёрдам бу беморининг нафас олиш фаолиятини яхшилаши, уни пайдо қилган сабабини бартараф этиш, сунъий вентиляция, бронходилататорлар, балғам кўчирувчи дориларни қўллаштиришади.

**Метаболик ацидоз** - кислота-ишикор мувозанати бузилишининг энг кўп учрайдиган турдири. Унга гипоксиянинг турли кўринишлари ("нафас", "юрак-қон томир", "Темик", "тўқима"), қандиабети, оч қолиши, иситма, буйрак стишмовчилини, сурункални чекетни, кучли яллигланиши жараёни (мас., перитонит), калыпий ҳамда аммоний хлоридни организмга кўп миқдорда киритилиши ва б. олиб келади.

Метаболик ацидоз ўз даражасига кўра турли ўзгаришлар билан кечади, мас., рН ўргача насаидага қон томирлари кенгайади, чукур ацидозда эса тораяди. Матлумки, томирлар тонуси сусайини билан артериал ва вена қон босимлари ҳам насаяди, юракка келувчи вена қонининг миқдори озайиб, натижада юрак зарби ва минутлик ҳажми камайади. Бунда тромбоцитларнинг атгаютинацион ва агрегацион хусусиятлари ошади. Ҳосил бўлган микротромблар эса ўз навбатида микроциркуляцияни янада кучни бузади - гипоксия, метаболик ўзариишлар, ацидоз ва ҳ.к. ҳоллар янада чукурлашади. Агар рН 6,8 дан насаиди кетса, лизосомалар нарчалашади, уларнинг таркибидан ажралиб чиккан ферментлар хужайразарни аутогеъз я ва учратади ва эмирилишига олиб келади.

**Респиратор (нафас) алкалоз.** У ўнка-альвеолалар вентиляциясинини кучайтиши ва органимдан карбонат ангидридининг кўпигаб чиқарилиши натижади, юзага келади. Сабоблари: ўнка сунъий вентиляциясини потўри амалия

оширилиши, невротик ҳансираш, марказий нерв системасининг шикастланишлари (жароҳатланиш, энцефалит, инсульт, ўсма ва х.к.); анемиялар; тог ва баландлик касалликларида, нафас марказига таъсир этувчи аналелтиклар, катехоламинлар, эстрогенлар каби моддаларни узоқ вақт кўп микдорда қўлланилиши туфайли нафас маркази қўзгалувчанинг кучайиши ва х.к. Шунингдек бунга сепсис, тиреотоксикоз, перитонит каби оғир патологик жараёнлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

*Респиратор (нафас) алкалозда қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:*

Қонда карбонат ангидриди босимининг кескин пасайиши ва шу туфайли периферик қон томирларининг торайиши, айни вақтда умумий қон айланиш томирларининг кенгайиб томирлар тонусининг сусайиши оқибатида артериал ва вена қон босимлари пасаяди. Кенгайган томирларда қон тўпланади, айланётган қон микдори камаяди, веналар орқали юракка келувчи қон микдори озайиб, юракнинг қисқариши ва минутли ҳажми камаяди, тўқималарда қон айланиши секинлашади ва өқибатда гипоксик ва метаболик ацидозлар вужудга келади бошлади.

**Метаболик алкалоз** - тўхтовсиз қайт қилиш (мас., пилороспазм, ичак тутилиши, овқатдан заҳарланиш), баъзида мейъданни ҳадеб ювиб турилиши, мейдага кетма-кет зонд киритиш, ниҳоят, организмдан учмайдиган кислотали моддаларни йўқотилиши, бирламчи гипокалиемия (мас., стероидлар билан даволаш вақтида) альдостеронизм ривожланганда, узоқ вақт давомида сийдик ҳайдовчи дорилар қабул қилинганда натрий сўрилиб, калийнинг кўп чиқа бошлиши ва жигар етишмовчилигига қалий ионларининг кўплаб ҳужайра ичига ўтиши (мас., инсулин билан даволанганди) ва х.к. учрайди. Баъзи вақтларда организмга кўп микдорда асослар-ишқорий моддалар киритилганда ҳам шу турдаги алкалоз келиб чиқиши мумкин. Бунда кузатиладиган компенсатор жараёнлар (шунингдек қўлланадиган тадбир-чоралар ҳам) организмда тўпланган асослар-ишқорий моддаларни боғлаб ва уларни чиқариб юборишга ҳамда вородионларини ўз боғларидан ажратиб, ушлаб қолишга қаратилган бўлиши керак.

## АМАЛИЙ ҚИСМ

### 16 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Ацидоз ва алкалозларининг кёлиб чиқиши сабаблари, турлари, кўринишлари, оқибатлари ва уларни аниқлаш усуслари.

**Мақсад.** Кислота-ишқор мўвозанатини таъминлаштирганинг организмда ҳар хил тўқими, аззо ва системалариниң аҳамияти, кўрсанкичлари, ўзгаришлари-ацидоз ва алкалозлариниң турлари хакида тушиунича хосил қўйлини.

**1-вазифа.** Эксиериментал (тажриба) ацидозда ишқорий жамгармаларни Ван Стайн аниқлашиб оларни.

## I ҚНСМ. ҰМУМНЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

Махсус (бұймалы) воронқага 2 мәткесицилладиган қон плазмаси қойилади, резина нағыза билан намынкин үшінде қолдан учун шаша синиқдары солинган идінде орқасын плазмадан алғысоляр ҳаве үтказылады, яғни плазмани карбонат ангиидриди билан түйнитириллады. Плазмадаги карбонат ангиидриди "учиб кетмасынғы" учун уни Van-Slyck үскунасының остиға 1 мг міндерде қойилади ва іюқори жұмрактың очиб, әхтиётлик билан плазмани ашарап биореткасига үтказылады. Жұмрактың беркіттегі, орттан аммиак эритмасы үрніңде сульфат киселогасынғы 30% ли эритмасы қойилади. Жұмрактың яна очиб, биореткаға үндегі суюқлиқтың ұмумий қажғын 2,5 мг бұйгуннан қадар сульфат кислотасы үтказылады. Жұмрак қайта ёпиліб, воронқага бир оз симоб қойилади. Сүнг үскунасының настадағы жұмрагы очиленіп, иоксімән идінде өрдамнда аппарат ичидеги симоб үнде бир неча марта (одатта 8-10 марта) үтказылады. Бунда ҳар гал аппарат ичиде машиналы болып дөспеліб, плазмадан карбонат ангиидридинің газ қолыда ажрайнан осонлашылады. Сүнгра симоб үннегінеккә устуннан бара-варлаб үскунан жұмрагы беркітіледі. Биоретка иңдегі суюқлиқтың үстінде нағызда бұйланған ҳаве (карбонат ангиидриди) қажынға қарал, махсус жадвал өрдемнде ишқорий жамгарма аниқланады ва мезер билин кірептеннады.

Тәжриба нағижалары албатта бағынномада қ.әд әтиледі, ишқорий жамгарма үзгаришлары ва кислота-ишқор мувозанағының бузилиш даражалары ҳам күрептіледі.

**2-затыфа.** Эксперименттегі (тәжрибада) ацидоz ҳосил қилинған ҳайвон сыйдиде титрланған кислота ва аммиак міндерини аниқлашы.

Егердегінде үнде иккита тоза кименей стакан олшынб, бирнеге 10 мл сайдик, ишқорийнегін pH 7,4 бўйгандай 10 мл фосфат буфер эритмаси қойилади. Сайдик солинган стаканга үннегін рангнан оқартырып учун (зарур бўлса) 10 мл жиеттілланған сув қўйилади. Шу міндердаги (10 мл) сув буферлі стаканга ҳам қўйилиши мүмкін. Сүнгеккәла стаканда 0,5 млдан фенолфталеин индикатори қўнилади ва бунда буфер үннегін рангига бўялади. Сайдик pH-кислотали бўйганишы учун бўялмайды ва сайдиккин 0,1 N NaOH эритмаси билан ранги буфер туесига үхиягуниң қадар титрланади. Сайдикдаги титрланған кислота сарф қилинған NaOH эритмаси а қараб аниқланади. Ҳисоб 100 мл сайдик міндериде олив борилади. 100 мл сайдиктегі мезердаги (нормал) рангнин буфер эритмасының рангнега келтириш учун 10-30 мл 0,1 N NaOH сарфланади. Аммиак міндерини аниқлашы. Ишқоридаги титрланған сайдикка 40% ли формалиндан 2 мл қойилади. Формалин аммиакни үннегін тузларидан сиқиб тақаралб, бирнектириб олады, аммиак эса ишқорий хусусиятга эга. Натижада сайдик ишқор йўқолаб, кислота шаронигига үтады ва үннегін рангнин йўқотади. Сайдиктегі яна қайта үннегін рангнега киритгунга қадар NaOH эритмаси билан титрланади ва сарф қилинган ишқор қажынға қарал аммиак міндерини аниқланади. 1 мл 0,1 NaOH - 1,7 мл аммиакка түткі келади. 100 мл сайдикда мезерда 30-45 мг аммиак бор. Ҷемак, мезердада аммиак міндери 30-45 мг % и тақиий жади.

## МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР

1. Асосий алмашинув. Асосий алмашинувни аниқлаш. Асосий алмашинув кўрсаткичларини меъёр (норма) ва патологияда ҳар хил омилларга боғлиқлиги.
2. Ҳар хил патологик ҳолатлар ва қасалликларда асосий алмашинувнинг ўзгаришини изоҳланг.
3. Оқсил алмашинуви бузилишининг қўринишлари.
4. Оқсил алмашинуви бузилишининг босқичлари ва уларнинг механизми, патогенези.
5. Конда оқсил микдорининг ўзгариши. Гипо ва гиперпротеинемия, сабаблари, ривожланиш механизми, асоратлари.
6. Диспротеинемия, парапротеинемия. Ривожланиш механизми ва асоратлари.
7. Азот мувозанатининг бузилиш, азот минимуми, сабаблари ва азот мувозанатининг бузилиши турларини тушунтиринг.
8. Кондаги азот қоядиги ва уни патологияда ўзгариши.
9. Азотемия, унинг турлари, сабаблари ва ривожланиш механизmlари, асоратлари нималардан иборат?
10. Карбонсув алмашинуви патофизиологияси ва унинг бузилиш механизmlари.
11. Карбонсувлар эндокрин бошқарилув механизmlарининг бузилиши.
12. Гипергликемия, турлари, сабаблари, ривожланиш механизми.
13. Гипогликемия, турлари, сабаблари, ривожланиш механизmlари, асоратлари. Гипогликемик кома нима?
14. Глюкозурия, турлари, ривожланиш механизми.
15. Инсулиннинг организмдаги роли, инсулин етишмовчилигининг асосий қўринишлари қандай?
16. Панкреасга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган инсулин етишмовчилигиниг патогенези.
17. Диабет, диабет турлари ва унинг асосий сабабларини айтинг.
18. Қанд диабетининг этиология ва патогенези.
19. Қанд диабетида модда алмашинувининг бузилиши ва аъзолар фаолиятинг бузилиши қандай қечади?
20. Қанд диабетида гипергликемия ва глюкозурия. Ривожланиш механизmlари.
21. Липид алмашинувининг бузилиши.
22. Липид алмашинувининг бузилиш босқичлари.
23. Липид алмашинуви бузилишининг асосий қўринишлари.
24. Липид алмашинуви бузилиши. Холестерин алмашинуви бузилиши.
25. Сув-электролит алмашинувининг бузилиши, уни бошқариши механизmlарининг бузилиши.
26. Сув алмашинувининг бузилиши. Дегидратация турлари, ривожланиш механизми, асоратларини айтиб беринг.
27. Гипергидрия, турлари, ривожланиш механизми, асоратлари.

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

28. Организмда сув ушланиб қолиши. Шишнинг ривожланиш механизми.
29. Шишларининг патогенетик омиллари, уларининг ўзаро боғланишини тушунтиринг.
30. Шишлар таснифи (классификацияси), этиологияси, ривожланиш механизми.
31. Асцит, этиология ва патогенези.
32. Кислота-иňшөйр ҳолати бузилишининг қўринишлари.
33. Ацидозлар, ривожланиш механизми, турлари, компенсатор механизmlар.
34. Алкалозлар, ривожланиш механизми, турлари, компенсатор механизmlар.

## 7 БОБ ИСИТМА

Иссиклик гомеостази иссиқ қонли ҳайвонлар ва айниқса, одамнинг самарали фаоллиги учун энг зарур шаронитлардан биридир. Гавда (тана) ҳароратини миайян бир хилда, ўзгартирмай ушлаб турилиши, яъни гомойотермияни (ёки иссиқлик гомеостазини) таъминлаш, иссиқликни ҳосил қилиш ва ажратиб турилиши, организмдаги кимёвий ва физик бошқарув омиллари ҳамда механизmlари орқали амалга оширилади.

**Иссиқликни ҳосил қилиш.** Организмда иссиқликни ҳосил қилиш ҳам, унинг даражасини бир меъорда ушлаб туриш ҳам энергия талаф қилувчи жараёндир. Иссиқликнинг асосий манбаси озиқ-овқат моддалариdir. Организмда ҳосил бўлган энергиянинг деярли 40-50 фойзи бевосита иссиқлик ҳолатида ажралиб чиқади. Тўпланган АТФ ва шунга ўхшаш мураккаб макроэргик фосфат бирикмалар (УТФ, ЦТФ, КФ) парчалангандай эса кўп миқдордаги иссиқлик ажралиб чиқади.

Ҳосил бўлган энергиянинг 50-60 фойзи синтетик, механик, осмотик ва ҳ.к. ишлар учун сарфланиб, қолгани эса бирламчи иссиқлик ҳолатида йуқотилади. Бу эса ташқи мұхит температурасининг ўзгарувчанлигига қарамай организм ўз ҳароратини меъорда саклаши учун зарурдир.

Ташки ҳароратнинг пасайиши организмдаги метаболик - модда алмашинуви жараёнлари суръатини, фаолигини кучайтиради, агар бу механизм етарли бўлмаса, тана мушакларининг беихтиёр кисқариши ва титраши ёсоғига энергия яна иссиқлик сифатида ажралади.

**Иссиқликни йўқотиш.** Гомойотерм ҳайвонлар ва одам организмидаги ҳароратни саклаб туриши, айни вақтда иссиқликни асосан физик бошқариш йуллари - механизmlари орқали бажарилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бу куйидаги механизmlар орқали амалга оширилади:

1) иссиқликни ўёки бу қисмга (муҳинга) ўтказиш; 2) иссиқликни нурланиш орқали атрофия тарқатиш; 3) термал ва нафас орқали бултагиб чиқариш.

Иссиқлик төкдиривчани биринчи ва исканичӣ йўлдори орек-томирлар

фаолиятига ва айниқса, қон айланишининг тезлигига боғлиқидир.

Шундай қилиб, ҳароратни идора этиш ва бир меъерда ушлаб туриш, иссиқлик ҳосил қилиш ва уни ажратиш жараёнларининг ўзаро муносабатини, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини, қолаверса мувозанатини идора этиш нерв ва эндокрин системалари, уларнинг турли тузилма-бўлимлари, бўгинлари орқали бошқарилади. Ана шу омиллар бузилиб, ўз ҳолича ошса, тана ҳароратининг кўтарилиши - гипертермия кузатилади. Аксинча, иссиқлик кам ҳосил бўлса, айни вақтда ташқи мухит ҳароратни ҳам паст бўлиб иссиқлиқни ажратиш ўзгарса, тана ҳарорати пасайди, яъни гипотермия ҳолати вужудга келади. Лекин, аксарият турли патоген таъсиirlар ҳамда касалликларда юқорилагилардан фарқли организмда ўзинга хос типик иссиқлик алмашинуви ва уни идора этиш бузилиб, иситма ривожланади.

Иситма пироген моддалар таъсирида иссиқлик ҳосил қилини ва ажратишнинг идора этилувининг бузилиши ва ташқи мухит ҳароратининг қандай бўлишидан қатъи назар, тана ҳароратининг ошишидан иборат патологик жараёндир.

Иситма гомойотерм ҳайвонлар ва айниқса, мураккабияги, ҳар хиллик жиҳатларидан эса фақат инсонга хосдири. Иситманинг сабаблари - унинг этиологиясига кўра экзоген ва эндоген, сабабларининг табиатига кўра эса инфекцион-юқумли ва ноинфекцион турлари фарқланади. Аммо, келиб чиқини ва табиати қандай бўлмасин, иситманинг асосий сабаблари - пироген, яъни иссиқлик ҳосил бўлишини кучайтирувчи моддкалардир.

**1. Экзоген - ташқи пирогенлар** патоген ва патоген бўймаган микроорганизмлар (таркибий қисмлар, маҳсулотлари) ва уларнинг таъсирида организм хужайраларида ишлаб чиқариладиган пироген моддалар киради.

Мас., липополисахаридлар, оқсиллар ва ҳ.к. дан ташкил тонган бактерия эндотоксинлари, ундан ташқари пироген фаолликка эга вируслар, замбуруглар, гельминтлар ҳамда уларнинг маҳсулотлари экзотоксинлар қаторига киради.

**2. Эндоген - ички** пирогенлар замонавий тасаввурлар бўйича, ўз таъсири механизmlарига кўра бирламчи (мас., лейкоцитлар) ва иккиласмчи (мас., хужайра ва молекулаларининг нарчаланиши маҳсулотлари) га бўлинади.

Микроорганизмларнинг аксарияти ана шу иккиласмчи, яъни микроорганизм хужайраларининг шикстланишини натижасида юзага келадиган, асосан оқсил табиатли пироген моддалар таъсирида иситма ҳосил қиласи. Бунга экзоген омиллар (мас., микроблар) таъсиридан сўнг магълум бир яшириц - латент давр ўтгач юз берадиган иситмани мисол қилини мумкин.

Эндоген пирогенларнинг асосий манбай қондаги донадор лейкоцитлар, ишттрофиллар, қисман моноцитлар ва улар ҳаёт фаолиятининг маҳсулотлариридир. Эндоген пироген моддалар иммунологик ўзаринилар тифайли тўқима деструкцияси (яъни тузилишининг бузилиши) оқибатида ҳам пайдо бўлади.

**Иситма патогенези.** Тана ҳароратини бошқарини маркази, асосан, гипоталамусининг олд бўлгаги хужайраларида жойлашган. Бу икки қисмдан - ҳароратни сезувчи ва ҳароратни мөслаб турувчи қисмлардан иборат. Марказининг юқори биринчи қисми иккинчи қисмiga ҳарорат даражаси тўғрисида

ахборот беріб турады, иккінчи қисмі эса иссиқлик ҳосил қилиш ва ажратишини ўзгартыриб, ҳароратни керакли даражага етказилишини идора этады.

Иситманинг ривожланиши жараёнида эндоген пирогенлар "ҳарорат марказыға" қон орқалы етиб бориб, ҳароратни мос slab түрүнчі қисмидаги простагландин-синтетаза каби ферментни фаоллаштиради ва натижада E<sub>1</sub>, E<sub>2</sub> простагландинлар ҳосил бўлади. Уларнинг таъсирида эса тана ҳарорати мезъеридан пасаяди. Бу ўз навбатида иссиқлик ҳосил булишини идора этувчи марказни фаоллаштиради, натижада иссиқлик ажратиш ўстунлиги камайади ва ниҳоят, ҳароратни бошқариш ўзгариб, иситма жараёни юзага келади. Бундан ташқари, иситма механизмида вегётатив ва соматик нерв системалари, ҳамда эндокрин безлар фаолиятининг ўзгаришлари гоят катта ўрин тутади.

Иситмада тана ҳарорати қандай ўзгаришидан қатъи назар, ўнинг уч босқичи тафовут этилади:

- 1) ҳароратнинг кўтарилиши (*Stadium incrementi*);
- 2) ҳароратнинг юқори даражада сақланиб туриши (*Stadium fastigi*);
- 3) ҳароратнинг пасайиши (*Stadium defectementi*).

Иситманинг биринчи босқичида иссиқликнинг ҳосил бўлиши иссиқлик ажратишига нисбатан анча ошади. Ҳароратнинг бирданига ошиши ўз навбатида иссиқлик ажратишининг кескин камайиши натижасида рўй беради. Бунда периферик қон томирларнинг торайиши, тери ҳароратининг пасайиши ва натижада жунжиш, қалтираш ҳолати юзага келиши, кўпроқ иссиқлик ҳосил бўлиши ва б. ахамиятга эга.

Иккінчи босқичда иссиқлик ҳосил бўлишнинг анча қучайиши ва айни вақтда иссиқлик ажратишининг ҳам ортиши характерлидир. Натижада бу иккى жараёнлар ўргасида маълум, аммо юқори даражадаги тентглик пайдо бўлади. Ҳароратнинг кўтарилиши тўхтайди ва иссиқлик алмашинувини бошқариш юқори даражада амалга ошади.

Учинчى босқичда ҳарорат ўта тез ё бирданнга (критик) ёки секин (литик) пасайиши мумкин. Бу ҳолатлар асосан иссиқликни тез ва кўп ажратиш ёки йўқотишга bogliqdir.

Ҳарорат тез ва бирданнiga пасайганда (бу периферик томирларнинг ҳаддан зиёд кенгайиши заминида амалга ошади) қон босимининг тўсатдан жуда пасайиб кетиши ҳаёт учун хавфли - коллапс ҳолатига олиб келиши мумкин.

Маълумки, иситма жараёни организмдаги деярли барча ҳужайралар, тўқималар, аъзо ва системалар фаолиятининг ўзгариши билан кечади.

1. *Нерв-эндокрин системаси.* Иситма ривожлана бориши билан нэрв системасининг кўзгалувчанлиги ўзгара бошлайди - бош оғриги, қалтираш, кўнгил айниш, дам-бадам қусниш, алаҳлаш ва ҳатто галлюцинация каби ҳолатлар кузатилади.

Иситмада, айниқса, симпато-адренал система фаолиятининг ўзгаришлари сезиларидир. Конда адреналин ва норадреналинларнинг миқдори орта бошлайди, пироген мөддалар на ниҳоят, иситма жараёнининг ўзи кучли стрессор омили бўлған антигитуфайли, иккисекреция безлар сис гемасида ҳудуди умумий азантапшылыгини ўзгаришлар сонир бўлади. Бунда чунончи, буйрак

усті бези қобигининг гиперплазияси, АКТГ міңдорининг ошиши, глюкокортикоид гормонларнинг күпайиши, лимфоцитларнинг камайиб кетиши ва ш.к. үзгаришларнинг вужудта келиши аның шундан далолат беради.

**2. Үзгаришлардың өткізу үшін тәсілдер.** Ҳарорат 1°C га ортганды пульс нормага нисбатан ҳар бир дақықада ўртаса 8-10 та гача (Либермейстер тартибиға күра) ошади. Бунинг бириңчи сабаби - исек, қон таъсирида синус тугуни құзгалуышынан ошишидір. Қон босимдастылаб бутун томирлар үзәнінде ошади, аммо иситманиң иккінчи босқичида босим 10-25% камаяди. Баъзы касаллуктар (мас., ич терлама, дифтерия - бўғма) да иситма ички аъзоларда босимниң деярли паст бўлиши билан характерланади. Иситмада (айниқса унинг бириңчи ва иккінчи босқичларидаги) қон алланиши тезлашади, уларнинг фаолияти бетартиб равишда кучаяди.

**3. Қонда, одатда лейкоцитоз, нейтрофилия, эозино- ва моноцитопения каби үзгаришлар рўй беради. Қоннинг фибринолитик фаоллиги ошади.**

**4. Нафас олиш иситманиң босқичиға қараб үзгариб туради.** Бириңчи босқичда нафас олиш сони бир оз камайса, иккінчи босқичда тезлашади. Умуман ҳарорат ҳар бир градусга кўтаришганда, нафас олиш ҳам ҳар дақықада тахминан ўрта ҳисобда 3 тага ортади.

**5. Меъда-ичак йули.** Иситманиң бириңчи босқичида сўлак ажралishi, меъда шираси кислоталилигининг камайиши, иштаханинг пасайиши, иккінчи босқичида эса ошиши кўзатилади. Шунга кўра, ичак моторикаси ҳам пасаяди, аҳлат ҳаракати секинлашиб, қабзият кўзатилади. Диурез аввал ошиб, кейин камаяди, учинчи босқичда эса ортади.

**Модда алмашинуви.** Иситманиң бириңчи ва деярли иккінчи босқичида оксил парчаланиши кучаяди ва манфий азот баланси юзага келади; карбон-сувлар алмашинувида - гликогеннинг парчаланиши кучайиб қонда глюкоза, сут ва пироузум кислоталари тўпланади, ёғлар алмашинуви кучаяди, аммо оксидланиш, парчаланиш жараёнлари сустлашуви сабабли ацетон таначалари тўпланади. Ушбу барча үзгаришлар ациждозга, физик-кимёвий ва ҳ.к. жиддий үзгаришларга олиб келади.

Иситма патофизиологияси соҳасида кўп йиллар илмий ишлар олиб борган таникли олим П.Н.Веселкіннинг фикріча, иситмалаш қобилияти эволюцион ривожланиш нүктаси назаридан бирон-бир популациянинг сакланиши учун керак бўлган хусусиятларни, агар у юз бермаса гомойотерм ҳайвонот олами табний танланиш жараёнида йўқолиб кетган бўларди. Бу умумлаштириб айтилган фикрда иситманиң биологик можияти қайд этилган. Ана шунга кўра бўлса керак суный йўл билан ҳосил қилинган иситмадан исирофилис (захм), гонорея (сўзак), баъзи исихозларни, дерматит, аллергия, тромбофлебит каби касаллукларни даволашда шифобахи таъсир сифатида фойдаланадилар.

Матълумки, юкори ҳароратда вируслар ривожлана олмайди, микроблар кўплаб ҳалок бўлади. Бундан таникари, иситмаловчи (матълум даражадаги ҳароратда, албаттага) организмда химия механизмлари кучайини, антитаналар тигри (мис. қори)нина ортиши, фагоцитозининг кучайини, аъзоларда қон айланышини таъсирлайти туфайти у тарҷуа таъсирлайти ошини нахулиас ину каби

## I КИСМ. УМУМИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

ижобий аҳамиятта молик ўзгаришларни юзага келиши аниқланган. Аммо, шуну эсда тутиш керакки, ҳарорат нормадан 2-3°C, ва ундан ҳам юқори бўлса, уни тартибга тушириш, "тузатиш" (корреляция қилиш) зарур, чунки бунда юқорида баён этилган ўзгаришлар ортиқча кучайиб, тикланмас бузилишлар, айниқса, оқсил табиатли тузилмалар ҳосил бўладиган бузилишлар вужудга келади ва организмга салбий таъсири этиб, ҳаёт учун хавф тугдиради.

### **АМАЛИЙ КИСМ**

#### **17 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Иситма этиологияси ва патогенези.

**Мақсад.** Иситманинг экспериментал (тажрибавий) моделида унинг сабаблари, босқичларининг ривожланиши механизmlари ва иситма жараёнида аъзоларда юз берадиган ўзгаришларни ўрганиши.

**1-вазифа.** Оқ қаламушнинг териси остига нирогенал юбориб, иситма жараёнинг ривожланиши, аъзолар фоалиятининг бузилишлари ва ҳ.к.ни кутиши. Уларнинг келиб чиқни механизmlари, можияти хақида тушунча ҳосил қилиши.

Бунинг учун вояга етган (огирлиги 120 г дан кам бўлмаган) оқ қаламушнинг дастлаб тўғри - йўғон ичаги ҳароратини электротермометр билан ўлчанди. Сўнг орқа оёғининг сон мушагига пирогеналининг изотоник ош тузидағи эритмасидан 2,5 ЭКПУ (МПД) юборилади (бинобарин, 1 ЭКПУ, яъни энг кам пироген ўлчам күён организми учун шундай катта ўлчамки, уни юборилганди тана ҳарорати 1 соат давомида 0,6°C га кўтарилади). Кейин ҳар 10-15 дақиқада юқорида айтилган усул билан тана ҳарорати ўлчаниб, ҳайвоннинг нафас олиши, ҳаракатлари кузагилади ва уларнинг натижалари баённомада белгиланади.

**2-вазифа.** (Бу вазифани 1-вазифани бажариш жараёнида бажарса бўлади).

Тегинли кўргазмалар ҳамда тажрибада олинган натижаларга асосланниб, ҳарорат ўзгариши босқичлари ва этиологиясига боғлиқ бўлган ўзига хос эгри чизиклар ўрганилади ва уларнинг диагностик можиятини тушунтирилади.

Бунда ҳарорат эгринларининг характеристи, тури, қасаллик сабабларига, қўзгатувчиларининг биологик хусусиятлари (мас., унинг қонда циклик-даврмадар ривожланиши)га таъсири этишини кўрсатиш, таъкидлаши зарур.

Дағ-орзат эгриларинини febris intermitens (барқарор бўлмай- "ора-сира ўзгарувчан"); febris remittens (матъзум муддатдан сўнг тақрорланувчи); febris continua (барқарор, аммо унча юқори бўлмаган ўзгарувчанилиги 1-2°C холос; febris nocturna (тойт юқори ва қун давомида 2-3°C, ундан ҳам ортиқ тесрабни бурувчи) каби турлари билан ташнигириш ҳамда уларнинг ўзига хос механизmlари ҳакида тушунча бераб ўтиш зарур.

## **МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР**

1. Танà ҳароратини бошқаришнинг физиологик механизмларини тушунтириш.
2. Гипотермия, этиологияси ва патогенези. Тиббиётда қўлланишлари ҳақида тушунча беринг.
3. Гипертермия, этиологияси ва патогенези.
4. Иситма жараёни ҳақида тушунча. Иситма турлари.
5. Экзоген ва эндоген пироген моддалар ва уларнинг таъсир этиш механизмлари нимадан йборат?
6. Иситма жараёнинг ривожланишида нейро-рефлектор ва эндокрин механизмларининг аҳамияти.
7. Инфекцион ва ноинфекцион иситма.
8. Иситма босқичлари ва уларнинг келиб чиқши механизмларини изоҳланг.
9. Иситмада аъзо ва системалар фаолиятининг бузилишини тушунтириш.
10. Иситмада моддалар алмашинувининг бузилишлари.
11. Ҳарорат синиқ чизикларининг турлари ва уларнинг клиникадаги аҳамияти.
12. Иситманинг организм учун ҳимоявий-мослашув аҳамияти.
13. Иситма жараёнининг даво мақсадида қўлланишини асослаб беринг.

## II ҚИСМ ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

### ҚОН СИСТЕМАСИННИГ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯСИ

#### 1 БОБ ОҚ ҚОН ПАТОЛОГИЯСИ

Оқ қон таначалари организмда асосаң ҳимоя вазифасини ўтайды ва шу гүфайли лейкоцитларда рўй берадиган ўзгаришлар қон яратувчи тўқима ва тъзолар патологиясидан ташқари жуда кўп турли касалликларда кузатилади. Шунга кўра, лейкоцитларнинг патологик физиологиясини ўрганиш амалий тиббиётда муҳим ўрин тутади.

Лейкоцитларни ўрганиши 2 хил йўналицида олиб борилади:

1. Лейкоцитларнинг қондаги миқдорини аниқлаш. Бу кўрсаткичга қараб, мас., касаллик яллигланиш жараёни заминида ёки бошқа ўзгаришлар оқибатида пайдо бўлганлигини, унинг ўткир ёки сўрункали кечишини ва ҳ.к.ни аниқлаш мумкин.

2. Қоннинг лейкоцитар формуласини, яъни лейкограммани аниқлаш ва ахлил килиш. Лейкоцитар формула касаллик тўғрисида тўликроқ маълумотлар (мас., касалликнинг моҳияти, характеристи, даври ва ҳ.к.) ни олишга ҳамда ирим касалликлар диагнозини кўйишга имкон беради.

Лейкоцитар формула деб, турли лейкоцитларнинг бир-бирига бўлган нисятининг фоизи (%)га айтилади. Лейкоцитар формула бўялган қон суртмасида аналади. Бунинг учун турли лейкоцитларнинг ўзига хос морфологиясини юлиш зарур.

#### *Лейкоцитларнинг турлари*

Лейкоцитлар цитоплазмасида доначаларни тутиши ёки тутмаганлигига қараб, икки гурӯхга:

- 1) гранулоцитлар - донали (донадор) лейкоцитлар;
- 2) агранулоцитлар - донасиз лейкоцитларга бўлинади. Гранулоцитлар ўз авбатида цитоплазмасининг бўялнишга кўра уч хил бўлади: эозинофил,

\* Оқ қон таначалари патологияси бўйича 2-3 мавзуда амалии машгулот ўтказилишини кўзда тутиб, яхши тузучини досса қилин маке: ода назарий ахборотларни биринчи машгулот тафсизлана келтиришни юзини борадик.

базофил ва нейтрофил.

Нейтрофиллар эса ядроларининг шакли, яъни тузилишига қараб қуида-гиларга бўлинади:

1. Ёш(етилмаган) - нейтрофил ёки метамиелоцитлар.
2. Таёқчасимон ядроли нейтрофиллар.
3. Бўгин ёки сегмент ядроли нейтрофиллар.

### *Лейкоцитларнинг морфологияси*

1. Эозинофиллар - донадор лейкоцитлар орасида ўлчами бўйича каттаси (кўндаланг кесимининг диаметри 12дан 17 мкм гача, ўртacha 14 мкм) ҳисобланади. Шакли юмалоқ, цитоплазмасидаги доначалари кислотали бўялиш хусусиятига эга, эозин бўёғи билан гиштсизон қизғин рангга бўялади. Доначалари иирик, цитоплазмасида бир текис жойлашади. Ядроси кўпинча 2 та сегментдан (бўгиндан) ташкил топган бўлиб, улар орасида хроматин инчаларидан иборат бодигич (кўприкча) кўринади. Шу сабабли эозинофил ядроси кўпинча кўзойнак шаклини эслатади. Сегментларнинг қирраси нейтрофилларнига қараганда силлик бўлади. Ҳўжайра доначалари лизосома ҳисобланиб, улар пероксидаза, кислотали ва ишқорий фосфатаза, рибонуклеаза ва бошқа ферментларга бойдир, аммо таркибида лизоцим ва фагоцитин тутмайди ва шу сабабли уларнинг микробларга нисбатан бактериоцид таъсири ниҳоятда суст, фагоцитоз қилиш қобилияти йўқ.

Эозинофиллар аллергия ҳужайралари ҳисобланиб, биринчи навбатда ёт оқсиллар, умуман, антигенни (зиддигенин) ҳамда антигеннинг антитана билан бирикмасини ва шунингдек, турли биологик фаол моддаларни (гистамин, гистидин, серотонин, брадикинин ва б.) паразитларни ўзларидағи ферментлар воситасида зарарсизлантиради.

Эозинофилларнинг яна бир хусусияти - унинг оқсил синтез қилувчи аппарати яхши ривожланган. Меъёрда (нормада) лейкоцитларнинг 1-5% (ўртacha 2-4%) ини ташкил қиласди.

2. Базофиллар - доначалиларнинг орасида нисбатан кичик ҳужайра (диаметри 8-14 мкм). Шакли юмалоқ, доначалари ишқорий (базал) бўялиш хусусиятига эга, тўқ кўк (баъзида қорамтир кўк) рангга бўялади. Доналари дағалроқ бўлиб, цитоплазмасида тўп-тўп жойлашади. Ёш базофил ҳужайраларда доначалар оз бўлади ва ҳужайра етила борган сари кўпайиб, баъзан ядросини ҳам қонлаб, уни яққол кўринини қийинлаштиради. Ядроси катта, кўпинча аниқ бўлинмаган 3 парракдан тузилган (яъни сегмент эмас). Ҳужайра қобиги бошқа лейкоцитларнига қараганда юпқа.

Базофилларнинг доначаларида генарин (ҳужайра шунинг учун авваллари генариноцит деб аталган), гистамин, гистидин ва бошқа биологик фаол моддалар топилган. Ҳужайра сатҳида Ig E га жавоб берувчи маҳсус рецептор бўлиб, ушибу иммуноглобулинининг зиддиген билан бирикмаси таъсирида ҳужайра доначалари ташқарига чиқади ва бу ҳолатни деи рануляция деб аталади. Бунда тезкор аллергияга хос медиаторлар ажралади.

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

Базофиллар кимёвий хусусиятлари билан семиз (түк) хужайраларни - мастоцитларни эслатади, уларнинг қонда эркин юрувчи тuri ҳисобланади. Базофиллар меъёрда лейкоцитларнинг 0-1% ни ташкил қиласди.

**3. Нейтрофиллар цитоплазмаси ва айниқса, доначаларининг таркибий қисми мураккраб бўлиб, улар бир вақтда ҳам кислотали, ҳам ишқорий бўёклар билан (нейтрал) бўялади. Шунинг учун доначалари қизғиши бинафша рангга бўялади. Доначалари нозик, чангсимон . Айрим касалликларда уларнинг доначалари йирик ҳам бўлиши мумкин, унда уларни токсоген доначалар деб атайдилар.**

1. Ёши нейтрофиллар ёки метамиелоцитлар асосан қон ишлаб чиқарувчи гўқималарда бўлиб, периферик қонда меъёрда 1% гача учраши мумкин. Уларнинг ядроси катта, колбаса шаклида, хроматини оч бўялади.

2. Таёқчасимон ядроли (палочкоядерный) нейтрофилларнинг ядроси чўзиқ, таёқча шаклида, лекин аксарият тақасимон ёки ҳар хил рақамга ўхшаш бўялади.

3. Бўғин-сегментсимон ядроли(у бўғинларга бўлинган) нейтрофиллар. Булар етилган шаклдаги нейтрофиллар ҳисобланади. Ядроси айрим-айрим (3-4) сегментлар-бўғинлардан ташкил тонгган. Сегментлари зозиноффилларни-кига нисбатан қиррали ва улар бир-бiri билан хроматин иччаларидан ташкил топган боғич (куприкча)лар орқали боғланган.

Баъзида таёқчасимон нейтрофилдан ядроси сегмен гларга бўлинган нейтрофилни ажратиш қийин. Бундай вақтда боғичларининг ингичка-қалинлигига эътибор бериш лозим. Агар боғич қалинлиги бўғин қалинлигининг 1/3 қисмидан оз бўлса, хужайра сегментларга бўлинган ядроли нейтрофил деб ҳисобланади.

Нейтрофиллар ўртача катталикдаги гранулоцит - донадор хужайра бўлиб диаметри 12-14 мкм га тенгdir. Нейтрофиллар мононуклеар макрофаглар билан бирга организмни ҳар хил инфекциялардан фагоцитоз йўли билан ҳимоя киласди.

Нейтрофиллар цитоплазмасида бирламчи (азурофил) ва иккиламчи (максус) доначалар мавжуд. Бирламчи доначалар асосан етилмаган хужайраларда бўлади. Нейтрофил доначалари ферментларга бой бўлиб, бирламчиларида - миелопероксидаза, нейтрал ва кислотали пероксидаза, лизоцим, катион оксилилар (шу жумладан, пироген хусусиятга эга бўлган моддалар), кислотали фосфатаза, глюкуронидаза, фосфолипаза, гиалуронидаза ва х.к. Зор.

Иккиламчи доначаларида эса фагоцитин, лактоферин, коллагеназализом, ишқорий фосфатаза, катион оксилилар, аминопентида, гликоген, гликолитик ферментлар ва бошқалар топилган.

Ферментлар ичida фагоцитин ўзига хос ягона антибактериал маддасубстрат ҳисобланаб, фақат нейтрофилларда тонилган, у айни вақтда ҳам грам мусбат, ҳам грам манфиий бактерияларга таъсири кўрсанади. Катион оксилилар фагоцитлар реакцияларда мухим ўрин тутиб, онсониларга ўхшаб таъсири этади ва пироген маддалар хосин қилинади қатнашади. Шундай қилиб, нейтрофил-

ларнинг бирламчи асосий функцияси фагоцитоздир.

### **Лимфоцитлар**

Қон хужайралари ичидә ўлчами бўйича кичиги ҳисобланади (диаметри кўпинча 6-8 мкм) ўргачароги 8-12 мкм, энг каттаси 12 мкм ва ундан бир оз ортиқ бўлиши мумкин. Шакли ҳам, ядроси ҳам одатда юмалоқ (баъзан овал), гоят тўй бўялади. Цитоплазмаси тиник кўк ёки ҳаворанг, энсиз, ядроси атрофифида бўялмаган ингичка ҳалқасимон перинуклеар зона кўринади. Лимфоцит - бошқа хужайраларнинг ичидә энг фаол ҳаракат қилувчи хужайрадир.

Иммун системанинг организмдаги асосий вазифаси ўз зиддигенларини ёт зиддигенлардан ажратса билиш, уларга қарши иммуноглобулинлар, антитаналарни ишлаб чиқаришдир. Унинг ана шундай иммун жавоб реакциясини амалга оширувчи асосий хужайралар лимфоцитлар дейилади. Қонда иккى хил Т- ва В-лимфоцитлар учрайди. Кейинги йилларда лимфоцитларнинг З-тури 0-хужайралар ҳам топилган, аммо уларнинг организмда тутган ўрни ҳақида маълумотлар ҳали тўйиқ эмас. Лимфоцитларнинг бошқа қон хужайраларидан яна бир фарқи шундаки, уларнинг етилганларидан зиддигенлар таъсирида янги авлодлари - яна қайта лимфобласт шакллари ҳосил бўлади, буни бласттрансформация дейилади. Лимфобласт митотик йўл билан кўпайиб (пролиферация), ундан кайнин лимфоцитлар плазматик хужайраларга - иммуноцитларга айланади. Плазматик хужайраларда эса антитаналар синтез қилинади.

Демак, лимфоцитлар иммун реакцияларида гуморал (суюқлик) антитана воситасида қатнашицини таъминловчи В-лимфоцитлар ва хужайравий (Т-лимфоцитлар орқали) омиллар сифатида қатнашади. Лимфоцитлар ва уларнинг иммун реакцияларидағи можияти тўгрисида кўшимчә маълумотлар "Реактивликнинг патологиядаги аҳамияти" га оид бўлимда ҳам берилган. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, лимфоцитлар орасида "эслаб қолувчи" ёки "хотириали" хужайра деб аталувчи лимфоцитлар ҳам борки, улар узоқ йиллар давомида бу хусусиятни авлоддан-авлодга ўтказиб яшаши мумкин. Бундай хужайраларнинг авлодлари - клонларининг бошқа хужайралардан фарқи шундаки, агар улар қачондир кўпайишларига сабаб бўлган зиддиген билан қайта учраша, ҳалок бўлмай, унга қарши иммун жавоб реакциясини беради. Маълумотларга кўра, лимфоцитлар ўзига хос трофик функциялар воситасида тўқима, хужайралничиг тикланишида ва оқсиллар алмашинувидан ҳосил бўлган заҳарли моддаларни чиқариб ташлаш, зарарсизлантиришда ҳам қатнашадилар.

### **Моноцитлар**

Моноцитлар оқ қон таначали хужайралар орасида энг каттаси (кўндаланған кесими 14-20 мкм) бўлиб, ядроси буйраксимон ёки ловиясимон, баъзида тақага ўхшаш. Ядроси лимфоцитлар ядросига нисбатан нозик бўялади. Ядросининг ички томонида бир ёки бир неча кўрфазсимон жойлари кўринади. Цитоплазмаси кенг, турутисимон кўк (ҳаво) рангга бўялади. Моноцитларнинг фагоцитоз қилиш қобилияти жуда ривожланган, улар иммун реакцияларда ҳам (A гурӯҳ

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

хужайралари сифатида) фаол қатнашади. Моноцитларнинг сиртқи қобигида IgG, ҳамда комплемент ( $C_3$ ) ва ҳ.к.ларни сезувчи рецепторлари бўлиб, улар антигенларни иммуноцит лимфоцитларнинг антитана ёки комплемент билан қопланган заррачаларининг ёпишишини, уларни ёт антигенлар сифатида ажратиш сезувчанлигини осонлаштиради. Демак, моноцитларнинг ўзларига ўхшаб фагоцитоз қилоладиган нейтрофиллардан фарқи шуки, улар микробларни қисман парчалаб (қайта ишлаб), иммуноген антигенлик қобилиятини оширадилар. Моноцитлар, фагоцитоз қилишдан ташқари цитотоксия хусусиятта ҳам эга (мас., ўсмаларда хужайраларни парчалайди).

Иммун реакцияларда моноцитлар лимфоцитлар билан ўзаро муносабатда қатнашадилар (бу тўғрида "Реактивликнинг патологиядаги аҳамияти" бўлимида мукаммал тушунчалар берилган). Ниҳоят шуни айтиш керакки, моноцитлар ўз фаолиятига кўра мононуклеар цитоплазмасида протеаза, пероксидаза, карбогидраза, липаза ва кўп миқдорда қатор ферментлар бўлиб, қобигида оқсил туттган микроблар қўзгатадиган юкумли касалликлар (мас., сил касалликларида) да уларнинг микрори ва фоалиги ортади.

### **ЛЕЙКОЦИТОЗ ВА ЛЕЙКОПЕНИЯЛАР**

Маълум ҳажм бирлиги ( $1 \text{ mm}^3$ )даги қонда лейкоцитлар сонининг кўпайиши лейкоцитоз, камайиши - лейкопения деб аталади.

#### **A. Лейкоцитозлар**

Биологик аҳамиятига кўра лейкоцитоз 2 турга бўлинади:

1. Физиологик лейкоцитоз - турли физиологик ҳолатлар (мас., овқат қабул қилингандан, жисмоний меҳнатдан сўнг, ҳомиладорлик) да кузатилиб, бунда лейкоциттар формула деярли ўзгармайди ва лейкоцитлар сони қисқа вақт давомида бир озгина кўпаяди.

2. Патологик лейкоцитоз - турли патологик ҳолатлар ва касалликларда юзага келади. Бунда лейкоцитлар сони сезиларли даражада кўпайиб (бальзан  $30 \cdot 10^9 \text{ л}$  гача ва ундан ҳам ортиқ), одатда лейкоциттар формуласи ўзгаради ва бу узоқ давом этади. Лейкоцитоз кўпинча ўткир инфекцион (айниқса бактериал) касалликларда, ўткир яллигланиш жараёнида, ҳар хил (экзоген, эндоген) ҳомиллар тарьсир этганда, некротик жараёнлар рўй берганда, кўп кон йўқотилганда ва бла содир бўлади.

Ривожланни механизмига кўра лейкоцитозлар 3 га бўлинади:

1. Ҳақиқий - чин лейкоцитоз, бу турли сабабларга кўра лейкоцитознинг кучайишидан келиб чиқади ва турли касалликларда кузатилади.

2. Тақсимланишнинг ўзаришидан юзага кёладиган лейкоцитгоз. Бундай лейкоцитоз турли аъзолардаги лейкоцитларнинг қонга ўтишидан пайдо бўлади. Лейкоцитлар одатда қон ишлаб чиқарувчи тўқимада ҳосил бўлиб, уларнинг етилганларидан тахминан 60 фоизи кўмик томирларида сакланиб, 40 фоизи периферик қонга ўтади. Қонга ўтган лейкоцитларнинг бир қисми эркин сузуб юради, қолган қисми турли аъзолар (ўпка, талоқ, жигар ва ҳ.к.) да сақланади. Биринчи қисмини циркуляр айланниб юрувчи пул (асл маънода қозони),

иккинчисини маргинал - четки пул деб аталади. Мәйлүм ҳолларда аъзолардаги лейкоциттар қонга ўтиб, лейкоцитоз рўй бериши мумкин.

3. Аралаш лейкоцитоз - бунда юқоридаги ҳар иккала механизм ҳам муҳим ўрин тутади.

Лейкоцитознинг морфологияси, яъни лейкоцитнинг асосан қайси хили кўпайганига қараб, қўйидаги турлари фарқланади:

1. Нейтрофилия - нейтрофилларнинг кўпайиши.
2. Эозинофилия - эозинофилларнинг кўпайиши.
3. Базофилия - базофильтарнинг кўпайиши.
4. Лимфоцитоз - лимфоцитларнинг кўпайиши.
5. Меноцитоз - меноцитларнинг кўпайиши.

### **Нейтрофилия**

Нейтрофилия маҳаллий (мас., абсцесс, аппендицит) ва тарқоқ (мас., перитонит, септициемия) бактериал инфекцияларда, яллиғланиш ва тўқима некрози билан кечадиган касалликлар (мас., ревматизмнинг ўткир ҳуружи, миокард инфаркти) да, хавфли ўスマларда (агар ўスマлар қон яратувчи тўқималарга метастаз бермаган бўлса), тури экзоген токсик (мас., қўргошин, илон заҳари, вакциналар) ва эндоген заҳарли моддалар таъсири (мас., уремия, эклампсия) да пайдо бўладиган интоксикалар, дорилар таъсирида, миелопролифератив касалликларда (мас., сурункали миелолейкоз) да, ўткир қон йўқотишда кузатилади.

Лейкограмма (лейкоцитар формула)ни таҳлил қилганда "ядро силжиши" деб аталаувчи ўзгаришга эътибор берилади. Бунда кўпроқ бугин ядроли нейтрофиллар, шу билан бирга таёқчасимон ядролилари ҳам, 1% гача ёш нейтрофиллар - метамиелоцитлари ҳам бўлади. Меъёрда бўгинсиз ядроли хужайралар билан бўгин ядролиларнинг нисбати 1:10 га, индекси 0,1 га генг. Агар бўгинсиз ядроли нейтрофиллар кўпайса, яъни индекс ортса, бундай ҳолга ядронинг чапга силжиши деб аталади. Чапга силжиши ўз навбатида 2 хил бўлади:

1. Регенератив чапга силжишда қонда лейкоцитоз, лейкопения бўлиб, нейтрофиллар орасида ёш нейтрофиллар, таёқчасимон ядроли ва метамиелоцитлар кўпаяди, миелоцитлар ҳам учрайди, буни регенератив чапга силжиш дейилади. Бу қон яратувчи тўқима фаолиятининг кучайганлигидан далолат беради (мас., ўткир аппендицитда).

2. Дегенератив чапга силжишда эса қонда фақатгина таёқчасимон ядроли нейтрофиллар кўпайиб, лейкоцитлар сони камаяди (мас., ич терламада). Дегенератив чапга силжиши қон яратувчи тўқиманинг шикастланиши ва нейтрофилларнинг поят стенининг сўниги босқичда нуксон борлигидан (яъни таёқчасимон ядроларнинг бўгинларга бўлининининг тўхтанишдан) далолат беради.

Агар қонда лейкоцитлар, шу каторда нейтрофиллар сони каму фақат бўгин ядролилари кўп (8-10-12% ча, меъёрда эса 2-5%) бўлса, ядронинг ўнгга силжини деб аталади (мас., пернициоз анемияда).

### **Эозинофилия**

Эозинофилия аллергик реакциялар ва касалликларда, паразитар (мас., гижжа), баъзи сурункали тери касалликларида, гемобластознинг айрим турлари (мас., сурункали миелолейкоз) да, жигарнинг паренхиматоз ўсмасида, скарлатина ва хореяда, ярали колитнинг носпецифик тури ва ҳ.к.да кузатилади.

### **Базофилия**

Бу лейкоцитознинг одатда кам учрайдиган тури бўлиб, сурункали миело-лейкозда (бунда эозинофиллар ҳам кўпайган бўлиши мумкин, унга "эозинофил-базофиллар ассоциацияси", яъни уюшмаси дейилади), эритремияда, гемофилияда, оғир анемияларда, айрим тери касалликларида, носпецифик ярали колитда ва б.да содир бўлади. Базофилия билан кечадиган касалликлarda кўпинча геморрагия - қон кетини юз беради (бу гепариннинг кўпайишига боғлиқдир).

### **Моноцитоз**

Моноцитлар липаза ферментига бойлиги сабабли уларнинг қонда кўпайиши, айниқса, қобигида ёғ тутган микроорганизмлар таъсирида важдудга кела-диган касалликларда алоҳида ўрин тутади.

Умуман моноцитоз куйидаги касалликлар: ярим ўткир ва сурункали бактериал инфекцияларда (мас., ярим ўткир бактериал эндокардит, захм, ўпка сили касалликларида), уларнинг авж олини даврида, паразитар инфекциялар (безгак, лейшманіоз) да, гемобластознинг айрим турлари (сурункали моноцитар лейкозда) да, қора чечак, инфекцион мононуклеоз, системали қизил волчанка ва ҳ.к.да рўй беради.

Моноцитлар мононуклеар фагоцитар системасининг вакили бўлганлиги туфайли моноцитоз ушбу системанинг кўзгалганлигидан далолат беради.

### **Лимфоцитоз**

Лимфоцитоз сурункали бактериал инфекциялар (сил, захм, бруцеллэз) да, ўткир вирусли инфекциялар (кўййутал, қизамиқ, қизилча, ўткир вирусли гепатит ва ҳ.к.) да, токсоплазмозда, айниқса, сурункали лимфолейкоз ва лимфомаларнинг лейкемик турида, ички секреция безларининг айрим касалликлари (мас., тиреотоксикоз) ва б.да кузатилади.

Қондаги лимфоцитларнинг ҳақиқий сонига қараб, лимфоцитоз абсолют-мутлақ ва нисбий турға бўлинади.

Умуман айтганда, лейкоцитар формуласи қараб ҳар хил тўқималар реакциясини аниқлаш мумкин. Мас., гранулоцитлар (жумладан, нейтрофиллар) нинг кўпайиши мислоид реакциядан дарак беради. Лимфоцитлар кўпайса, лимфоид реакция деб тушунилади. Аммо буни тасдиқлаши учун қоннинг маъзум бир ҳажмидали лимфоцитларнинг ҳақиқий сонини билиш керак, чунки айрим вақтларда лейкоциттар формуза саналганида лимфоцитлар бошқа турдаги ҳужайраларининг кескин камайиши ҳисобига ҳам кўпайиши мумкин. Бундай холгарада лимфоцитоз нисбий деб атилади. Агар лимфоцитлар сони чиндан

күпайған бўлса, аюсолют-мутлақ деб аталади. Шунинг учун лейкоцитар формула саналғанда лейкоцитларнинг ҳақиқий сонини ҳам аниқлаш мақсадга мувофикадир. Мас., кўйітад ёки лимфолейкозда мутлақ лимфоцитоз, нур касаллиги ёки ич терламида эса нисбий лимфоцитоз рўй боради, чунки бу касалликларда, айниқса нур касаллигига, лимфоцитларнинг кўпайиши гранулоцитларнинг камайиши ҳисобига содир бўлади. Демак, бу касалликларда кўпроқ миелоид тўқиманинг шикастланганлигига эътибор бериш керак.

Лимфоцитоз кўпинча моноцитоз билан бирга кузатилади, мас. ўпка силида. Бу ҳолда касаллик оғирлашиб, авж олса - моноцитлар, согайиш даврида эса лимфоцитлар кўпаяди.

Ўткир инфекцион касалликларда лейкоцитар формуланинг динамикаси тахминан қўйидагичадир. Касалликнинг бошлангич даврида нейтрофилия лейкоцитози юз беради, чунки нейтрофиллар микроорганизмларга қарши курашда энг биринчи қатнашувчи фагоцитлардир. Касаллик авж олганда эса (иммун жавобнинг бошлангич носпецифик даврида)моноцитлар кўпаяди (унда иммун реакция кучаяди). Бу вақтда эозинофиллар сони камайди, сабаби гипоталамус-гиофиз-буйрак усти безлари системасининг реакцияси авж олади. Касалликнинг иккинчи ярмида моноцитозга лимфоцитоз кўшилади, эозинофиллар кўпая бошлайди. Бу даврда иммун жавоб реакцияси шаклланади.

Лейкограммаларни ўрганилганда яна қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофикадир:

1. Баъзи касалликларда лейкоцитларнинг дегенератив (ёки дистрофик) ўзгаришлари рўй бериши мумкин, мас., нейтрофиллар цитоплазмасида токсоген доначалар, вакуоллар (бўшлиқлар) ҳосил бўлиши ва ҳ.к. Бундай ўзгаришлар интоксикациядан дарак беради.

2. Нейтрофилия бўла туриб лейкоцитларнинг умумий сони камайса, бу бемор ахволининг оғирлашганлигидан хабар беради.

3. Инфекцияда, мас. сепсис вақтида касалликнинг клиник аломатлари авж олади, ана шу вақтда лейкоцитлар сонининг камайиши хавфлидир.

4. Эозинофилларнинг узоқ вақт давомида камайиб кетиши нохуш белги ҳисобланади.

5. Лимфоцитларда ҳам ядро силжиши кузатилиб, қонда цитоплазмаси кенг лимфоцитлар кўпайса, чапга силжини ва цитоплазмаси ингичкалашиб кетган (айримларида цитоплазмаси умуман кўринмай кетиши ҳам мумкин) лимфоцитлар кўпайиб кетса, ўнга силжини деб аталади. Бу ҳар икки ҳол организмда патологиянинг чукурлашиб бораётганлигидан далолат беради.

## Б. Лейкопениялар

Лейкопения - матълум ҳажм бирюлиги ( $1 \text{ mm}^2$ )даги қонда лейкоцитлар сонининг камайиницидир. У келиб чиқиши механизмларига кўра қўйидаги ўзгаришларнинг натижаси булини мумкин, мас.: 1) қон яратувчи тўқималарда лейкоцитларнинг суєтланиши; 2) периферияда лейкоцитларни оратдагидан кўп парчастаниши; 3) лейкоцитлар тасвимлананинни ўзгариши, уларнинг турли

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

аъзоларда түпланиб қолиши (мас., анафилактик шокда) ва б.

Лейкопения баъзи бактериал инфекцияларда (ич терлама, паратифлар, бруцеллэз (қораоқсок), туляремия, эндокардитнинг айрим ўткир септик шаклида, силниңг айрим турида (мас., милиар силда) вируслар қўзгатган касалликлар (вирусли гепатит, грипп, қизамик, қизилча)да, турли миелотоксик омиллар (ионловчи радиация, кимёвий агентлар - бензол, анилин, ДДТ ва бошқалар), шунингдек турли дорилар (мас., онкологияда ишлатиладиган цитостатиклар ёки иммуноцепрессантлар) таъсирида, ўткир лейкоуда, хрониосепсисда (бунда аввал узоқ вақт давомида микробларга қарши ривожланган лейкоцитоз кузатилиб, оқибатда қон яратувчи тўқима толиқади, фаолияти пасайиб, лейкопоэз сусаяди), темир тақчил анемиянинг оғир турларида, пернициоз анемияда, ракит касаллигига чалинган болалар ва ҳ.к.да учрайди.

Лейкопения кўпинча донадор лейкоцитларнинг (энг аввал нейтрофиллар ҳисобига) камайиши билан ифодаланадики, унинг оқибатида нисбий агранулоцитоз келиб чиқади.

Агранулоцитоз асосан 2 хил бўлади:

1. Миелотоксик агранулоцитоз. Мас., ионловчи радиация, турли токсин (жумладан инфекцион тибиатли) лар таъсирида қон ишлаб чиқарувчи тўқималар шикастланиб, лейконоэз сусаяди.

2. Иммун агранулоцитоз. Унинг ўз навбатида икки шакли ажратилади:

а) гаптенли иммун агранулоцитоз - турли токсингилар, жумладан дори моддалар таъсирида вужудга келади (бунда аксарият организмнинг маълум дориларга нисбатан сезувчанлиги ошиади);

б) атоиммун агранулоцитоз - турли атоиммун касалликларда учрайди.

Айтилган ҳолларда ҳосил бўлган антигеналар таъсирида лейкоцитларнинг парчаланиши кучайди.

Айрим вақтларда агранулоцитознинг изоиммун шакли ҳам учрайди (бу баъзан янги туғилган чақалоқларда учрайди, чунки она организмида бола лейкоцитларига қарши антигана ҳосил бўлиб, улар бола лейкоцитларини емиради).

Лейкопенияниң (асосан агранулоцитозниң) тутма ва ирсий турлари ҳам мавжуд.

Ирсий агранулоцитозниң механизми икки хил бўлиши мумкин.

1. Қон яратувчи тўқималарда лейконоэзни пасайиши.

2. Лейкоцитларнинг иликдан периферик қонга ўтишининг секинлашуви, қийинлануви.

Конда эозинофилларнинг камайиши оғир ўткир инфекцияларда (мас., ич терламада), Күшиннг синдроми, стресс ҳолатларида содир бўлади.

Лимфоцитларнинг камайиши (лимфоцитопения) ёш болалар ва ўсмирларда, айъесимон без гипотиазидида (оѓада тутма агаммаглюбулинемияда) юзага келади. Қартақареда эса лимфа тутулари касаллигининг тарқоқ оғир шаклида кузатилади.

### **Лейкоцитоз ва лейкопенияниң аҳамияти, оқибати**

Лейкоцитозга ҳуқуқлар тарифа олганда сақланган бўлса, бундай лейкоцитоз

мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, организмнинг касалликдан ҳимояланадиганлиги, курашатганилигидан дарак беради.

Лейкопения эса одатда нохуш ҳодиса бўлиб, организмнинг реактивлигига салбий таъсир кўрсатади ва унинг тез, осонлик билан инфекциялар-юқумларга мойил бўлиб қолишига, касалликнинг узоқ давом этишига ва ниҳоят, оғир, хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

## ЛЕЙКОЗЛАР

Лейкоз - гемобластоз (қон хужайраларидан келиб чиқадиган ўスマлар)нинг бир тури бўлиб, ҳамиша биринчи навбатда сүяк кўмигининг шикастланиши билан ифодаланади.

Қон ишлаб чиқарувчи тўқимада гиперплазия, метаплазия ва анаплазия каби ҳодисалар рўй бериб, периферик қонда етилмаган (ўスマларга хос) меъёрда қон тўқималарида бўладиган лейкоцитлар кузатилиди.

### *Лейкозларнинг этиологияси ва патогенези*

Лейкозларнинг келиб чиқшига қўйнадигилар сабаб бўлиши мумкин: ионловчи радиация, ҳар хил (ички ва ташқи) кимёвий мутаген моҳдалар, ўсма пайдо қўйувчи вируслар, генетик аппарат ва иммун системанинг шикастланишлари (мас., иммунологик назоратнинг пасайиши) ва б.

Лейкозда турли агентлар таъсирида мутация ҳодисаси рўй бериб, ўсма (лейкоз) хужайралари пайдо бўлади. Бу хужайралардан кўп микдорда уларнинг ўзига ўхшаш хужайралар келиб чиқади, яъни лейкоз хужайраларининг авлоди (клони) ҳосил бўлади. Агар мутаген агентлар таъсири давом этаверса, янги клонлар ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Ҳосил бўлган айрим хужайралар организм томонидан бартараф этилади, аммо иммун назоратига сезувчанилиги бўлмаган, айниқса, энг автоном (сарбаст) хужайралар сақланиб қолади. Натижада моноклон ўсма поликлон ўスマга, яъни энг хавфли турига айланади.

Лейкозларда бошқа ўスマлардагидек ривожланиши - авж олини кузатилиб, у маълум қонуният ва босқичда амалга ошиди.

1. Моноклон ва поликлон даврлари.

2. Нормал - меъёрий гемопоэзининг бузилиши.

Лейкозларнинг асосий ҳусусиятларидан бири шундаки, ўсма-лейкоз хужайралари қон ҳосил қўйувчи тўқималарда нормал гемопоэзни сиқиб чиқарди, натижада лейкоцитлар бошқа турларининг ҳосил бўлиши камаяди. Эритропоз ҳам кескин камайиб, беморда оғир анемия юзага келади. Тромбопоз пасайиб, қон ивиши секинлашиди, қон кетишни рўй бериб, анемия янада кучаяди.

3. Бласт ядроли хужайраларининг ўзгарувчалиги натижасида ферментларининг ўзига хослигини йўқотган, шакли кескин ўзарган турли патологик хужайралар иайдо бўлади.

4. Метастазлар. Гемобластознинг бошқа турларида ва умуман, ўсма жараёнида метастазлар (ўスマларнинг тарқалиши) одатда касалликнинг кечиккан даврларида кузатилса, лейкозлар вақтида, айнина уларнинг ўткир

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

турларида метастаз касалликнинг бошланишидаёт, юзага келади. Уларнинг ўсма хужайралари аслида қон хужайралардан (негиз ёки ўқ хужайра) ва унинг яқин авлодларидан ташкил топғанлыги сабабли улар осонлик билан қонга ўтади. Қонга ўтган лейкоз хужайралари турли аъзоларда, биринчи навбатда тўқима, ҳам қон яратувчи аъзолар бўлмиш жигар, талоқ, лимфа тугунларида, кейинчалик эса бошқалар (буйрак, мия пардаларида, овқат ҳазм килиш аъзоларида, ҳатто оғиз бўшлигидаги тўқималар ва терида) ўрнашиб, лейкоз пролиферациисини юзага келтиради, яъни янги ўсмаларни ҳосил қилади. Булар юқорида айтилган аъзоларнинг фаолиятига оғир зарар етказади.

5. Бласт хужайраларнинг цитостатик моддаларга нисбатан сезувчанлиги йўқолиб, беморни даволаш ғоят қийинлашади.

6. Меъёрида грануло-, моноцито- ва лимфопоэзларнинг бузилиши - ўта эзилиши (депрессияси) сабабли иммун реакциялар пасайди, натижада организм иккиламчи инфекцияларга берилувчан бўлади, аутоинфекциялар фаоллашади. Лейкозда лимфоцитларнинг иммунологик назоратни бажариши қобилияти пасайиб, натижада "тақиқланган" агресив клонлар рӯёбга чиқади. Булар эса, ауто-антитаналар ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлиб, аутоиммун жараёниларни юзага келтиради ва бунинг оқибатида организмнинг нормал тузилган хужайра ва молекулалари ёт зиддиенлар сифатида қабул этилиб, аутоагресив иммун реакциялари ривожланади.

### **Лейкоз турлари**

Касалликнинг кечишига кўра, лейкозлар ўткир ва сурункали турларга ажратилади.

Ўткир лейкозда дифференциацияланмаган-етилмаган (blast шаклдаги) хужайраларнинг тўхтовсиз пролиферацияси ва уларнинг периферик қонда пайдо бўлиши кузатилади. Чунки ўткир лейкозда анаплазия ҳодисаси ривож топиб, унинг хужайравий негизини бласт шаклдагилар ташкил қилади.

Сурункали лейкозга эса етилаётган хужайраларнинг тўхтовсиз пролиферацияси ва уларнинг периферик қонда кўпраб учраши ҳосдир. Сурункали лейкозда анаплазия унча ривожланмайди, лекин пролиферация кучли бўлиб, бунда лейкоцитлар сони кескин кўпаяди. Демак, ўсманинг хужайравий негизини етилаётган турлари ташкил қиласди.

Периферик қонда лейкоцитлар сонининг ўзгаришига қараб лейкозлар қўйидаги уч турга бўлинади:

а) лейкемик лейкоз - бунда лейкоцитлар сони кескин (айрим турларда, мас., сурункали миелолейкозда - 1 мкл қонда бир неча юз минг, яъни (20000-500000 гача, баъзан 1 млн ва ундан ҳам ортиқ) кўпаяди;

б) сублейкемик лейкоз - бунда 1 мкл қонда лейкоцитлар сони бир неча ўн минг (20-50000) гача кўпаяди;

в) аллейкемик лейкоз - бунда лейкоцитлар сони кўпаймайди, баъзан камайинши ҳам мумкин, аммо лейкозга хос етилмаган хужайралар сезиларди миқдорла учрайди.

Қоннинг морфологиясинга қараб, лейкозлар қўйидагича бўлиши мумкин:

- 1) лимфолейкоз - лимфоцитар системанинг шикастланишидан юзага келган лейкоз, унинг ўтқир ва сурункали турлари мавжуд;
- 2) миелолейкоз - миелоид түқиманинг шикастланиши сабабли вужудга келган лейкоз. Бу лейкознинг қуйидагы турлари фарқланади:
  - а) миелолейкоз - ўтқир (ёки миелобластоз) ва сурункали;
  - б) моноцитар лейкоз - ўтқир (моноblastоз) ва сурункали (моноцитар);
  - в) эритроцитар лейкоз - ўтқир (эритробластоз) эритромиелоз, эритремия (Банг қасаллиги);
  - г) тромбоцитар лейкоз - ўтқир (мегакариобластоз) ва сурункали тромбоцитар лейкоз.

Лейкознинг ўтқир шакллари ҳаёт учун айниқса хавфли бўлиб, тез ривожланади ва бир неча ой, ҳатто ҳафта ичидаги ўлимнинг олиб келади. Ўлимнинг сабаблари: ўта оғир анемия, лейкоз инфильтратлари тарқалган аъзоларнинг шикастланиши, ўсма қаҳексияси ва кўпинча иккиламчи инфекция бўлиши мумкин.

Сурункали миелолейкоз ва лимфолейкозлар қуйидаги ўзгаришлар билан характерланади. Сурункали миелолейкозда қондаги лейкоцитларнинг аксариятини нейтрофиллар ташкил қилинб, бунда ядронинг кескин чапга силжиши кузатилади. Ундан ташқари, қонда миелоцитлар, промиелоцитлар ва ҳатто миелобластлар учрайди, таёқчасимон ядроли нейтрофиллар сони камаяди. Кўпинча бир вақтда ҳам эозинофиллар, ҳам базофилларнинг кўнайиши (эозинофил-базофиллар ассоциацияси) кузатилади. Касалликнинг бошлангич даврида анемия деярли билинмаса ҳам, қонда онда-сонда нормобластлар учрайди. Одатда тромбоцитлар сони кам бўлади. Аста-секин нормоцитар, нормохром анемия яққол намоён бўла боради. Лейкоцитлар сони кескин орта бошлиди (агар лейкоцитлар сони 1 мкл қонда 5000000 дан ортиб кетса, улардан ҳатто тромблар, мас., ўпка, талоқ томирларида ҳосил бўлади). Хужайраларда ишқорий фосфатаза ферментининг фаоллиги сусайини мумкин.

Демак, сурункали миелолейкозда, умуман айтганда гранулоцитоз, нейтрофилия, уларнинг одатда периферик қондаги бўлмайдиган ёш шакллари учрайди.

Сурункали лимфолейкознинг бошланишида бир қадар лимфоцитоз (40-50%) кузатилиб, қонда онда-сонда Гумпрехт таначалари - "соялари" (эзилиб кетган ядро) учраши мумкин.

Касаллик авж олганда кескин лимфоцитоз (80% гача, оғир шаклларида ҳатто 99% гача) кузатилади, шу билан бирга Гумпрехт таначалари ҳам кўп учрайди. Касаллик бехатар кечайтган бўлса, лимфоцитларнинг кўп қисми (80-85%)ни кичик ва ўрта катталикдаги лимфоцитлар, 5-10%ни эса пролимфоцитлар ташкил этади.

Касалликнинг оғирлашгай шайтида, қайталаса (рецидив), катта ўлчамли пролимфоцитлар кўпайиб, уларнинг орасида лимфобластлар ҳам учраши мумкин.

Сурункали лимфолейкозда одатда Т-лимфоцитлар системасининг, асосан Т-лимфоцитлар сонининг кўнайиши билан ифодаланувчи шикастланиши содир бўлади. Хужайраларда эстеразатлар ва ишқорий фосфатаза ферментининг фаоллиги ортади. Хужайра цитоплазмасида РНК кўн бўлиб, бу

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

хужайранинг етилмаганлигидан далолат беради.

### **Лейкемоид реакциялар**

Баъзи касалликлар, мас., пневмониянинг огир турларида лейкоцитлар со- ни асосан ёш хужайралар хисобига гоят кўпайиб, қонда рўй берган ўзгаришлар лейкозга ҳос ўзгаришларни эслатиши мумкин. Бундай ўзгаришлар лейкемоид реакция деб аталади.

Реакциянинг лейкоздан фаг ки қуийдагича. Унинг сабаби аниқ (мас., пнев- мококлар таъсирида). Ўзгаришлар ўсма даражасига этиб бормайди, метаста- злар - турли тўқима-аъзоларда лейкемик инфильтратлар ривожланмайди. Реакция вақтинча бўлиб, асосий касаллик бартараф бўла бошлагач йўқолиб боради. Кўпинча гранулоцитлар кўпаяди, бунинг сабаби, огир интоксикация таъсирида қон яратувчи тўқимада лейкоцитларнинг етилишини секинлашу- видир.

## **АМАЛИЙ КИСМ**

### **18 МАШГУЛОТ**

---

#### **Мавзу. Лейкоцитоз ва лейкопения**

**Мақсад.** Лейкоцитоз ва лейкопениянинг турлари ва механизmlарини ўрганиш. Турли касалликларда қоннинг лейкоцитар формуласини ўрганиш- нинг моҳиятини билиш.

**1-вазифа.** Лейкоцитознинг экспериментал модели ҳосил қилинган күён қонидаги лейкоцитларни санашиб.

Күён органимизда лейкоцитоз ҳосил қилиш учун, унинг териси остига бир хафта давомида қўён оғирлигининг ҳар 1 кг/1 мл хисобида бензол юбо- рилади.

Лейкоцитларни санашиб учун пробиркага сирка кислотасининг 3%ли эритмасидан 0,4 мл қуйиб, капилляр ёрдамида 0,02 мл ўлчамда қўён қони қўшилади ва аралаштирилади. Сўнг уни Горяевнинг ҳисоблаш камерасига томчилаб тўлдирилади. 2-3 дақиқа ўтгач, камера тўрининг 100 катта квадратида лейкоцитлар саналади. Сўнг олинган натижа 50 га кўпайтирилиб лейкоцитлар сони аниқланади.

**2-вазифа.** Кўён қонидан Романовский усулида суртма тайёрлаб, унди лейкоциттар формулани аниқлашиб.

**3-вазифа.** Турли беморлар қонидан тайёрланган қон суртмаларида лейкоцитлар сонини, лейкоциттар формулани аниқлашиб ва ўрганиш.

Лейкоцитларнинг сони микроскопининг кичик объективи ёрдамида саналади, лейкоциттар формулани санашиб учун эса суртмага иммерсион мой томизилуб, иммерсион объектив орқали ҳисобланади.

Лейкоциттар формулани тузишиб учун қон суртмасида 100 та лейкоцит санашиб.

керак. Олинган сонлар 100 дан бир, яъни % билан ифодаланади.

Қондан суртма тайёрланганда ундаги лейкоцитлар ҳажми ва солиштирма оғирлигига кўра нотекис жойланиши мумкин. Шуни назарда тутиб, яъни лейкоциттар формула саналганда камроқ хато қилиш учун суртма камера тўрини турли қисмга бўлиб, уларнинг ҳар бирида 25 тадан лейкоцит саналиши керак.

Лейкоциттар формула саналгандан сўнг тўгри хulosаси қилиш учун лейкоцитларнинг умумий сонини, ҳар бир турини ва қондаги (маълум ҳажм бирлигидаги) мутлақ сонини аниqlаш лозим.

**4-вазифа.** Турли касалликларга хос бўлган лейкоциттар формуулалар акс эттирилган жадвалларни таҳлил қилиб, хulosаси қилиш.

## 19 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Лейкоузлар патофизиологияси.

**Мақсад.** Лейкоуз ҳақида тушунча ҳосил қилиб, қонда уларга хос морфологик ўзгаришларни, турларини ажратса билишини ўрганиш.

Машгулотнинг амалий қисми

**Вазифа.** Клиникалардан келтирилган турли хил лейкоуз билан оғриган беморлар қонидан тайёрланган суртмаларни микроскоп остида текшириш, жадваллар ва диапозитвлар ёрдамида лейкоузнинг турларига хос морфологик ўзгаришларни ўзлаштириш ва уларнинг тасвирини дафтарда акс эттириш.

Машгулот вақтида миелолейкоуз ҳамда лимфолейкоузнинг сурункали ва ўткир шакллари билан касалланган bemорлар қонидан тайёрланган суртмаларни микроскоп остида ўрганиб, айрим шу лейкоузга хос хужайраларни яхши эслаб қолиш учун чизиб олиш мақсадга мувофиқ.

## 2 БОБ ҚИЗИЛ ҚОН ПАТОЛОГИЯСИ

Қон тўғрисида фикр юритилганда, аслида гемоиммун система (ГИС) назарда тутилиши керак. Бу система Қон яратувчи (ишлаб чиқарувчи) аъзолардаги миелопоэз ва лимфопоэз тўқималарини ҳамда томирлардаги Қон ва лимфани ўзичига олади. Унинг асосий вазифаси организмда гомеостазни сақлашга қаратилгандир. ГИС узлуксиз қайта тикланиш қобилиятига эга.

ГИСнинг ривожланишида қуйидаги даврлар кузатилади. Аввало эмбрионал даврнинг 1-ва 2-ойларидаги эритроцит ва мегакариоцитлар яратилади. Зойида гранулоцитлар, 4-ойида лимфоцит ва плазматик хужайралар вужудга келади.

Эмбрионал даврнинг 5-ойида моноцит - макрофаглар ҳосил бўла бошлидни.

Эритроноэзда 3 давр кузатилиб, эритроцитлар аввал мегалобластик ва сўнгра нормобластик турларда ривожланади. Эритроноэз 1-даврда сарик

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

қопчада, 2-даврда эса жигарда мегалобластик турда бўлиб, бунда эритропозинга мойил хужайралардан ҳосил бўлган эритробластдан мегалобласт ва ундан эса мегалоцит ҳосил бўлади. Қисман 2-даврда ва асосан 3-даврдан бошлаб (суяк кўмиги ривожлангандан сўнг, яъни миелоид даври бошлангач) эритропозз нормобластик турда ва фақат кўмикда боради. Бунда эритробластлардан нормобластлар ва улардан нормал эритроцитлар (нормоцитлар) етилади.

Мегалобластик эритропозз меъерда фақат эмбрион даврида кузатилиб, ҳаёт давомда эса айрим оғир анемияларда яна қайта пайдо бўлиши мумкин. Ётилган эритроцитлар суяк кўмигидаги синуслар деворидан диапедез усули билач қон томирларига тушади ва қонда ўз вазифаларини ўтайди.

Меъерда эритроцитларнинг сони  $4,5\text{--}5\cdot10^{12}/\text{l}$  га тенг, яъни 1 мкл қонда 4,5 дан 5 млн.гача, ўргача ҳажми - 86,1 мкм, қалинлиги эса 2,1 мкм, гемоглобиннинг миқдори - 29 мк мкг ни ташкил этади.

Эритроцитнинг шакли дисксимон, шу туфайли ҳужайра сатҳи кенинг бўлиб, мумкин қадар кўп кислородни биректириш имкониятига эга. Эритроцитларнинг бундай шаклда бўлиши уларни талокда синуслар деворидан ўтишини осонлаштиради.

Нормал шароитларда қонда фақат етилган, нормал эритроцитлар учрайди. Турли касалликларда эса, биринчи наебатда анемия - камқонликда периферик - маҳаллий қонда эритроцитларнинг етилмаган, турли кўринишдаги шакллари пайдо бўлади.

Қоннинг кўринишши (шакли)ни ўрганишда эритроцитларнинг бўялиши, катта-кичиклиги, шакли, цитоплазмасида ядро ёки турли киритмаларни тутиши ва ҳ.к. ларга эътибор берилади.

Қонда эритроцитларнинг одатда учрамайдиган шаклларининг пайдо бўялиши, уларнинг патологик шакллари деб аталади.

Эритроцитларнинг патологик шакллари икки хил - регенератив ва дегенератив бўлади.

### ***Регенератив турлари***

1. Эритробласт - ишебатан йирик ҳужайра бўлиб, ўзида гилдираксимон ядро тутади. Цитоплазмаси энсиз, кўк рангга бўялади, чунки ҳужайра РНКга бой, аммо ҳали гемоглобинни тутмайди.

2. Нормобласт - бу ҳам тўқ бўялувчи, кўпинча ҳужайранинг четига яқин жойлашган ядроли эритроцит. Ядросида ядрочалари бўлмайди. Цитоплазмасида РНК камайиб, унинг ўрнини гемоглобин эгаллаб боради ва натижада ҳужайранинг цитоплазмаси гемоглобиннинг оз-кўнлигига қараб турлича - бинафашия (полихроматофил) ёки қизил (окси菲尔) рангта бўялади.

3. Мегалобласт - ядро тутгалийирек ҳужайрадир. Ядроси нозик, тўрсимон ва очкини бўялайди. Ҳужайра шакли ҳар хил (кўпинча овалсимон), цитоплазмаси гемоглобин миқдорига қаруб кўк (базофил), бинафашия (полихроматофил) ёки қизил (ортогохром-окси菲尔) бўлшини кўмкин.

Тутнингдан сўнг мегалобластларининг изайдо бўзини (мас.. хавфли камқонликда) патологик регенерация ён даюзат беради.

**4. Ретикулоцит** - бу ёш хужайра, цитоплазмасыда ядроси бўлмайди, аммо унинг эритроцитлардан фарқи цитоплазмасыда ёғсимон моддалардан таркиб топган доначаларни саклашидир. Бу доначалар тўрсимон ретикулум шаклида жойлашгани туфайли хужайрани ретикулоцит деб аталган. Ретикулоцитлар эритропоззининг сўнгги погоносидаги етилмаган хужайра ҳисобланиб, меъёрда қизил қоннинг 1% ни ташкил этиши мумкин.

Ретикулоцитларнинг меъёрда кўпайиши ретикулоцитоз деб аталиб, бу эритроцитларнинг тикланиши-регенерациясидан далолат беради.

**5. Полихроматофи**л эритроцитлар, одатда, қизил рангга (эозин бўёғи билан) бўялади. Уларнинг бўялиш даражаси гемоглобин миқдорига боғлиқдир. Полихроматофиллар эритроцитларнинг етилмаган тури бўлиб, гемоглобин миқдори нисбатан кам бўлғанлиги, етарли тўйинмаганлиги туфайли бинафша рангга бўялади, чунки хужайра айни вақтда ҳам кислотали, ҳам ишқорий бўёқлар (полихром) билан бўялади.

Полихроматофиллар меъёрда қонда ретикулоцитлар каби 1% гача учрайди.

#### **Эритроцитларнинг дегенератив патологик шакллари**

**1. Анизоцитоз** - эритроцитлар ўлчами, диаметрининг бир хил бўлмаслиги. Агар эритроцитларнинг кўндаланг ўлчами 8,5-9 мкм дан ортиқ бўлса, макроцитоз деб аталади, у кўпинча витамин В<sub>12</sub> ва фолат кислотаси тақчил анемия-камқонликда кузатилади. Агар эритроцитларнинг диаметри б мкм дан кам бўлса, микроцитоз деб аталади. Микроцитоз кўпинча дефицит-тақчилликка боғлиқ анемия ва талассемияда учрайди. Шуни айтиш керакки, унча яққол намоён бўлмаган анизоцитоз анемиянинг деярли кўп турларида учраши мумкин.

**2. Пойкилоцитоз** - эритроцитларнинг шаклан ўзгаришлари. Пойкилоцитларнинг қўйидаги турлари тафовут қилинади:

**Лептоцитлар** (планоцитлар) - ясси хужайралаф, уларнинг ўрта қисми оч бўялиб, четки қисми тўқ қизил ҳалқага ўхшаш ва кўпинча, темир тақчил анемия - камқонликда кузатилади. Бундай хужайралар гипохром эритроцитлар деб ҳам аталиши мумкин.

**Кодоцитлар** (нишонсимон эритроцитлар) нинг лептоцитлардан фарқи хужайранинг ўртасида тўқ бўялган (физик-кимёвий хусусиятлари бузилган гемоглобиндан таркиб топган) нуқта кўринади. Бундай хужайраларни талассемияда учратиш мумкин.

**Дрепаноцитлар** - ўроқсимон, яримойсимон эритроцитлар, гемоглобино-патиянинг тури бўлган ўроқсимон хужайрали анемияда кузатилади.

**Эллиптоцитлар**- эллипсимон чўзинчоқ эритроцитлар, уларда гемоглобин хужайранинг икки четига тўпланиди. Бундай хужайралар сурункали анемиянинг тури эллиптоцитозда, шунингдек Г-6-ДФГ, глютатион етишмовчилигига боғлиқ анемияларда ва талассемияда учрайди.

**Сфероцитлар**- сферик шаклдаги эритроцитлар, хужайранинг ўрта қисми тўқ бўялади. Бу хужайралар изоиммун ва бошқа турли гемолитик анемияларда учрайди.

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**Стоматоцитлар** - ўртасида оғызга ўхшаш чүзиқ, бўялмаган бўш жойли эритроцитлар, айрим ирсий гемолитик анемияда учрайди.

**Мегалоцитлар** - одатдаги эритроцитлардан 1,5-2 баравар катта, кўпинча овал шаклида, тўқ бўялган эритроцитлардир, витамин В<sub>12</sub> ва фолат кислотаси етишмовчилигига боғлиқ анемияда кузатилади.

**Гейнц танаачаларини тутган эритроцитлар** - бу цитоплазмаси маҳсус усул билан бўялганда қўринадиган, денатурацияга учраган гемоглобиндан таркиб топган юмалоқ, киритмали хужайралардир.

Улар айрим токсик - гемолитик анемияларда ва Г-6-ФДГ етишмовчилигида келиб чиқадиган анемияларда учрайди.

**Жолли танаачали эритроцитлар** мегалобластик ва айрим токсик-гемолитик анемияларда кузатилади, баъзи эритроцитлар (ёки мегалобластлар) да ядро бўёги билан бўялган битта ёки бир неча кичик танаачалар бўлиб, улар ядронинг бўлакчаси ёки қолдиги ҳисобланади.

Кебот ҳалқали эритроцитлар цитоплазмасида ядро бўёги билан бўялган, ҳар хил шаклдаги ҳалқали хужайралар бўлиб, кўпинча мегалобластик анемияда кўринади. Айрим назариялар бўйича улар хужайра ядроси қобигининг қолдиги ҳисобланади.

**Сферацитлар** (сферобластлар) бир хил хужайраларда гемоглобинга бирикмай қолган темир аниқланиб, одатда темир алмашинувининг бузилишига боғлиқ анемияда кузатилади.

Базофил доначали эритроцитлар одатдаги усул билан (фиксация қилиниб) бўялган қон суртмаларида эритроцитларда кўк рангтага бўялган доначалар шаклида кўринади. Бу хил эритроцитларни кўргошиндан заҳарланганда, мегалобластик ва ҳ.к. анемияларда учратиш мумкин.

**Анизохромия** - хужайра цитоплазмасининг нотекис бўялиши. Айрим анемияларда, айниқса турли гемотоксик зақарлар таъсирида гемоглобин денатурацияга учраб, хужайранинг нотекис (мас., булутсимон) бўялишига олиб келадиган дегенерация белгиси ҳисобланади.

### **АНЕМИЯ-КАМҚОНЛИК**

Анемия (камқонлик) деб, маълум ҳажм бирлигидаги қонда гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг камайиши ва сифатий ўзгаришига айтилади.

### **Анемиянинг турлари, классификацияси - таснифи**

Анемия тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиш, уни аниқлаш -диагностикаси да беморларни самарали даволаш масалаларини тўғри амалга ошириш макассидида уларнинг турли кўрсаткичларига асосланаб, ушбу бирламчи таснифи нақшбоз чиқадиган. У кўнидаги принципиалрга амал қилинган ҳолда тузилади.

#### **1. Этиология ва патогенезига кўра:**

1. Постэморфраник (қон йўқотини нағижасида юзага келадиган) анемия.
2. Гемолитик анемия - эритроцитларнинг одатдан идан кўн гемолиз

(парчаланиши)га учрашидан пайдо бўладиган анемия.

3. Эритропоэзнинг бузилишига боғлиқ анемиялар.

**II. Қон ишлаб чиқарувчи тўқима (органинг) унда қатнашувчи (идора этицида ёки бевосита шитирок этувчи) омилларнинг функционал ҳолатига кўра:**

1. Гиперрегенератор анемия. Бунда эритропоэз кучайиб, сук ва периферик қонда ретикулоцитлар мөъёрдан ортиқ учрайди. Гиперрегенератор анемияда эритроцитлар тез вояга етади, мас., буни ўткир постгеморрагик анемияда кузатиш мумкин ва у қон ишлаб чиқарувчи тўқиманинг фаоллигидан далолат беради.

2. Гипорегенератор анемия. Бунда эса эритроцитлар секин вояга етади, периферик қонда ретикулоцитлар сони мөъёрдан кам бўлади. Ушбу ҳол темир танқис (Fe-дефицит) анемияда кузатилади.

3. Аргегенератор анемия. Анемиянинг бу турида қон ишлаб чиқарувчи тўқималарда эритропоэз деярли тўхтайди, периферик қон ва сук кўумигида ретикулоцитлар бўлмайди. Гипопластик анемияда эритропоэз билан бир қаторда лейкоПоэз ва тромбоцитопоэз ҳам сустлашиб, қонда лейкоцитлар ва тромбоцитларнинг сони камайди. Бундай ҳолга ишцитопения дейилади.

**III. Қоннинг ранг кўрсаткичига қараб:**

1. Нормохром анемия. Матълумки, эритроцитларнинг бўялиши уларнинг цитоплазмасидаги гемоглобин миқдорига боғлиқ. Шунга кўра, нормохром анемияда периферик қонда Hv ий мөъёрида тутган эритроцитлар мавжуд бўлади. Бунда эритроцитлар сонининг ва гемоглобин миқдорининг баравар камайиши (мас., ўткир постгеморрагик анемияда) кузатилади.

2. Гипохром анемия. Қоннинг ранг кўрсаткичи мөъёридан (мас., темир танқис, Fe-дефекит анемияда) наст бўлади.

Қоннинг ранг кўрсаткичини наслайиши қонда кичик ўлчамли (микроцитлар) ва етилмаган эритроцитларнинг пайдо бўлишига боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Гиперхром анемия. Унда қоннинг ранг кўрсаткичи мөъёридан юқори (мас., пернициоз анемияда) бўлади. Гиперхромия одатда катта ўлчамли қизил қон шаклини элементлари (макроцитлар); айниқса мегалоцитлар ҳисобига рўй беради.

**IV. Эритропоэз турға ҳўра:**

1. Нормобластик эритропоэз билан кечадиган анемиялар.

2. Мегалобластик эритропоэз билан кечадиган анемиялар.

**V. Эритроцитларнинг катта-кичиклигига (ўлчамига) кўра:**

1. Нормоцитар анемия (мас., ўткир постгеморрагик анемияда).

2. Макроциттар анемия (мас., витамин В<sub>12</sub> танқис анемия)

3. Микроциттар анемия (мас., Fe-танқис анемияда).

### ПОСТГЕМОРРАГИК АНЕМИЯ

Постгеморрагик анемия ўткир ва сурункали кечиши мумкин. Ўткир постгеморрагик анемия турли сабабларга кўра (травма - шикастланици, операциялардан сўнг, гемофилия ва ҳ.к.да) бирдан кўп кон йўқотини оқибатида рўй беради. Кон йўқотилгандан сўнг 24-48 соат давомида гемограммада деярли сезиларли ўзгариш кузатилмайди. Бунда факат қоннинг умумий ҳажми камайиб, унинг ўлчов бирлигига эса эритроцитлар сони, Нв миқдори ва гемотакрит кўрсаткич меъёрда ёзлиши мумкин. Кон суртмасида нормоцитоз, нормохромия кузатилади. Кейинчалик (2-3 кун ўтгач) йўқотилган кон ҳажмининг ўрни тўқчималардан ўгувчи суюқлиқ ҳисобига тўлдирилиб, кон суюлади, унинг ўлчов бирлигига эритроцитлар ва Нв миқдори камаяди, лекин қоннинг ранг кўрсаткичи ўзгармайди. 3-4 кундан сўнг қонда ретикулоцитлар сони орта бориб, уларнинг кўпайиш чўққиси ҳафтанинг охирги кунларига тўгри келади ва ана шунда қоннинг ранг кўрсаткичи бир оз пасаяди. Ўткир постгеморрагик анемия гиперрегенератор анемияларга мисолдир. Бундай анемияда лейкоцитоз (нейтрофилия) ва тромбоцитоз вужудга келади.

Сурункали постгеморрагик анемия турли сурункали (мас., меъда ва ўн икки бармоқ ичак яралари, аўлларда эса кон кетиши билан кечадиган касалликларда содир бўлади. Ўткир анемиядан фарки, биринчи навбатда қоннинг ранг кўрсаткичи паст бўлишидир, чунки сурункали кон кетиши организмда аста-секин Fe нинг етишмовчилигига олиб келади. Кон суртмасида гипохромия, пойкилоцитоанозитоз, микроцитоз кўрилади. Лейкоцитлар сони кам, нисбий лимфоцитоз кузатилади. Тромбоцитлар сони меъёрда ёки бир оз кам бўлади.

### ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯЛАР

Гемолитик анемия тугма ва орттирилган бўлади. Орттирилган анемияни пайдо қиласидиган омилларнинг баъзилари эритроцитларга бевосита таъсир қилиб, уларни гемолизга учратса, бошқалари организмга киритилган ёки организмнинг ўзида ҳосил бўлган иммун табиатли воситалар орқали ана шу натижага олиб келди. Бунга "чақалоқларнинг гемолитик касаллиги" мисол бўла олади. Касаллик она билан бола қонида резус омиллар (мас., она қонида резус-манфий, бола қонида эса резус-мусбат) бўла туриб, турли сабабларга кўра боланинг эритроцитлари она қонига ўтиб қолса, она организмida боласининг эритроцитларига қарши антитаналар ишланиб чиқади. Ўзгарушилар таъсирида болада гемолитик анемия келиб чиқиши мумкин. Ёки одам организмига (реципиентга) кон гурухи тўғри келмаган бошқа одам (донор)нинг қони қуилганда ҳам гемолитик анемия пайдо бўлади. Бундай анемиялар изониммун гемолитик анемиялар турига киради.

Агар эритроцитлар юзасига жойлашиб олган дори мoddалар ёки эритроцитларнинг ўз табиий хусусиятларни йўқотиб (мас., вируслар таъсирида) зиддигаш айланниб келиши, уларга қарши антитаналарнинг ҳосил бўлиши гетероиммун анемияга олиб келадики, бу ҳам пировардија гемолитик анемия-

нинг бир туридир.

Аутоиммун холатларда эритроцитларни гемолизга учратувчи аутоантитаналар ҳосил бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқсан анемия аутоиммун гемолитик анемия деб аталади.

### **ИРСИЙ-ТУГМА ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯЛАР**

Улар 3 турга бўлинади:

1. Мембронопатия.
2. Энзимопатия.
3. Гемоглобинопатия

Ирсий анемиялар ривожланиш сабаблари ва механизmlарига кўра, гемолитик анемиялар гурухига киритилади, аммо улар асосан эритроцитларни бузилиши заминидаги вужудга келади.

Ирсий анемияларда гемолиз бевосита қонда ёки ҳужайралар (макрофаг) ларда юз берши мумкин. Малумки, эритроцитларнинг икки ёклама ботиқ бўлиши, эластиклiği, шаклиниң ўзгартуниши ва тузилишини сақланишаво унинг цитоскелетининг тузилишига боғликдир.

Цитоскелет тузилишини турғун ҳолда сақловчи омил спектрин деб аталади. Цитоскелетининг асосий роли эритроцитларнинг ўз шаклини ўзгартира олиш қобилиятина таъминлаб, асли тузилишини сақлаб қолишидаиди.

Дисксимон эритроцитлар талоқда унинг синусларидан ўтади. Агар эритроцитлар дисксимон шаклда бўла туриб уни ўзгартира олиш қобилияти сақланса, унда улар талоқ синусининг деворидан осонлик билан ўтади. Шаклини ўзгартира олиш қобилиятини йўқотган эритроцитлар синус деворидан ўтолмайди ва қизил пульпанинг трабекулалари яқинидаги узунасига жойлашган фагоцитлар уларни камраб олиб емиради ва гемолизга учратади.

Эритроцитлар ўзларининг одатдаги 100-120 кунлик ҳаёти давомида астасекин ўз шаклларини ўзгартира олиш қобилияларини йўқота бориб, сферик шаклига ўта бошлияди ва натижада талоқ синусларидан ўтишлари қийинлашидаиди, кўпроқ фагоцитозига, гемолизга учрайди.

Гемолитик анемияларда эритроцитлар ҳаётининг қисқариши ва натижада анемия келиб чиқиши механизmlари, аввало, уларнинг шаклини мақсадга мувофиқ равища ўзгартуниш қобилиятини йўқотишларига боғликдир.

Ирсий гемолитик анемияларда, агар турли сабабларга кўра эритроцитлар тургуналашган бўлса, улартурли ёндоген ва экзоген омиллар таъсирида қоннинг ўзидаёқ гемолизга учраши мумкин.

**Мембронопатия.** Бу анемияда АТФ-аза, фосфолипидлар ва холестериининг стенимаслиги туфайли мембронасининг ўтказувчалиги ортиб, К/Na насоси бузилади. Натижада ҳужайрада Na ва унинг ортидан сув тўпланиши, ҳужайра шишиб шакли ўзгараади (сферик шаклига ўтиб қолади). Бундай эритроцитлар, яъни сфероцитлар ўз шаклларини ўзгартуниш қобилиятини йўқотиб, талоқдаги синуслардан тикилиб ўтади, макрофаглар томонидан парчаланиб, гемолизга учрайди ва анемия юзага келади.

## II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

Мембранопатияда эритроцитларнинг осмотик тургунлиги пасайғанлыги сабабли гемолиз қонда ҳам юз бериши мумкин.

Мембранопатияга Минковский-Шаффар микросферацитар анемиясини мисол қилиш мумкин. Бу анемияда қоннинг ранг кўрсаткичи деярли ўзгармайди. Эритроцитлар сферик шаклда бўлиб, уларниң ўрта қисми ҳам тўқ бўялган. Ретикулоцитлар ва лейкоцитлар сони деярли меъёрда бўлиб, оғир кечганида, мас., гемолиз кучайган вактларида улар кўпайиши мумкин. Эритроцитларнинг осмотик резистентлиги, яъни чидамлилиги пасаяди ва бу ҳам гемолизга сабабчи бўлади.

**Энзимопатия.** Энзимопатияга эритроцит мембранасида глюкоза-6-фосфат дегидрогеназа ферменти етишмаслигига боғлиқ анемияни мисол сифатида келтириш мумкин. Бунда НАДФнинг НАДФ-Н га айланиши секинлашиб, қайтарилган глутатионнинг ҳосил бўлиши бузилади. Натижада турли дорилар таъсирида ҳосил бўладиган пероксид бирикмалар эритроцитлар қобигини шикастлаб, уларни гемолизга учратади.

**Гемоглобинопатия.** Ўроқсимон, яримоқсимон ҳужайрали анемия. Бу анемия гемоглобиннинг бирламчи тузилишида дефект-нуқсон борлиги туфайли юзага келади. Беморнинг қонида Hv-S аниқланиб, бундай гемоглобин молекуласидаги Hv занжирларидан бирида 6-гидрофил глутамин кислотаси ўрничи валин эгаллаганлиги, гемоглобиннинг гипоксияга чидамлилигининг сусайиши гемолизга сабаб бўлади.

Беморда агар турли сабабларга кўра, мас., ўпка, юрак иши етишмовчилити ёки баландликка кўтарилиш ва ҳ.к. туфайли гипоксия рўй берса, гемоглобин кристалл ҳолатига айланиб, эритроцитлар шакли ўроқсимон бўлиб қолади. Бундай эритроцитлар, биринчидан, таюқ синусларидан ўта олмай гемолизга учрайди, иккинчидан, улар майдада кон томирларида агрегатлар - тўплама ҳосил қилиб, тромбозга ҳам сабаб бўлади ва турли аъзо, тўқималарга кон кам боришига, хавфли оқибатларга олиб келади.

Бу тур анемияда bemor қонида маҳсус усул билан тайёрланган кон суртмасида ўроқсимон эритроцитларни кўриш мумкин. Оғир ҳолларда уларни оддий суртмаларда ҳам кўчиш мумкин. Қонда қисман анизоцитоз, пойкилоцитоз кузатилиши мумкин. Ретикулоцитлар сони эса кўпаяди.

## ТАЛАССЕМИЯ

Талассемия гемоглобиннинг полипептид занжирлари синтезининг бўзилишига боғлиқ бўлиб,  $\alpha$ -занжирининг синтези бузилганда  $\alpha$ -талассемия,  $\beta$ -занжирининг синтези бузилса  $\beta$ -талассемия юзага келади. Талассемияда эритроцитлар аъзолардаги (таюқ, жигар, ва б.) макрофагларда гемолизга учрайди.

Гемолитик анемияларда кўпинчә қондаги эритроцитлар билан гемоглобинлар бир тарзда камаяди, қоннинг ранг кўрсаткичи деярли ўзгармайди.

Талассемияда одатда гипохромия кузатилиди, сук кўмигидаги полихроматофил нормобластлар ва сицеробластлар сони кўпаяди. Бўялган кон суртма-

сида анизоцитоз, пойкилоцитоз, гипохромия ва нишонсизмөн эритроцитларни күриш мүмкін. Эритроцитларнинг диаметри одатдагидан кичик, ретикулоцитлар сони күпайиб, қонда нормобластлар ҳам учраши мүмкін. Лейкоцитлар сони меъеридан бир оз күпроқ бўлади.

### **ТОКСИК-ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯ**

Одатда ҳар суткада 0,8% эритроцитлар гемолизга учрайди. Қон яратувчи тўқималар йўқотилган эритроцитлар ўрнини янги ҳосил бўлганлари ҳисобига қоплаб туради. Агар турли ички ва ташқи сабабларга кўра организмда гемолиз ҳаддан ташқари кучайса, гемолитик анемия келиб чиқади. Токсик-гемолитик анемия-анемияларнинг бир тури бўлиб, ҳар хил гемолитик токсик моддалар (мас. фенилгидразин, баъзи тузлар, сапонин ва бошқалар) таъсирида юзага келади. Бундай гемолитик токсик моддалар эритроцитларни ҳам периферик қонда, ҳам қон яратувчи тўқималарда гемолизга учратиб тезликда оғир анемияга олиб келади. Мисол учун, қуён организмига фенилгидразин юборилса, 24 соат ўтар-ўтмас қонда эритроцитлар сони ва Нв миқдорининг камайшини, эритроцитларнинг патологик шаклларининг пайдо бўлишини кузатиш мумкін.

Токсик-гемолитик анемиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, эритроцитларнинг гемолизга учрашидан ташқари, токсинлар таъсирида гемопоэтик (қон яратувчи) тўқима шикастланиб, айниқса оғир ҳолларда мегалобластик турдаги эритропоэз юзага келиши ҳам мүмкін. Бундай ҳолларда қонда макроцитлар, мегалоцитлар ва ҳатто мегалобластлар учраб, қоннинг ранг кўрсаткич юқори бўлади.

Шундай қилиб, токсик-гемолитик анемияда қоннинг шаклномаси дегенератив-регенератив бўлиши мүмкін. Яъни ретикулоцитоз, полихроматофилия, нормобластлар билан бир қаторда анизоцитоз, пойкилоцитоз ва мегалоцитлар ҳамда мегалобластларни кўриш мүмкін.

Агар қонда эритроцитларнинг регенератор шакллари кўп бўлса, қоннинг ранг кўрсаткич пасайди.

Айтилганлардан ташқари, фенилгидразин билан заҳарланган қуёnda нейтрофилия, базофилия ҳам кузатилади.

### **ПЕРНИЦИОЗ ЁКИ МЕГАЛОБЛАСТИК АНЕМИЯ**

Пернициоз анемия организмда витамин В<sub>12</sub> (цианкоболамин) ва фолат кислотаси ё гицмовчилигида, умуман эритрон системаси издан чиққанда пайдо бўладиган анемиядир. Суяк кўмигида эритропоэзни эритропоэтилар рағбатлантиради. Хужайранинг нормобластик туріца етилиши нуклеин кислоталарининг алмашинувига bogлиқdir. Бунинг учун витамин В<sub>12</sub> ва фолат кислотаси зарурди. Агар айтилганлар етишмаса (ёки уларни ўзлаштириб, сақлаб бўлмаса), ДНК ва РНКларнинг синтези насанайиб, нормобластик эритропоэз тўхтайди ва эритропоэзниң эмбрионига хос бўлган содда мегалобластик турни юзага келади. Мегалобластик турда эритроцитларнинг жуда сескин етилиб,

## II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

хосил бўлган хужайралар қиска муддат яшаб, организмда турли тўқима ва аъзоларда экстрамедуляр деб аталадиган қон юратувчи ўчоқларнинг пайдо бўлишига қарамай, анемия кун сайни анжланиб, оғирлашиб боради ва ниҳоят, ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу анемия пернициоз (халок этувчи) ёки хавфли анемия деб аталган.

Юқорида қайд қилинган гемопоэтик омилларнинг етишмаслиги уларнинг турли сабаб ва касалликлар туфайли меъда-ичак системасида парчалалиб кетиши, қонга сўрилимаслиги ва ҳ.к.га боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, витамин  $B_{12}$  организмда гўшт, пишлоқ, сутг, жигар, буйрак, ва бошқа шу каби овқат маҳсулотларида оқсилига биринчан ҳолда қабул қилинади. Меъдада протеолитик фермент таъсирида витамин  $B_{12}$  оқсилидан ажralиб, уни парчаланишдан сакловчи (Кастя томонидан ички омил деб аталган) гастромуко-протени ёрдамида ичакка ўтади, сўнг қонга сўрилади. Агар меъдада ички омил етишмас ёки мутглақ бўлмаса, витамин қонга сўрилмайди. Шунга кўра, витамин  $B_{12}$  етишмовчилигининг сабаби кўпинча меъда шиллиқ пардасининг атрофияси натижасида ИСЛ, пепсин ва айниқса, Кастлнинг ички омили - гастромуко-протени синтезининг етишмаслигидadir. Касалликнинг келиб чиқниши иммун ўзгаришларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Витамин  $B_{12}$  етишмовчилиги уни ичакдан сўрилишинининг бузилишига (мас., спру-чиллашир, болаларнинг целиакия деб номланувчи касаллигига) боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳол гижжа касалликларида паразитларнинг витаминларни истезмол қилиши натижасида ҳам юз бериши мумкин.

Пернициоз анемияда витамин  $B_{12}$  ва фолат кислотаси етишмаслигидан овқат ҳазм қулиувчи аъзолар шиллиқ қавати энителийида атрофик-яллигланиш жараёнилари (глоссит, стоматит, эзофагит, ахиллик гастрит, энтерит) ривожланади, натижада меъданинг секретор фаолияти, ичакнинг сўриш қобилияти сусайиб ва ниҳоят, йўқола бориб, витаминлар тақчиллиги кучаяди.

Витамин  $B_{12}$  етишмаслигидан организмда метилмалон кислота ва ундан ҳосил бўлган қаҳрабо кислота тўйланади. Улардан ташқари нерв хужайраларида тузилиши ўзгаришган ёғ кислоталари синтез қилина бошлайди. Айтилган моддалар миелинининг ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатиб, нерв системасида турли дегенератив ўзгаришларга олиб келадики, беморларда турли асабий бузилишлар рўй беради.

Анемиянинг ички омилига боғлиқ бўлмаган турларида (ичак, гижжа касалликлари, хомиладорлик ва б.) тилда, меъдада ва нерв системасида юқорида айтилган ўзгаришлар одатда кузатилмайди, лекин қондаги ўзгаришлар юқорида қайд этили аниларга ўхшаш бўлади. Шунинг учун бундай анемиялар пернициозга ўхшаш анемиялар деб аталади.

Геммограммада эритроцитлар сони ва гемоглобин микдори жуда кам, қоннинг рашт кўреаткичи нормадан юқори бўлади, чунки мегаобластик эритроцитларда эритроцитларнинг ўрга ҳажын кагта бўлиб, уларда гемоглобин кўп-роқидir.

Қоннинг икаклномасида мағронигитоз, пойкилоцитоз, аниzonитоз, базофил динамикалар туғани эритроцитлар. Жояни таначалари, Кабо ҳалқалари бор эри-

троцитларни ва мегалобластларни күриш мүмкін. Мегалобластлар бүлганилиги учун цитоплазмасы қизил түсде, күпчилігі окси菲尔, чунки мегалобластик эритропоэзда ҳұжайраларда гемоглобинни синтез қилиш әртә бошланади. Реткулоцитлар сони нормага яқын ёки бир мунча кам, витамин В<sub>12</sub> етишмаса лейкопоэз ҳам суст бўлади. Шунинг учун лейкоцитлар сони камайиб, лейкопения кузатилади. Бунда айниқса нейтрофиллар сони камаяди (нейтропения), улар ядросининг ўнгга сийжиши кузатилади, яъни ядросида сегментлари кўпроқ бўлган нейтрофиллар асосий ўрин тутади. Шу билан бирга, эозинофиллар, моноцитлар сони ҳам камайиб, нисбий лимфоцитоз кузатилади. Демак, пернициоз, яъни витамин В<sub>12</sub> ва фолат кислотаси етишмаслигидан пайдо бўладиган анемиянинг механизми эритропоэзининг бузилишига боғлиқ, қоннинг ранг кўрсатичига қараб, гиперхром, эритропоэзининг турига караб, мегалобластик, қон яратувчи тўқима фаолиятига нисбатан гипорегенератор (унумсиз, сусткаш регенерация) анемия бўлиб, қонда эритроцитларнинг дегенератив патологик шаклларининг пайдо бўлиши билан ифодаланади.

### **ТЕМИР ТАНҚИС АНЕМИЯ**

Бу анемия организмда темир етишмаслиги ёки қон яратувчи тўқимада темирни гемоглобин синтези учун ўзлаштириш жараёчининг бузилиши билан ифодаланади. Эритроцитлар сони деярли камаймаслиги мүмкін, шунинг учун ҳам бу анемиянинг асосий белгиларидан бири, гипохромиядир.

Эритроцитларга темир қўшилишининг камайиши гем ва глобинлар синтезининг пасайишига олиб келади. Бунда гемоглобин ҳамда унинг занжирлари ҳосил бўлиши бузилиб эритроцитларда мавжуд ферментлар - каталаза, глутатионпероксидаза ва ҳ.к. фаоллиги сусаяди, натижада эритроцитларнинг гемолизга ундовчи моддалар-оксидантларга нисбатан сезгирилиги ортиб уларнинг яшаш даври қисқаради ва гемолизга учрайди.

Fe-тақчил анемияга кўпинча сурункали қон йўқотишлар сабаб бўлади. Темирнинг организмда етишмаслиги унинг турли меъда-ичак касалларидан ичақда етарли сўрилмаслигига ҳам боғлиқ бўлиши мүмкін. Сабабларидан яна бири темирнинг одатдагидан қўпроқ сарф қилинishi, мас., ҳомиладорларда лактация даврида, чақалоқларда агар онасининг қонида Fe етишмаса, боланинг ўсиш даврида организмда темир тўплами етарли бўлмаса, Fe-танқис анемия юзага келиши мүмкін.

Айрим ҳолларда бу хил анемияга қонда темирни ўзига вактинча бириктириб ташувчи оқсил-трансферрининг етишмаслиги сабаб бўлиб, у одатда ирсий, тугма нуқсондир. Бунда темир қўпроқ сийдик билан йўқотилиб шунга кўра трансферрининг камайиши буйрак касаллариди, айниқса етишмовчилигига ҳам кузатилиши мүмкін. Fe-танқис анемиянинг белгиларидан бири - қонда ва турли аъзолардаги макрофагларда темирнинг кам бўлишидир.

Аймо айрим ҳолларда Fe-танқис анемиянинг сабаби организмдаги темирнинг миқдори билан эмас, балки унинг порфириналар ва гем синтезини йўллаб турувчи маҳсус ферментлар фаолигининг пасайишига боғлиқ бўлиши ҳам мүмкін. Бундай турдаги анемияларга - темир рефрактор, темирхрестик

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

анемия деб аталади. Анемиянинг бу турлари тұгма ёки турлы заһарлы моддалар таъсирида орттирилған бўлиб, қонда ва аъзолардаги макрофагларда гемосидериннинг, шу билан бирга сүяк кўмигида эритробластларда темирнинг кўп бўлиши билан ажралиб туради. Темир тутувчи эритробластлар сидеробластлар деб аталади, шунга кўра бундай анемия кўпинча сидеробластик анемия деб аталади.

Гемограмма ўрганилганда биринчى навбатда гемоглобиннинг кескин камайғанлиги кўзга ташланади, коннинг ранг кўрсаткичи 0,6 гача ва ундан ҳам кам бўлиши мумкин. Қон суртмасида гипохромия, пойкилоцитоз, анизоцитоз, микроцитоз кузатилади. Ретикулоцитлар сони нормага яқин бўлиб, қон йўқотилған даврлардагина бир оз кўпайиши мумкин. Сүяк кўмигида эритронд элементлар кўп, лекин хужайраларнинг гемоглобинга тўйиниши ётарли бўлмайди. Лейкоцитлар ва тромбоцитлар сони камайинци мумкин.

### **АПЛАСТИК АНЕМИЯ**

Апластик ёки гипопластик анемияда қон яратувчи тўқимада бўлинувчи хужайраларнинг фаблияти насануб, панцитопенія, яъни қон хужайраларининг камайинши кузатилади.

Анемиянинг сабаблари бензол,  $CCl_4$ , левомицетин, бугадион, сульфаниламидлар, радиацион таъсир ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Анемия қўйидаги механизмлар туфайли келиб чиқиши мумкин:

1) дори моддаларнинг бўлништгани хужайраларда модда алмашинувига таъсир килиб уларнинг кўпайиншини тормозлаши;

2) бўлинувчи хужайраларда дориларнинг таъсирини камайтирувчи ферментларнинг нуксони борлиги туфайли;

3) қон ярагувчи тўқималардаги ўсаётгани ёш хужайраларга қарши таъсир кўрсатувчи, уларга ишебатан иммунологик жарабини амалга оширувчи антигеналар хосил бўлиши натижасида ва ҳ.к.;

4) анемиянинг ирсий шакллари ҳам мавжуд, уларнинг асосий сабабларидан бири ўзак хужайра сонининг камлигиди.

Гипопластик анемияда эритроцитлар сони ва Ив микдори жуда кам бўлади, аммо қоннинг ранг кўрсаткичи ўзгармаслиги мумкин. Қон суртмаларида эса, нормоцитоз, нормохромия кузатилади. Касаллик лейкопенія билан давом этади ва организмнинг ўзини турли биологик омиллардан ҳимоя килиш кобилияти насанади. Бу анемияда тромбоцитлар сони ҳам кам бўлиши мумкини, бу қон кетининг аслиб келади.

### **АМАЛИЙ ҚИСМ**

#### **20 МАШГУЛОТ**

Мавзу. Эритроцитларнинг патологик нағдатлари.

Мақсад. Эритроцитларнинг патологик шаклларини аникланти орқали

анемияларнинг турларини бир-биридан фарқлашни ўрганиши.

**Вазифа.** Жадваллар, диапозитивлар, клиникалардан келтирилган ва мустақил тайёрланган қон суртмалари ёрдамида эритроцитларнинг турли патологик шаклларини аниқлаш, гурухларга бўлиш, уларни расми ва ифодасини экс этириш.

## 21 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Анемия, унинг турлари.

**Мақсад.** Анемияни аниқлаш, диагнози (ташхиси) ни қўйиш учун лозим бўйлан амалий гематологик усувларни ўзлаштириш.

**Вазифа.** Гемолитик таъсирга эга бўлган фенилигидразин юбориб токсик-гемолитик анемия ҳосил қилинган куён қонида қўйидаги қўрсаткичларни аниқлаш.

### 1. Эритроцитларни санаш.

Бунинг учун қуёнинг қулогидаги четки венасидан қон олиниб, уни маҳсус пробиркада ош тузининг 1% ли эритмаси билан 200 марта суюлтириб эритроцитларни Горяев ҳисоблаш камерасида саналади (80 та кичик квадратларда саналган эритроцитларни 10000 га кўпайтириб, умумий сони аниқлашади).

### 2. Гемоглобин микдорини аниқлаш.

Гемоглобин қолориметрик (суюқлиқлар раигини қиёслаш) усули билан аниқланади.

Бунинг учун Сали гемоглобинометрининг маҳсус пробиркасига пастки белгиси ("0,2" ёки "12") гача 0,1N<sub>2</sub>Cl қўйлади. Сўнг кислотага маҳсус нипетка ёрдамида 0,2 мл қон қўшиб аралаштирилгач, 4 даққиқа кутилади. Бу вақт давомида эритроцитлар тўла гемолизга учраб, улардан ажралиб чиқсан гемоглобин N<sub>2</sub>Cl билан жигарранг бирикма ҳосил қиласди.

Кейин пробиркадаги суюқлиқда аста-секин (суюқлиқининг раиги стандартрги пробиркалардаги суюқлиқ раигига тенгланигуича) таёқча билан аралаштирилиб, унга дистилланган сув қўшилади ва пробиркада қўрсатилган белгиларга қараб, Нв микдори аниқланади.

Нв микдори г% (ёки г/л) ёхуд Сали тавсияси бўйича % лар билан ифодаланиши мумкин.

Сали 16,67% гемоглобинини - 100% деб олган,  
демак, 1г% Нв - 6% га тенг.

### 3. Қоннинг раиг қўрсаткичи (РК)ни аниқлаш.

Қоннинг раиг қўрсаткичи деганда, нормал қўрсаткичларга таққосланган ҳар бир эритроцитдаги гемоглобинининг ўргача микдорини тушунилади.

Мельерда 1 м<sup>3</sup> қонда эритроцитлар микдори - 5000000, гемоглобинининг микдори эса - 16,67 г%.

Ҳар қандай мельерий қўрсаткичини 100% деб хисоблани мумкин.

## II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

$$\text{Демак, } F = (\text{PK}) = \frac{\text{Нв } 16,67\%}{\text{Эр. } 5000000} \cdot \frac{100\%}{100\%} = 1$$

Мас., беморда Нв - 10 г%  
Эр. сони - 3000000.

Энди, бемор қони күрсаткычларини мөйөрий қон күрсаткычлари билан  
қиёслаб тенглама тузилады:

$$F_i(\text{PK}) = \frac{10 \text{ г\%}}{3000000} \cdot \frac{16,67 \text{ г\%}}{5000000} \cdot \frac{10 \cdot 5000000}{3000000 \cdot 16,67}$$

$$\text{ёки } \frac{10 \cdot 50^3}{30 \cdot 16,67} \cdot \frac{10 \cdot 3}{30 \cdot 1} = 1.$$

Демак, қоннинг күрсаткычини қуидаги формула бүйича аниқлаш мүмкін:

$$F_i(\text{PK}) = \frac{\text{Нв} \times 3}{\text{Эритроцитлар сонининг (млн.}} \\ \text{хисобида биринчи 2 та рақами)}$$

Синаш учун мисоллар:

1. Нв - 8 г%	2. Нв - 8 г%	3. Нв - 6 г%
Эр. - 2400000	Эр. - 4000000	Эр. - 1200000
F <sub>i</sub> - ?	F <sub>i</sub> - ?	F <sub>i</sub> - ?
бүйича қандай анемия?	бүйича қандай анемия?	бүйича қандай анемия?

4. Қон суртмасини Романовский усулида бүяш.

Бу қуидаги тартибда олиб борилади:

1. Предмет ойначасига янги олинган қон томчиси томизилиб, бу томчидан  
силлиқ қирралы ойна өрдамида юпқа суртма тайёрланади ва хона ҳароратида  
куритилади.

2. Қурилған суртма қотирилади. Бунинг учун суртмага бир неча томчи  
метил спирти томизиб, 3 дақықа, ёки Никифоров бирикмаси томизилиб, 5-10  
дақықа күтилади.

3. Қотирилған суртма азур-әозин бүёғи билан (аввал уни дистилланған  
сув билан суюлтириб - ҳар бир мл дистилланған сувга 1-2 томчи бүёқ құнчыб)  
20-30 дақықа бүялади.

4. Бүялған суртма пейтрап реакцияли сув билан ювилиб, қуритилади ва  
микроскопда иммерсион ғә томизиб, 90 объектив өрдамида күрилади.

5. Ретикулоцитларни бүяш.

Ретикулоцитларнинг цитоплазмасидаги доначалар таркибида ғә молда-  
лары бүлгани сабабли қон суртмаси одий усул билан бүялса, суртмани қотириш  
вактида (спирт ёки эфир тағыраңда) доначалар эриб, йүқолып кетади. Шунинг  
учун ретикулоцитлардан и доначаларни сактап қолин максатида қон суртмаси

суправигтал - ҳаёттй усул билан (яъни фиксация қилинмасдан) бўялади.

Бунинг учун предмет ойначасида аввал маълум (яхшиси ёғда эрувчи, ялтироқ крезил кўк деб аталган) бўёқнинг этил спиртидаги 1%ли эритмасидан суртма тайёрланади. Бўёқ спиртда тайёрланганлиги сабабли бир зумда қурийди. Сўнгра бўёқ суртмаси устига янги олинган қон томчисидан суртма тайёрлаб, предмет ойначасини дарҳол нам камерага (мас., ичига хўлланган фильтр қозози қўйилган Петри идишини) жойлаштириб 10 дақиқа куттилади. Суртмадаги бўёқ камерадаги намлик таъсирида плазмада эрийди ва ретикулоцитларнинг доначаларини кўк рангга бўяйди. Бунда етилган эритроцитлар бўялмайди, лекин предмет ойнаси кўк бўлганинги туфайди улар яшил рангда қўринади.

Ретикулоцитлар сонини билиш учун суртмада 1000 та эритроцит саналиб, уларнинг орасида қанча ретикулоцит учраганини алоҳида аннеланади ва тенглама тузилади. Мас., 1000 та эритроцит орасида учраган ретикулоцитларнинг сони 43 та.

Бунда 1000 та эритроцитни 100%;  
43 та ретикулоцитни эса X деб олинади.

$$X = \frac{43 \cdot 100}{1000} = 4,3\%$$

Демак, ретикулоцитлар сони 4,3%.

Меъёрда 0,1-0,2%, сўнгги матълумотларга кўра 1% гача бўлиши мумкин. Машгулот давомида кўрсатилган вазифалар бажарилиб, қон суртмасининг шаклномаси ўрганилгач, куёнда кузатилаётган анемияга баҳо бериб, хулоса қилинади.

Кўйида бўлим мавзуига доир жадвал берилган.

#### 4-жадвал

#### Қоннинг меъёрий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Жинси	Меъёрдаги миқдори
Гемоглобин	эрк. аёл	130 - 160 г/л 120 - 140 г/л
Эритроцитлар	эрк. аёл	$4-5 \cdot 10^{12}$ л $3,9 - 4,7 \cdot 10^{12}$ л
Қоннинг ранг кўрсаткичи		0,87 - 1,05
Ретикулоцитлар		0,2 - 0,1%
Тромбоцитлар		$180 - 320 \cdot 10^9$ л
Лейкоцитлар		$4 - 9 \cdot 10^9$ л (ўрт. 6 - 8)
Метамиелоцитлар		0 - 1 %
Таёқчасимон ядролилар		1 - 6 % (ўртача 2 - 4 %)
Бўғин ядролилар (сег.ядроли)		47 - 72 % (ўрт. 55 - 63 %)
Эозинофиллар		1 - 5 % (ўртача 2 - 4 %)
Базофиллар		0 - 1 %
Лимфоцитлар		19 - 37 % (ўрт. 25 - 30 %)
Моноцитлар		3 - 11 % (ўрт. 4 - 8 %)

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

### **МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР**

1. Қоннинг умумий микдорий ўзгаришлари. Гипер- ва гиповолемия, уларнинг турлари, сабаблари ва оқибатлари.
2. Кон суртмасини Романовский усули билан бўяш.
3. Организмда гемопоэзининг бошқарилиши ва унинг патологияда бузилишини айтинг.
4. Анемия. Анемиянинг асосий кўринишлари ҳақида тушунча беринг.
5. Эритроцитларнинг патологоигик шаклларини изоҳланг.
6. Ретикулоцитлар, уларни бўяш усуллари, клиник-лаборатория аҳамияти нимадан иборат?
7. Қоннинг ранг кўрсаткичи, уни аниқлаш принципи, клиник-лаборатория аҳамияти.
8. Анемияларни тасниф қилиш принциплари қандай?
9. Посттэморрагик анемия, сабаблари, турлари ва қоннинг шаклномасида уларга хос ўзгаришлар.
10. Анемияларда компенсатор ўзгариш (механизм)лар.
11. Гемолитик анемия, сабаблари, турлари ва қоннинг шаклномасида уларга хос ўзгаришлар.
12. Анемиянинг ирсий турлари.
13. Токсик-гемолитик анемия, сабаблари, келиб чиқиши механизмлари, қоннинг шаклномасидаги ўзгаришлар.
14. Темир танқис анемия, сабаблари, механизмлари, қоннинг шаклномасида уларга хос ўзгаришлар.
15. Витамин В<sub>12</sub> танқис анемия, сабаблари, патогенези, қоннинг шаклномасида уларга хос ўзгаришлар.
16. Лейкоцитлар ва уларнинг меъёрий кўрсаткичлари (сони, шаклномаси).
17. Лейкоцитларни ўрганишнинг клиник-лаборатория аҳамияти.
18. Лейкоцитлар физиологиясини тушунтириб беринг.
19. Лейкоцитоз, унинг келиб чиқиши механизмлари.
20. Лейкоцитознинг турлари.
21. Ядро силжишлари.
22. Мутлақ-абсолют ва нисбий лейкоцитоз.
23. Лейкоцитознинг нормада ва патологиядаги аҳамияти қандай?
24. Лейкопения, келиб чиқиши механизмлари.
25. Лейкопениянинг сабаблари ва уларнинг патологиядаги аҳамияти.
26. Лейкозлар.
27. Лейкозларнинг этиологияси ва патогенези.
28. Лейкозларнинг таснифи. Ўтқир ва сурункали лейкозлар.
29. Миелолейкозда қоннинг шаклномаси.
30. Лимфолейкозда қоннинг шаклномаси.
31. Лейкемонц реакция, сабаблари ва унинг лейкозлар ҳамда лейкоцитоздан фарқи.
32. Тажриба (эксперимент)да қандай қилиб анемия хосил қилиш мумкин?
33. Тажриба (эксперимент)да қандай қилиб лейкоцитоз хосил қилиш мумкин?

34. Тажрибада қандай қилиб лейкопения ҳосил қилиш мүмкін?
35. Тажрибада қандай қилиб эозинофилия ҳосил қилиш мүмкін?

### З БОБ ҚОН АЙЛАНИШ СИСТЕМАСИННИГ ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ

Маълумки, нормал қон айланиши физиологик шароитишинг таъминла-ниши юракнинг циклик - навбатма-навбат қисқариши каби фаолиятига боғлиқдир.

Юракнинг бу хил фаолияти фақат унинг ўзигагина ҳос бўлган ўзаро узлуксиз боғлиқ 4 хусусиятига - автоматизм, қўзгалувчанлик, ўтказувчанлик ва қисқарувчанликка асосланади.

Ушбу хусусиятлар туфайли юракнинг ритмик фаолияти амалга ошади. Автоматизм синус тугунида импульсларнинг бир маромда ҳосил бўлишини, ўтказувчанлик эса бу импульслар таъсирида юз берадиган қўзгалувчанликни бир текисда тарқалишини ва шу тарзда юракнинг ритмик қисқаришини таъминлади. Юракнинг ўтказувчи системаси синус тугуни, AV-тугуни, Гис ва Пуркинье тутамларидан ташкил тонсан. Меъёрда синус тугуни ритмнинг етакчиси хисобланаб, юксак автоматизм хусусиятига этаки, у бир дақиқада энг кўп (60-80 марта) импульс ишлаб чиқаради. Шу сабабли унинг автоматизми биринчи навбатда, AV-тугуни эса яккинчи навбатда (40-60) ва ниҳоят, Гис тутами учинчи навбатдаги (20-30) ритм етакчилари деб аталади. Юракнинг у ёки бу хусусиятининг ҳар қандай бузилишилари ўз-ўзидан унинг ритмик фаолиятининг бузилишига олиб келади.

**Аритмиялар** (ритмнинг бузилиши) асосан юракнинг органик шикастла-ниши натижасида пайдо бўлади. Аммо клиника амалиётida эса, аксарият, юрак ритмнинг бузилишини унда органик ўзаришларнинг бор-йўқлигини аниқлаб бўлмас ҳолатларда ҳам учраци мүмкін.

Бу ҳолатлар аритмияларнинг ривожланишида экстракардиал омилларнинг роли борлигидан даюлат беради. Аритмияларнинг сабаблари турлича бўлиб, уларга юрак-томир системасининг турли касалликларидан ташқари қўйидагилар: интоксикация (яъни заҳарланиш), инфекция, анемия - камқонниклар, ўсмалар, эндокрин, перв системаси касалликлари ҳам киради.

Демак, аритмияларни этиологияси (келиб чиқиши сабаблари)га кўра, по-лиетиологик касалликлар қаторига киригни мүмкін.

Аритмияларнинг ривожланиш механизми, яъни патогенези ҳали ҳар томонлама тўлиқ аниқланмаган ва баҳслни ҳолдадир. Шу билан бирга, ҳозир юрак аритмияларининг келиб чиқишида электролитлар алмашинувининг бузилишин катта роль ўйнашига зўр эътибор берилмоқда. Ритмнинг бузилишин баъзи катионларининг қўпайиши ёки этишмаслиги туфайли юзага келади. Аритмиялар, кўнишча, электролитлардан бироргасининг концентрацияси ўзгариб, айни вақтда бониқаларининг миқдори ҳам бузилганда рўй беради. Мас.,

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

калий миқдорининг ўзгариши миокард ўтказувчанлигини ҳам, қоринчалардаги ўтказувчаникни ҳам бузилишига сабаб бўлади.

Аритмияларнинг электрофизиологигиси ҳар томонлама яхши ўрганилмаган ва охиригача аниқламаган. Бу ҳақда турли назариялар, гипотеза ва тасаввурлар мавжуддир. Улардан иккитаси анча кеңг тарқалган ва нисбатан тан олинган.

Биринчи назария бўйича ҳосил бўлган нормал импульс ўз йўлида у ёки бу сабаб (мас., дистрофик ялиғаниш, инфаркт ва ҳ.к.) га кўра ўтказувчанлиги сусайган миокард ўчигига дучкелади ва нормал импульс уни рефрактердаврида учратади. Демак, импульс уни қўзгатиш учун ушбу ўчоқни айланаби ўтиши лозим, бу эса ретрографад, яъни қайта тарқалишидир. Импульс ушбу соҳадан ўттунига қадар бутун миокард деполяризация (қўтгисизланиш)га ва реполяризация (қайта қутбланишига) учрайди, юрак мушаклари эса ушбу шикастланган ўчоқдан чиқиб келувчи импульсга реакция билан жавоб қидиб нақтидан аввало қисқаради. Натижада миокардининг айланма ҳаракат қилувчи импульсга нисбатан қайта қўзгалиши юз беради.

Иккинчи гипотезага кўра, аритмияларнинг келиб чиқишида ўтказувчи система ҳужайраларининг автоматизми кучайиб, импульс ишилаб чиқарувчи эктоник, яъни ўзининг асл жойи-синустутунидан ташқарида ўчоқларининг пайдо бўлиши асосий ўрин тутади.

Ундан ташқари, баъзи ҳолларда аритмиялар фаоллик кўрсатадиган йўллар орқали, яъни патологик ўтказувчаникнинг пайдо бўлиши натижасида ҳам юзага келади.

Амалиётда аритмияларнинг келиб чиқишида юракнинг асосий хусусиятларидан қай бири бузилигинига қараб уларни гурухларга бўлиш одат бўлиб қолган ва бундай принцип кўпроқ қўлланилади. Унга кўра, юрак автоматизми, қўзгалувчанилиги ва ўтказувчанилигининг бузилишилари натижасида келиб чиқадиган аритмиялар фарқланади. Улар эса ўз навбатида бир неча турга ажратилади. Чунончи, юрак автоматизмининг, яъни меъёрда импульс ишилаб чиқарувчи синус тугунининг бевосигта бузилишига боғлиқ синус аритмиялари ва импульс ишилаб чиқариши мумкин бўлгану, аммо меъёрда бу қобилиятини кўрсатмайдиган эктоник ўчоқ ( ўтказувчаник системасининг ҳужайралари) да импульслар ишилаб чиқарилши туфайли юз берадиган эктоник аритмиялар фарқланади.

Юрак автоматизмининг ритм етакчиси - синус тугунининг бузилиши туфайли юзага келадиган аритмиялар ўз навбатида механизmlарига, кўринишларига ва ҳ.к.га кўра яна куйидаги турларга ажратилади:


- 1) синус тахикардияси;
- 2) синус брадикардияси;
- 3) синус аритмияси;
- 4) синус тугунинини кучсизланиши синдроми;
- 5) синус тугуни фаолиятининг тўхташи (фалажланиши).

**Синус тахикардиясида импульслар унинг тугунида бир хил интервал**

(оралиқда) ёки бир маромда күпроқ ишлаб чиқарылыши туфайли юрак тез уради. Этиологик ва патогенетик нұқтаи назаридан синус тахикардиясининг күйидаги:

- 1) юрак-томир системасининг органик шикастланишига болғық;
- 2) хароратнинг баланд бўлишига болғық;
- 3) марказий ва вегетатив нерв системалари фаолиятининг ҳолатига болғық бўлган-нейроген;


4) дори-дармонлар таъсирига болғық бўлган хиллари фарқланади. Синус тахикардияли беморларнинг шикоятлари биринчи навбатда юракнинг тез уриши хусусида бўлади. Бунда юракнинг уриш сони дақиқасига 110-150 мартага этиши мумкин. Синус тахикардияси ЭКГ ёрдамида ҳам ўз тасдигини топади ва унга Р-Р интервалининг қисқариши хосдир.



Синус тахикардиясининг узоқ давом этиши марказий ва коронар (тожто-мир) гемодинамикасінин шу қадар бузилишига олиб келади, бу ЭКГ да Т-тиши ва Т-сегменти амплитудаларининг пасайиши ёки Т нинг салбий бўлишида ифодаланади.

Синус тахикардиясини даволаш, аввало унинг сабабларини, яъни асосий касалликларни бартараф қилишга қаратилиши керак.

**Синус брадикардияси** - синус тугуни автоматизмінинг пасайиши туфайли юрак уриши сонининг камайишидир. Унда юрак қисқариши сони бир дақиқада 60 дан кам бўлади. Соглом одамларда одатда совук об-ҳаво таъсирида рўй беради. У мунтазам спорт билан шуғулланувчи кишиларда учрайди. Патологияда мия ўсмалари, менингит, мияга қон кўйилганда, миокард инфарктда, сут кислоталари қонга тушганда пайдо бўлади. Синус брадикардияси, қўпинчча, синус тугуни автоматизмига адашган - сайёр нерв таъсирининг кучайиши асосида рўй беради. Беморлар аксари шикоят қилимайдилар, бунда гемодинамикадеярли ўзгармайди, аммо ЭКГ да эса Р-Р интервалининг узайишини кўриш мумкин.



**Синус аритмияси** - синус тугунидан чиқадиган импульсларнинг нотекис, бетартиб навбатланиши патижасида юзага келади. Кўпинчча бундай аритмияда bemor шикоят қилимайди, аммо ЭКГ да Р-Р интервалининг турлича - тоx қисқарған, тоx узайган бўлинни бу ҳолатни тасдиқлайди.

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

### ***Синус тугуныннинг күчсизланиш синдроми***

Бу күйидаги ўзгаришлар билан кечади:

- 1) синус брадикардияси түрүн бўлиб, бунда жисмоний юкламалар ва агропилин таъсири юрак уриши сонини кўпайтирмайди;
- 2) брадикардия синдроми, яъни турғун брадикардияда пароксизмал тахикардиянинг хуружлари пайдо бўлади;
- 3) эктоник ритмлар (AV-тугуныннинг ва ҳилпиллончи аритмиялар)нинг хуружлари вужудга келади.

Авж олувчи синус брадикардияси, пароксизмал тахикардия хуружлариниң тез ва кетма-кет пайдо бўлиши ҳолатларида беморни хирургик усули билан даволаш тавсия қилинади (сунъий ритм етакчисини юракка тикиб кўйилади).

Синус тугуни шикастланганда AV-тугуныннинг ритм ривожланади, уни факат ЭКГ ёрдамида "Р" тишининнинг салбий тескари бўлиши билан тасдиқланади. Ундан ташқари, AV-тугуни ритмда юрак қисқаришининнинг сони дақиқасига 40 дан ортиқ бўймайди. AV-тугуни ритмшини ўзига хос даволаш усули йўқ, аввало, уни пайдо қылган қасалликларни бартараф қилиш ва белгиларига қараб у ёки бу дори-дармонларни кўйлаш лозим.

### ***ЮРАК ҚЎЗГАЛУВЧАНИЙ ИТИНГ БУЗИЛИШИ НАТИЖАСИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АРИТМИЯЛАР***

Буларга экстрасистолия, пароксизмал тахикардия, ҳилпилловчи аритмия ва ҳ.к.лар киради

#### ***Экстрасистолиялар***

Экстрасистолия - бу юракниң наинбатдан олдин қисқаришидир. У эктоник автоматизм ўчоқлари фаолигининнинг кучайиши ёки механизмига кўра, яъни кўзгалиши тўлқинининнинг юрак мушагига қайта киринши туфайли тоз берини мумкини. Экстрасистолияниннинг сабаблари турлича ва уларни асосан икки-функционал ҳамда органик турархларга ажратилади. Сўниги вақтларда экстрасистолия соглом одамларда ҳам учраши ва у барча экстрасистолияларниң учдан бирини ташкил этиши аниқланган. Пайдо бўлиш жойига кўра экстрасистолияларниң бўймача, тугуничча ва қоринча турлари фарқланади. Пайдо бўлиши сонисига кўра эса камдан-кам ёки бир дақиқада бир марта ҳосил бўлиб кўпроқ (дақиқада 10 ва ундан ортиқ марта) тақрорланадиган ҳамда кетма-кет ва тез юзага келадиган турлари тафовут қилинади. Буларниң барчаси асосан ЭКГ ёрдамида аниқланади ва тасдиқланади. Шунинчай ҳам қайд этиш керакки, боғланиш интервали ва комиссатор паузанинг пайдо бўлиши ҳамма экстрасистолияларга хос хусусиятлариди.

Боғланыш интервали деб сўнгти метёрий синус ритмининнега экстрасистолияни қадар бўлган ортиқ - даврини тувишилайди. Комиссатор пауза эса наинбатдаги нормал, яъни синус тугунадан чиқадиган импульслар юракни рефрактор фазада учраттиши учун унинг қисқаришини содир этолмай йўқолиб кетини ҳамда диге гола давринининг узайинин түғайли ЭКГда наинбаттаги метёрий юрак

циклиниң пайдо бўлмай қолишидир. Ундан ташқари ЭКГ да R нинг мутлақ бузилиси, чунончи унинг кенгайиши ва бир-бираға тескари, қарама-қарши йуналган R ва T, S ва T икки тишлардан иборат кўринишлари аниқланади. Бундай ўзгаришлар фақат қоринча экстрасистолиясига хос бўлиб, бошқала-рида эса бу хил ўзгаришлар юз бермайди.

Экстрасистолия клиник жиҳатдан юракнинг гүё тўхтаб ёки қотиб қолиши, ёхуд "думалоқ ошиши", томоқнинг гүё тиқилиб қолгандай туюлиши ва ҳ.к. субъектив ҳиссиётлар билан намоён бўлади. Объектив жиҳатдан (ЭКГ даги ўзгаришлардан ташқари) пульснинг ўзгариши (мас., нотекис уриши), мутлақо аниқланмай қолиши, аускультатив текширишда эса юрак ва унинг томирларида ўзгаришлар (биринчи тоннинг кучайиши ёки қарсак ургангага ўхшаши тоннинг пайдо бўлиши) ва ҳ.к. билан ифодаланади.

### **Пароксизмал тахикардия**


У юрак ритмининг гоят тезлашуви, тўсатдан пайдо бўлиб, тўсатдан йуқоладиган хуружлар билан намоён бўлади. Хуруж вактида юракнинг қисқариши сони дақиқасига 160 дан 220 тага этиши мумкин.

Пароксизмал тахикардия аслида гурӯҳи экстрасистолиядан иборат бўлиб, асосан, юрак қисқаришлари сонининг гоят оргиши билан аритмиянинг бошقا турларидан фарқ ҳилади. Унинг ҳам экстрасистолия каби бўлмача, A V ва коринча турлари фарқланади. Клиник жиҳатдан пароксизмал тахикардиянинг оғирлик даражаси хуружларнинг такрорланиши, давом этиши ҳамда юрак уришининг сонига боғлиқидир.

Пароксизмал тахикардиянинг ҳаёт учун энг хавфли оқибатларидан бири бу артериал босимнинг ўта кескин пасайиб кетиши, кардиоген шокнинг пайдо бўлиши ва коронар этишмовчиликнинг борган сари авж олишидир.

### **Экстрасистолик аритмия**

Экстрасистолик аритмия ревматизм, юрак миокардининг инфарктти, юрак склерози-кардиосклероздан, юракнинг ишемик касалликларидан яна бири-стенокардия ва шу кабиларда учрайди.



### **Бўйимача экстрасистолияси.**

Бўнга қўйидагилар хосдир:

1. Юрак комплексининг навбатдан ташқари ҳосил бўлиши.
2. Р - тишнинг сақчаниши ва унинг Т-тишча устига тушиб қолиши.
3. Қоринча комплекси - QRS нинг нормал ҳолда қолиши.
4. Т - Р днастолик паузанинг узайиши.

### **Атриовентрикуляр экстрасистолалар**

Атриовентрикуляр экстрасистолаларнинг асосий белгилари:

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

1. QRS - комплекси навбатдан ташқари ҳосил бўлади.
2. Р - тишча ўзгариши.
3. Р - тишча QRS комплекс олдида ҳамда ортида келади.
4. Диастолик пауза узаяди.

### **Коринчалар экстрасистоласи**


Белгилари:


1. Коринча комплексининг навбатдан ташқари ҳосил бўлиши.
2. Р - тишчанинг йўқолиши.
3. QRS - комплексининг деформацияси - шакли ўзгариши, унинг қуввати ва давомийлигининг ўзгариши.
4. Т - тишчанинг ўзгариши.

### **Чап қоринча экстрасистоласи**

Белгилари:

1. III стандарт усулда R тишча баланд.
2. II стандарт усулда S тишча чукур.
3. Ўнг кўкрак усулларида ( $V_1, V_2, V_3$ ) R тишча баланд.
4. Чап кўкрак усулларида ( $V_4, V_5, V_6$ ) S тишча чукур.





### Үнг қоринча экстрасистоласи

Белгилари:

1. I стандарт усулда R тишча баланд.
2. III стандарт усулда S тишча чукур.
3. Үнг күкрак усулларда ( $V_1, V_2, V_3$ ) S тишча чукур.
4. Чап күкрак усулларда ( $V_4, V_5, V_6$ ) R тишча баланд.

Юрак турли қыслари күзгалишиларидан, яъни эктопик ўчоқлар пайдо бўлишидан полигон (поли-кўп) экстрасистолалар ҳосил бўлади. Нормал синус импульслар билан эктопик импульслар галма-гал келиши **алгоритмия** деб юритилади.

Экстрасистоланинг битта нормал импульсдан кейин келиши **бигемения** дейилади.



Экстрасистоланинг икки нормал импульсдан кейин келиши **тригемения** деб аталади.




Экстрасистоланинг уч нормал импульсдан кейин келиши **квадригемения** ва экстрасистоланинг кўп такрорланиши **гуруҳли** экстрасистола дейилади.

### БЛОКАДАЛАР (ҚАМАЛ, ҚАМРОВЛАР)


Юрак ўтказувчаник функцияси (фаолияти)нинг бузилиши блокадалар (қамал, қамров) деб аталади. Юракнинг импульс ўтказувчаниги бузилиши ўтказувчи системанинг турли қисмларига рўй бериши мумкин ва шунга кўра блокаданинг қўйидаги турлари фарқланади:

1. Синоауркуляр - блокада - қамали. У айрим ҳолларда юракнинг битта қоринчаси қисқаришининг (QRS) тушиб қолиши ва диастола даври икки баравар узайинши билан ифодаланади.

## II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ




2. Бұлмачалар ичидағи блокада - қамал. Бұл блекаданың клиник белгилари йүк. ЭКГ да Р тишка шакли, ҳам давомийligининг үзайиши билан ifодаланади, яғни Р тишка мейердагидан (0,1 сек.) үзяди.



3. Атриовентрикуляр қамров бұлмачадан қоринчага импульслар үтиши бузилгандан یозага келади. У уч даражага бўлинади.


I даражали блокада - қамров. Унинг клиник белгилари бўлмай, факат ЭКГ орқали P-Q оралиқнинг 0,3-0,4 секунддан кўпроқ үзайиши билан аниқланади.



II даражали атриовентрикуляр блокада - қамровлар. Буларда Ашофф - Тавар тугунчаси ва Гис тутами орқали бұлмачадан қоринчаларга импульс үтиши қийнилаша бориб P-Q оралиқ үзаяверади ва натижада импульслардан бири бұлмачалардан қоринчаларга етиб бормайди, яғни ЭКГда QRS комплекс қайд қилинмайди. Шундан сўнг яна ўтказувчанлик қайта тикланиб, импульслар нормал ўта бошлади, лекин яна бир неча муддатдан сўнг ўтказувчанлик такрор бузилади, P-Q оралиқ үзая бориб Р тишчадан кейин узун диастола ҳосил бўлади. Бу диастола Самойлов-Венкеbah даври деб аталади.

Бу хил қамалда бұлмачалардан қоринчаларга импульслардан иккичиси ёки учинчиси ўтади. ЭКГ да Р тишчалар сони қоринча комплекси QRS сонидан кўп бўлиб, улар ўртасидаги муносабат қўйидаги нисбатларда: 2:1, 3:1, ва ҳ.к. бўлади. Буни тўлиқ бўлмаган юрак блокадалари - қамалларни деб юритилади.

Юрак ўтказувчанлиги бузилгандан беморнинг боши айланиши, кўзи тиниши, хушдан кетиши каби клиник белгилар пайдо бўлади.



Самойлов-Венкеbah даври

III даражали блокада - қамаллар. Бунда бұлмачалардан қоринчаларга ҳеч кандай импульс ўтмайди. Синус тугунчаси эса факат бұлмачалар учунгина қўзгатни маркази сифатида хизмат қиласди. Қоринчалар факат 2-3 даражали хусусий автоматик марказлар хисобига дақиқасига 30-40 мартағача қисқариши мумкин. Буни бутқут блокада - қамали деб юритилади. Унга қўйидағилар

хосдир:

1. Бўлмачаларнинг Ртишчаси ва қоринчалар комплекслари ҳар бири ўзича ўз ритмидаги қайд этилади.
2. Қоринчалар комплексининг сони бўлмачалар комплекси сонидан камрок бўлади.
3. Агар ритм Ашофф-Тавар тугунчасидан ёки Гис тутамидан бошланса, комплекс ўз шакли, кўринишими ўзгартирмайди. Агар юракнинг қўзғалиши ўтказувчи системанинг пастки қисмларидан бошланса, комплекс ўз шакли ва кўринишими ўзгартираади, чунки бунда қоринчаларнинг қўзғалиши кучли бузилади. Ушбу қамал тургун кўндаланг блокадалар деб аталади.

Бу хил қамалларда юрак қисқаришларининг сони узоқ вақт давомида дақиқасига 30-40 атрофида бўлса ҳам, ҳеч қандай клиник белгилар кузатилмайди. Беморларни текширилганда уларнинг томир уриши сони камайган бўлиб, бу ҳолат маълум даврда такрорланиб туради.

### ХИЛПИЛЛОВЧИ АРИТМИЯ

Хилпилловчи (мерцательная) аритмия тўлиқ ёки мутлақ (абсолют) аритмия деб аталади. У айни вақтда юрак мускул қаватининг қаттиқ қўзғалиши ҳамда ўтказувчаникнинг бузилишидан пайдо бўлади. Шундай ҳолатда синус тугунчаси ритмни бошқариш функциясини йўқотади. Сўнг юрак мускул қаватида кўпгина эктопик қўзғалиш ўчоқлари пайдо бўлиб, юрак қисқаришлиари сони 200-250 тагача етади.

Хилпилловчи аритмия Ашофф-Тавар тугунчасининг ўтказувчаник хусусиятига қараб З турга бўлинади:

1. Тахиаритмик хилпилловчи аритмияда юрак қоринчалари 120-160 тагача қисқаради.
2. Брадиаритмик хилпилловчи аритмияда юрак ритми дақиқада 60 тадан ошмайди.
3. Нормасистолик хилпилловчи аритмияда эса юрак қоринчалари дақиқада 60-80 марта қисқаради.

ЭКГ да хилпилловчи аритмияга хос белгилар:

1. Ртишча йуқолади.
2. Бўлмачалар фибрillationси (пириллаши) туфайли тўлқинсимон чизиклар ҳосил бўлади ва у f ҳарфи билан белгиланади.
3. Қоринчалар комплекси турли вақт ораликларида ҳосил бўлиб уларнинг шакли ўзгартмайди.



### Юрак бўлмачаларининг титратији

Юрак бўлмачаларининг титратији (трепетание предсердий) юрак ритми бузилишиларининг оғир турли хилпилловчи аритмияга ўхшайди. Бунда бўлма-

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

Чалар қисқаруви 250-300 тагаңа күтарилиб, импульслардан айримларында қоринчаларга ўтады ва башы ҳолларда эса қоринчалар ритми ҳам бузилади.



Бу ҳолат ЭКГ да нормал P тишталар ўрнига баланд, түлкінсімден чизиклар қоринча комплексінан QRS дан олдин келади ва уларнинг сони Ашофф-Тавар түгунасыннан ўтказувчанлығына болысады. Ашофф-Тавар түгунидә ўткауыштылардың бузилса, юрак қисқарышиларының ритми ҳам бузилади.

### **Коринчаларнинг титраши ва ҳалпиллаша**

Коринчалар титраши (трепетание) ва ҳалпиллаши (мерцание) юрак ритмидеги оғир бузилишидан дарап беради ва бу ҳолат юракнинг тезда тұхтасына (ўзимга) олиб келади. Юракнинг титраши ва ҳалпиллаши юрак мускул қаватыннан оғир зарарланишидан далолат беріб, күйідеги касалникларда: юрак инфаркті, кардиосклероз, юракнинг оғир иуқсоналары ва бошқаларда юзага келади.

Ритмидеги бу хилдеги бузилиши оқынбагида демор ҳүшидан кетіб, ранги оқарып кетады. Томир уришина қон босымынан аниклаб бўлмайди.

Бу ҳолат ЭКГ да төргибесиз, шакли ўзгарган QRS комплекслар ҳосил бўлиши билан ифодаланади.

## **АМАЛИЙ ҚИСМ**

### **22 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Юрак автоматизмидеги бузилиши.

**Мақсад.** Юрак автомати әзиннинг бузилиши сабаблары, ривожланиш механизмлари, уларнинг турлары ва содир бўладиган ўзариниларни ўрганиш.

**1-вазифа.** Бақаннинг меңдердін юрак ритмидеги кимографияга ёзиб олиб, сўнг унда физиологик эритма таъсирида синус тахикардијасини ҳосил қилиш ва ёзиб олиши.

Зонд ёрдамида бақаннинг орқа мияси бузилади, кейин уни Конгейм тахтасанында чалқанча ётқизиб, кўкрак қафасини очилади. Сўнг юрагини пардасидан изжратиб олиб, қисқич орқали юрак уришини кимографда ёзувчига уланади. Кимограф маълум тезликка да юргизилиб, юракнинг нормал механик қисқарини ёзалиади. Шундан кейин физиологик эритмани иситиб, юракка төмназилади ва иғтиқ қисқарининиң тез зашувини кимографда ёзиб олиниади.

**2-вазифа.** Бақаннинг нормал юрак ритмидеги кимографияга ёзиб олиб сўнг унда яни ўт таъсирида синус брадикардијасини ҳосил қилиш ва ёзиб олиши.

Энди иситилямаган физиотерапия эритмани иситиб, юракни ювиб, кейин

бақанинг ўт пуфаги хам ажратиб олинади ва чинни идишга солиб қайчи билан майдаланади. Кейин ўтни физиологик эритмада суюлтирилиб 2-3 томчисини юракка томизилади, брадикардия пайдо бўлгач кимографда ёзиб олинади.

**3-вазифа.** Оқ каламушнинг териси остига 1 мл ўлчамда адреналин эритмаси юбориб синус тахикардиясини ҳосил қилиш ва уни векторкардиоскопда кўриш.

Каламушнинг қорин бўшлигига тексенал эритмасини ( $14 \text{ мг}/100 \text{ г}$  ўлчамда) кириттилиб, уйқуга киргандан сўнг уни тахтачага боғлаб, мажус электродлар стандартли узатишга мулжаллааб тақилади. Кейин тёри остига адреналин эритмасини юбориш натижасида ривожланадиган тахикардияни вектрокардиоскопда кузатилади.

## 23 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Юрак кўзгалувчанлигининг бузилишлари, экстрасистолиялар.

**Мақсад.** Юрак кўзгалувчанлигининг бузилиши сабаблари, ривожланиш механизmlари, уларнинг турлари ва содир бўладиган ўзгаришларни ўрганиш.

**1-вазифа.** Иссик физиологик эритма таъсирида бақа юрагида экстрасистолик ва хилпилловчи аритмияни ҳосил қилиш ҳамда кимографга ёзиб олиш.

Ҳаракатсизлантирилган бақанинг кўкрак қафаси очилиб, юрагини перикарддан ажратилади ва юрак ҳаракатини ёзувчига уланади. Меъёрий юрак кимограммаси ёзиб олингач, юракка 3-4 томчи иссиқ физиологик эритмадан томизилади, юракда хилпилловчи аритмиянинг пайдо бўлиши кимографда кузатилади.

**2-вазифа.** Импульсли электр токи таъсирида бақа юрагида экстрасистолия ҳосил қилиш ва кимографга ёзиб олиш.

Тажрибага тайёрланган бақа юрагига 5-10 импульс/сек давомида электр токи билан таъсир этиб ҳосил қилинган қоринча экстрасистоласи, кейин пайдо бўладиган компенсатор паузани кимографга ёзиб олинади ва ўрганилади.

**3-вазифа.** Экстрасистолияларнинг турли хилларини ЭКГ тасмасида кўриш ва муҳокама қилиши.

Турли юрак касаллигига дучор бўлиган беморларнинг ЭКГ ларини таҳлил қилинади ва изохланади.

## 24 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Юрак ўтказувчанлигининг бузилишлари, юрак блокадалари (қамрови - қамаллари).

**Мақсад.** Юрак ўтказувчанлигининг бузилиши сабаблари, ривожланиш механизmlари, уларнинг турлари ва содир бўладиган ўзгаришларни ўрганиш.

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**1-вазифа.** Бақа юрагига Станиуснинг I и II лигатурасини қўйиб синоаркуляр ва ногўлиқ аривентрикуляр блокада (қамров) ҳосил қилиш ва уни кимографда ёзиб олиши.

Бақани оидатдагидек тайёрлаб, аввало меъёрий кимограмма ёзиб олинади, сўнгра кавак веналари ва бўлмача орасига ишак билан Станиуснинг I лигатуруси қўйилиб ҳосил қилинган блокада - (қамров) ёзиб олинади. Кейин бўлмача билан қоринча ўргасига Станиуснинг II лигатуруси қўйилади, бунда иш билан секин-аста тортиб тўлиқ қамал ҳосил қилинади.

**2-вазифа.** Оқ каламушининг қориб бўшлигига ацетилхолин эритмасини катта ўлчамда юборилиб, ҳар хил кўринишларига юрак қамалларини ҳосил қилиш ва уларни векторкардиоскоидга аннэланаш ҳамда ўрганиши.

Оқ каламушининг териси остига гексенал ёки тионентал эритмасини (10-15 мг/100г) юбориб, наркоз ҳолатини ҳосил қилингач, уни тахтачага чалқанча ёғизиб боғланади ва электродларни қондага биноан жойлаштириб, векторкардиоскоидга векторкардиограммаси ўрганилади.

Сўнг физиологик эритмада эрититилган ацетилхолинни қорин бўшлигига 1 ми ўлчамда юборилади. Бир неча дақиқа ўтгач, ҳосил қилинган қамровлар (аввал синдоурикуляр, кейин стривентрикуляр ва қоринча) турлари кузатилилади.

**3-вазифа.** Турли беморларнинг ЭКГ тасмасига ёзиб олинган қамалларини ўрганиши ва изоҳланши.

Клиникадаги турли хил қамалларни бўйланган беморларнинг ЭКГ тасмасини ўрганилади ва изоҳланади.

### **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Юрак пороклари (нуксонлари). Порок турлари, уларда қон айланишинини асосий кўрининилари.
2. Митраль тениниги торайганда (стеноизда) гемодинамиканинг бузилиши ва компенсация механизmlари нимадан иборат?
3. Митраль клапан - қопқоқлар етишмовчилигига гемодинамиканинг бузилиши ва компенсация механизmlари.
4. Аорта клапанлари нуксонларида гемодинамиканинг бузилишлари ва мосланиши механизmlари.
5. Ҳар хил порокларда компенсация механизmlари.
6. Юрак иши етишмовчилигидаги компенсациянинг кардиал омиллари.
7. Юрак иши етишмовчилигига компенсациянинг экстракардиал омиллари.
8. Мизокард гипертрофияси, турлари, ривожланиши механизmlари.
9. Юрак иши етишмовчилигини, сабаблари, турлари, механизми ва уларнинг таснифи.
10. Қон айланини декомпенсацияси, таснифи, сабаби, келиб чиқиши механизmlарини изоҳланти.

11. Қон айланиш декомпенсациясида гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгаришлари нималардан иборат?
12. Юрек мушагида модда алмашинувининг бузилиши натижасида тоноген диллятациянинг многен диятацияга ўтиш механизмлари.
13. Юрек иши етицимовчилигида моудалар алмашинувининг бузилишлари.
14. Юрек иши етицимовчилигида ҳансираш, кўкариш ва шини пайдо булиши механизмлари.
15. Юрек иши етицимовчилигида шини келиб чиқишнининг механизмлари.
16. Миокардда модда алмашинувининг бузилишлари.
17. Юрек аритмиялари, турлари, аритмияларда қон айланишининг бузилишлари.
18. Юрек автоматизмининг бузилишлари. Тахи-брадикардия, синусли аритмия, келиб чиқиш механизмлари, оқибатлари. ЭКГ даги ўзгаришларни айтиб беринг.
19. Экстрасистолиялар, сабаблари, турлари, оқибатлари. ЭКГ даги ўзгаришлар.
20. Юрек қамали (блокадалар), сабаблари, турлари, ЭКГдаги ўзгаришлар, оқибатлари.
21. Атриовентрикуляр ўтказувчаникниң бузилиши, турлари, ЭКГдаги ўзгаришлари.
22. Пароксизмал тахикардия ва ҳиллилловчи аритмия. Патогенезини ва қон айланишига таъсирини тушунтириб беринг.
23. Қон томирлари тонусини бошқариш ва уларнинг ўзгариши. Гипо- ва гипертензия ҳолатлар.
24. Гипертензия ҳолатлари. Симпатик гипертензия ва уларнинг механизми.
25. Гипергензия ҳолатлари келиб чиқишида буйрак ва симпатоадренал системаларининг аҳамияти.
26. Гипертония (хафақон)касаллиги. Гипертония касаллинишнинг асосий патогенетик оминалари нималардан иборат?
27. Гипотензив ҳолатлар. Бирламчи ва иккимачи гипотензия ҳолатлари.
28. Ўткир қон-томир етицимовчилиги - коллане, сабаблари, турлари, механизми.
29. Шок ҳолатлари. Түшунча, турлари, келиб чиқиш сабаблари ва механизми.
30. Травматик шок даврларининг патогенези ва тавсифи.

## **4 БОБ НАФАС СИСТЕМАСИННИГ ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ**

**Ташқи нафас патофизиологиясига доир баязи масалалар**

Ташқи нафас - бу ўнкада рўй берадиган жараёнларининг умумий түшунчаси бўёлб, асосан концукислорд ва карбонат гангидролазияни миъдорини мудайян

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

мұйытадыл таъминлаш қодисасидір. Бу бир-бірінгә ҳар томонлама болғық ҳамда бошқарылышда бир-бірінгә қарам булған қуйидаги асосий жараёнларни, яғни:

- альвеолляр - вентиляцияни;
- альвеолалар-капиллярлар мембранның орқали молекуляр  $O_2$  ва  $CO_2$  нинг диффузиясини;
- үлкән капиллярлари орқали қон билан таъминланиш -перфузиясини ўз ичига олади.

Нафас олиш узунчоқ мияді жойлашған дөрзел ва вентрал ядролар ҳамда Варолиев күпргігининг олд қисміда жойлашған пневмотоксик ядролар, яғни нафас олиш марказлари ҳисобланған түзілмалар орқали бошқарылады. Бу марказ фаолияти аввало  $CO_2$  ва  $O_2$  концентрацияси, томирлар ички босимы, бош мия қобигининг ҳолаты, үлкән нафас мускуларининг ҳаракатчанлығы ва ҳ.к.га бевосита болықтар.

Ташқы нафас биологик-физиологик нұқтаи назардан иккі йүл билан бажарылады.

1. Үзгариш ёки "қайта бояланиш" принципи бүйіча. Бунда қондаги газлар нормал босимининг үзгариши ҳеморецепторларның құзатады, нафас марказыға импульслар келеді ва улар қайта ишләніб, тегішши эфферент импульсларнинг нафас мускуларына келици натыжасында альвеолляр вентиляция үзгәради.

2. "Газабланыш", "құзғалыш" ("по возмущению"), яғни хис-хаяжон принципи бүйіча. Бу эса қонда газлар таркибининг үзгаришига боялғық әмас. Мас., жисмоний мекнаттың бошлашыдан олдин нафас олиш тезлашады, чунки бунда ҳаракат марказлари ва марказай нерв системасының фаоллашуви натыжасында импульслар нафас марказының ҳам құзатады. Улар, асосан, рүй берадынан үзгаришларнинг олдинде олишта йұналғандыр. Бу ҳар иккі йүл бир - бирини түлдириб, организмға кераклы  $O_2$  ни етказып берешінде табиий қартилғандыр.

Ташқы нафас бузылиши натыжасында нафас фаолияттандырылғаннан етишмовчилігі келиб чиқады, яғни организм қою тиң турған, қою жисмоний иш қылаёттан ҳолатда бўлсин, қондаги газлар таркибининг мұйытадыллігін таъминлайды.

Ривожланиш механизмінде кўра ташқы нафас етишмовчилігі қуйидаги турларга ажратылады.

### **Альвеолляр вентиляциянинг бузилиши**

Вентиляция бузылишининг ривожланиш механизмига кўра иккі турдаги нафас етишмовчилігі тафовут этилады:

1) ташқы нафас фаолияттандырылғаннан етишмовчилігі. У юқори нафас йулларыннан торайиши ва ҳавони ўтиш ҳаракатына қаршиликнин кучайышидан келиб чиқади;

2) ташқы нафас фаолияттандырылғаннан етишмовчилігі эса үпкадаги нафас олиш майдонининг қисқарыши ёки кенгайиши -чўзилиши камайған пайтада рүй беради. Мас., үпканинг бир бўлгаги олиб ташланғанда, ўсма, үлкән эмфиземаси, яллигланиш ва унинг оқыбатида биринчи түқиманың ўсип кетишни каби ҳодисаларда кузатылади. Үпкадаги умумий қон айланышыннан камайиши юрак қисқарувчалик хусусияттандырылғаннан насыйишида, тұгма на органдарда.

рилган юрак нүксон (порок)ларица, томирлар фасолиятининг ўткир етишмовчилигида, ўпка артерияси эмболияси ва ҳ.к.да пайдо бўлади.

1. Ўпқанинг умумий ва регионал (маҳаллий) вентиляцияси-перфузия мусносабатларининг бузилиши натижасида гипокапния ёки гипоксемия ҳамда гиперкапния ҳолатлари юз беради.

2. Ўпқада, газлар диффузияси умуман 0,3-2 ммк қалинликдаги пардалар: сурфактант, альвеоланинг эпителиал қавати, интерстициал бўшилик, капиллярларнинг базал мембранаси ҳамда эндотелиял қавати на ниҳоят, эритроцитлар мембранаси орқали амалга ошади. Бу омил ва тузилмалар ўзгарганда газларнинг диффузия даражаси, йўлларй ўзгаради.

Ташки нафас бошқарилувининг турлича бузилишлари - нафас олишининг нормал тартиби (ритми), чуқурлиги ва тезлигининг бузилишига эундоэ дейилади.

Купчилик касалликларда нафас марказига рефлектор, гуморал ва бошқа йўллар таъсири натижасида нафас олишининг тартиби, чуқурлиги ва тезлиги ўзгаради. Бу ҳам компенсациясининг, ҳам нафас етишмовчилигининг белгилари бўлиши мумкин.

*Брадипноэ* - вақт бирлигига кам нафас олиш. Бу ҳолат нафас марказига патоген омиллар узоқ таъсири этиши, оғир гипоксия ва наркотик моддалар таъсиридан эзилиши оқибатида пайдо бўлади. Ривожланиши механизmlари асосини нафас марказига келадиган импульслар ҳаракатининг ўзгариши, нафас маркази нейронлари фасолиятининг бирламчи бузилиши ҳамда турли рефлекстор механизmlар ташкил этади.

*Тахипноэ* - тез ва юзаки нафас олиш. Бу иситма, пневмония (эотилжам) да, ўпқада қон димланганда, кўкрак, корин бўшилигига оғриқ пайдо бўлганда кузатилади.

Тахипноенинг ривожланиши нафас маркази фасолиятининг қайта курилиши - ўзгариши билан изохланади.

*Гиперпноэ* - чуқур ва тез нафас олиш. Жисмоий меҳнат, кучли руҳий (эмодионал) ҳолатлар ва ҳ.к. да юз беради.

*Апноэ* - нафас тұхташи. Асосан гипоксия, интоксикация ва мия иликастланганда учрайди. Нафас олиш марказыни кеч рагбатлантирилишидан юзага келади.

Йутал ва акса уриши рефлектор акт бўшиб, юқори нафас йўлларидаги рефлектор зоналар қартиқланганда, рўй беради, нафас ритми ва чуқурлиги киска муддатли таъсири кўрсатиш мумкин.

*Диспноэ* - ҳансираш, ҳарсиллаш - ҳаво етишмаслигини сезган холда нафаснинг хотекис тезданишига олиб келувчи таъсирилар натижасида пайдо бўладиган ўзгаришdir. Патогенези етарли ўрганилмаган. Нафас марказини кўзгатувчи таъсирилар сочинининг кўпайishi ёки нафас маркази хужайрала-рини уларга иисбатан сезгирилгиги ортишининг натижаси бўлиши мумкин.

### *Нафаснинг патологик ("даврий") түрлари*

"Апнезия", "Гаспинг нафаси", "Даврий нафас турмари" на ҳ.к. деб

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

номланувчи, аслида эса бош мия марказий идора этиши системасида у ёки бу сабабларга кўра маҳаллий қон айланишининг бузилиши, қон қўйилиши, гипоксия, турли интоксикациялар, коматоз ҳолатлар ва б. натижасида одатдаги нафаснинг бир дақиқалик паузаси ("тўхташи - ҳам олиши"), юзаки - чуқурлигининг тезлиги ҳамда эгрисининг баланд - настаниги билан мөъбридан фарқли турларининг пайдо бўлишиди.

1. *Апнейзис* - хаво олиш жараёнинг узоқ муддат туриб ёки инспиратор уцилакиб қолиши, яъни чукур қучли нафас олиш. Апнейзиснинг келиб чиқишини инспиратор, постинспиратор ва экспиратор нейронлар фаолиятининг синхрон ишлашининг бузилишлари билан тушунтирилади.

2. *Гаспинг нафаси* - бу агонал нафас олиш ёки клиник ўлимдан аввалги даврдаги нафас бўлиб, бемор худди сувдан чиқиб қолган балиқ каби "ямлаб" нафас ола бошлайди. Унинг механизми асосида инспирация ва экспирациялар орасидаги интервал - ораликнинг ва нафас марказининг афферент таъсиirlарни қабул қиласлиги асосий ўрин тутса керак.

3. *Даврий нафас*. Уларнинг механизмлари нисбатан кам ўрганилган. Марказий нерв системасининг органик ва функционал ўзгаришилари, ҳар хил даражадаги шикастланишларнинг оқибатидир. Қуидаги турлари фарқланади:

Чейн-Стокс туридаги даврий нафас, асосан, мияда гипоксия ривожланганлигининг белгиси бўлиб, мия, юрак касалликлари, уремия, юқори баландликка кўтарилиш ва ҳ.к. да руй беради. Унинг эгриси қуидаги кўринишига эга:



*Биот типидаги даврий нафас, кўпинча менингит, энцефалит каби касалликларда учрайди. Унинг эгриси қуидаги кўринишга эга:*



Даврий нафасларнинг пайдо бўлишида нафас марказининг табиий таъсиир этувчи - қўзгатувчилари ёки омилларга нисбатан сезувчанигигининг сусайиши, ўзгариши мухим аҳамиятга эга.

### **Гипоксия**

Гипоксия - типик патологик жараён бўлиб, деярли барча касалликларда у ёки бу даражада ривожланиб, тўқима ҳужайралари старлии даражада кислород билан таъминланмаслиги ёки тўқималарнинг кислородга тўйинмаслиги чатижасида келиб чиқади. Гипоксия жуда кўнгилли патологик жараёнларда пайдо бўлади ва турли касалликларнинг патогенезида асосий ўрин эгаллайди.

Келиб чиқиши сабабларни ва ривожланиши механизмларига кўра гипоксиянинг қуидаги турлари фарқланади:

Гипоксик гипоксия (экзоген гипоксия) - олияёттган хаво таркибида кислород парциал босимини кам бўлиши (мас., тоб касаллигинда, учини аппаратларидан ҳавотга кўтарилишида), тайритабийи ҳар хил газлар араданинг маси таъсири ва бўда содир бўледи.

**Нафас тиіндегі гипоксия** газлар алмашынушыннан, янын вентиляция, диффузия ва перфузия жарабайларининг бузилиши натижасыда юз беради.

Хар иккала патологик қолатта ҳам артериал қон томирда кислород міңдорининг камайшын (гипоксемия) ҳамда гемоглобиннинг кислородға етарлы түйинмаслиги күзатылады.

**Юрак-қоп томир (циркулятор)** тиіндегі гипоксия. У маҳаллій на умумий қон айланышыннан бузилиши оқибатына пайдо бўлади. Бу хил гипоксияда артериал қон томирларидаги кислород міңдори ҳам, гемоглобиннинг кислороддага түйиншиси ҳам меъёрдан идеқ бўлади. Гипоксия эса томирларда қонининг оқиш тезлигиге сенкинлапувидан содир бўлади. Артерия ва веналардаги қонда кислороднинг міңдорий фарқи ортади.

**Қон (гемик) тиіндегі гипоксия** анемияда ва гемоглобиннинг хусусиятлари ўзгарғанда нужуда келади. Гипоксиянынни келиб чиққинша қондаги кислород сигимининг камайшын сабаб бўлади. Бутургипоксия гипоксемия билан кечади.

Тўқима тиіндегі гипоксия, асосан, иккى ҳолатга боғлиқ бўлиши мумкин:  
а) тўқималар кислород ютишинин бузилиши ҳисобига, яъни ҳар хил ингибиторлар таъсирида биологик оксидланышиннан бузилиши, мемброналар шикастланиши ва ҳ.к. га;

б) нафас занжирида оксидланыш - фосфорланиш жарабайларининг бузилишига. Бунда кислородни қабул қилини ортади, лекин ҳосил бўладиган энергиянинг кўп қисми исесиклиқка айланади, иштижада макроэргик - фосфат бирикмаларнинг ҳосил бўлиши камаяди.

**Аралаш тиіндегі гипоксиялар.** Уларнини сабаблари, механизмлари бир-бирига ўхшаш. Буни қўйидеги мисолларда кўриш мумкин.

### Тоғ қасаллиги

Тоғ қасаллиги, умуман, бир неча ўзгарышларининг мажмуси бўлиб, киши баландликка кўтарилиганда рўй беради. Қасаллик кишиюқорига кўтарилиган сарп ривожланиб боради. Бунда атмосфера босимни насайиб, ундан, яъни альвеоляр ҳаво таркибидағи кислороднинг камайшын гемоглобиннинг кислородға түйиншисини сусайтиради па иштижада ўзига ҳосил гипоксенк гипоксия рўй беради.

2000 м баландликда организмда деярли бирор ўзгарини сезизмайди. Факат бир оз томир урини (пульс) тезланышини, яъни тахикардия юз берини мумкини.

3000 дан 5000 м гача бўлган баландликка кўтарилиганда пульс кучайиб, қон босими кўтарилади, нафас олини тезланашади. 6000 м баландликда эса ҳаёт учун ҳавфли ҳочат юзага келади. Бунда пульс (томир-урини) камаяди, қон босими настанишиди, нафас олини (кўнинча Чейн-Стокестини)даги бузилишлар содир бўлади. Кейин марказий нерв системаси сўнади, чунки 8000 м ли баландлик нафас учун чегара ҳисобланади. Бўйдатомир урини (пульс) инсимон (шу туғайни коядан юз берини мумкини) ва ниҳоят, нафас олинининг сўнини кузатниди. 9000 м баландликда эса ҳаёт учун антик ҳавф туттилади; томир урини Ҷа қон босими ачиқлашиб бўлмайди, нафас олини терминал ҳолатда бўлиб,

## II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

марказий нерв системасининг ҳаёт учун энг зарур марказлари фаолияти деярли тұхтайди-фалажланади.

### **АМАЛИЙ ҚИСМ**

#### **25 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Ташқи нафас системасининг патофизиологияси.

**Мақсад.** Ташқи нафаснинг бузилиши сабаблари, турлари, ривожланиш механизмлари, күрсаткичлары, оқибатларини билиш ва ўзлаشتырыш.

**Вазифа.** Ҳавода карбонат аңгидридинг парциал босими юқори бўлган шароитда уни сичқоннинг нафас олишига, хатти-харакатига ва ҳаётининг давом этишига таъсирини кузатиш.

Оқ сичқонни шиша идишга жойлаб, унинг нафас олиш сони саналади ва хатти-харакатини баённомада қайд этилади.

Тажриба давомида Кипит аппарати ёрдамида бажариладиган реакция орқали ҳайвон жойлаштирилган идишда куйнідаги шароит ҳосил қилинади:

$\text{CaCO}_3 + \text{HCl} = \text{CaCl}_2 + \text{H}_2\text{O} + \text{CO}_2$ , шу асосда олинган карбонат аңгидридин вақтін-вақти билан (1; 2; 3; 4; 5 сек. давомида) ҳайвон жойлаштирилган идишга қўшиб турилади ва унинг нафас олиш тезлиги, хатти-харакатлари, ўлиш вақти аниқланади Тажриба натижаларини куйидаги жадвалда акс эттирилади.

**5-жадвал**

**Натижаларни акс эттирувчи жадвал**

Вақти	Нафас олиш сони (бир дақ.)	Сичқоннинг хатти-харакати	Ўлиш вақти (дақ.)
Тажрибадан аввал			
1 сек.			
2 сек.			
3 сек.			
4 сек.			
5 сек.			

#### **26 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Гипоксиянинг турлари. Төг касаллиги.

**Мақсад.** Гипоксия, унинг сабаблари, турлари, ривожланиш механизмлари ва оқибатлари ҳақида мәтілумот. Тушунчаларни ўзлаشتырыш ва төг касаллиги мисолида гипоксиянинг турини ўрганиш.

**Вазифа.** Оқ сичқон организмида төг касаллиги моделини ҳосил қилиш ва белгиларини күзатыш.

Оқ сичқоннан маңсус, усти шиша қопқоқ билан зич ёпіладиган, тагида эса маңсус жұмраклары бор металл курсили камерага жойлаштириб, унинг нафас олиш сонини ҳисобланади, хатты-харакати үрганилади. Кейин шиша қопқоқ вазелин ёрдамида зич ёпіб, курсича остидаги жұмраклар орқали Комовский насоси ёрдамида ҳайвои жойлаштирилган камерадаги ҳавони сұриб ола бошланади. Насосға бир йұла симболи манометр уланған бўлиб, у орқали камера йиғидаги атмосфера босимининг қайси баландликка тұғри келишини аниклаш мумкин. Шундай қилиб, ҳайвон аста-секин 1, 2, 3 ва ҳ.к. км "баландликка күтарилади". Ҳар хил баландикта үзігә хос юз берган ўзгаришларни күзатыб турилади. Натижаларни баённомага қуйидаги жадвал тартыбида ёзилиб, машгулот охирида хулоса чиқарилади.

**6-жадвал**

**Натижаларни акс эттириш жадвали**

Баландлик	Кислород миқдори	Нафас олиш сони (бир дақ.)	Ҳайвоннинг ҳолати
0	21%		
2000 м			
3000 м			
4000 м ва ҳ.к.			

**МАВЗУТА ОЙД САВОЛЛАР**

1. Нафас олиш жараённининг босқычлары ва уларнинг бузилиши.
2. Нафас олишни бошқариш ва унинг ҳар хил патологик ҳолатлардаги бузилишлари.
3. Үлкә вентиляциясینинг бузилишлари ва уларнинг патогенези.
4. Қоннинг кислород сигими ва унинг ҳар хил гипоксик ҳолатлардаги ўзгаришларини айтинг.
5. Нафас олиш аъзолары касаллікларининг келиб чиқыш сабабларини тушунтириңг.
6. Ҳансираш, сабаблари, келиб чиқыш механизмлари, турлари.
7. Даврий нафас олиш типлари, сабаблари ва патогенези.
8. Юқори нафас олиш йұллари касаллікларида нафас олиш механизми-нинг бузилишларини изохланғ.
9. Насайған атмосфера босими нафас системасига қандай таъсир күрсатади?
10. CO<sub>2</sub> юқори парқын босимининг нафаста таъсири.
11. Үлкә касаллікларыда нафас олишнинг бузилиш тавсифи, келиб чиқыш

механизмлари.

12. Гипоксик ҳолатларнинг турлари ва уларнинг патогенези.
13. Гипоксия, гипоксемия, ўлка касаллукларининг келиб чиқиши меканизмлари.
14. Гипоксияда аъзолар фаслиятининг бузилиши ва компенсатор мосланни меканизмларнин тушунтириш.

## 5 БОБ ЖИГАР ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ

Маънумки, жигар инсон ва сутэмизувчи ҳайвонлар организмида ғоят муҳим ва кўн қиррали вазифаларни бажаради, ғоссан организм гомеостазини таъминлаяди ва лозим бўлганда уни ростваб туради.

Жигарининг асосий фаолияти организмда содир бўладиган барча мөддалар ачманинивида марказий ўринни тутиш, овқат ҳазм қилиш учун зарур бўлган ўтини шизлаб чиқарни ва ажратиш, шунингдек унинг таркибида ҳар хил мөдда алманиниви маҳсулотлари (жумладан, организмга киритилган дори-дармонларнинг парчаланинивидан ҳосил бўлган заҳарли мөддалар) ни ҳам ажратиб чиқаришидир.

Анашу хусусиятлари орқали жигар ҳимоявий, яъни ҳосил бўлган заҳарли мөддаларни зарарсиглантириб, искраллаб, организмдан безарар чиқариб тоборини билан биргя, фагоцитоз реакцияларида фаол қатишиб, ўзига хос антитоксик фаслиятини ҳам амалга оширади.

Жигар томирлар тарағанини сакланада, қон ҳосил қилиши жараёнида (эмбрион стабилдан бошлиб), узуман эритропоэзининг деярли ҳамма жараёнида, мас., гемир, цикноболамини ва б. зарур ғомилларни саклан, тежам билан сарфлан, шу билан биргя "органича" ёки жамигарма (резерв) қонни саклаб, керак бўлганда сафарбар қилиши каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради.

Қонининг ивиши ва ивишига қарин система омилларини ҳосил этиши, сакланни, шу орқали ишакли элементлар, шунингдек қон ивиши ва ҳ.к.ни синтетик таъминловчи ва умуми, синтезловчи аъзо сифатида фаол ўрин тутади.

Жигар карбонсувлар алманинивида алоҳида, деярли асосий ўринни эгалайлади. Ўзигар күйнаданлардан изборат.

Жигарда гликогенин синтез килини, гўпланц, иккинчи томондан зса зарур бўйнанда гликоголиз жараёнилари амалга ошиб туради. Жигарда карбонсувларнинг ҳар хил турляри, мас., гаяки тоза глюкозага айлантирилб, ундан кейин гликоген синтез ғизланади.

Ундан ташқари, жигарда карбонсув бўлмаган мөддалардан (мас., ёлгар, аминокислота, маҳсулотлариидан) канд ҳосил этиши -гликонеогенез ва сут кислотаидан гликогенин қайта ҳосил этиши - ресинтез килиниваҳ.к. жараёнилар кам берган.

Жигар карбонсувлар алманинивиши таъминланни ва идора килини учун зарур бўйнан фермент системасига э.а.

Одатда, жигар шикастланганда, унда у ёки бу патологик жараён ривожланиб, карбонсувлар алмашинувининг бузилиши натижасида гепатоцитлар - жигар хужайраларида гликоген синтези сусаяди ва айни вақтда унинг парчаланиши кучаяди, шу туфайли организминг энергия манбаси бўлган қанднинг карбонсув бўлмаган моддалардан (айниқса аминокислоталардан) ҳосил бўлиши кўпроқ ўрин ола бошлади. Аммо улар етарлй бўлмаслиги туфайли гепатоген -жигарга боғлиқ бўлган гипогликемия ривожлана борадики, агар унинг олди олинмаса, ўта оғир коматоз ҳолат юзага келади. Бу ҳолат ривожланганда зудлик билан зарур чора - тадбирлар қўлланмаса организм ҳалок бўлади.

Шуни қайд қилиш керакки, агар жигарда гликоген миқдори камайиб кетса, унинг заарсизлантириш қобилияти сусаяди. Буида айниқса гликогендан глюкuron кислотаси ҳосил бўлишининг қийинлашуви жигар касалликларида муҳим ўрин тутади.

Жигарда фосфорли липидлар ҳосил бўлади ва парчаланади. Жигарнинг ёгларни парчаланиши, ҳазм қилиниши, ўзлаштирилиши, алмашинуви ва ўзгаришларицаги роли жуда катта ва деярли ҳал этувчи мөҳиятга эга. Унда ёғ кислоталарининг ҳосил бўлиб парчаланиши, кетон таначалари ва липопротеидлар, фосфолипидлар ва ҳ.к. ҳосил бўлавериши ҳаётий аҳамиятга эга. Жигар шикастланганда эса ана шу ёғ - липоидлар алмашинувининг кўрсаткичлари тубдан ўзгари. Чунончи, фосфолипидларнинг кам ҳосил бўлиши, ёғ кислотлар оксидланишининг сусайиши, эндоген ёгларнинг жигарга, шунингдек бошқа паренхиматоз аъзоларга тўпланиб қолиши ва ҳ.к. содир бўлади. Жигардаги патологик жараёнлар ҳамиша қонда умумий холестериннинг кўлайши (айниқса колестерин синтези ва оксидланишининг бузилиши сабабли) ҳамда алмашинувининг бузилиши билан кечади ва шу тартика у турли патологик жараёнга сабаб бўлади, уларга щаронт яратади. Механик сариқликдаги баъзи ўзгаришлар фақат холестериннинг ўт таркибидан қонга ўтишига эмас, балки унинг синтез қилиницига ҳам боғлиқ. Узоқ давом этадиган, мас., алиментар гиперхолестеринемия жигарниң қондан холестеринни ажратиб олиб, ретикулоэндоцитларда сақлаш - тўплаш қобилиятининг бузилишига ҳам боғлиkdir.

Жигар оқсиллар алмашинувида ҳам роль ўйнайди, чунончи унда аминокислоталарнинг парчаланиши ва қайта қурилиши (дезаминланиш, аминокислоталарнинг парчаланиши ва қайта аминланиши) каби жараёнлар суръати бошқа тўқима, аъзоларга нисбатан тез ва ўзига хос хусусиятга эга.

Сийдикчил (карбамид) - мочевина (оламда) фақат жигарда ҳосил бўлади.

Зардоб оқсиллари - альбуминлар,  $\alpha$ - ва  $\beta$ -глобулинлар, фибриноген, проакцептерин ва проконвертин каби муҳим ўрин тутувчи маҳсус оқсиллар ҳам фақат жигарда ҳосил бўлади.

Жигар шикастланганда оқсиллар алмашинувининг бузилиши умумлаштириб айтилганда куйидаги ўзгаришлар билан тавсифланади:

1. Оқсилларнинг умумий миқдори камайди - гипонротениемия ва гипоальбуминемия.

2. Зардоб оқсиллари турлари - фракцияларининг нисбати бузилади, яъни

диспротеинемия кузатилади.

3. Фибриноген, протромбин ва бошқа махсус оқсиллар ҳосил бўлишининг бузилиши туфайли қоннинг ивиш хусусияти бузилади.

4. Сийдикчил - мочевинанинг ҳосил бўлиши камаяди ("тўхташи" мумкин). Ана шу ўзгаришлар туфайли конъя аммиак, умуман қолдик азот, ўзлаштирилмаган аминокислоталар ва ҳ.к. микдори ортади (аминоацедемия, гиперазотемия).

5. Жигар тўқимасида жамғарма (тежам ёки резерв) ҳисобланувчи оқсиллар микдорининг камайиши туфайли қон ва жигар тўқимасидаги оқсиллар микдори ўртасидаги мувозанат бузилади, натижада буларнинг барчаси оғир ўзгаришлар ва хавфли оқибатларга олиб келади.

Маълумки, айrim витаминлар ва гормонларнинг синтезланиши -алмашинувида жигар етакчи ўрин тутади.

Бу жараёнларнинг бузилиши авитаминозга ва организмда гормонал механизмларнинг бузилишига сабаб бўлади. Жигар паренхимаси шикастланганда цианкоболамин, никотин кислота ва пантотен кислота, ретинол ва ҳ.к. камайиб кетади. Жигар ўтажратиши вазифасининг сусайиши эса ёғда эрийдиган витаминларнинг сўрилиши ва ўзлаштирилишининг бузилишига сабаб бўлади. Бундан ташкари, жигар касалли клариди айrim витаминларнинг коферментларга алланиши ва бу туфайли моддалар алмашинувининг бузилишлари алоҳида аҳамият касб этади. Жигарда гормонлар (айниқса тироксин, инсулин, кортикостероидлар, андрогенлар, эстрогенлар ва ҳ.к.) парчаланишининг бузилиши уларнинг қондаги микдорини ўзгаришига ва эндокрин системанинг патологиясига олиб келади.

Жигарнинг ҳимоявий фаолияти гоят аҳамиятга эга. Айтиб ўтилганидек, ўзининг анатомик, морфологик ва физиологик жойлашуви ва турли вазифаларни бажаришига кўра, жигар деярли барча экзоген ва эндоген заҳарли моддалар, махсулотлар, бирикмаларни зарарсизлантириш - антитоксик қобилиятга эга. Жигарнинг ҳимоявий фаолияти, аввало, унда ўзига ҳос кечадиган кимёвий жараёнлар туфайли амалга ошиди. Булардан энг муҳимлари - ацетилланиш, метилланиш, оксиуланиш, тикланиш, жуфт бирикмаларни ҳосил ҳилиш ва ҳ.к. (биринчи навбатда глюкурон кислотаси, гликокол, цистеин ва сульфат кислоталари воситасида) амалга оширилади. Ана шу жараёнларнинг бузилиши жигарнинг ҳимоявий фаолиятини бузилишига олиб келади. Бунда аммиак, фенол, скатол ва ҳ.к. заҳарли махсулотлар тўпланиб, организмда аутоинтоксикация содир бўлади.

Ўтажралиниң қўйинлашгашида, яъни жигарнинг экскретор вазифаси очилинганда ҳам организмда заҳарли моддалар тўпланиб, ана шу ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Жигарнинг муҳим ташқи - секретор фаолиятидан бирин ўт - сафро ҳосил қилиш ва ажратишидир. Одам организмидан бир кун дайвомида ўрга ҳисобда 500-700 мл ўт - сафро суюқлиги ҳосил бўлади. Ўт таркибида катор моддкалар - билирубин, холестерин, ўт кислоталари, қалыпий, гормонлар алмашинувининг махсулотлари ва ҳ.к. бор.

Үт пигментларининг ҳосил бўлиши жараёни, асосан, жигардаги мононуклеар фагоцитар система (МФС) ҳужайраларига боғлиқдир. Чунончи, эритроцитлар парчаланганда - гемолизга учраганда улардан гемоглобин ажралиб чиқади, мононуклеар фагоцитар система ҳужайраларида эса қатор ўзгаришлар натижасида гемоглобиндан билирубин ҳосил бўлади. Мазкур билирубин яъни "тўгри бўлмаган" - глюкуронид билан биримаган билирубин қонга ўтади. Бундай билирубин оқсил билан бояланган бўлиб, қон орқали жигарга боради ва у ерда оқсилдан ажралиб глюкурон кислота билан бояланади ва "тўгри" билирубин (прямой билирубин) биримага айланади. Бу билирубин ўт таркибида қайта ичакка ўтади, ичакда бир қисми уробилинга, бошқа қисми эса стеркобилинга айланади. Уробилиногенинг бир қисми қопқа венаси орқали жигарга қайта тушибди ва яна билирубинга айланади ёки парчаланади. Демак, энтерогентал деб аталувчи жараён давом этаверади. Ичакда ҳосил бўлган стеркобилинининг бир қисми геморроидал веналарга сўрилиб, буйрак орқали сийдик билан чиқарилади. Қопқа венаси орқали ичакдан жигарга ўтган уробилиногенинг бир қисми сийдик билан чиқарилиши мумкин, қолгани аҳлатта ўтиб, унга ўзига хос ранг беради.

Ана шу жараёнларнинг ўёки бу даражада (ўринда) бузилиши "сариқлик" деб аталувчи ҳолатга олиб келади. Сариқлик деб, тери ва шиллик пардаларининг сариқ тусга кириши билан кечадиган симптомокомплекс - белгилар мажмуга айтилади.

Келиб чиқниши ва ривожланиш механизмларига кўра сариқликнинг қуйидаги турлари тафовут қилинади:

1. Гемолитик сариқлик ("жигардан юқорида пайдо бўлувчи").
2. Паренхиматоз сариқлик ("жигарда юз берувчи"), мас., Боткин касаллигида ўёки вирусли эпидемик гепатитда.
3. Механик (обтурацион) сариқлик ("жигардан настда юз берувчи").

**Механик сариқлик** ўт йўли ёнилиб ўёки бу сабабга кўра эзилиб қолганда пайдо бўлади. Бунда ўт ичакка қисман ўёки мутлақо тушибмайди, шунинг учун аҳлат рангиз бўлади, ёғларнинг ҳазм бўлиши, сўрилиши бузиласиди. Ҳосил бўлган ўт, ўт ўйларида ва ниҳоят, ўт капиллярларида димланиб улардан лимфа бўшлиқлари орқали қонга ўтади. Қонга ўт билан ўтган "тўгри билирубин" оқсил билан биримаганлиги сабабли осонлик билан сийдикка ўтади, яъни беморда билирубинуря кузатиласиди ва шу сабабли сийдик ниҳоятда тўқ "ниво" рангига киради. Ўт таркибида ўт кислоталарининг қонга ўтишига ҳолемия дейилади. Билирубиннинг қонга ўтиши сариқлик белгисини берса, ўт кислоталарининг ўтиши ўз навбатида ҳолемик симптомокомплексни вужудга келтиради.

Маълумки, ўт кислоталари организмга заҳарловчи таъсир этади, ва аввало, асад системасига, яъни дастлаб қўзғатувчи, сўнг сусайтирувчи омиқ сифатида таъсир кўрсатиб, турли клиник белгилар ҳамда ҳолатларни юзага келтиради. Беморларда дастлаб қўзғалувчаник, бадан қичиниши, уйкусилик, ғейинроқ беҳоллик, уйқучаник ва ҳ.к. ўзгаришлар пайдо бўлади.

Сариқликда, айниқса унинг паренхиматоз ва механик турларида юрэк томир системасида ҳам анчагина ўзгаришлар, чунончи, гипогония, брадикардия,

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

хатто аритмиянинг бошқа турлари юз беради. Брадикардия периферик нерв учларини ўт кислотаси кучли қитиқлаши оқибатида рўй беради. Бундан ташқари, ўт кислоталари сезувчи нерв учларига таъсир этиб, қичишишни, қон ивишининг бузилишини, томирлар кенгайиши ва уларнинг ўтказувчанилиги бузилиши каби патологик ўзгаришларни пайдо қиласди. Бунда аъзо ёки тўқимада майдо қон куйилишлари - петехиялар кузатилади.

**Паренхиматоз ёки жигар сариқлити.** Бу турдаги сариқликнинг сабаблари инфекцион омиллар, гепатит қўзгатувчи вируслар, сепсис ҳолати, ич терламаси, турли заҳарланишлар (мас., қўзиқорин, алкоголь, хлороформ, маргимуш ва айрим дорилардан заҳарланиш), холестаз ва бошқа айрим паренхиматоз сариқлик ферментларнинг ирсий етишмовчилигидир.

Жигар хужайраларининг шикастланиши натижасида "тўғри билирубин" ўт капиллярларидан қон томирлари - синусоид ҳамда капилларларга ўтади. Қонда "тўғри билирубин" ва у билан бирга "тўғри бўлмаган" билирубин миқдори ҳам ошиб кетади. Сўнгтисининг сабаби билирубинни "тўғрига" айлантирувчи ферментатив жараёнларнинг зааррланишилар (мас., глюкуронилтрансфераза фаоллигининг сусайиши). Сийдикда "тўғри билирубин", ўт кислоталари, кўплаб уробилин ҳамда стеркобилин қолдиклари учрайди.

Қонда ўт кислота тузларининг мавжудлиги холемик синдромни (тери қичиши, брадикардия, артериал босимният пасайиши ва ҳ.к.) ни пайдо қиласди.

Ўтнинг ичакка кам миқдорда тушиши (гипоксия) овқат ҳазм қилишининг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, гепатоцитларнинг яллигланиши натижасида жигарнинг ҳаёт учун зарур бўлган деярли барча фаолиятилари бузилади.

**Гемолитик сариқлик.** Бу тур сариқлик эритроцитлар гемолизининг у ёки бу сабабларга кўра кучайиши ва шу туфайли билирубиннинг кўплаб ҳосил бўлиб, қонга ўтиши натижасида вужудга келади.

Гемолитик сариқликни қон шаклли элементлари (эритроцитлар)ни парчаловчи заҳарлар (мас., фенилгидразин, илон заҳари, маргимуш ва ҳ.к.) ёки эритроцитлар ҳамда гемоглобиннинг тутма аномалиялари - нуқсонлари, бошқа гурухга мансуб қонни қўйиш ва ҳ.к. келтириб чиқаради. Жигар табийики, гемолиз натижасида кўп миқдорда ҳосил бўлган билирубинни глюкурон кислотаси билан бирикма ҳосил қилиш ва ажратишга улугурмайди. Бундай сариқликнинг юзага келишида жигар секретор қобилиятининг сусайиши ҳам ўрин тутади.

"Нотўғри билирубин" заҳарли ҳисобланади, чунки унинг кўп миқдорда ҳосил бўлиши ва тўпланиши жигар хужайраларини шикастлайди, унинг ўт ҳосил қилиши қобилиятини сусайтиради.

Гемолитик сариқликда қон таркибида "нотўғри билирубин" миқдори кўпаяди, аммо у сийдикка ўтмайди, ичакда эса "тўғри билирубин" кўп миқдорда ажralиб, уробилиноген ва стеркобилинга айланади ва сийдик ҳамда аҳлат орқали чиқарилади (якуний жадвалга қаранг).

Жигар касалликларининг келиб чиқиши - этиологияси, ривожланиш механизmlари, диагнози ҳамда даволац масалаларини маҳсус шаклланган соҳа - генатомология ўрганади.

Жигар касаллукларини пайдо қылуучи сабаблари ва патоген агентларнинг организмга кириш йўллари кўп ва хилма-хилдир. Ана шу масалаларни назарга олган ҳолда, фикр ҳамда мулоҳазаларнинг гоят кўп бўлишига қарамай, қўйидаги тасаввурларни тавсия этиш мумкин.

Жигар касаллукларини этиологик нуқтаи назардан қўйидаги томонларини қайд этиш лозим.

1. Одатда ичакда аъзоларга заҳарли таъсир этиши мумкин бўлган моддаларнинг кўплаб ҳосил бўлиши ва уларнинг жигар томонидан нейтралланшининг бузилиши.

2. Заҳарлар ҳамда инфекцион - юкумли омиллар (вируслар, бактериялар, паразитлар, кўргошин, хлороформ,  $CCl_4$ , фосфор, симоб ва ҳ.к.)нинг экзоген ва эндоген йўллар орқали организмга кириши.

3. Патоген омилларнинг ўт ва лимфа йўллари орқали тушишини ҳам назарда тутмоқ лозим.

Жигар касаллукларига патоморфологик - патофизиологик нуқтаи назардан ёндошгандиа уларни З гурухга бўлиш мумкин:

1. Жигарнинг атрофик - дистрофик (ёғли, оқсили, аралаш ва ҳ.к.) ўзгаришлари.

2. Жигарнинг яллигланиши.

3. Циррозлар.

Ҳозирги вақтда гепатит деганда, жигар паренхимаси ва мезенхимасида яллигланишга ҳос бўлған ўзгаришларнинг мавжуддиги билан белгиланадиган касаллуклар тушунилди. Аммо шунин қайд этиш лозимки, жигар патологијасида, кўпинча, муайян вақтда ҳам дистрофик, ҳам яллигланиш жараёнлари мавжуд бўлади.

Жигар патологиясининг кечишига кўра ўткир ва сурункали шакллари ажратилади.

Жигарнинг сурункали шикастланиши ўз вақтида аниқланмаса ва тегишли чоралар кўрилмаса, у оқибатда циррозга олиб келади. Афсуски, шу кунга қадар жигарни тикилаш усули ва дори-дармонлар ишлаб чиқилмаган. Аммо бу соҳада таклиф ва фикрлар анча кўп.

Патоморфологик жиҳатдан жигар циррозининг уч тури: портал, постнекротик ва билиар циррозлар фарқланади.

Жигар циррози жигар паренхимасининг қайта қурилиши, бўлаклари тузилишининг бузилиши ва биринчи тўқима билан қопланиши некроз ҳамда тикланиши - регенерацияси туфайли соҳта бўлакчалар ҳосил бўлишидан иборатdir.

## АМАЛИЙ ҚИСМ

### 27 МАШГУЛОТ

Мавзуу. Жигарнинг ўт ҳосил қилиш ва ажратиш фаолиятининг бузилиши.

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**Мақсад.** Тажрибада жигарнинг ўт ҳосил қилиш ва ажратиш жараёни бузилигандан ўтилинг организмга таъсирини ўрганиш.

**1-вазифа.** Ўтилинг организмга заҳарли таъсирини кузатиш.

Бунинг учун бақанинг лимфа қончасига 1,5-2,0 мл ўлчамда қорамол ўтидан юборилади ва машғулот давомидә бақанинг ҳолати кузатилади.

Ўт юборилганда 15-20 дақиқа ўттач, бақанинг фаоллиги, ҳаракатларини идора этиб, мослантириши қобияниятни текшириллади. Бунда бақани чалқанча ётқизиб, уни асл ҳолатга ўта олиши ёки олмаслиги кузатилади, сўнгра бақанинг оғриқка нисбатан сезувчанлиги текшириллади. Бақа панжасига бир неча бор игна санчиб таъсири кўрсатилади.

**2-вазифа.** Ўтилинг бақа ҳаракат рефлексига таъсирини ўрганиш. Бақани ҳаракатесизлантириб, кейин штативга настки жағидан осиб кўйилади. Оёқларини 0,2N ли HCl (хлорид кислота)га солиниади ва кислота таъсирига нисбатан ҳаракат жараёнларининг вақти х.к. ўзгаришилар (Тюрк бўйича) аниқланади. Тажриба бир неча марта қайтарилгач, реакциянинг ўртача латент даври аниқланади. Сўнг ра бақанинг лимфатик қончасига 1,5-2,0 мл ўлчамда ўт юборилади. 15-20 дақиқадан сўнг кислота ўз таъсирини кўрсата бошлади. Ўт юборилганда кейин рефлексининг лагенг даври аниқланади.

**3-вазифа.** Ўтилинг ташқи нафасга таъсирини ўрганиш. Бунинг учун тажрибадан аввал кимографга бақанинг дастлабки нафаси ёзиб олиниади (Энгельман ричаги ёрдамида). Сўнг териси остига 2 мл ўлчамда ўт юборилади ва бир неча вақт ўттач, уни нафас олиши ёзиб олиниади.

Олини ан натижалар баённомада ёзилиб, хулоса чиқарилади.

## **28 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Жигарнинг экспериментал ўтиклир заҳарли шикастланиши моделида модда алмашинувидағи баъзи фаолиятиниң бузилишларини ўрганиш.

**Мақсад:**

а) тажрибада жигарнинг қлиничк шаронитда учрайдиган токсик шикастларини, уни турлар агентлар (алкоголь, қишлоқ жўжалигида ҳамда турмушда қўйиланиладиган хлор, фосфор тутувчи мөндалар ва б. заҳарли моддалар) таъсирида пайдо бўлниши ва уларнинг қлиничк генатологиядаги моҳиятини намойиш этиши;

б) ҳайвон организмига  $CCl_4$  юбориб ҳосил қилинган жигар дистрофияси ва язлигланишини мисолида жигарнини модда алмашинувидағи вазифаларининг бузылшини ўрганиш.

**Вазифа.** Жигарни ўтиклир заҳарли язлигланинг жигар тўқимасида гликогенини ва қон зардобини  $\beta$ -липопротеинлар микдорини аниқлаш.

Тажрибага ҳайвонни 7-10 кун аввал гаёйлаш керак (бу ҳақда талабаларга алборот берилган бўлниши шарт). Жигарнинг ўтиклир язлигланишини тери остига

2-3 марта  $\text{CCl}_4$  юбориб ҳосил қилинади. Модда ҳайвон оғирлигининг ҳар 100 г га 0,45 мл ўлчам ҳисобида юборилади. 7-8 кундан кейин ҳайвон тажрибага тайёр ҳисобланади. Каламушни дастлаб нормал (интакт) - соглом каламуци билан қиёсланади, сўнг уларни бир вактда сўйиб, юқорида қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш учун асосий манбалар - кон, жигар тўқимаси ва ҳ.к.ни (тегишили тадбирларни кўллаб) ажратиб олиш, текшириши-аниқлаш лозим.

Бунда талабаларни 4 гурухга бўлиб, уларга аниқ вазифаларни белгилаб бериш мақсадга мувофиқидир.

Кон зардобида умумий оксили (рефрактометрик) ва липопротеидлар, жигар тўқимасида эса гликоген ва ҳ.к.нинг микдорини аниқланади.

Машгулот охирида олинган натижалар қиёсий баҳоланиб, хулоса қилиниши шарт.

Жигар тўқимасида гликогенни аниқлаш. Гликогенни антрон реактиви ёки бошқа усулда (ҳар бир усульнинг ўзига тегишили кўлланмаси берилади) аниқлаш. Гликогенни жигар тўқимасидан экстракция қилиш орқали аниқлаш.

Бунинг учун:

- 1) кимёвий пробиркага 30%ли КОН дан 3 мл ўлчамда қуйилади;
- 2) тажрибавий ҳайвон жигари муз солинган Петри косачасига қўйилиб, фильтр қогоз билан тозаланади;

3) 0,5-1,0 г ҳисобида жигар парчаси ўлчаб олиниб, КОН қуйилган пробиркага солинади ва қайнаб турган "сув ҳаммолида" жигар тўла парчалангунча (гидролизлангунча), яъни гликогенли эритма ҳосил бўлгунга қадар 20-30 дақиқа тутилади. Ундан сўнг гликогенин чўқтириш ва тозалаш жараёни амалга оширилади. Бунда совутилган гидролизатли пробиркага 4 мл ўлчамда 96° ли спирт -этанол солиниб, шиша таёқча билан яхшилаб аралаштирилгач, "сув ҳаммолида" 30-40 дақиқа қайнатилади. Кейин ушбу пробиркани дақиқасига 2600-3000 марта айланадиган центрифугада 15 дақиқа ушланади. Устида ҳосил бўлган суюкликини тўкиб ташлаб, чўкмага яна 96° ли этанол - спиртдан 3 мл микдорда қуйилади ва яхшилаб аралаштириб қайнатилади. Сўнг центрифугада тақрор айлантирилади. Пробиркада ҳосил бўлған чўкмани дистилланган сувда эритиб, 50-200 мл ли колбага солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Сўнг колбадаги эритмадан 1 мл олиб кимёвий пробиркага солинади. Бошқа кимёвий пробиркага эса 1 мл микдордаги глюкозанинг стандарт эритмаси солинади. Иккала пробиркага 1,0 мл.дан дистилланган сув қуйилади.

Шундан кейин пробиркаларнинг ҳар бирига 6,0 мл дан антрон реактиви қуйилиб ишиша таёқча ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Иккала пробиркалар 10 дақиқа "сув ҳаммолига" қўйилади, сўнг совутиб, ФЭКда уларнинг рангли реакциялари аниқланади. Бу стандарт ва синов - контроли қаршисида назорет қилинади (фильтр - қизил, чап барабан, 10 мл ли кювета ишилатилади).

Ҳисоб:

$$\text{Гликоген г% да} = \frac{0,05 \text{ мг} \cdot E (\text{синама-проба}) \cdot A \cdot B}{E \text{ стандарт} \cdot 1000 \cdot I, II}$$

Бунида 0,05 мг - 1 мл стандарт с эритмадан и глюкоза миъроғчи.

## II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ

1000 г га ўтказиш учун:

$$B = \frac{100 \text{ г}}{\text{олинган жигар миқдори}}$$

Бунда I, II - глюкоза экстракциясининг гликогенга нисбатан коэффициент омили, қуйидаги тенг:

$$\frac{0,05 \cdot E_{\text{синаама}} \cdot 100 \cdot 300}{E_{\text{ct}} \cdot 1000 \cdot I, II} = \frac{E_{\text{синаама}}}{I, II \cdot E_{\text{ct}}}$$

Қон зардобида  $\beta$ -липопротеидлар миқдорини аниқлаш.

Үсул  $\beta$ -липопротеидларнинг гепарин ва кальций хлорид билан эримайдиган бирикма - комплекс ҳосил қилишига ассосяланган.

### 7-жадвал

**Сариқликнинг дифференциал - фарқли, ажратилган диагностикаси учун керакли айрим кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	Паренхиматоз сариқлик	Механик сариқлик	Гемолитик сариқлик
<b>Қонда:</b>			
Тўғри билирубин	+	+	-
Нотўғри билирубин	+	+	+
<b>Сийдикда:</b>			
Уробилиноген	+	-	+
Билирубин	+	+	-
Галактоза синамаси	+	-	-
Квик синамаси	+	-	-
Чўқтирувчи синамалар	+	-	-
Геморрагик синдром	+	+	-
Холемия ва холемик симптомокомплекс	+	+	-
Овқат ҳазм қилишининг бузилиши	+	+	-

Кимёвий пробиркага 0,025 М  $\text{CaCl}_2$  дан 2,0 м ўлчамда солинади, унга 0,2 мл ўлчамда текширилаётган зардобдан қуйилиб, ФЭК да (5 мл ли кювета, фильтр - қизил) пробиркалардаги суюклиқлар экстинкцияси ( $E_1$ ) аниқланади. Сўнг суюклиқлар пробиркага қайта қуйилиб уларга 0,04 мл ўлчамдаги гепарин солинади ва 5 дақиқадан кейин яна ФЭК да аввалги шарт бўйича текширилиб, экстинция такрор ( $E_{II}$ ) аниқланади.

Шундан сүнг  $\beta$ -липопротеидлар миқдори қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\beta\text{-липопротеид} = E_{II} - E_I \times 1165.$$

1165 рақами бу липопротеидларни мг га айлантириш учун ҳисоблаш натижасида тонилган эмпирик коэффициент.

Одамда меъердаги  $\beta$ -липопротеидлар - 400-800 мг% ҳисобида. Уларнинг миқдори ёшга, жинсга, ўрсиятга ва ҳ.к. га боғлиқдир.

### **МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР**

1. Жигарнинг тузилиши, қон айланиси ва фаолиятлари.
2. Тажрибада жигар фаолияти етишмовчилигини ҳосил қилиш усуллари ва уларнинг клиника учун аҳамияти.
3. Жигар фаолияти етишмовчилигида карбонусув алмашинувининг бузилиши.
4. Жигар фаолияти етишмовчилигида ёғ алмашинувининг бузилиши.
5. Жигар фаолияти бузилишида оқсил алмашинувининг бузилиши.
6. Жигарнинг зарарсизлантириш фаолияти бузилишнинг асосий кўринишларини изоҳланг.
7. Жигар - ҳужайра етишмовчилиги кўринишларининг патогенези.
8. Гепатитлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва патогенези.
9. Циррозлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва патогенези.
10. Портал гипертензия, унинг патогенези ва асоратларини айтинг.
11. Жигар циррозида асцит ривожланишининг механизмини айтинг.
12. Ўт пигментларининг организмда айланиси.
13. Ўтнинг таркиби ва унинг физиологик таъсирини тушунтиринг.
14. Химик симптомокомплекснинг келиб чиқиши механизми.
15. Механик сарикликда жигар функциясининг бузилиши.
16. Гемолитик сарикликнинг келиб чиқиши сабаблари ва ривожланиши.
17. Паренхиматоз сарикликда жигар функциясининг бузилиши.
18. Жигар экстирпациясининг асоратлари.

### **6 БОБ БҮЙРАК ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ**

#### **Сийдик ҳосил бўлиши механизми ва унинг бузилиши**

Сийдик ҳосил бўлиш жараёни икки босқичга бўлинади. Бирламчи сийдик ҳосил бўлиш босқичи қон плазмасининг бўйрак контокчаларида ультрафильтрацияланишидан иборатdir. Бу босқичда бўйрак контокча аппаратидаги капилляр (қылтномир) қон томирларидан асосан зардоб, яъни оқсиллари йўқ, кимёений таркибига кўра плазмага жуда яқин бўлган суюқлик - бирламчи (провизор) сийдик фильтрланиади (сизиб ўгади).

Қоннинг контокчаларда сизиб ўтишининг асосий шарти уларда қон айланисининг ўзига ҳосилиги ва айниқса, артериола капилляр томирларда

## **Л ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

гидростатик босимнинг онкотик босимдан юқори бўлишидир. Фильтрация даражаси эса қон ва капилляр томирлардаги ҳамда Шумлянский капсуласидаги гидростатик - онкотик босимларнинг кескин фарқланишига бοғлиқдир.

Контокчалар - капиллярларидағи қон босими умумий артериал босимнинг 60% ини ташкил этади, яъни симоб устунининг 70-80 мм га тенг, онкотик босим эса симоб устунининг 25-30 мм га тенг бўлади. Шу сабабли ҳам контокчаларда гидростатик босим симоб устунининг 40-45 мм га қадар юқори бўлиб, контокчалар мембранаси оркали суюқликнинг фильтрациясини таъминлаш имкониятига эгадир.

Буйрак қон томирлари - капиллярлари тўрининг ўзига хос тузилиши ҳам уларда гидростатик босимнинг юқори бўлишини таъминлайди. Буйрак қон келтирувчи артериясининг аортадан тўғри чиқиши, ўзи калта, лекин кўндаланг кесимининг нисбатан катта бўлиши ҳам ушбу жараённинг амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга. Қон олиб келувчи артерия кўндаланг кесимининг қон олиб кетувчи артериянига нисбатан катталиги эса фильтрация учун янада қулайлик яратади.

Демак, қон олиб келувчи артериянинг кенгайиши ёки қон олиб кетувчи артериянинг торайиши фильтрация жараённини тезлаштиради. Буйракнинг ана шу анатомик-гистологик ва физиологик хусусиятлари туфайли бир кечакундуз давомида фильтрация натижасида ўрта ҳисобда 180 л бирламчи сийдик ҳосил бўлиб, унинг деярли 178-178,5 литри каналчалардаги мураккаб жараёнлар туфайли қайта сўрилади.

Сийдик ҳосил бўлишининг иккинчи босқичи - бу қовуқда сийдик ҳосил бўлишидир. Аммо бундан аввал ҳосил бўлган бирламчи сийдик Шумлянский капсуласидан нефронларнинг каналчалар системасига ўтгандан сўнг гоят мураккаб ўзгаришларга дуч келадики, натижада охирги-иккиласи ёки қовуқ сийдиги ҳосил бўлади.

Бу жараён механизми каналчалардаги реабсорбция (қайта сўрилиш) оддий диффузиядан тортиб то танлаб сўрилишгача ва каналчалар секрециясига асосланади.

Бирламчи сийдик каналчалар оркали ўтаётганда организм учун зарур бўлган мөдделар - глюкоза, натрий, хлоридлар, сув ва ҳ.к. қайта сўрилади. Сийдикчили - мочевина, сийдик кислотаси, аммиак, магний, кальций, фосфатлар, сульфатлар, кетон таначаларининг деярли барчаси сийдик таркибида ажралади. Ушбу жараёнлар туфайли бу хил мөдделар ҳам суюқлик ҳажмида кўпайиб, сийдик қуюқлашади, яъни концентрацияси ортади.

Каналчалар аппаратининг ҳар бир қисмида ўзига хос қайта сўрилиш, секретор ва ҳ.к. реакциялар юз беради. Чуюнчи, глюкозанинг қайта сўрилиши каналчаларнинг проксимал қисмида, ионлар, хлоридлар ва сувни асосий қисмининг сўрилиши эса уларнинг настки - дистал қисмларида амалга ошиди.

Фильтрацияланувчи барча таркибий қисмлар - компонентларнинг қайта сўрилишини эътиборга олиб, америкалик олим Кенин "бўсагали" (пороговыс) шунга кўра "юқори, наст бўсагали" ва "бўсагасиз" мөдделарни тафовут этишини тавсия этган. Бу маълум заражада амалий аҳамиятга эга. Бўсагали мөдделар

(мас., глюкоза, хлоридлар) агар уларнинг қондаги концентрацияси бўсага имконияти, яъни унинг каттагилардан кичик бўлса, каналчаларда тўла қайта сўрилади. Ана шунда улар иккиласми чийдик таркибида учрамайди. Демак, бўсагали моддаларнинг қайта сўрилиши ҳам фаол йўл билан, ҳам суст, яъни диффузия орқали амалга ошади.

Куйи ёки паст бўсагали моддалар (карбамид, мочевина -сийдикчил, сийдик кислотаси, эндоген сульфатлар, фосфатлар ва ҳ.к.) диффузия йўли билан кам микдорда яна қонга ўтади. Бўсагасиз моддалар, мас., креатинин эса умуман қонга сўрилмайди ва диффузияланмайди ҳам. Соглом каналчаларда сув фаол қайта сўрилади. Одам бўйраги ҳар қандай ҳолатда ҳам сувнинг деярли 80-85% ини мажбуран қайта сўради, чунки бу глюкоза ҳамда электролитларнинг фақат сувда эригган ҳолатда қайта сўрилишига боғлиқдир. Каналчаларда қолган суюқлик эса изотоник ҳисобланади. Каналчаларнинг дистал қисмида сув сўрилиши гипоталамус -гипофизнинг антидиуретик гормони таъсирида амалга ошади, уни сувнинг номажбурий башқарилиши орқали амалга ошиган қайта сўрилиши деб ҳам айтилади. Шу туфайли сийдик концентрацияси -куюқлиги деярли 30-40 марта ошади.

Мана шундай жараён ҳамда реакциялар натижасида концентрацияланган-куюқлашган сийдик ҳосил бўлиб, уларнинг солиштирма оғирлиги плазманикига нисбатан (оксилларни ҳисобга олмаганида) юқори-гипертоникдир.

Шундай қилиб, сийдик ҳосил қилиш жараёни асосан бўйракнинг икки тузилма - функционал қобилиятига, яъни бўйракнинг фильтрлари ва унинг натижасида бирламчи сийдик ҳосил бўлишига ҳамда унинг каналчаларида рўй берадиган ўзгаришлари туфайли концентрациялаш қобилиятларига боғлиқдир. Натижада модда алмашинувининг турли маҳсулотлари (уларнинг аксарияти организмга кераксиз заҳарловчи таъсирили қолдиқ моддалардир) организмдан чиқарилади. Чиқариладиган асосий моддалар кичик ҳажмдаги суюқлик таркибида концентрацияланган - қуюқлашган ҳолда иккиласми чийдик сифатида ажралади.

Меъёрда сийдик (сугкалик сийдик) нинг асосий таркиби қисмини куйидаги электролитлар ва азотли чиқинди моддалар ташкил қиласи (жадвалга к.).

Меъёрда одам организмидан ўрта ҳисобда 25-30 г мочевина ташкарига чиқарилади ва бу сийдикдаги азотнинг асосий қисмини ташкил этади.

**Сийдик ажралини - диурезнинг бузилиши**, ўзгаришлари ҳар хил кўришида - полиурия, олигурия, анурия сифатида; бўйракнинг концептациялаш қобилиятининг бузилиши эса - изостенурия, гипостенурия ва гиперстенурия тарзида кечади. Патофизиологик нуқтаи назардан уларнинг кўринишлари кўйидагича.

**Полиурия** - сийдикнинг кўплаб ажралини. Бу кўп суюқлик истегъимол қилганда, ташкил ва ички мухитнинг физик - кимёвий омилилари таъсири этганда, мас., атроф-мухитнинг ҳарорати пасайганда, ҳар хил сийдик хайдовчи моядалар қабул килишганда, айрим касаликлар, чунончи қандилидиабет, қандисиз диабет ва ҳ.к.да кузатилади. Бўйракнинг концентрациялаш қобилиятини бузилишганда ҳам полиурия юзага келади.

**Сийдикнинг меъёрий таркибий кўрсаткичлари**

Моддалар номи	Аввали система бўйича	СИ системаси бўйича
Калий	1-3 г	25-75 ммолъ
Натрий	2-6 г	170-260 ммолъ
Фосфор	0,8-1,5 г	26-50 ммолъ
Кальций	100-300 мг	2,5-7,5 ммолъ
Мочевина (карбамид, сийдикчил)	20-33 г	250-400 ммолъ
Сийдик кислотаси	0,4-1,0 г	2,5-6,0 ммолъ
Креатинин	1,6-3,0 г	13,2-26,5 ммолъ
Оксалатлар	15-50 мг	170-560 ммолъ

**Олигурия** - сийдик ажралишининг камайиши, у буйракка алоқадор ва алоқадор бўлмаган сабаблар натижасида вужудга келади.

Буйракка алоқадор бўлмаган сабаблар - оғир, пайдо қиласиган рефлекслар, оғир руҳий шикастланишлар, мия ўсмаси ва яллигланишида, организмнинг сўвсизланиши натижасида ҳам ривожланади. Бундан ташқари, бошқа турли ҳолатлар, шишлар ривожланишида ҳам кузатилади.

Буйракка алоқадор сабаблари - ўтқир гломерулонефрит (унинг бошлангич даврида) ва нефросклерозда фильтрациянинг бузилишидир.

**Анурия** - бу сийдик ажралишининг мутлақ тўхташи бўлиб, кёлиб чиқиши сабаби, жойи ва механизмига кўра қўйидаги турлари ажратилади:

- 1) рефлектор;
- 2) буйракка бөглиқ (ренал);
- 3) буйракдан юқоридаги ўзгиришларга бөглиқ - преренал, яъни томирларнинг сиқилиши ёки эзилиши, тромбози, эмболияси ва ҳ.к. туфайли;
- 4) субренал - буйракдан кейинги;
- 5) экстраренал - буйракка бөглиқ бўлмаган бузилишлар натижасида келиб чиқадиган патология ва б.

**Гипостенурия** - буйракнинг концентрациялаш қобилиятининг сусайиши туфайли қабул қилинаётган сув ва оқсил моддалар миқдори ҳам сифатига нисбатан солишиштира оғирлиги наст бўлган (1012-1014) сийдикнинг ау ғлиб чиқишидир. Изостенурия - буйрак концентрациялаш қобилиятининг мутлақ йўқолиши сабаби ажралиб чиқаётган иккиласчы сийдикнинг солишиштира оғирлигини бирламчи сийдик, яъни плазманинг солишиштира оғирлиги (1010-1012) дан деярли фарқ қиласиги.

Буйракнинг функционал ҳолатини текширишининг баъзи усувлари - синамалари (пробалар), аввали, буйракнинг фильтраш ва концентрациялаш каби асосий қобилиятларини аниқлашга қаратилгандир. Бу бораца таклиф этилган текширишини усувлари тоятг'ўн, аммо уларнинг асосий маъмуни буйрак-

нинг ана шу икки мұхим қобиляти ҳақида мүмкін қадар аниқ ва холис ахборот берішдан иборат. Улар ҳозиргача ўз қимматини йүкотмаган.

### **Сийдикнинг патологик тарқибий қасмлари**

Бүйрак касаллуклари, аксарият, мөъерий сийдикдә мутлақо учрамайдыган (айримлари жуда кам миқдорда бўладиган) ҳар хил моддалар, конгломератлар (аралашмалар) нинг пайдо бўлиши билан кечади. Уларнинг мавжудлиги, миқдори ва ажralиши давомийлигини аниқлаш клиник амалиёт учун жуда катта аҳамиятта молиқdir.

Улардан асосийлари қўйидагилар:

1. **Альбуминурия** (протеинурия) - сийдик тарқибидә оқсил бўлиси. Протеинуриянинг келиб чиқиши механизми гоят мураккабdir. Унинг биринчи сабаби контокчалар капиллярлари ўтказувчанининг ортиши (мас., нефритда сийдик билан асосан молекуляр массаси паст оқсиллар, аввало альбуминлар ажратилиши) dir. Иккинчи сабаби эса, каналчалар шикастланганда ферментатив жараёнларнинг бузилиши туфайли бирламчи сийдик билан чиқувчи оқсиллар қайта сўрилишининг бузилишидир. Бу механизм рўй берганда айниқса кўп оқсил йўқотилади (мас., нефротик синдромда) ва бу гипопротеинемияга, шунингдек организмда шиши ҳосил бўлишига сабабицидир. Айрим тахминларга кўра, протеинурия патологияда оқсилнинг каналчалардан секреция қилиниши ёки парчаланган эпителий ҳужайралари оқсилининг сийдикка қўшилишига bogлиқdir. Шу билан бирга, альбуминуриянинг айрим турлари, мас., жисмоний ҳаракат вақтида, совуқ сувда чўмилганда (ёки душ қабул қилинганда), ҳайз вақтида, ҳомиладорликнинг охирги учинчи ойлигига, ёш болаларда (мас., ортостатик альбуминурия) физиологик ҳисобланади. Барча ҳолларда альбуминурия бўйрак ички қон айланишининг бузилиши ҳисобига ривожланади. Альбуминурия бошқа қатор касаллукларда ҳам: юрак иши етишмовчилигида бўйракда қон димланиши ҳисобига, миокардитда, юкумли касаллуклар ва ҳ.к. да ривожланиши мүмкін.

2. **Гематурия** - сийдик тарқибидә унча ўзгармаган янги эритроцитларнинг пайдо бўлиши. Гематурия ўткир диффуз гломерулонефрит, бўйрак инфаркти, бўйрак ўсмаси, бўйрак сили, бўйрак захми, тош касаллиги, жароҳатланишларда кузатилади. Гематурия қовуқнинг шикастланиши, сийдик йўллари ва бўйрак жомининг турли шикастланишларида ҳам рўй бериши мүмкін.

3. **Гемоглобинурия** - сийдик тарқибидә гемоглобин бўлиши. Бу эритроцитларнинг парчаланиши ва гемоглобиннинг ажралиши билан кечадиган ҳар қандай ҳолатларда юзага келади.

4. **Цилиндруррия** - ҳужайраларнинг шикастланишидан ҳосил бўлган оқсил табиатли моддаларнинг сийдик орқали ажралиши:

а) гиалинлы цилиндр гомоген, ойнасимон тузилишда бўлиб, бўйрак касаллуклари, иситма ва ҳ.к. да пайдо бўлади;

б) эпителиал цилиндр - бўйрак каналчаларининг эпителий ҳужайраларидан ташкил тошган, бўйрак паренхимасининг шикастланишида пайдо бўлади;

в) доначали цилиндр доначали кўринишларга эга. Ёғ томчилари ва лейко-

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ НАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

цитлар ёки бошқа хужайраларнинг парчаланиши маҳсулоти бўлиб, доначаларга тўлган бўлади.

Сийдик таркибида цилиндрларнинг пайдо бўлиши буйрак эпителийсининг дистрофик ўзгаришидан далолат беради.

### **АМАЛИЙ ҚИСМ**

#### **29 МАШГУЛОТ**

---

**Мавзу.** Сийдик ҳосил бўлиши ва ажralишининг бузилишлари.

**Мақсад.** Буйрак патологиясининг сабаблари ва ривожланиши механизмилари ҳамда унинг сийдик ажратиш фаолиятининг типик бузилишлардаги ҳолатини синамалар ёрдамида ўрганиш.

**1-вазифа.** Буйракнинг суюлтириш қобилиятини текшириш усули. Бу усулни бажариш учун текширилувчи шахсга унинг оч ҳолатида (наҳорга) кўп сув (яъни унга 1500 мл суюқлик - сув ёки суюқ чой) ичирилиб, ҳар 30 дақиқада сийдиги йигилади. Агар текширилувчининг буйраклари нормал ишлаётган бўлса, биринчи 4 соат мобайнида юборилган барча (юклама) сув сийдик (1500 мл дан кам бўлмаган) орқали ажralиб чиқарилади. Шу билан бирга, сийдикнинг солиштирма оғирлиги жуда паст (айримларида хатто 1002 гача) бўлади. Аммо Фольгардт ва Фарлар гавсия этган бу текшириш усули албатта физиологик эмас, чунки шикастланган буйракка ортиқча, қўшимча юклама тушиб, касалликий кучайтириб юбориши мумкин. Лекин зарур ҳолларда бундай синамани ўтказнишга тўғри келади.

**2-вазифа.** Концентрациялаш қобилиятини текшириш усули. Бу усулни олиб бориш учун текширилувчи кининг кун давомида фақат куруқ овқат берилади, яъни суюқлини истеъмол қилиш жуда чекланиб, асосан оқсилига бой озиқ моддалар буюрилади. Синалувчининг сийдиги кундуз ҳар 2 соатда (ёки 4 соатда), тунги сийдиги эса эртасига эрта билан бир марта йигилади. Ҳар бир йигилган сийдикнинг миқдори ўйчаниб, солиштирма оғирлиги аниқланади. Нормал концентрациялаш қобилиятига эга бўлган буйракдан ажralиб чиқсан сийдикнинг суткалик миқдори 200 мл га яқин, унинг солиштирма оғирлиги эса юқори (гиперстенурия) бўлади, ҳар хил вақтда йигилган сийдикнинг солиштирма оғирлиги бир-бираидан кескин фарқ қиласди. Мезъёра ажralётган сийдикнинг миқдори ва солиштирма оғирлиги қон таркибига, бу эса овқатлашишга боғлиқдир. Агар одам кўп сув исча, сийдик кўп ажralиб, солиштирма оғирлиги паст бўлади ва аксинча, сув қабул килиш чекланганда сийдик кам ажralиб, солиштирма оғирлиги юқори бўлади. Демак, сув чекланган вақтда буйрак организмдан чиқарилиши зарур бўлган чиқинди моддаларни кам миқдордаги сийдик билан ажратилиши мумкин экан. Агар синалувчи шахс буйрагининг концентрациялаш қобилияти етарли бўлmasa, сув чекланган бўлишишга қарамай солиштирма оғирлыги паст сийдик ажralади ва унинг айрим

вактда йигилганларининг ҳам фарқи камроқ бўлади. Аммо бу усул ҳам физиологик хисобланмайди, чунки шикастланган бўйракка кўшимича оғирлаштирувчи таъсир кўрсатиши, организмнинг аутоинтоксикациясини кучайтириш эхтимоли бор.

Мавжуд синама - текширишлар ичida Зимницкий усули анча кенг тарқалган усуллардандир.

**З-вазифа.** Зимницкий усулида бўйракнинг функционал қобилиятини текшириш. Бу синама учун текширилувчи шахснинг овқатланиши ва сув истеъмол қилиши одатдагича бўлиб, унинг бир кечада кундуз давомида ажратадиган сийдигини ҳар 3 соатда алоҳида 8 та шиша банкага йигилади. Кейин ҳар бир банкадаги сийдик миқдори алоҳида ўлчаниб, солиштирма оғирлиги аниқланади. Сўнг олинган кўрсаткичларга асосланиб алоҳида суткалик-кундузги ва тунги диурез аниқланади. Сийдикнинг сутка давомидаги ўртача солиштирма оғирлиги аниқланаб, солиштирма оғирлиқнинг тебранишини эътиборга олган ҳолда бўйракнинг қобилиятилари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Соғлом одам сийдиги солиштирма оғирлигининг тебраниши ҳар бир алоҳида олинган шиша банкаларда 1010 дайн 1025 гача бўлади. Умумий диурез эса истеъмол қилинган суюқлик миқдорига деярли тўғри келиши керак. Умумий диурезнинг 2/3 қисмини кундузги, 1/3 қисмини тунги диурез ташкил қилиши керак.

Бу текшириши усули бўйракнинг кўпгина шикастланишиларида қўлланилади. Ҳар бир шиша идишдаги сийдикнинг солиштирма оғирлиги ва миқдори ўлчанади. Кундузги ва тунги диурез аниқланади ҳамда аниқланган мочевина - сийдикчил миқдорига эътибор берилади.

Ушбу синамани ўтказиш якунида текшириши усулларининг кўрсаткичларига қараб бўйракнинг фаолияти ҳақида мулоҳаза юритиш ва хуоса чиқариши, бунда айникеа, гипостенуря, изостенуря, никтуря, организмда азот алмашинувининг чиқинди маҳсулотлари миқдори, тури ва улардан заҳарланиш (аутоинтоксикация)га алоҳида эътибор берини зарур. Сийдикнинг солиштирма оғирлигига қараб мочевина миқдорини аниқлаш мумкин.

Сийдикнинг солинигтирма оғирлиги кўрсаткичининг охирги икки рақамини куйидаги эмпирик коэффициент - 2,3 га кўйайтирасак, у ҳолда сийдикдаги (1 л да) қаттиқ моддаларнинг миқдори ҳақида маълумот олиш мумкин. Сийдикдаги қаттиқ моддаларнинг 2/3 қисмини органик, 1/3 қисмини анорганик моддалар ташкил қилади. Органик моддаларнинг 3/4 қисми мочевинадир.

Мас., сийдикнинг ўртача солиштирма оғирлиги - 1012

$$\text{Мочевина} = 2,3 \times \frac{2}{3} \times \frac{3}{4} = \frac{12 \cdot 2,3 \cdot 2,3}{10 \cdot 3 \cdot 4} = 13,8 \text{ г/л.}$$

Суткалик диурез - 2 л. Демак,  $13,8 \times 2 = 27,6$  г, яъни бир кечада кундузги сийдикда 27,6 г мочевина чиқарилган. Бу мисодиа полиуриянинг компенсатор аҳамиятга эга эканлигига эътибор берини зарур.

Сийдик миқдорини ва солинигтирма оғирлигининг ўзгаришлари сийдикда

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

патологик таркибий (меъерда учрамайдиган ёки кам учрайдиган) кисм моддаларининг пайдо бўлиши ўткир ва сурункали буйрак касалликларига хос эканлиги, уларнинг патогенездаги моҳияти алоҳида қараб чиқилиши керак.

### **30 МАШГУЛОТ**

**Мавзу.** Буйрак касалликларидаги сийдик таркибий қисмининг ўзгариши ва уйда нормада учрамайдиган қўшимчаларнинг пайдо бўлиш сабаблари, механизmlari.

**Мақсад.** Буйрак фаолиятини унинг турли қўрсаткичларини нормада ва патологияда текішириш орқали ўзлаштириш ва уларнинг натижаларини патофизиологик нуқтаи назардан мұхокама қилиш.

**Вазифа.** Тажрибада сулема ( $HgCl_2$ ) таъсирида нефроз ҳосил қилинган ит сийдиги таркибидағи оқсилни аниқлаш.

Эслатма: тажриба итда ўтказилади. Машгулотдан аввал ҳайвонда сулемали нефроз ҳосил қилинади. Бунинг учун итнинг териси остига (ҳайвон оғирлигигининг ҳар бир кг га 1,5 мг ҳисобида)  $HgCl_2$  юборилади. Текшириладиган сийдик итнинг қовугидан бевосита, маҳсус фистула орқали олинади.

#### **Сийдикда оқсилни аниқлаштырувчи усувлари**

Сийдик таркибида оқсилни аниқлаш учун сийдик тиниқ (лозим бўлса фильтрланади) ва мухит кислототали (зарур бўлса сирка кислотасининг кучсиз эритмаси қўшилади) бўлиши керак.

**Сульфосалицил кислотаси билан тескириши.** Пробиркага 4-5 мл сийдик кўйиб, унга 20% ли сульфосалицил кислотасидан 8-10 томчин томизилади. Агар сийдик таркибида оқсил бўлса, унинг тиниқлиги йўқолади. Бунда оқсил миқдорига қараб оқ чўкма ҳосил бўлади, чунки кислота таъсирида сийдикдаги оқсиллар қонгюляцияга учрайди. Агар таркибида альбумозлар сақланган бўлса ҳам, сийдик хирадашини мумкин. Бу холда аниқлаш учун сийдикни спиртовка устида қиздирилади. Агар сийдик альбумозлар ҳисобига хирадашган бўлса, яна тиниқланади, агар оқсил ҳисобига бўлса, аксинча, дагал чўкма ҳосил қиласи.

**Азот кислотаси билан тескириши (Геллер тажрибаси).** Пробирка тубига (деворига тегизмай) азот кислотасининг кучли (33-50%) эритмасидан 1 мл солиниб, устига пробирканинг девори орқали таҳминан 1 мл сийдик кўйилади (кислота ва сийдик 2 қатлам бўлиши керак). Бунда агар сийдик таркибида оқсил бўлса, кислота билан сибук оғланигида оқ ҳаёнга ҳосил бўлади.

Реакциянинг сезигирлиги - 0,33%.

Юқоридагилар сиғатий усувлар бўлиб, улар орқали сийдикда оқсилнинг бор ё йўқлиги аниқланади.

Сийдикдаги оқсил миқдорини куйнчаги усул билан ҳам аниқлаш мумкин.

Роберт-Стольников усули. Агар сийдик таркибида оқсил миқдори 0,33%

га тенг бўлса, азот кислотаси билан аниқлаганда ҳосил бўладиган оқ ҳалқа опқа бўлиб, фақат 2-дақиқанинг охирида кўринади. Агар ҳалқа тез ва қалин ҳосил бўлса, бу сийдикдаги оқсил микдорининг 0,33% дан кўп эканлигидан ялолат беради. Бундай ҳолда сийдик ҳар хил даражада (2, 4, 8, 16, 32 ва ҳ.к.) да ўюлтирилади, улардаги сийдик азот кислотаси ёрдамида аниқланаб, қайси яраჯада суногтирилган сийдикнинг оқсил микдори 0,33% га тенглигини аниқланади. Кейин 0,33% ни суюлтириш даражасига кўпайтириб, сийдикдаги оқсил микдорини аниқланади.

Машгулот якунида ўткир ва сурункали нефритда, нефротик синдромда ѡльбуминурия ва умуман, простеинуриянинг патогенези кўриб чиқилади ва йаҳоланади.

### **МАВЗУТА ОИД САВОЛЛАР**

1. Буйракнинг асосий функциялари нималардан иборат?
2. Организмда гомеостазни сақлашда буйракнинг тутган ўрни.
3. Сийдик ҳосил қилиш ва унинг патологияда ўзгариши.
4. Буйрак касалликларини аниқлашда қўлланиладиган усусларни айтинг.
5. Буйрак клиренси, унинг аниқлаш принципи ва клиникадаги аҳамияти.
6. Полиурия, олигурия ва анурия, уларнинг сабаблари, келиб чиқиш механизмлари.
7. Буйракнинг концентрациялаш қобилиятининг бузилиши ва унинг оқибатлари.
8. Протеинурия, сабаблари, келиб чиқиш механизмлари ва оқибатлари.
9. Гематурия, унинг сабаблари ва оқибати.
10. Цилиндруриния, унинг сабаблари.
11. Гликозурия, келиб чиқиш механизми. Буйрак гликозуриясини бошқа урдаги гликозуриялардан фарқини тушунтиринг.
12. Буйрак касалликларида шинш пайдо бўлиши механизmlари.
13. Буйрак этишмовчилигига артериал қон босимининг кўтарилиш механизми.
14. Буйрак касалликларининг этиологияси ва патогенези.
15. Ўткир ва сурункали буйрак этишмовчилиги, уларнинг фарқловчи юссалари.
16. Сурункали буйрак этишмовчилигининг асосий кўринишлари.
17. Нефротик синдром, унинг асосий тавсифи.
18. Зимницкий тажрибаси, тажрибанинг клиник-лаборатория аҳамияти.
19. Азотемия, келиб чиқиш механизмлари ва буйрак азотемиясининг кигар азотемиясидан фарқи.
20. Сийдикда оқсилни аниқлаш принциплари.

## **7 БОБ**

### **ЭНДОКРИН БЕЗЛАР (ИЧКИ СЕКРЕЦИЯ БЕЗЛАРИ) СИСТЕМАСИННИГ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯСИ**

Эндокрин безлар системаси, аввало, нерв системаси билан бирга инсон организмни фаолиятларини идора этиш, уларни бир-бiriга мослаштириб туриш каби мураккаб, кўп қиррали ва юксак дарражада ихтисослашган ҳёттий мухим вазифаларни бажаради.

Эндокрин безларнинг ўзига хос (специфик) фаолияти, яъни организм гомеостазини кўллаб-куватлаб туриши организмни ҳёттинг ўзгарувчи ташки ва ички шароитларига мосланышда бевосита қатнашуви, унинг ўсиши, ривожланиши, руҳиятига ва барча аъзолари фаолиятига таъсир кўрсатувчи маҳсулотлари -биологик фаол моддалар-гормонлар орқали амалга оширилади.

Гормонларнинг кўпчилиги оқсиллар (пептидлар, олигопептидлар)га таалукли бўлиб, улар ўзига хос (специфик) таъсирини эфекторлар (таъсирилувчилар) ёки "нишонлар" деб аталмиш хужайралар ва аъзоларга кўрсатади.

Гормонлар секрецияси *рилизинг омиллар* деб аталадиган пептид табииатли ўзига хос омиллар томонидан идкора этилади. Улар гормонлар секрециясини ё кувватлайди (либеринлар) ёки тўхтатади - тормозлайди (статинлар).

Гормонларнинг физиологик таъсири мавзуу якунидаги 9-жадвалда келтирилган.

Эндокрин бузилишларнинг асосий этиологик омиллари қўйидагилар:

- руҳан ээзилиш (травма), кучли хис-ҳаяжонли кечинмалар;
- яллигланиш жараёни;
- бактериал ва вирусли инфекциялар;
- маҳаллий қон айланиши бузилишлар (мас., тромбоз ва ҳ.к.);
- алиментар бузилишлар (овқат таркибида оқсилларнинг камчиллиги ва карбонсувларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш, овқат ва сувда иод, кобальтнинг тақчиллиги ва ҳ.к.);
- ионлаштирувчи радиация таъсири;
- генетик ва туғма аномалиялар (нуксошлар);
- ўсмалар;
- заҳарланиш;
- некротик жараёнлар ва ҳ.к.

Эндокрин бузилишларнинг патогенезида гипо-, гипер- ва дисгоф мәналлатлар етакчи роль ўйнайди.

Гипо- ва гипергормонал ҳолатлар фақат яхлит эндокрин аъзогагина таалукли эмас, чунки у баъзан бир исчада гормонларни ишлаб чиқаради. Бу тушунчалар айrim гормонларнинг бузилишини ифодалаш учун ҳам кўллашнилади.

Дисгормонал ҳолатлар - бу эндокрин безда гормонларни ёки уларнинг биосинтезидаги физиологик фаол таркибий қисмларни ишлаб чиқарилиши-

нинг у ёки бу томонга ўзгаришлари ёхуд атипик гормонал маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши ва қонга тушчиши билан ифодаланади.

Эндокрин системанинг барча бўлимлари ўз фаолиятини ўзаро узвий боғлик ҳолда амалга оширади.

Бир без фаолиятининг бузилиши, албатта занжирсизмон кетма-кет гормонал силжишлар реакциясига, яъни коррелятив - бир-бираига боғлик бўлган эндокрин ўзгаришларига олиб келади. Эндокрин аъзолардаги бундай боғлиқликдаги ўзгаришларнинг йўналиши улар ишлаб чиқарадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга таъсири этиш характеристери билан белгиланади. Ушбу белгига кўра, гормонларни антагонист (қарама-қарши, зид) ва синергист (ҳамкор) гормонларга ажратилади.

Агар бир гормон томонидан иккинчисининг физиологик фаоллиги тўла намоён бўлиши учун қулай шароитлар таъминланса ёки шунга имкон берилса, унда гормоннинг пермиссив (воситачилик) фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Кўпинча эндокринопатияларнинг патогенезига гормонсизмон моддалар - "тўқима гормонлари", гормоноидлар (мас., простагландинлар, брадикинин, серотонин ва х.к.) ҳам жалб этилади.

Эндокрин касалликларнинг ривожланиш механизмларини умумлаштирилган ҳолда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Эндокрин функцияларни марказий идора этилишининг бузилишлари (психоген - руҳий эндокринопатия, механик шикастликлар - травма, қайта акс болганиш механизмларининг издан чиқиши ва х.к.).

2. Гормонларнинг биосинтези ва ажralиши (секрециясининг бузилишлари (гило-, гипер- ва дисгормонал ҳолатлар, рилизинг -омил назоратининг издан чиқиши).

3. Гормонларнинг ташилиши (транспорти), метаболизми ва биологик таъсирининг бузилишлари (гормонларнинг эркин фракцияси - бўлаги алмашинувининг ўзгариши, унинг инактивацияси - фаолсизланиши ва х.к.).

### **Эндокрин бузилишларни ўрганиш усуллари.**

1. Гормонлар миқдорини сийдикда, қонда, бионитатда ёхуд организмнинг ҳалокатидан сўнг ёриб олинган материалда аниқлаши.

2. Ажратиб олинган аъзо ёки тўқимада гормонларни биологик усулда аниқлаш.

3. Кимёвий усуллар (катехоламиналар, стероид гормонларни аниқлаш) ва флуорометрия, газли ва суюқ хроматография каби аниқлаш виситалари.

Кимёвий таркиблари ҳали номаълум бўлган протеогормонларни аниқлашда эса бундай усулларни қўйланилмайди.

4. Радиоюкацион усуллар (мас., сатурацион текнориги).

5. Радиоиммунологик текшириш усулни ўтасезгир бўлиб, аммо гормоннинг биологик ва иммунологик реакцияларни қобилиятлари ўртасида узвий яқинлик, мослик (корреляция) мавжудлиги туфайли ҳали такомиллашмаган.

6. Энзим иммунологик усул. Бунда моддаин радиоизотоп билан белгилаш энзим - фермент билан алмаштирилган.

## АМАЛИЙ ҚИСМ

### 31 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Эндокрин система патологиясида асосий бузилишлар патогенезини ўрганиш.

**Мақсад.** Организмга гормонларнинг биологик таъсирини гонадотроп гормонлар мисолида ўрганиш.

**1-вазифа.** Галли-Майнини реакцияси билан сийдикда гонадотроп гормонларнинг бор-йўқлигини аниқлаш.

**2-вазифа.** Ашгейм-Цондек биологик реакцияси билан сийдикда гонадотроп гормонларнинг бор-йўқлигини аниқлаш.

Маълумки, ҳомиладорликда гипофизнинг гонадотроп гормонлари (ФСГ, ЛГ, ЛТГ) ишлаб чиқариши кучаяди, шунингдек у йўлдош ҳосил қиласди, организмдан эса сийдик орқали ажраблиб чиқади. ФСГ аёллар тухумдонида фолликулаларнинг етилишини, эркакларда эса сперматогенезни стимуллайди. ЛГ аёлларда фолликулаларни ёриб, сарик тана ҳосил қиласди ҳамда эстероген ва прогестеронлар секрециясини стимуллайди, эркакларда эса интерстициал тўқимани ривожлантиради ва андрогенлар секрециясини тезлаштиради.

Хорионгонадотропинларни сийдикда бор-йўқлигини аниқлашнинг жуда кўп биосинамалари (Ашгейм-Цондек, Фридман, Кватер, мелановор реакциялар ва ҳ.к.) мавжуд.

Улардан энг оддийси ва тез бажариладигани Галли-Майнини реакциясидир.

#### 1. Галли-Майнини реакцияси.

Бу усул эркак бақа сийдигида сперматозоидларни топишга асосланган бўлиб, у аёл сийдигида гонадотроп гормонлар борлигини кўрсатади ва демак, ҳомиладорликдан далолат беради.

Тажриба учун иккита эркак бақа олинади. Аввал уларнинг клоакаси (чиқарув тешигига)дик Пастер томизгичи билан озгина сийдик олинниб, ундан осма томчи тайёрланади ва микроскопнинг қоронгилаштирилган майдонида кўрилиб, сперматозоидларнинг бор-йўқлиги аниқланади. Агар йўқ бўлса, бақанинг орқа лимфатик халтачасига 1,5-2,0 мл ўлчамда текширилаётган сийдикни юборилади ва 30-40 дақиқа бақани сув солинган идиш (банка)да сақланади. Кейин клоакадан такроран сийдик олинниб, ундан осма томчи тайёрлаб, микроскоп остида текширилади.

#### 2. Ашгейм-Цондек реакцияси.

Усул вояга етмаган сичқонларнинг ҳомиладор аёл сийдигига нисбатан реакцияси туфайли спонтан (ўз-ўзидан, тўсатдан) балогатга стицига асосланган.

Тажриба учун 5 та инфантил (балогатга етмаган) ургочи сичқон олинади ва уларга 48 соат давомида (хар 8 соатда) 6 марта 1,2-2,4 мл ўлчамда

9-жадвал

## Гормондар за уларнан физиологик тәсирleri

Гормонлар номи	Гормонлар мәнбасы	Физиологик ахамияти	Клиник күриншилдари
		1 2 3 4	
1. Тироксин	Калкконсимон без	Асосий алмашыннинг жадаллығының күтәйтірілгені	Гипофункция: ёш болаларда кретинизм, кантта ёшшагиларна эңемек бүкөк. Гиперфункция: Базедов касалиғи, Грэвс касалиғи, диффуз токсик бүкөк
2. Калкконсимон без олд бези гормони	Калкконсимон без олд бези гормони	Кальций ва фосфор алмашыннин ишора күләмдері	Гипофункция: ёш болаларда спазмофилия (шайтанлаш), кантта ёшдагыларда паратиреоид үстәнән ёки кахексия Гиперфункция: сұксизланыш, күсиси, иситма, үткір бүйрак етишмөчилеги, үлем
3. Инсулин		Мезда ости бези Лангерганс оролчаларының β жайрағлары	Мүшаклар ва бошқа түгімдема хужайараларының глюкозаның үзәштирилүшін оширады, көнде канд міндорини камайтады, гликоғен тежамини оширады
			Гипофункция: канд диабеті Гиперфункция - гипогликемия, ходан тоини, мадор куриши, күзгалувчанлик, томир тортишици, терліш

**II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

1	2	3	4
4. Глюкагон	Мөнъя оси бези Лангерганс оролцаларининг ҳужайраларин	Жигар гликогениниң конглукозасыга айланышини стимуллаций	Гиперфункция: гипергликемия
5. Адреналин	Бүйрак устин беззарининг мия моддаси	Жигар ва мышаклар гликогенининг парчаланишини күчтүйкради. Симпатик нервлар таъсирини күчтүйтirdи	Гиперфункция: гипергликемия, пароксизмал өкитургун артериал гипертензия
6. Норадреналин	Бүйрак устин беззарининг мия моддаси	Көн томирларини торайтиради	Гиперфункция: тургун артериал гипертензия
7. Гидрокортизон	Бүйрак устин беззарининг пүстлөк моддаси	Гликонеогенезини стимуллайди	Гиперфункция: гипергликемия
8. Альдостерон	" "	Натрий за калий алмашынуванин ишора этади	Гиперфункция: артериал гипертензия
9. Дегидроэпиандростерон	" "	Андроген - эрек жинсин гормонларининг ривожланышыга күмак беради	Гиперфункция: аёлларда вирилизация, эркакларда феминизация Хар икки жинсдә вактидан аввал жинсий балоттагатта этиши
10. Ўчиш гормони (соматотроп гормон-СТГ)	Аденотипофиз	Сүйкىнинг ўспиши ва умумий ўсишиң ишора этади, оксиллар, ёт, ёғсимониар на карбонсулынан алмашынувига таъсир күрсегеди	Гиперфункция: гипофизар гигантазм ёки акромегалия. Гипофункция: ўсишининг түхтапши, лаканалик

1	2	3	4
11. Адренокортикотроп гормон (АКТГ)	""	Бүйрак усти безлари пүс-тогиининг ўсишими ва унда гормонлар хосил бўлишини стимулаиди	Бўйрак усти безлари гор-монларини каранг
12. Тиреострон гормон (ГТТ)	""	Карапонжимон бесининг ўсиши ва тироксин хосил килишини стимулаиди	К. Тироксин
13. Гонаадотроп гормон (фолликулапарни стимулловчи гормон - ФСГ)	""	Тухумдоңданги Графф пур-факчаларининг ўсишини, уругдомларда ург чиқа-рувчи тизимча (каналчаларнинг ўсишини стимулаиди)	Гипофизник: инфарнтил-лик, ёш кизларда хайз курмаслик, наслсизлик, ўтил болаларда - тухум-ларнинг гипоталазияси, жисмоний за жисоний тўла ривожланмаслик, нуксон
14. Гонаадотроп гормон (лютеинизантирувчи гормон-ЛГ)	""	Тухумдоңданда эстрогенлар хамда прогестероннинг ва уругдомларда тестосте-роннинг хосил бўлиши ва ажralишими идора этади	К. Эстрадиол
15. Гонаадотроп гормон (лютеотроп гормон-ЛТГ, пролактин)	""	Тухумдоңларда эстроген-лар хамда прогестеронни, шунингдек, сут хосил бўлиши ва оналик жиссёти-ни тъзмийлайди	Сут хосил бўлиши ва цик-лик жараёшларининг бузи-лиши
16. Окситоцин	Гипоталамус (нейрогино-физ)	Бачадон мушакларининг жискарниши ва сут ажрали	Тугиш фаслияти, лакта-циянинг бузилишилари, ўт

**II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

1	2	3	4
17. Вазопрессин	" "	шини стимуллайди	йүпарикинг дискинезияси Гипофункция: кандидз да- бет Гиперфункция: организм- да суюжликкынг түпшан- ши - шиши
18. Интремедин	Гипофизининг орка бұлғағи	Хромагофорларда пиг- ментарийнг тасымалани- шини стимуллайди	Гиперфункция: гипертиг- ментация
19. Тестостерон	Ургудоксарийнг интэр- стициал хужайрашары	Андроген - ёрқак жинсий белгиларининг ривожла- ниши ва сакланышчи стимуллайди	Жинсий беззарнинг гипо- функцияси: гипогонадизм (евнуходизм) ёрқаклар- да жинсий альянарнинг тұла етилмаслиги, аёл- ларда бәчадон ва уннан ор- тиктары етилмаслиги, хайз күрмаслик
20. Эстрadiол	Тухумлондар фолликула- лариниң көлөвчи хужай- ралар	Эстроген: аёл жинсий гормонларининг ривож- ланиши ва сакланышчи стимуллайди	Гиперфункция: вактдан аввал балогатта ётиш
21. Прогестерон	Тухумлондарнинг сарик танаси	Эстрadiол билан бирга тазьсир этиб, эстрадол ва хайз күриш (менструал) циклларни идора күлдеш	Гипофункция: белгілір (з-үзидан) бола ташшаш Гиперфункция: аменено- рея, сут беззары, бачаңон жамжыннан каталяшуви

текширилаётган аёлнинг эрталабки сийдигидан юборилади. Ҳомиладор аёлнинг сийдиги хорион (йўлдош) гонадотропинга тўйинганлиги туфайли сичқон гипофизининг қўйидаги уч хил реакцияси рўй беради:

1-реакция - фолликулалар ўсиб, етилади ва ёрилади. Бачадон катталашиган, тухумдонлар гиперемияланган.

2-реакция - тухумдон юзасидаги фолликулаларда қонли нукталарга ўхшашиб кон қўйилади.

3-реакция - фолликуляр ҳужайраларнинг лютеинлашган фолликулаларига қон қўйилади ва унда катталиги тарикдек нукталар кўринишидаги бўргик сариқ таналар ҳосил бўлади (лютеинизация, яъни балогатга етади). Ҳомиладорликни тасдиқлаш учун 2-ёки 3-реакция натижаларини олицининг ўзи кифоя.

Машгулот сўнгига кузатилган ва олинган натижаларни муҳокама қилиб, якун ясаш мумкин. Реакцияларни кўйиш вақтида назарий қисмга оид масалаларни батафсил муҳокама қилиш лозим ва бунда гормонларнинг номлари, физиологик таъсири ва ҳ.к. га оид маълумотлар келтирилган қўйидаги жадвални тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир.

## **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Гормонлартайсир этишининг механизмлари ва патологиядаги ўзгаришлари.
2. Организм фаолиятининг эндокрин бошқарлиши ва патологиядаги ўзгаришлари.
3. Гормонлар алмашинувининг босқичлари ва уларнинг бузилишлари.
4. Эндокрин системаси патологиясининг келиб чиқиш сабаблари (марказий ва периферик бошқаришининг бузилишлари).
5. Гормонларнинг ҳужайра плазматик мембранныдаги рецепторлар билан тайсир этиш механизмлари.
6. Гормонларнинг ҳужайра ичидаги рецепторлар блан тайсир этиш механизмлари.
7. Гипофиз гормонлари. Гипофиз патологиясида организмдаги асосий ўзгаришлар механизмлари.
8. Гипофиз гормонлари. Уларнинг бошқа эндокрин безлар фаолиятини бошқаришдаги аҳамияти ва бузилишлари.
9. Гипофиз олд қисмининг гиперфункцияси ва унинг кўринишлари.
10. Гипофиз гиперфункцияси ва унинг кўринишлари.
11. Стресс ҳақида тушунча. Адаптация жараёнларида эндокрин безларнинг аҳамияти.
12. Адаптацияда гипоталамо-гипофиз-буйрак усти бези системасининг роли ва аҳамияти.
13. Буйрак усти бези фаолияти бузилишининг этиологияси, патогенези ва асосий кўринишлари.
14. Қалқонсимон без гиперфункцияси. Аъзолар фаолиятининг ва моддалар алмашинувининг бузилишлари.

## **II КИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**15. Қалқонсмон без гипофункцияси, этиологияси, патогенези ва асосий күринишлари.**

### **8 БОБ НЕРВ (АСАБ) СИСТЕМАСИ ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ**

Нерв системаси фаолияттинг бузилишлари, аввало нерв ҳужайралари тузилиши ва метаболизмини ит-дан чиқариши мүмкін бўлган турли экзо- ҳамда эндоген омиллариниг таъсирига боғлиқ. Агар нерв системасининг фаолияти ҳамда унинг бузилишини ўзига хослигини назарга олинса, қуидагиларга ёттибор бериш лозим:

- нерв ҳужайраларида импульсларни ўтказувчи системалар фаолияттинг бузилиши. Бунда харакат потенциалларини ҳосил бўлиши (генерацияси) ва қўзгалишининг нерв толалари бўйлаб ўтишиб бузилади;
- синапс (қўшуви, биринкируви)лар фаолияттинг бузилиши. Унда қўзгатувчи ёки тормозловчи таъсирларини бир нейрондан иккинчисига ёки бошқа нерв ҳужайрасига ўтказиш бузилади;
- сезувчанликни барча турларининг бузилиши;
- трофик (оизиклантириш, ыодда алмашинувини таъминлаш) фаолияттинг бузилиши;
- вегетатив фаолияттинг бузилиши;
- МНС (марказий нерв система) нинг юқори функционал бўлимлари фаолияттинг бузилиши.

МНС нинг юқори бўлими - пўстлоқ ва пўстлоқ ости тузилмалари мураккаб рефлектор реакциялар орқали организмининг олий нерв фаолиятини (хулқ-ахлоқ, юриш-туриш, феъл-атвор, хатти-харакат, муомала)ни амалга оширади. Унинг пастки бўлимлари - пўстлоқ ости ядролари, мия ўзаги ва орқа миёда рефлектор реакциялар тутма, ирсий томондан мустаҳкамланган йўллар орқали амалга оширилади.

Ҳар хил касалликларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида МНС нинг функционал ҳолати мухим роль ўйнайди. Одам организмига доимо ижтимой, экологик ва ишлаб чиқаришга боғлиқ омиллар таъсири қилиб туради. Лекин бу таъсирлар меъёридан ошиб кетса, нерв системасининг зўрикишига ва натижада ноxуш оқибатларга олиб келиши мүмкін. Бундан ташқари, жамияттинг ҳозиргилик ривожланиши суръати кишининг жисмоний, ахлоқий ва рухий сифатларига ҳамда қобилиятларига жуда катта талаблар қўяди. Бу талабларни ба жарилиши шахснинг рухий ва жисмоний имкониятларини зўр бериб сараланишига олиб келади. Айрим экстремал ҳолатлар, шароитлар одамнинг стресс - ўта таъсирланиши ҳолатига сабаб бўлади.

Стресснинг физиологик, биокимёвий ва бошқа томонлари ўрганилган, лекин соглом кишиларнинг меҳнат фаолиятига, айниқса ақлий меҳнатга ва унга яқин соҳаларда мослашуву - адаптацияси ва дезадаптацияси - мослашувининг бузилишини етарли ўрганилган эмас. Меҳнатнинг бундай турлари кишининг нерв ва рухий фаолияти доирасига анча оғир талаблар қўяди.

**Зўриқишини** талаб қиладиган меҳнат фаолиятини ўрганишдан мақсад, биринчидан меҳнат жараёнида (оптимал) энг мақбул зўриқишини ва меҳнат натижасини таъминлаш бўлса, иккинчидан узоқ давом этадиган асабий руҳий зўриқишининг салбий оқибатларини олдини олишдир.

Асабий-руҳий зўриқиши даражаларини аниқлаш учун одамнинг нерв - руҳий ва соматик тузиљмаларини ҳар хил босқичларида бўладиган ўзгаришлар (мас., диққат-эътибор, хотира, кўл-оёқнинг қалтираши, сенсомотор реакциялар тезлигигина ўрганиш зарурдир. Бу эса асаб - руҳий зўриқишининг сабаби ва ривожланиш механизмларини аниқлашга ёрдам беради.

**Диққатрухий** функциялардан бири бўйиб, руҳий жараёнларга муҳим таъсир қилиши билан бирга, ўзи шу шахснинг хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Диққат - бу руҳиятнинг мувоффақиятли фаолияти учун керакли шартдир: у оламини билини фаолиятини мақсаддага мувофиқ ва бир нарсага жалб этилишини таъминлайди, қабул қилиш ва хотирани кучайтиради, фикр юритишни фаоллаштиради. Амалиётда диққатнинг ҳажми, барқарорлиги, концептралениши (диққатни маълум бир нарсага қаратиш) ва бир масаладан иккинчи масалага ўта билиш хусусиятлари ўрганилади.

**Хотира** туфайни киши онгида бошдан ўтган воқеликлар жамланади ва сақланади. Бу эса йигилган маълумотларни ўзига яраша - адекват боғлашга ва келажакни тўғри башиборат - прогноз қилингага ёрдам беради. Амалиётда қисқа ёки узоқ муддатли хотира турлари аниқланади.

**Тремор** - қалтираш организмни адаптация - мослашув жараёнлари ичida муҳим роль ўйнаб, энергияни идора қилиш тури ва даражасини акс эттиради ҳамда шахснинг ишлаш қобилияти ва толиқиши кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди.

Треморнинг хусусиятларига қараб, ҳаракатни идора этувчи З асосий даражани - сегментар, бульбар ва пўстлоқ фаолликлари, нисбати ҳамда идора этилишининг вертикал (тиқ) ва горизонтал (ётиқ) даражалари, информацион (ахборот) - энергетик муносабатлари ва одамни башка нерв - руҳий ҳолати кўрсаткичлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Треморнинг тақрорланиши ва амплитудаси (кatta-кичиклиги) бош мия пўстлоги сенсомотор қисмининг фаоллиги, интрапециев импульсация хусусияти ва сервосистема, яъни ёрдамчи система фаолиятига боғлиқдир.

**Сенсомотор реакциялар** бош миянинг пўстлоқ қисмидаги олинаётган ахборотларни ўтказиш тезлигини акс эттиради. Мельёрда меҳнат давомидаги туриши ёки ҳаракат реакцияларининг латент - яширии даври маълум қонуният бўйича ўзгаради: ишга киришиш даврида қисқаради, барқарор ишлаш даврида реакция даражаси сақланаб қолади, толиқиши даврида эса узаяди.

Ҳозирги вақтда жисмоний оғир меҳнат камайиб, ақлий меҳнатнинг саломги ортиб бормоқда. Ақлий меҳнат жараёнида мия фақат идора этувчи эмас, балки ишловчи аъзо ҳамдир. Меҳнат аввало МИС нинг функциясига таъсир этади. Натижада ҳар қандай ақлий меҳнат ҳам маълум даража нерв-эмоционал зўриқишига олиб келади.

**Эмоция** - ҳис-ҳаяжон - бу организмининг ташки ва ички таъсиrotларга

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

---

жавоб реакцияси бўлиб, аниқ субъектив онгдаги қиёфага эга ва ҳамма сезгиларни қамраб олади. Эмоционал ҳолат доимо вегетатив ва эндокрин реакциялар орқали юзага келади. Чунки ҳар қандай эмоционал қўзғалиш гипоталамус (юқори вегетатив марказ) билан боғлиқдир.

Меъерда эмоционал реакциялар маълум даражада кўринишга эга ва ҳар ҳил ҳаёт вазиятларига мос қелади. Эмоционал марказлардаги қўзғалиш жараёнлари маълум куч ва давомийликка эга. Улар ўзларига қарашли тормозлар тузилмалари томонидан назорат қилинади ва ўз вақтида идора этиб турилади.

Агар қандайдир сабаб натижасида эмоционал марказлар ҳаддан зиёд қўзғалса, яъни эмоционал стресс юз бсрса, МНС нинг фаолияти тургун бузилади, бу эса клиник томондан турли **неврозлар** сифатида намоён бўлиши мумкин.

Нерв системаси кўпчилик касалликларининг келиб чиқиши нервдаги асосий жараёнлар ва олий нерв фаолияти нормал хусусиятларининг функционал бузилишларига боғлиқдир. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўта зўриқиши ёки уларни бир-бири билан тўқнашуви натижасида неврозлар пайдо бўлади.

Қўзғалиш жараёнларининг ўта зўриқиши оғир кечинмалар, куйинишлар туфайли, айниқса касаллик ёки ўта чарчаш натижасида нерв системаси заифлашган бўлса вужудга келади. Бу вақтда оддий таъсиротлар ҳам невроз ҳолатига туртидир.

Тормозланиш жараёнларининг ўта зўриқиши эса қийин масалаларни ечиш, фарқлашда, мутассил қандайдир тақиқларга дуч келганда, барча нарсадан ҳафсалा пир бўлганда юз беради ва невроз ҳолатига олиб келади.

Нерв жараёнларининг хусусиятлари - ҳаракатчанлиги (подвижность) нинг ўта зўриқиши (-) ва (+) шартли рефлекслар жуда тез ва кетма-кет ўзгартирилганда, киши ҳаётини тубдан ўзгартирувчи кутилмаган ҳодисалар рўй бериши невротик ҳолатларга сабаб бўлади.

Зўриқиб меҳнат қилиш - бу руҳий иш вақтида юкламанинг физиологик қиммати кўрсаткичидир.

Шунингдек нерв зўриқиши деганда, аниқ меҳнат фаолиятини бажариша тўғридан-тўғри қатнашуви пўстлоқ тузилмаларининг фаоллашуви ҳам тушишилади.

Эмоционал зўриқиши альтернатив - муқобил (мавжуд болса, ўзгача) имкониятларни танлашга боғлиқ бўлган баҳолаш ва мотивацион фаолият жарфидан юзага келади. Бу эса аксарият фикр юритиб ечиладиган мураккаб масалаларни ҳал қилишлаги мухим бўгинидир.

Зўриқишининг кучайини (функцияларни адекват идора этилишининг бузилишини)га асосий сабаб меҳнат фаолиятини таъминловчи функционал системаларининг афферент, марказий ёки эфферент бўлимларига юкламанинг кўп тушишинидир.

Хоziри и замон инплаб чиқарини шарт-широитлари, суръатида нерв зўриқишинин асосий сабабларини оғина вақтинида кўнахборотиги қайта ишлани.

ишилаб чиқарып жараёнининг тезлашуви ва маъсулнитининг ошишидири.

Ишнинг юқори ритимда белгиланиши ҳам нерв зўриқишига олиб келади. Одам ўз йордаси билан зўриқиши ҳолатини бошқара олмайди, чунки эмоция (хис-ҳаяжон)ни ишга тушиши инсон онгидан ташқари, беихтиёр содир бўлади.

Агар киши олдида бирор қийин вазифа турсаю, лекин уни ҳал қилиш учун қобилият, тажриба, энергия ва вақт етарли бўлмаса, муттасил "зўриқиши ҳолати" юзага келади. Бу "зўриқиши" мақсаддага эришиниш учун организмнинг яширин резервларини ҳам ишга солади. Зўриқиши даражаси вазифанинг муҳимлигига ва вақт ресурсларига боғлиқдир.

Ресурслар - жамгармалар тақчиллиги камроқ бўлса яширин резервларининг ишга тушиши (мобилизацияси) адекват бўлади. Уни "1 - зўриқиши ҳолати" дейилади. Бунда вегетатив функцияларининг ўзгариши умумий ишлаш қобилиягини кучайтиради: артериал босим, ўпка вентиляцияси, кислородни истеъмол қилиш нисбатан ортади, диққат - эътибор кучайди, интеллектуал фаолият яхшиланади. Бу организм учун фойдалидир, чунки қўйилган масалани ҳал қилиш учун кўйлай шароит яратилади.

Агар қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун организмда ресурслар каму вазифа, масала жуда муҳим бўлса, юқори даражадаги - "2 -зўриқиши ҳолати" юзага келади. Бунда физиологик ўзгаришлар жуда кучли бўлиб, руҳий ҳолат ҳам ўзгаради, қаҳр-газаб пайдо бўлади ва организмининг энергетик ресурслари бутунлай ишга тушади. Вегетатив функциялар кучли ўзгаради - "вегетатив бўрон" рўй беради. Бу эса ўта оғир ҳолатдан чиқишга қаратилгандир.

Хозирги кунда одамлар олдида турган қийинчизлик - бу ақл -идрокий ва руҳий қийинчилклардир. Бунда энергетик резервларни ишга солилига ҳожат йўқ, лекин табиат бу ҳолатда кам энергетик ресурсларни ҳам ишга тушариб юборади. "Вегетатив бўрон" физиологик функцияларни идора этиши ишига зиён келтиради, бузади, катор касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундай "вегетатив бўрон"ни юмшатиш даркор. Лекин айрим кинилар "эмоционал ҳолатларида" ўз яқинларини хафа қиласи ва натижада эмоция "юмшатилади". Эмоциялар - хис-ҳаяжон онгдан ташқари ишга тушади. Шуннинг учун ҳам одам "зўриқиши ҳолатини" иктиёрий бошқара олмайди. Лекин буни бевосита идора этиш мумкин. мас., меҳнатни оқилюна ташкил эглиш, ишчига унинг ишлаш қобилиятига яраша иш берини, ишчининг маҳоратини ошириш, соглигини яхшилаш, ишни уҷабуронлик билан ташкил қилини. Булар одамнинг вақтидан аввал чарчашининг олдини олади. Мальумки, чарчоқ куайган сари "зўриқини" даражаси ҳам ортиб боради.

## АМАЛИЙ ҚИСМ

### 32 МАШГУЛОТ

**Мавзу.** Психик (руҳий) ҳамда психомотор (руҳий-харакат) фаолиятининг турли физиологияк юкламалар таъсиридаги ўзгаришлари ва уни нағуфизиология нутқаси назаридан талкин қидинини.

## **II ҚИСМ. ХУСУСИЙ ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ**

**Мақсад.** Турли ҳолатларда (тинч, жисмоний ва руҳий юкламалар таъсирида) организмнинг психик (руҳий) ҳамда психомотор фаолиятларининг байзи кўрсаткичлари (диққат, хотира, трепор, сенсомотор) реакцияларини ўрганиш ва аниқлаш усуllibарини ўзлаштириш.

**Вазифа.** Психофизиологик комплекс - ПФК - С1 ускунаси ёрдамида гурухдаги барча синалевчилар (талабалар)да марказий нерв системаси фаолиятини ифодаловчи қўйидаги кўрсаткичларни аниқлаш ва олинган маълумотларни синалевчиларнинг жинси, ёши, юкламаси ва куннинг қайси вактида аниқланганлигига қараб таҳлил этиши.

1. Диққатни бир нарсага жалб этилиш тезлигини аниқлаш:

- а) Шульте-Платонов усули (қизил ва кора жадвал орқали);
- б) корректура - тузатиш синови.

2. Оддий ва мураккаб кўз-ҳаракат реакцияларининг яширин даврини аниқлаш (ОКХР, МКХР).

3. Ҳаракатларнинг бир-бирига мос, тартибли ҳолда идора этилишини ва кўл трепори (қалтираш)ни аниқлаш.

4. Реакцияларга нисбатан хотирани аниқлаш. Бу усуllibарни бажариш учун керакли йўлланма ПФК - 01 аппарати кўлланмасида батағсил келтирилган.

Қўйида тажриба баённомасининг тасвирий шакли берилган.

### **Баённоманинг тасвирий шакли**

Синалевчининг исми, насаби	Жинси ва ёши	Шульте-Платонов синамаси	Тузатувчи синама	ОКХР	МКХР	Қалтираш	Рақамларга нисбатан хотира
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							
7.							
8.							
9.							
10.							

### **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Нерв системаси касалликларига олиб келувчи экзо-ва эндөген сабабларни айтинг.
2. Гипоксаня ва гипогликемиянинг нерв фаолияти учун аҳамияти.
3. Патологик кучайган генератор ҳақида тушунча беринг.
4. Нерв хужайраси ва ўтказувчи система функциясининг бузилиши.
5. Нарабиоз ва нерв толаси дегенерацияси ҳақида тушунча беринг.
6. Синапслар функциясининг бузилишига олиб келувчи омиллар.

7. Сезувчанликни ўтказувчи йўллар - системалар.
8. Огриқ сезувчи ва сезмайдиган тўқималар.
9. Огриқ ҳосил қилювчи моддалар.
10. Таламус ва уни огриқни сезишидаги роли.
11. Манжет билан томирлар қисилганда, нерв кесилганда каузалгия ва фантом огриқларнинг механизми.
12. Марказий нерв системасининг юқори бўлимлари фаолиятининг бузилиши, неврозлар.
13. Огриқнинг ижобий ва салбий томонлари.
14. Буйрак усти бези гормонларининг нерв системаси фаолиятига таъсири.
15. Нерв системаси фаолиятида аминокислоталарнинг аҳамияти (мисоллар келтиринг).
16. Нерв системаси фаолиятида витаминларнинг аҳамияти (мисоллар келтиринг).
17. Нерв системасини қўзгатувчи ва тормозловчи эндоген омиллар.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН КЕРАКЛИ АСБОБ-АНЖОМ ВА АППАРАТЛАР РҮЙХАТИ**

Сув ҳаммоми

Ваниача (кристаллизатор)

Тарозилар:

- а) ҳайронларни тортиш учун
- б) дорихона тарозиси
- в) аналитик - тақлил тарози
- г) төхник тарози

Резина көттөкча (ҳар хил ўлчамли)

Резина шланглари (ҳар хил диаметрли)

Конгейм тахтаси Зонд (сүмдан ясалган)

Бүйраксимон ковиши (идиш)

Меланжер-эритроцитлар учун аралаштиргич

Меланжер-лейкоцитлар учун аралаштиргич

Предмет ойнаси

Ўртаси ўйиқ предмет ойнаси

Шлиф (силлик)лаган предмет ойнаси

Қоллама шиша (ойна)

Соат ойнаси

Стеклограф (ойнага ёзадиган қалам)

Петри идиши

Термометр

Симобли тиббиёт термометри

Сув термометри (спиртли)

Электротермометр

Сали гемометри

Горяев сапани камераси

Комовский насоси

Симобли манометр

Пробиркалар учун штатив

Панжалы темир штатив

Стерилизатор

Жаррохлык иғналари (түгри)

Жаррохлык иғналари (эгри)

Иғнатутқыч

Кохер қисқычи

Энгельман ричаги

Түрли ҳайванларни маҳкамлаштыруш станок (дасттоҳ)лар

Корнцанг (қисқич)  
Майда ҳайвонлар учун қафаслар  
Қайчилар (хар хил)  
Пинцетлар (жаррохлик ва анатомик)  
Скальпель  
Секундомер  
Шприцлар (1 мл дан 10 мл гача)  
Шприцлар учун ҳар хил рақамли иғналар  
Эксикаторлар  
Зич ёпладиган (герметик) шиша банкалар (250, 100, 50 мл ли)  
Ҳар хил ҳажмли цилиндрлар (500, 250, 100, 50, 25 мл гача)  
Ҳар хил ўлчамли воронкалар  
Ҳар хил ҳажмли колбалар (50 мл дан 1 л гача)  
Ҳар хил ҳажмли кимёвий стаканлар (50 мл дан 1 л гача)  
Бюретка (50 мл ҳажмли)  
Пипетка - томизгичлар (1, 2, 5, 10 мл)  
Дори томизгич - пипетка  
Пастер томизгичи - пипеткаси  
Пробиркалар - оддий ва центрифуга учун  
Хованча  
Спиртовка  
Бюкслар  
Биологик микроскоп  
Термостат  
ФЭК аппарати  
Совиткич  
Центрифуга  
Диапроекторлар ("Свет", "Горизонт" ва б.)  
Рива-Роччи сфигмоманометри  
Куритувчи шкаф  
Кимограф  
Электрокардиограф  
Электростимулятор  
Фильтр қозоз  
Пахта  
Дока  
Бинтлар  
Ип (ипак ип - тикиш, боғлаш учун)

## **ХАЙВОНЛАР:**

1. Куёнлар
2. Денгиз чүчқаачалари
3. Каламушлар
4. Сичқонлар
5. Бақалар

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАЙЕРЛАШ ВА ҮТКАЗИШ УЧУН ЗАРУР РЕАКТИВЛАР ВА ФАРМОКОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР РҮЙХАТИ**

**АДГ - антидиуретик гормон  
Азур - зозин (Романовский бүйича)**

**Аллоксан**

**Аммиак (концентранган, сувли)**

**Аммоний хлорид**

**Амидопирин**

**Атропин сульфат**

**Ацетилхолин хлорид**

**Бромкрезол пурпур (индикатор)**

**Вазелин**

**Вазелин мойи**

**Гексенал**

**Гепарин**

**Гистамин**

**Глицерин**

**Глюкоза**

**Желатина**

**Инсулин**

**Иод**

**Калий бихромат**

**Калий дигидрофосфат**

**Калий перманганат**

**Кальций хлорид**

**Камфора мойи (ампулаларда)**

**Крахмал**

**Магний сульфат**

**Май-Грюнвальд бүёги**

**Метилен күки**

**Мис сульфат**

**Натрий гидрокарбонат (бикарбонат)**

**Натрий гидроксид (ўювчи натрий)**

**Натрий карбонат**

Натрий-калий тартарат (сегнет түзи)  
Натрий нитрит  
Натрий дигидрофосфат  
Натрий гидрофосфат  
Натрий нитропруссид  
Натрий хлорид  
Натрий цитрат  
Нитрат кислота  
Нейтрал қизил (индикатор)  
От кони зардоби  
Парафин  
Пентон  
Пирогенал  
Сарық қон түзи  
Симоб (металл ҳолдаги)  
Сирка кислота  
Спирт денатурат  
Сувзиз темир (III) хлорид  
Сульфат кислота  
Сульфонил кислота  
Сульфосалицил кислота  
Толуол (ёки ксилюл)  
Углерод (IV) хлорид  
Үт (тиббиёт үти)  
Уч хлор сирка кислота  
Фенол қизил (индикатор)  
Формалин  
Хлороформ  
Хлорид кислота  
Эфир  
Этанол (этил спирти)  
Ялтироқ креазил күк

## **МУНДАРИЖА**

Сўз боши .....	3
Кириш машгулоти .....	5
I қисм. умумий патологик физиология .....	9
1-боб. Этиология ва патогенез (қисқача назарий ахборот) .....	9
2-боб. Шикастланиш ва хўжайра патофизиологияси .....	16
3-боб. Кон айланишининг маҳаллий бузилишлари .....	20
4-боб. Реактивлик ва унинг патологиядаги роли .....	34
5-боб. Яллигланиш .....	44
6-боб. Моддалар алмашинувининг типик бузилишлари .....	55
7-боб. Иситма .....	74
II қисм. Хусусий патологик физиология .....	80
1-боб. Оқ қон патологияси .....	80
2-боб. Қизил қон патологияси .....	93
3-боб. Қон айланиш системасининг патофизиологияси .....	109
4-боб. Нафас системасининг патофизиологияси .....	121
5-боб. Жигар патофизиологияси .....	128
6-боб. Буйрак патофизиологияси .....	137
7-боб. Эндокрин безлар (ички секреция безлари) системаси- нинг патологик физиологияси .....	146
8-боб. Нерв (асаб) системаси патофизиологияси .....	154
Амалий машгулотларни ўтказиш учун керакли асбоб-анжом ва аппаратлар рўйхати .....	160
Амалий машгулотларни тайёрлаш ва ўтказиш учун зарур реак- тивлар ва фармакологик препаратлар рўйхати .....	162

Муҳаррир Н.Ф.Рўзимуҳамедова

Дизайнер-муҳаррир А.Д.Дурманов

Компьютерда терувчи Ю.Г.Назарова, И.В.Пак

2-ТошДавТИ нинг муҳарририят-нашириёт бўлими,  
700109, Тошкент, Форобий кўч., 2.

Когоz бичими 60x84 1/16. Босма табоқ 10,25. Тиражи 3000.  
Баҳоси шартнома асосида